

К. Маҳмудов

Қизиқарли  
ПАЗАНДАЛИК



ТОШКЕНТ «УҚИТУВЧИ» 1987

**Такризчилар:**

этнограф, тарих фанлари кандидати Б. Амиянов.  
Тошкент шаҳар, 55 -ошибазлик билим юртининг  
директори Б. Зиёвуддинов.  
Уста пазанда, Тошкент шаҳар, «Гулистан» ресто-  
ранининг директори Р. Убайдуллаев.

**МУАЛЛИФДАН**

Пазандалик озиқ-овқат программасига бевосита боғлиқ соҳадир, эътиборингизни «СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган озиқ-овқат программаси» да айтилган қўйидаги сўзларга тортмоқчимиз:

«Совет кишисининг овқатланиш рациони калориялиги жиҳатидан физиологик нормаларга мувофиқ келади.

Энди партия мамлакатнинг юқсалган иқтисодий потенциалидан фойдаланиб аҳолини ҳамма турдаги озиқ-овқат билан имкони борича қисқа муддатларда барқаюр таъминлашни йўлга қўйиш, совет кишиларининг овқатланиш структурасини энг қимматли маҳсулотлар ҳиобига анча яхшилаш вазифасини қўймоқда...

...Иқтисод ва тежамкорлик учун курашишдан, маҳсусот етиштириш, қайта ишлаш ва сақлашнинг илгор технологиясини кенг жорий этиш, қишлоқ хўжалик маҳсусотининг нобуд бўлишини қисқартириш.,, қишлоқдаги юциал-майиший турмуш шароитларини янада яхшилаштириб ойборат»<sup>1</sup>.

Албатта, бу гаплар ичida «пазандалик» деган сўз иштилмаган бўлса-да, бироқ «овқатланиш рациони» зиқ-овқат билан таъминлаш», «овқатланиш структура-

M 4802000000 --- 106  
353(04) --- 87 84-87

«Ўқитувчи» нашриёти, 1987.

сими яхшилаш», «иқтисод ва тежамкорлик», «масаллиқларни қайта ишлаш ва тежаш» каби иборалар таом тайёрлаш илмининг ушбу Программани амалга өширишда муҳим роль ўйнашини кўрсатиб турибди.

Маълумки, озиқ-овқат мўл-кўлчилигини таъминлаш, ясрash, қайта ишлаш, исроф қилмаслик каби масалаларни одамзод ўзининг пайдо бўлган даврлариданоқ ҳал қилишга уриниб келади. Бизнинг давримизда бу масалаларга илмий ёндашиб, юксак муваффақиятларга эришилмоқда. Илгари мана шу масалалар эмпирик тарзда «ҳал қилинар» эди. Китобда турли мамлакатлардаги турли шароитларда ҳамда ўзгача ижтимоий-иқтисодий тузумда яшаган халқларнинг бу масалаларни ҳал қилишига оид лавҳалар, ҳикоялар, тарихий ва этнографик материаллар берилади.

«Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида: «Мактаб тежамкор хўжалик ходими бўлиш, жамоат бойлиги ва она табиатга,.. озиқ-овқат маҳсулотларига, айниқса нонга ғамхўрлик ва тежамкорлик билан қараш фазилатини тарбиялаб, вояга етказиши керак»<sup>1</sup> — дейилади. Тежамкорлик, озиқ-овқат масаллиқларига ғамхўрлик ва нонга ҳурмат борасида жаҳон пазандалигидан келтирилган мисоллар ушбу китобда анчагина. Лойиҳада яна касб танлаш тўғрисида гап юритилади. Бизда янгидан-янги заводлар, фабрикалар, совхозлар қурилмоқда ва буларнинг қошида мактаблар, яслилар, боғчалар ташкил этилмоқда, ҳар бир корхона ҳамда муассасанинг албатта ўз ошхонаси бор, буларга ошпаз кадрлар жуда кўп керак бўлади. Шунинг учун китобда касб танлаш чегарасида турган ўқувчиларни ошпазлик ҳунарига қизиқтириш ва пазандаликнинг санъат эканини исботлашга қаратилган кўплаб фактлар келтирилади. Айниқса «Рўзгоршунослик»дан дарс берув-

<sup>1</sup> «Совет Узбекистони», 1984 йил 5 январь

чи ўқитувчилар учун, пазандалик билим юртлари ҳамда ошпазлик мактабларининг ўқувчилари учун касбни улуглаш борасида анчагина мисоллар келтирилади. Одамларнинг қандай овқатланиши халқ моддий фаровонлигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Шундай экан, пазандалик ҳар бир халқнинг шугулланадиган хўжалик тишига (овчиликми, чорвачиликми, деҳқончиликми), яъни она табиатдан масаллиқларни қай тарзда ундириб олиш усулига боғлиқ ҳолда келиб чиқади ва ривожланади. Сирасини айтганда, овқатланиш одамларнинг қандай усульда моддий неъмат ишлаб чиқаришларига ва не хил табиий шароитларда истиқомат қилаётганликларига боғлиқ шаклланади. Бу ҳол «Овқатланиш модели» деб юритилади. Чунончи, чорвадор халқлар кўпроқ гўшти, ёғли, сутли, қатиқли, таомларни истеъмол қилишга мослашгандар, деҳқончилик билан машғул бўлганларнинг овқатланиш модели эса асосан дон-дун, сабзавот ҳамда мевалардан иборат бўлади. Ёки иссиқ минтақаларда яшовчи халқлар кўпроқ мева-чева, енгил овқатлар, ўз шароитида мавжуд бўлган ҳайвонотларнинг гўштини истеъмол қилишга одатланишган бўлса, денгиз соҳилларида яшовчи аҳолининг овқатланиш модели асосан балиқ, денгиз ҳайвонлариниң бошқа турлари ва ўсимликлардан иборат бўлади.


Натижада турли миллат пазандачилигида ҳадсиз антиқа таомлар ижод этилади. Масалан, жаҳонда шундай халқлар борки, сиз билан биз мутлақо оғизга олиб бўлмайди, деб ҳисоблайдиган масаллиқлардан ажойиб таомлар тайёрлашни билишади ва ҳузур қилиб ейишади. Овқатланиш модели этнография фанининг учта асосий аспектларидан биринчисидир. Китобда ана шунга оид талайгина материаллар берилади.

Пазандалик ҳар бир халқнинг турмуш маданияти доирасидаги эстетик, ахлоқий, эътиқодий алоқаларни ифодаловчи расм-руссум, анъаналар, меҳмондўстлик каби бир қатор урф-одатлари, халқнинг турмуш тарзи ва ҳатто та-

рихига боғлиқ бўлади. Бинобарни, овқатланиш модели билан бирга пазандалик санъатини ўрганиш мазкур миллатнинг характеристини очишга ёрдам беради. Китобда уйбекалари, ҳаваскор пазандалар, ҳатто мутахассис ошпазлар ҳам билиб қўйсалар фойдадан ҳоли бўлмайдиган маълумотлар жамлангандир. Сиз бу китобдан келин танлашга восита бўлган таомлар, масаллиқ пуллар, муқаддас ва шарафли деб ҳисобланадиган овқатлар, одамларнинг номи билан аталадиган таомлар, пазандалик равнақига ҳисса қўшган машҳур одамлар, севикли таоми деб ҳалок бўлган кишилар, рамзий масаллиқлар ва бошқалар ҳақида маълумотлар оласиз.

Сиз ҳар гал таом тайёрлаганингизда ёки ҳузур қилиб танаввул этганингизда ушбу таомни ким ва қачон, қандай ижод этган, деган масала устида бош қотириб ўтирумайсиз, албатта. Бироқ таом ижод этиш ғоят мурракаб иш. Бинобарин, ўқувчилар қадимда пазандаларнинг янги таомларни ижод этишлари билан боғлиқ бўлган воқеалардан воқиф бўлсалар, ҳамда ўзбек пазандалигида ишлатиладиган масаллиқларнинг баъзи лари қачон ва қаердан келиб қолганлигини билиб олсалар, фойдадан ҳоли бўлмас, деб ўйлаймиз.

Бизнинг давримиз илмий-техника равнақи даври бўлганингидан ҳам истеъмолдаги овқатларимизга бе-фарқ қарамасдан, балки фан нуқтаи назаридан ёндешини мұҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан китобда ҳар бир пазанда ҳам, ҳар бир хўранда ҳам пиширилаётган ва ейилаётган таомга фақат қорин тўйдирувчи нарса деб қарамасдан, балки шифо ҳам эканлигини билиб олишларига оид илмий далилларни келтириш автор олдига қўйилган вазифалардан бири эди.



## I. ПАЗАНДАЛИК САНЪАТИ

### Пазандалик таърифи

Негадир кўпчилик пазандаликка косибчиликка ўхшаган бир ҳунар деб қарайди. Ҳунарликка ҳунарку-я, бироқ бу ҳунарнинг бошқа соҳалардан кескин фарқ қиласидиган ўзига хос томонлари бор. Айтиш мумкинки, пазандалик ҳам бир санъат, яъни косиб ўз фаолиятида меҳнат малақаси, тажрибасига таяниб иш кўради. Пазанда ҳам шундай, лекин масаллиқларни саралаб, юваб, арчиб, тўғраб, пишириб дастурхонга тортишгача бўлган барча жараёнларда у ўз маҳоратига, истеъододи ва дидига таянади. Буни қўйидагича тушунтириш мумкин, яъни косиблар ўз ишларининг натижаси бўлган предметларни доим бир қолипда, ўзгартиришсиз ясай берадилар (агар билимларини, орттириб, ясаётган буюмларига ўзгартириш киритиб, янги моделлар устида излансалар эди — улар ҳам ижод қилган бўлардилар). Маълумки, санъаткорларда ижод доимо асосий ўринда туради. Чунончи, бир хил ролни ижро этадиган бир неча актёр ўз қаҳрамонини ўзича талқин қилиб, персонаж характеристини ўз ижрочилик санъати заминида турлича очади.

Худди шунга ўхшаш бир хил таом тайёрлаётган турли пазандаларнинг ҳар бири ўзининг пазандалик маҳоратига кўра шу таомнинг лаззатли, тўйимли, ташқи кўриниши ва бошқаларга ўз услуби, ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Бинобарин, истеъдодли пазандалар бундайроқ масаллиқлардан ҳам дурустrok таом тайёрлай олишлари, ёки аксинча, истеъдодсизлари эса сифатли масаллиқлардан бемаза таом тайёрлаб қўйишли мумкин.

Пазандалар ҳам санъаткорлар каби ўзлари тайёрланган таомларини вақт-вақти билан намойиш қилиб, кўрик-конкурсларда мусобақалашиб турадилар. Голиб чиққанлар муносиб тақдирланади ва талантiga қараб махсус пазандалик мактабларини битирмаган бўлсалар ҳам макалали оширилади, уларга биринчи классли ресторонларда ишлаш ҳуқуқи берилиши мумкин.

Пазандаликнинг бошқа санъат тармоқлари каби ўзига хос «жанрлари» ҳам бор, булар ўзбек пазандалигига ошпазлик, паловпазлик, кабабпазлик, нонвойлик (нонпазлик), қандолатчилик (шакарпазлик), мантипазлик, яхнапазлик кабиладир.

Ошпаз қуюқ-суюқ овқатларнинг барчасини тайёрлашга моҳир бўлади. Паловпаз турли хил палов ва шовланинг хилларини тайёрлашни билади. Самсапаз ўнларча сомсалар, кабобпаз, ҳар турдаги кабоблар пиширишнинг устаси. Нонвой тандир нонларнинг — оби, ширмой, гизда, патир каби кўп хилларини ёпа олса, қандолатчилар ҳолвадан новвотгача бўлган ширинликларни тайёрлай олади, мантипаз манти, чувара каби таомларнинг ўнлаб турини тайёрлашни билса, яхнапаз эса гўшт, қази, хасиг, калла-поча каби турли таомлардан яхна овқат тайёрлай олади. Мана шу пазандалик жанрларининг барчасидан хабардор мутахассислар умумий ном билан *пазанда* деб юритилади. Агар улардан фақат биттасини эгаллаган бўлсалар, унда тегишли жанр номи билан: ошпаз, паловпаз, кабобпаз, нонвой ва ҳоказо деб аталади.

Пазандалик форс-тоҷик тилидан олинган «пазидан» (пишириш) феълининг ноаниқ формасига ўзбекча «лик» суффикси қўшилмасидан таркиб топган бўлиб, «пиширишмоқлик» деган маънони англатади ва у шундай търифланади: *Пазандалик санъати деб, ўсимлик ва ҳайвонот масаллиқларидан инсон аъзолари учун зарур бўлган, меҳнат ва яшаш қобилиятини орттирадиган турли хил лаззатли, тўйимли ва покиза таомларни тайёрлаши ҳамда*

*дид бўлган оастурхонга тузанинг муайян усувлари йигиндисига айтилади.*

Пазандалик санъати инсониятнинг энг қадимги фаолиятларидан бири бўлиб, унинг ривожланиши ҳар доим жамият иқтисодий равнақига боғлиқ бўлган. Ўтган барча ижтимои-иқтисодий формацияларда ҳам таомларнинг хилма-хиллиги, сифати инсоннинг ҳаёт кечиришида муҳим восита бўлиб хизмат қилган. Инсон барча тирик орнизмлар каби ташқи муҳит қуршовида яшайди. Ташқи муҳит шароитлари орасида инсон аъзоларига доимий ва энг муҳим таъсир қилиб турадигани таомдир. Ташқи муҳит шароитларининг бошқа жабҳаларидан фарқли ўлароқ, киши овқатлангандан сўнг энди таом ички муҳит шароитига айланади. Натижада овқат таркибидаги элементлар аъзоларимиз билан уйғунашиб, физиологик фаолиятимизни таъминлайдиган энергия ҳосил қиласди. Шунинг учун ҳам овқатланиш одам сиҳат-саломатлигининг ва узоқ умр кўришининг гарови, яхши кайфиятининг воситаси, энг муҳими меҳнатга бўлган қобилиятининг омилидир. Одам узоқ вақт овқатланмаса — ҳаёти тугайди, оз, иочор, нотўғри овқатланса ёки аксинча кўп, пала-партиш овқат еса турли касалликларга дучор бўлади. Шундай экан, пазандалик санъати орқали таомларни қоидали қилиб тайёрлаш уларнинг парҳезли хусусиятини келтириб чиқаради, одамларнинг режали истеъмол қилиши эса ҳар бир таомнинг шифобахшлик хусусиятини орттиради. Бинобарин, таом тайёрлаш ва уни истеъмол қилиш ҳам табиий, ҳам ижтимоий характеристерга эга бўлган муҳим масаладир. Ушбу масаланинг тўғри ҳал қилинишида пазандалик муҳим роль ўйнайди.

### Оловнинг кашф қилиниши

Пазандалик аксарият пишириш билан боғлиқ бўлганлиги учун унинг тарихи албатта оловнинг кашф қилинишига бориб тақалади. Бизга тарихдан маълумки, ибтидоий одамлар оловни кашф қилмасларидан аввалроқ оловдан фойдаланганлар. Бу албатта табиий олов эди. Яшин оқибатида ўрмонларга ўт кетиши, вулқон лаваларининг қайнаши табиий энергия манбай бўлган эдик, ибтидоий одамлар буларнинг ёруғлиги ва иссиқлигидан фойдаланишларига имкон туғилиб қолган. Ҳали тошни тошга ишқалаб, олов ҳосил қилгунга қадар ана шу табиатнинг ўзида ҳосил бўлган олов уларга асқотган. Жаҳон-

нинг кўнгина жойларида олиб борилган археологик қазималар натижасида қалинлиги то 10 метргача етадиган кул қаталамлари топилганлиги маълум. Бу шу билан изоҳланадики, ибтидоий одамлар табиий олов ўчиб қолмаслиги учун унга узоқ вақт шох-шаббалар ташлаб турганлар ва зарурат туғилганда ундан фойдаланаверган бўлишлари керак.

Үша кезларда ўрмонларнинг ёниши натижасида пишиб қолган ҳайвон гүштини тотиб кўрган ёки масаллиқни хомлигидан кўра пинирилгани лаззатли эканлигига ақли етган ибтидоий одам дастлабки пазандада ҳисобланади. Ибтидоий даврининг ўрта босқичига келиб одамлар тошни тошга, ёғочни ёғочга ва бошқа қаттиқ нарсаларни бир-бирига ишқалаш натижасида олов ҳосил қилишини ўрганиб оладилар. Олов кашф қилингандан сўнг овлаб олинган турли ҳайвонот гүштлари ва балиқни доим пишган ҳолида истеъмол қилина бошланди.

Ф. Энгельс ўзининг «Маймуннинг одамга айланиш процессида меҳнатнинг роли» номли машҳур асарида шундай ёзади: «Гўштлик овқат истеъмол қилиш ҳал қи-  
лувчи аҳамиятга эга бўлган икки янги ютуққа: оловдан  
фойдаланишга ва ҳайвонларни қўлга ўргатишга сабаб  
бўлади. Биринчиси овқат ҳазм қилиш процессини яна  
ҳам қисқартириди, чунки у оғизга ярим ҳазм қилинган  
ҳолдаги овқатни тайёрлаб берди, дейиш мумкин; иккinci  
еса гўштлик овқат запасини кўпайтириди, чунки ов-  
чилик билан бир қаторда мунтазам суратда озиқ олиб  
туриш мумкин бўлган янги манба очди, бундан ташқари  
сут ва унинг маҳсулотларидан иборат бўлган, ўз тарки-  
би жиҳатидан кам деганда, гўштга баробар келадиган  
янги озиқ-овқат берди. Шундай қилиб, бу ҳар иккала  
ютуқ одам учун тўғридан-тўғри янги эмансипация\* воси-  
талари бўлди<sup>1</sup>.

Оловнинг кашф қилиниши чорвачилик каби эмансипация воситасидан ташқари яна деҳқончилик эмансипацияси ҳам келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундан ташқари яна оловдан фойдаланиб, одамлар гишт пишириш, ку-

\* Эманципация— ибтидоий одамларининг табиат қуллигидан халос бўлишларини таъминлайдиган воситалар, масалан оловдан фойдаланиш, чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва бошқалар.

<sup>1</sup> Ф. Энгельс. «Маймуннинг одамга айланиши процессида меҳнатнинг роли» К. Маркс., Ф. Энгельс. Танланган асарлар, Т. II, Т. 1959 йил, 87-бет.

лолчиллик қилиш, маъданлардан металл эритиш имкониятига ҳам эга бўладилар, бу эса уларни ўртоқ бўлишлариға, кўчманчилликни тарк этиб бир жойда муқим яшаб, дехқончиллик билан шугулланишларига сабаб бўлади. Ана энди овчиликдан чорвачиликка, териб-термачлашдан дехқончилликка ўтиш эса пазандаликнинг равнақига катта имкониятлар туғдиради. Оловнинг кашф қилинishi табиатни тобора ўзлаштириб бориш учун катта энергия манбаи сифатида ҳам хизмат қиласиди. Олов ёввойи ҳайвонлардан ўзини ҳимоя қилишининг ҳам ўзига хос қуроли бўлган. Олов туфайли одамлар иссиқ минтақалардан совуқ минтақаларга бориб яшаш имкониятига эга бўладилар.

Одамларга олов ҳамроҳ экан, дараҳтларни кесиб ёкишгина эмас, энергия манбаи бўлган ўрмонларга қараш, дараҳт ўстириш, кейинчалик эса ер ости ёқилгилари (кўмир, нефть, газ) ни ковлаб олиш, ёнилги манбаи электр станциялар қуришни ўрганиб олдилар. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида пазандаликнинг тобора равнақ топишига кенг йўл оча бошлади. Яъни ана шу юқорида атаб ўтилган эмансиپация воситаларининг барчаси, масалан чорвачилик билан деҳқончилик пазандалик учун масаллиқ манбаи бўлган бўлса, кулолчилик билан темирчилик эса пазандалик учун идиш-товоқ, қозон ва ҳар турли асбоб-ускуналарни муҳайё қиласидиган бўлди. Ўз-ўзидан маълумки, ўрмончилик (ўтин), кончиклиқ (кўмир, нефть, газ) ва электр станциялар қуриш таом пишириш учун энергия манбандир.

## Чорвачиликнинг келиб чикиши

Пазандалик оловсиз тараққиёт эта олмагани каби чор-  
вачилик ва деҳқончиликсиз ҳам ривожлана олмас эди.  
Ўз-ўзидан маълумки, хўжаликнинг бу икки соҳаси па-  
зандалик учун турли табият неъматларидан масаллиқ-  
лар етишириб беришга қаратилгандир. Териб-тер-  
мачлаш билан машғул бўлган ибтидоий одамлар ёлғиз  
ўсимлик мевалари, уларнинг тана ва илдизларинигина  
йигмасдан, айрим секин ҳаракат қиласидаган майдо ҳай-  
вонларни (чувалчанг, мидия ва б.) ҳам териб еб юрган-  
лар, албатта. Ибтидоий жамоа тузуми ишлаб чиқарувчи  
кучларининг ўша даври тараққиёт даражасига кўра  
бамисоли ҳайвонлар сингари одамлар ҳам ўзлаштирувчи

хўжалик олиб борганлар. Яъни табиатдаги барча тайёр нарсаларни шундайлигича меҳнатсиз олиб яшашга мажбур бўлганлар.

Агар аждодларимиз шу тарзда қолиб кетаверсалар эди, уларнинг ҳайвонлардан ҳеч фарқи қолмаган ва жамият ҳам ривожланмай қолаверган бўлур эди. Узоқ-узоқларга кўчib юриб-териб-термачилик қилина бергач, барни бир, осонликча ўзлаштириб олинадиган атрофдаги масаллиқлар тугайди. Энди тез югурувчи, учувчи ва сувда сузуви ҳайвонларни овлаш зарурияти туғилади. Бунинг учун эса қуролдан фойдаланиш керак бўлиб қолади. Қурол ясаш — бу энди меҳнатнинг бошланишидир. Овчилик ва балиқчилик орқали овқат хиллари кўпайди ва нуқул ўсимликдан олинадиган тайёр маҳсулотларга ўрганиб қолишлика барҳам берилди, бу эса ўз навбатида инсон миссининг янада такомиллашув шартларини вужудга келтирди. Витаминдор мевалар, крахмалли илдизлар ва дон-дунларга энди оқсилдор гўшт ҳам келиб қўшилди.

Тош даврида одамларнинг турлича группалари оила, уругларга бирлашиб дарё водийлари, денгиз соҳилларидан, шунингдек ҳайвонларга бой ўрмонларда истиқомат қилганлар. Ниҳоят шундай бир давр бошланганки, атрофда овланадиган ҳайвонлар ҳам озайиб кетганлиги сабабли уларни ўлдириб юбормасдан тирик тутиш ва чуқур жойларда, тоғ дараларида ходалардан тўсилган ғовлар ясалиб, уларнинг ичда шу ҳайвонларни боқиб урчтила бошланган. Худди мана шу ҳол чорвачиликнинг ибтидоисидир. Бу давр варварликнинг ўрта босқичи даври бўлиб, у Шарқий ярим шар учун характеридир. «Шарқда варварликнинг ўрта босқичи сут ва гўшт берадиган ҳайвонларни қўлга ўргатишдан бошланган, — деб уқтиради Ф. Энгельс. Ҳайвонларни қўлга ўргатиш ва урчтиш ҳамда катта-катта подалар ташкил қилиш айтидан, орийлар билан семитларга бошқа варварлардан ажralиб чиқишига имкон берган бўлса керак. Европа ва Осиё орийларида ҳайвонларнинг номлари ҳали бир хил, аммо экиб ўстириладиган ўсимликларнинг номлари деярли ҳеч қачон бир хил бўлмаган.

Подаларнинг пайдо бўлиши чўпонлик ҳаёти учун яроқли жойларда: семитларда — Фрот ва Дажла соҳилларидаги ўтли текисликларда, орийларда — Ҳиндистондаги, шунингдек Оқсус ва Яксарт (Амударё ва

Сирдарё); Дон ва Днепр соҳилларидаги худди шундай текисликларда чўпонлик ҳаётига олиб келди<sup>1</sup>.

Одамлар асосан ёввойи ҳайвонларни, кўп ҳолларда умуртқалилар (сут эмизувчилар ва қушлар)ни қўлга ўргатинига уринганлар. Ит ва мушуклар эса одамлар яниайдиган манзиллар яқинида нишхўрд овқат топилиши сабабли ўзлари уларга яқинлашаверганлар. Чорвачилик овқат запасини янада кўпайтиради, гўшт, ёғдан ташқари яна сут ва тухум истеъмол қилишга имкон беради. Ҳайвонларнинг терисидан кийим сифатида фойдаланилган. Оловдан фойдаланишин ўрганиб олган одамлар энди иқлими совуқроқ мintaқалarda ҳам яшай бошлаганлар.

Чорвачилик меҳнат тақсимотининг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлди. Овчилик билан машрут бўлган эркакларнинг зиммасига чорвачилик ҳам тушди, аёллар эса унча оғир бўлмаган ишлар, чунончи сут согиши, қатиқ ивитиши, гўшт пишириш билан машғул бўлганлар. Чорвачилик пазандаликни янада ривожлантириши билан бирга эмансипация воситаси сифатида дехқончиликнинг равнақ топшишига ҳам сабаб бўлди.

### Дехқончиликнинг келиб чиқиши

Кишиликтининг илк даврларида ёк меҳнат жинсга ва ёшга қараб тақсимланган. Бунда хавфлироқ ва кўпроқ жисмоний куч талаб қиласидиган овчилик билан эркаклар шугулланган бўлсалар, нисбатан енгилроқ териб-термачлаш билан аёллар ва қариялар машгул бўлганлар. Ийғиб-териб келинган овқат қолдиқлари, илдиз, данак, уругларни яшаб турган манзиллар атрофига ташлаш натижасида униб чиқиши ибтидоий аёлларда: «буларни экиб кўпайтиrsa бўлар экан-да» деган фикрнинг түғилишига сабаб бўлган бўлиши керак.

Пазандалик билан чамбарчас боғлиқ бўлган, унга ўсимлик масаллиқлари етказиб берадиган соҳа — дехқончиликни асосан аёллар кашф қилганлар. Фикримизнинг исботи учун ушбу мисолни келтирасак бўлади. Жанубий Америкада яшовчи арикара номли ҳинду қабилаларида дехқончилик ҳозиргача ҳам аёллар иши ҳисобланиб келинар экан.

<sup>1</sup> К. Маркс ва Ф. Энгельс. «Уч томлик танланган асарлар», «Узбекистон» нашриёти, 1981 й, 3-том, 238—239-бетлар.

Ёввойи бошоқли экинларни муттасил экиб кўпайтириш эрамиздан тақрибан 10.000—15.000 йил муқаддам бошланган. Экинни экиб кўпайтириш янги меҳнат қуролларининг кашф этилишига сабаб бўлган. Тош болта, чўқмор ўрнига энди бронза кетмон, белкурак ёки омочдан фойдаланила бошланди. Деҳқончилик одамларни ўтроқ бўлиб яшашларига сабаб бўлди, бу эса маданиятнинг равнақ тоғишига, бутун бошли қишлоқлар пайдо бўлишига олиб келди. Фақат дон-дунларнингина эмас, балки сабзавотларни, гул мевали ҳамда илдиз мевали ўсимликларни ҳам маданийлаштирилиши натижасида инсон таомномаси борган сари мураккаблаша бошлади. Илгари ёввойи ҳолда ўсган мевали бута ва дараҳтлар энди боғ-роғларни ташкил қила бошлади. Тарик, арпа, буғдой, макка, шоли каби крахмал берадиган бошоқли донларнинг катта-катта майдонлари пайдо бўла бошлади. Ловия, соя, мош, нўхат, ясмиқ каби оқсил берадиган дуккаклилар, шакар қамиши, қанд лавлагиси, қовун, тарвуз, хурмо каби ширинликка бой ўсимликлар, кунгабоқар, зигир, кунжут, ерёнгоқ, зйтун, паҳта ва бошқа ёғ берадиган ўсимликлар, карам, сабзи, шолғом, турп, помидор, пиёз ва бошқа кўпгина витамин, минерал моддалар берадиган сабзавотлар минг йиллар давомида қайта-қайта экилиб сунъий равишда, янги-янги новлар олина бошланди. Деҳқончиликнинг ибтидоси дастлаб Гарбий ярим шарда бошланиб, бу ҳам варварликнинг ўрта босқичига тўғри келади. Бу босқич... «гарбда овқат бўладиган экинларни сугориш воситаси билан экишдан бошланади,— дейди Ф. Энгельс.— Янги Мексикадаги пуэбло деб аталадиган ҳиндулар, мексикаликлар, Марказий Америка аҳолилари ва перуликлар истило вақтида варварликнинг ўрта босқичида турар эдилар: улар... сунъий равишда сугориладиган полизларда ўзларининг асосий озиқ-овқат манбалари бўлган маккажӯхори ва турган жойлари ҳамда иқлимга қараб, овқат бўладиган бошқа экинлар экиб ўстирганлар»<sup>1</sup>. Ҳосилдорликни ошириш, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янги-янги ўсимликларни маданийлаштириш ва интродукциялаш (озиқ-овқат берадиган турли ўсимликларнинг ёввойи

ҳалда ўсган дастлабки ватанларидан ер шарининг бошқа жойларига ҳам олиб келиб экиш) деҳқончиликнинг кейинги равнақидир.

### Қоида, усул ва сирлари кўп соҳа

Пазандалик қатор фанларга ҳам алоқаси бор соҳадир. Пазанда таом тайёрлар экан ўзи билган ёки сезмаган ҳолда физика, химия, биология, медицина, микробиология ва ҳатто психология каби илмларга амал қиласди. Пазандаликнинг таом тайёрлаш илми технология деб аталади.


Барча санъат ва фан соҳалари ўз қоида ва усуллари га эга бўлади. Пазандалик ҳам қоидаси кўп соҳадир. Энг содда қоидалардан тортиб энг мураккаб, муҳим қоидалар шу қадар кўпки, буларни саронжом-саришта қилиш учун ўнлаб китоблар ёзилиши керак.

Пазандаликда ҳатто энг содда қоидаларга амал қилмаслик ҳам тайёрланётган таомнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Мисол учун дуккакли донларни (ловия, мош, нўхот) тузыз соvuқ сувга солиб аста қайнатиб пиширилади, акс ҳолда улар қотиб қолади ва пишмайди, угра, шилпилдоқ, макарон, вермишель, чучвара каби хамир маҳсулотларини қайнаб турган тузли сувга солиб пишириш керак, акс ҳолда улар эзилиб атала бўлиб кетади. Шарақлатиб қайнатилган гўшт bemаза, милтиратиб қайнатилгани эса тотли бўлади ёки шўрвага тузни қайнамасдан олдин ташланса татимайди, суви хўл пишгандан сўнг тузи ростланса, лаззатли бўлади ва ҳоказо.


Таом тайёрлаш технологиясидаги тартиб, қоида ва усуллар асосан иккى группага бўлинади: а) олов таъсирисиз тайёрлаш ва б) пишириш. Бунда масаллиқларни пиширишга тайёрлаш тартиб-қоидалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: саралаш, чайқаш, ювиш, арчиш, пардозлаш, териш, элаш, сўйиш, юлиш, тозалаш, кесиш, бўлиш, тўғраш, майдалаш, қиймалаш, чопиш, қирқишиш, қириш, ивитиш, қориш, ясаш, чўзиш, тузлаш, ачитиш, сиркалаш, қўшиш, аралаштириш, қуритиш (офтобда, кўланкада) ва ҳоказо.

Пишириш қоидалари ўзбек пазандалигига беш хил: қовуриш, қайнатиш, буғлаш, тандирда пишириш ва мураккаб комбинацияли усулда пишириш.

<sup>1</sup> Ф. Энгельс. «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши», К. Маркс., Ф. Энгельс, Таъланган асарлар, II том, Т., 1959 йил, 200-бет.



1-расм. Шолғом олма ва шу каби думалоқ маҳсулотларни арчиш қоидаси



2-расм. Сабзи, бодринг ва шу каби узунчоқ сабзавотларни арчиш қоидаси.

### Арчиш қоидалари

Масаллиқни пиширишга тайёрлаш ёки хомлигича истеъмолга яроқ қилиш анчагина технологик жараёнлардан иборат бўлади.

Маълумки, арчишининг анчагина қоидалари бор, шулардан бирин мумкин қадар юпқа, кам чиқим қилиб арчишдир. Агар 1 килограмм картошка ёки сабзидан чиқадиган пўчоқ 150 граммни ташкил этса, шундан атиги 10 граммини чиқитга чиқармасдан арчилса, жамийки ошхоналарда ва хонадонларда пўчоқни камайтириш ҳисобига юзларча тонна масаллиқ иқтисод қилиб қолинган бўларди.

Сабзи, бодринг каби узунчоқ масаллиқлар ичидан бандига қараб юпқа тахтакач усулида; картошка, шолғом каби юмалоқ масаллиқлар бандидан учига қараб спираль шаклда ўткир пичноқ билан арчилади (расмга қаранг).

Иложи борича масаллиқнинг этидан камроқ олиб ташлаш пазандаликда маҳорат ҳисобланади. Пўсти этидан арчилиб, истеъмол этиладиган масаллиқлар ўзи «мана мен» деб туради. Улар: пўчоғи аччиқ (масалан анор), қалин (қовун, тарвуз), дағал (турп, шолғом), лавлаги, картошка ва бошқалар бўлиб, албатта арчилиши керек.


Лекин шундай масаллиқлар борки, буларнинг этидан

кўра пўчоқ қисмида фойдалар кўп бўлади. Масалан, редисканинг учи, банди ва тивит томирлари олиб ташланиб, яхшилаб ювиб пўчоғи билан ейилса, фойдадан холи эмас. Бодрингни ҳам майдалари пўчоғи билан ейилиб, фақат қари ва сарғайганлари арчилса айни муддао бўларди.

Расмда сабзи таркибидағи фойдалар қандай жойлашганлигини кўрсатувчи схема берилган. Сабздаги энг фойдалар, яъни организмда А витаминни ҳосил қиласиган каротин моддаси ўрта эти ва учидан кўра пўчоғи ва банд қисмида кўпроқ жойлашган, чунончи: учида ва ўрта этида бу модда 2,6—3,5 миллиграмм процентни ташкил қиласиган бўлса, пўчоғи ва банд қисмида 10—13 миллиграмм процентга борар экан. Демак, сабзидан тўла фойдаланиш учун яхшилаб ювиб, арчимай тўғраш зарур, ёки юпқа қилиб қириб ташланса бас, қолаверса сабзининг пўсти нафис ва этидан ажралмаган.

Умуман, этидан маълум ҳужайралар билан ажралмаган масаллиқларни арчимай ювиб истеъмол қилишни тавсия этамиз. Масалан, олманинг пўчоғи этига мустаҳкам бириккан, уни арчимай еган фойдали.

Баъзилар «олманинг пўсти яхши ҳазм бўлмайди, шунинг учун уни арчиш керак» дейдилар. Яхши ҳазм бўлмаслиги тўғри, лекин арчиш хато. Помидор, қалампир, узум, гилос, ўрик, олма, олхўри ва бошқа шу каби масаллиқларнинг пўчоқлари ҳам яхши ҳазм бўлмайди. Лекин булар арчимай истеъмол қилинади-ку. Гап шундаки, ўша ўзи ҳазм бўлмайдиган пўчоқлар бошқа овқатларнинг ҳазмланиши учун зарур. Бу масаллиқларнинг пўчоғида, жумладан олма ва нокда ҳам клетчатка деган модда бор. Клетчатка серёғ, сергўшт, оғир ва калорияси баланд таомларнинг ҳазмланишида бамисоли тегирмон ролини бажаради. Баъзи сабзавот (бодринг, сабзи, помидор, редиска, қалампир) ва меваларнинг (олма, нок, ўрик, олча, гилос, олхўри, олиёр шафтоли, беҳи) пўчоқларида бу модда кўп бўлади. Ҳазмловчи клетчатка вазифасини қовун, тарвуз ва бошқа полиз'экин витлари (яъни ҳужайрасидаги протоплазмани ўқидиган целилёза қатлами) ҳам бажариши мумкин.



3-расм. Сабзвотлар таркибидағи фойдалар кўпроқ пўсти ва банд қисмида бўлади.

Қарангки, масаллиқни пўчоғидан ажратиб ейиш керакми ёки пўчоғи билан ейиш керакми — буни қодир табиатнинг ўзи белгилаб қўйибди. Масалан, ёнғоқ, писта ва бодомнинг пўчоғи ёғосимон қаттиқ бўлганлиги учун чақиб мағзи ажратиб ейлади. Мандарин ва апельсиннинг пўчоқлари этидан ажраб туради ва аччиқ бўлганлиги учун арчиб сийлади. Аммо лимоннинг пўчоғини зинҳор ажратиб ташламаслик керак. Лимончилик билан машҳур бўлган Италия, Кавказ ва бошқа жойлардаги халқлар лимоннинг пўстини сира арчиб ташламайдилар, паррак-паррак қилиб кесиб шакарга ботириб чайнашади, ҳамма ҳузур ана шунда.

Лимонни кесганда зангламайдиган пўлат пичоқдан фойдаланишини маслаҳат берамиз. Зангламайдиган пўлат пичоқлар бу мевадаги аскорбин кислотаси (С белгили витамин) нинг анчагина қисмини гойиб қилиб юборади. Шунингдек, олмани ҳам арчимасликни келишиб олмоғимиз керак. Узингизга маълумки, арчилик олмадарҳол қорайиб кетади. Бунинг маъноси шуки, пичоқ таъсирида унинг ҳужайралари кесилиб, шарбатидаги темир моддалари ҳаводаги кислород билан реакцияга киришади-да, занглайди. Undan кўра олмани карс-карс тишлиб еган маъқул. Шунда унинг фойдаси кўп, исрофи кам бўлади.


### Тўғраш усуллари

Арчишни ўргангандан одам тўғрашни ҳам билиши керак. Дарвоқе тўғрашнинг таом тайёрлаш технологиясида аҳамияти катта. Чунончи сиз масаллиқни бир хил шаклда тўғрасангиз, овқатнинг кўриниши чиройли бўлади ва масаллиқ бир текисда пишади.

«Таом ҳойда, лаззат бир жойда» деган мақол ҳам таом тайёрловчининг тўғраш маҳоратига ишорадир. Бир хил масаллиқдан икки киши, иккни жойда таом тайёрласа, биринчиси лаззатли, иккинчиси бемаза чиқиши мумкин. Бу жуда лаззатли масаллиқ бўлишига қарамай баъзи «пазандалар» тўғрашни хато бажарганликлари учун гўштнинг ғозини қирқиб қўйишиди. Аслида гўшт баъзи таомлар учун (кабоб, палов, қовурма ва бошқалар) лўнда-лўнда усулда, бодомдай, аниқроғи бош бармоқнинг биринчи бўғими катталигига бир хил тўғралади. Энди агар гўшт бўлакларининг бирини катта ёнғоқдай, бирини майда пистадай қилиб тартибсиз тўғралса,



4-расм. Сомонча усулда тўғраш.



5-расм. Кубик шаклида тўғраш.


таом албатта бемаза чиқади. Сабаби: майда бўлакчалар қовурилганда куйиб жингаги чиқади, катта бўлакларнинг эса сирти пишиб, ичи ҳали хом-хатала бўлади. Бир қозоннинг ўзида куйган гўшт билан чала пишган гўшт мазасининг уйгунлашуви белаззат, бадхўр бўлади.

Тўғрашнинг усуллари жуда кўп, қўйида баъзилари билан таништириб ўтамиз:


«Сомонча» усулда тўғраш. Палов, шовла, мастава учун сабзи, салат учун турп ва редиска ана шу усулда тўғралади. Бунда сабзавот тахта устига қўйилиб, чап қўл билан ушланиб, ўнг қўлдаги ўткир пичоқ ёрдамида аввалига узунасига, юпқа тахтакач қилиб кесиб олинадида, сўнг қаватлаб «сомонча» қилиб қирқилади. Бунда масаллиқ бўлаклари гугуртнинг чўпидай бир хил чиқади. Ҳар бир бўлакнинг узунлиги тахминан 4—5 сантиметр, кўндалаңг қирқими эса 3 квадрат миллиметр бўлади.

Кубик шаклида тўғраш. Бу усул «шоди беги», «нўхатча» тўғраш деб ҳам юритилади.


Асосий масаллиқнинг шаклига қараб сабзи, шолғом, картошка, гўшт, думба ёғ ва бошқа масаллиқлар шу усулда тўғралади. Кубик қилиб тўғралганда масаллиқ аввалига узунасига, қалинлиги тахминан 1 сантиметр келадиган тахтакачга, гўшт бўлса шапалоқдек қилиб кесиб олинади-да, сўнг бу тахтакачлар яна узунасига эни 1 сантиметр келадиган ва кўндалаңг қирқими 1 квадрат сантиметр келадиган қаламчаларга бўлинади. Қаламчалардан эса 1 куб сантиметр шаклида бўлакчалар кесилади. Буниси майда кубик бўлиб, тахминан нўхатга тенгдир. Урта кубик эса 2 куб сантиметр ҳажмидаги бў-




6-расм. Ҳалқа-ҳалқа қилиб тұғраш.



7-расм. Лўнда-лўнда қилиб тұғраш.



8-расм. Қиймалаш.



9-расм. Қириш.

лакчалардан иборат бўлади. Катта кубик 3 ёки 4 куб сантиметр шаклида кесилади.

**Ҳалқа-ҳалқа қилиб тұғраш.** Қўлгина салат, суюқ ош, шўрва, палов, қовурма ва бошқа таомларга асосан пиёсшу усулда тұғралади. Узунчоқ, тухумсимон пиёслар арчилгач, чап қўл билан муаллақ ушлаб, ўнг қўлдаги ўткір пичоқда пастдан юқорига (агар тахтакачга қўйилса, юқоридан пастга) қараб шилиш асосида «ҳалқа» ёки «ярим ҳалқа» қилиб кесилади. Юмалоқ, шолғомсимон пиёслар эса тахтага қўйилиб, пичоқни устидан юргизиб кесилади.

**Паррак-паррак қилиб тұғраш.** Қовуриладиган картошка, салат учун бодринг, шўрвага солинадиган сабзи арчиб тайёрлангандан сўнг тахта устида муаллақ ушлаб учидан бандига қараб бир хил қалинликдаги «ғилдиракчалар»га кесиб чиқилади. Пиширилган хасип, қази ҳам истеъмол қилиш олдидан ана шу усулда кесилади.

**Тилиш.** Салат ва баъзи таомлар учун помидор, мурраболар учун олма, беҳи шу усулда кесилади. Ҳандалак, қовун кесиши усулларидан бири ҳам тилиш. Бунда масаллиқнинг бандидан учиға қараб бир хил катталикдаги тилимлар кесилади.

**Лўнда-лўнда қилиб тұғраш.** Асосан гўшт-ёғ шу усулда, жуда хилма-хил таомлар тайёрлаш учун тұғралади. Бундá масаллиқ бўлакларининг шаклини бир-бирига монанд қўйлиб тұғраш қийин, лекин ҳажми ва оғирлиги бир хил бўлишига эришиш зарур. Маҳсулотни тахтага қўйиб, бир чеккасидан бошлаб «лўнда» бўлакларга, яъни юқо-

рида айтилганидек бодомдай ёки бош бармоқнинг биринчи бўғимига ўлчаб кесилаверилади.

**Қирқиши.** Қўк пиёс, кашнич, укроп ва бошқа ошкўкларни кўндалангига майды тұғраш усули қирқиши деб аталади. Қирқиши чопишига ва қиймалашга ҳам ўхшаб кетади, лекин қирқильтган масаллиқ қиймаланганига қараганда хиёл йирикроқ бўлиб, қийма каби бир-бирига ёпишиб кетмаган бўлиши керак.

**Қиймалаш** (чопиши). Сомса, чучвара, манти, дўлма ва бошқа қиймали таомлар учун асосан гўшт шу усулда тайёрланади. Баъзи сабзавотлар (пиёз, карам) ҳам тегишли таомларга қиймаланади. Буниинг учун қаттиқ дарахтлар (ўрик, тут, қайрағоч, чинор) дан кўндаланг арраланган тўнкача ҳамда маҳсус эни энлик оғир ошпичноқ бўлиши шарт. Гўштни чопгандан таркибидағи мушак, пай ва ёғ тўқималаридан иборат масса қийма хосил бўлади. Қиймаланганда шу қисмлари бир-бирига яхши илашсин учун сув ёки намакоб савалаб турилади. Гўштни мясорубкадан ўтказилганда эса сув саваланмайди, иш анча осонлашади ва қийма ҳам покиза чиқади. «Мясорубканинг қиймаси мазасиз бўлади» деган фикр юради, бу — хато. Аксинча тўнкада қиймаланган гўшт бемаза бўлади, негаки кўпчилик тўнкани ишлатгандан сўнг ювиб қўймайди, қолаверса, қиймага ёғочнинг қишиқчалари ҳам аралашиб кетиши мумкин. Баъзи таомлар учун сабзавотлар ҳам қиймаланади. Чунончи, сомсага, пиёс ва шўрвага — карам. Аммо бу масаллиқларни мясоруб-

қадан ўтказиб бўлмайди — ортиқча сели чиқиб кётиб қолади, буларни чопиш керак.

**Қириш.** Асосан сабзавотлар түрли таомлар учун қирилади. Бұ мақсадда түрли қыргичлардан фойдаланилади. Сомса учун ошқовоқ қырганда эса махсус тишли қошиқсимон тунука қыргицдан фойдаланған маъкүл.

Хуллас, шу күрсатылган қоңдаларга амал қила өлсангизгина лаззатли таомлар тайёрлаб, ҳузур қиласиз.

## Пишириш сирлари


Пишириладиган масаллиқларнинг тури кўп: дон, сабзавот, мева, гўшт, ёг, балиқ, сут, тухум, хамир маҳсулотлари ва ҳоказо. Буларнинг ҳар бири бошқаларига қараганда ўзига хос усулда пиширилади. Шунинг учун ҳам пиширишнинг бир неча хил технологик усуллари келиб чиқкан.

1) Қовуриш: а) очиқ қовуриш (кабоб пишириш); б) ёқса қовуриш (аввал хўп доғланган ёғда масаллиқ ғизартириб пиширилади). Бу усул билан тайёрланган таомнинг лаззати яхши, калорияси ортиқ бўлади; в) жазлаш (озгина ёқса кўп масаллиқ солиб сели чиқкач, милдиратиб пишириш).

2) Қайнатиб пишириш: а) сувда қайнатиш; б) сутда қайнатиш.

Қайнатиши усулларининг пиширишда аҳамиятлилиги шундаки, қанча кучли олов берилса-да, масаллиқ суюқликка ботиб тургани учун ҳароратнинг 100 градусдан ҳеч ошибб кетмаслигини таъминлайди. Бинобарин, инсон организмни учун зарур моддалар куйиб кетмайди. Улар эриб суюқликка қўшилади — таом тотли бўлади. Бироқ шарақлатиб қайнатиши ярамайди, чунки қаттиқ қайнаганда пиширилаётган маҳсулотнинг сирти қотиб, бағридаги моддалар эритмага айланмай қолади ва натижада қайнатилма таом кўп ҳолда bemаза чиқади. Милдиратиб қайнатилганда эса масаллиқ хил-хил бўлиб, таркибидағи озуқа моддалари яхши эрийди ва foят лаззатли чиқади. Демак, таомни тез ва лаззатли қилиб пишириш кучли олов берилишига боғлиқ бўлмай, маълум технологик усуллардан тўғри фойдалана билишга боғлиқдир.

3) Буғлаш: а) қасқонда буғлаш; б) қозонда димлаш. Бу усулда тайёрланған таомларнинг физиологик аҳамияти foят катта. Улар организмга яхши сингади. Буғлаш ва димлаш идишнинг қопқоғини жипс ёпік ту-




ришини талаб этгани учун бур билан бирга ҳавога учиб кетадиган моддалар, шунингдек витаминлар ҳам таом таркибида кўпроқ сақланиб қолади.

Буғлаш пиширишнинг энг осон усулидир. Шунинг учун таом тайёрлашни энди ўрганаётган кишилар дастлаб ушбу усулдан бошлисалар айни муддао бўларди. Қасқонда фақат мантинигина эмас, кўн хил маҳсулотларни ҳам пиширса бўлади. Сиз бир парча гўшт олиб туз ва зира сепинг-да, арчилган картошка билан бирга қасқонга қўйинг. Ярим соатдан сўнг лаззатли ва фойдали таом тайёр бўлганини кўрасиз, вақтингиз беҳуда сарф бўлмайди.

4) Тандирда пишириш: а) девор тандирда пишириш, б) ер тандирда пишириш, в) духовкада пишириш. Бу усуллар анча мураккаб бўлиб кўнкимва тажрибакорлик талаб қиласи. Тандирдаги хамир маҳсулотларига инфрақизил нурлар ва тандир деворининг тапти таъсир қиласи, хамир маҳсулотидан ажраган бугнинг иссиқлигига мураккаб технологик ва химиявий процесс содир бўлади. Шу сабабли тандирда пиширилган сомса ва нонлар шифолик хусусиятларига эга.

5) Мураккаб комбинацияли усулда пиширишга: а) қовуриб қайнатиш, б) қовуриб қайнатиб дамлаш усуллари мисол бўлади. Яъни мураккаб комбинация усулида мавжуд усулларнинг бир нечтаси бирин-кетин бажарилади. Палов тайёрлаш шу мураккаб усулга киради (қовурилади, қайнатилади, дамланади). Кимки палов тайёрлаш усулини яхши эгаллаб олган бўлса, бошқа таомларни ҳам тайёрлаш бемалол қўлидан келади.



## II. НОН, ТУЗ, ПАЛОВ ВА ЧОЙ ТАРИХИ

Энг азиз ризқи-рўзимиз

Улуғ табиатшунос олим К. А. Тимиризев: «...Бўрсилдоққина пишган буғдой нонни синдириб ейилаётганда, мана шу маҳсулот инсоният донолигининг буюк кашфиётларидан бири эканлиги ҳамманинг ҳам эсига келавермайди», — деб ёзган эди. Аслида инсоният бу мўъжизани кашф қилишга бундан 15 минг йил муқаддам киришган, орадан 6 минг йил ўтгач, яъни 9 минг йил илгари бошоқли ўсимликлар — макка, буғдой, арпа, шоли кабилардан нон тайёрлана бошланган. Унга қадар одамлар нонга бўлган эҳтиёжларини «дараҳт ионлари» ҳисобига қондиришган.

### Дараҳтда битган «нонлар»

Илмий номи Артокарпус интегра деб аталган бу ўсимлик жуда қадимдан маълум бўлган нон дараҳтидир. Унинг мевалари шохларида эмас, танасининг йўғон қисмида жойлашган бўлиб, анча йирик — узунлиги 30 дан 90 сантиметргача, айланаси 25 дан 30 сантиметргача,

қовунсимон, оғирлиги эса 10—15 килограмм келади. Олимлар бунинг таркибини текшириб кўришади: унда крахмал, шакар мoddаси ва бир оз мой бор экан. Ушбу дараҳт тропик мамлакатларда, асосан Африкада ўсади. Қадим замонларда инсониятнинг дастлабки нони шу бўлганлигига сира шубҳа йўқ.

Ерли аҳоли ҳануз ҳам бу дараҳт мевасидан нон тайёрлаб ейди. Тайёрлаш усули ҳам ибтидой: чуқурлиги 1 метр, эни эса 1,5 метр ўра қазилади, ўранинг ости ва деворларини тупроқдан муҳофаза қилиш мақсадида банаң дараҳтининг барглари билан ёпилади. Нон дараҳтининг етилган мевалари узиб олинниб, бир неча жойидан қозиқ билан тешиб чиқилади ва ўрага ташлаб қўйилади. Бир неча кун ўтгач, мева ачиб, эзилиб худди хамиртурушли хамирга ўхшаб қолади. Энди бу хамирдан кулчалар, буханкалар, патирлар ёки батонлар ясаб тандирда, қозонда ёки қўрга кўмни пиширилади.

Нон тайёрланадиган ўсимликнинг яна бир хили манижок деб аталувчи бута илдизидир. Бундан нон тайёрлаш усули Доминиканда яшовчи аравак қабиласида сақланниб қолган. Бутанинг илдизи ўта заҳарли бўлиб, илон заҳарига teng кучга эга. Шунинг учун бу илдиз ов қуроллари — ёй ўқи ва найза учига суркалади.

Бу илдиздан нон бундай тайёрланади: илдиз кавлаб олингац, майдалаб туйилади ва сув қўшиб хамир қорилади. Хамирни чипта қонга солиб оғзини боғлаб, қунт билан узоқ вақт эзилади, шунда сув ўзи билан заҳарни ювиб чиқиб кетади. Сўнгра хамир қопи билан сопол хумга солиниб, устидан оғир тош бостирилади. Бунда суви яна охиригача силқийди ва бир неча соатдан кейин ачий бошлайди. Ана шу хамирдан олмадек зувалачалар ясаб чўпга илинади-да, худди кабоб пиширгандек лахча чўғ устига тутиб сингдирилади. Авараклар тилида бу нон касобо деб аталиб, уларнинг энг севган ризқиларидан биридир.

Дараҳтда битган «нонлар» қаторига яна ёнғоқ, жийда, дуб ва каштан дараҳтларининг мевалари ҳам киради.

Ибтидой аждодларимиз бу меваларни нон ўрнида истеъмол қилиганлар. Ёнғоқ билан жийдани шундоқ ўзини, дуб билан каштан меваларини эса офтобда қуритиб, қўрга кўмиб, тош орасига олиб эзиб, талқон қилиб, сўнг сув қўшиб хамир қориб, қўрга кўмиб (кўмач) пишириб еганлар.

Биз еяётган ноннинг таркиби асосан крахмал, оқсили, шакар, мой, минерал маддалар ҳамда витаминлардан

иборат. Юқорида санаб ўтилган «дараҳт нонлар» таркибида ҳам улар бор, фақат фарқи шундаки, бирида мой (ёнғоқ), бирида шакар (жийда), бирида крахмал (дуб меваси), бирида витаминлар (қаштан меваси) кўп бўлади. Жийданинг бир нави «Нон жийда» деб аталиши ҳам бежиз бўлмаса керак. Энг яхши нон-буғдой нони ҳисобланишига сабаб, ана шу юқорида санаб ўтилган маддаларни табиат бу нонда шундай мужассамлаштирганки, кунига неча бор есак ҳам кўнгилга тегмайди.

### Буғдой нонининг кашф этилиши

Ўз-ўзидан маълумки, агар одамзод дараҳт нонларини териб-термачлаш даврларида истеъмол қила бошланган бўлса, демак бошоқли донлардан нон тайёрлаш усулини деҳқончиликка ўтган даврларида кашф қилган деб тўла айтишимиз мумкин. Ижтимоий ҳаёт равнақида бу варварликнинг қуий босқичи «кулоллик санъатининг жорий қилинишидан бошланади», деб уқтириб ўтади Ф. Энгельс. Кулоллик эса хамир қорадиган идишлар ва нон ёпадиган тандирларни ясаш билан боғлиқ бўлади.

Дон-дун масаласига келганимизда яна Ф. Энгельс ёзади: «...эски дунё деб аталағидан Шарқий материкда.. экиб кўпайтириш учун ярайдиган донли ўсимликларнинг биттасидан бошқа (маккажўхоридан бошқа — К. М.) ҳаммаси бор эди». Бинобарин, Шарқий материк ёнини Шарқий ярим шар — Европа, Осиё, Африкада буғдои, арпа, шоли, тариқ, оқ жўхори каби бошоқли донларнинг аввал ёввойисидан, кейинчалик эса экиб ўстирилганидан фойдаланила бошланган дейиш мумкин. Донларни ун қилиб тортиш эса қўл тегирмони ёрдамида бажарилган. Қолаверса, Шарқий материкдаги турли мамлакатларда кўплаб олиб борилган археологик қазилмалар буни тўла тасдиқлайди. Маълумки, бошоқли доилар жуда тўқтутардир, лекин уларни ҳомлигича еб бўлмайди, албатта пишириб ейиш зарурдир.

Буғдойни ун қилиб, хамир қориб, тандирда ёпиб пишириш ҳам ўз-ўзидан келиб чиқсан эмас, албатта. Аввалига донларни бошоғи билан чўғ устидага қовуриб еганлар. Бу одат ҳали ҳам сақланади. Бунга маккажўхорини думбил ҳолатида чўғда қовуриб ейиш усули мисол бўла олади. Кейинчалик донлар бошоқдан ажратиб, тош би-

<sup>1</sup> К. Маркс ва Ф. Энгельс. «Уч томлик танланган асарлар», «Ўзбекистон нашриёти, 1981 й., 3-том, 237-бет.

лан туйилган ёки қўл тегирмонидан ўтказилган. Ана шу унни атала қилиб қайнатиб ейишган — бу ҳам нон. Буғдой, макка ва оқ жўхорини туймасдан қайнатса сира пишмайди, аммо гуручни унга айлантирмай қайнатида яхшигина бўтқа бўлади, мана шу ҳам нон ўрнига ўтган, хитой, корейс, япон, ява, вьетнам, ҳинд ва Осиё қитъасида яшовчи бошқа халқларнинг пазандалигида қуруқ ўзи қайнатилган гуручни нон ўрнида бошқа овқатлар билан ейиш одати ҳанузгача давом этади.

Буғдой ёки маккажўхори унини тандирда пишириши ўрганиб олиш учун ҳам ибтидоий одамлар узоқ тажриба орттиришларига тўғри келган. Аввалига хамир зувалани чўққа, қўрга кўмиб кўмач қилиб еганлар ёки қизитилган ясси тош, сополга ёпиштириб олов устида пиширганлар. Бироқ бундай тайёрланган нонлар бўрсилдоқ эмас, берч бўлиб, чайналиши ҳам, ҳазм бўлиши ҳам анча қийин бўлади.

Нонларни тандирда пишириш хамиртурушнинг кашф қилиниши билан ҳам боғлиқ. Хамиртурушнинг қандай кашф қилинганилиги тўғрисида ҳеч бир маълумотга эга эмасмиз, шунинг учун тахмин қилишга тўғри келади. Эҳтимол, тогорада қолиб кетган хамирга тасодифан ачитқи бактерияси тушиб қолгандир. Негаки, ибтидоий одамлар кўзга кўринмайдиган жоноворлар — ачитқи бактериаларидан онгли равишда фойдаланган эмаслар. Бироқ хамирнинг ўз-ўзидан кўпайиб, тогорадан тошиши ўша даврдаги нонвойларни ҳайратга солган бўлиши мумкин. «Нега пуфакчалар пайдо бўляпти?», «Ажабо, худди тирик нарсадай нафас оляпти; кўпаяяпти?». Бундай саволларга у даврларда жавоб тополмаганлар, албатта. Ачиған хамирни илоҳийлаштирган ва унга сифинган ёки «тирилган хамирдан» қўрқсан бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки нонни улуғлаш, нон билан қарғаниш одатлари жуда кўп халқларда ҳанузгача сақланиб келади.

Ачиған хамирдан бир зувалачани чўққа ташлаб қўрган ибтидоий нонвой қарайдики, бўрсилдоқ, юмшоқ пишибди, чайналиши осон, бир оз нордон таъми бўлса ҳам мазали. Тасодифий бўлган бу кашфиёт инсоният учун тоҳозиргача ғоят аҳамиятли бўлиб келди ва бундан бўён ҳам шундай бўлиб қолаверади.

«Тасодифий» кашфиёт дейишимизнинг бонси шундаки, барча ачитувчи, бижитувчи бактериялар воситаси билан тайёрланадиган вино, сирка, қатиқ, қимиз кабилар ҳам хамиртуруш каби тасодифий кашфиётлардан-

дир. Узоқ ўтмишдан буён бу маҳсулотларни қайта-қайта тайёрлашда аввалгисидан худди хамиртуруш каби бир оз ачитқи олиб қолиб кейингисига қўшиш усули ҳанузгача сақланиб келади.

Нон тайёрлайдиган лой идишлар орасида тандир жуда ибтидоий бўлиб, у деярли ўзгартирилмасдан бизгача етиб келган. Шарқий материкдаги кўпгина мамлакатларда ерга ва деворга қуриладиган лой тандирлар ҳозир ҳам мавжуд. Лекин бундай тандирлар ёрдамида нонга бўлган катта талабни қондириб бўлмаганлиги учун, кейинчалик ғиштдан, металлдан ҳам тандирлар ясай бошланди. Эндиликда нон заводларида худди станоклар қатори доим ишлаб турадиган механизациялашган тандирлар мавжуд.

### Нон рамзи

Ҳар куни календарь варагини йиртәтиб ундаги мана бундай **Θ** белгига кўзингиз тушади. Шумер иероглифларида бу белги «РА» деб аталган бўлиб, қуёш маъносини англатган. Кейинчалик нон ҳам худди шу белги билан ифода этиладиган бўлган. Қуёш ва нонни бир хил рамзий белги билан ифодалаш ҳар иккалasi ҳам ҳаётнинг асосий омили деб билинганилигидан бўлса керак. Қуёш бўлмаса нон этиштириб бўлмайди, нон бўлмаса кун кўриб бўлмайди. Шу сабабли қуёшга сифиниш билан бир қаторда нонга ҳам сифиниш келиб чиққан. Жуда кўп халқларда нон билан қарғаниш, бирон муҳим масалани ҳал қилаётгандарида ўртага нон қўйиш, нонни оёқ ости қилмаслик, дон экувчи деҳқонга, нон ёпувчи нонвойга ҳурмат билан қараш ҳанузгача сақланиб қолган.

Нонни шарга ўхшатиб зувала ясаб, қўрга кўмиб пишириш (кўмач) ёки яримшар шаклида тўғарак қилиб ясаб печкада пишириши (буханка) ёнки доира шаклида ликопчастимон қилиб ясаб тандирга ёпиш усуллари жуда кўп халқларда сақланиб қолганки, бу ҳам ноннинг шаклини қуёшга ўхшатишнинг ёрқин мисолларидир. СССР давлат гербига аҳамият беринг. Буғдойпоя дасталари тонги қуёш заррин нурларини ўраб турибди. Итифоқдош республикаларнинг давлат гербларида ҳам қуёш нурлари ва буғдой бошоқларини кўрамиз. Албатта, бунинг нон ва қуёшга сифиниш каби ибтидоий одатга сира ҳам алоқаси йўқ. Жаҳонда дон экиладиган май

донларнинг кенглиги жиҳатидан СССР биринчи ўринда туради. Шунинг учун ҳам Гербимиз бизнинг мамлакатимиз донни кўп етиширувчи иш мамлакати эканлигиндан далолат берил турибди.

### Бир татим тузу юз оғиз сўз

Туз пазарга илинмас нарсадек туюлса-да, аммо ҳар бир таом учун бу асосий масаллиқдир. Ошни гўштсиз тайёрласа бўлади, бироқ тусиз иш битмайди. Бир чимдим туз бир коса шўрвадаги турли хил масаллиқнинг мазасини рўёбга чиқариб, бир-бирига қўшиб-умумий бир лаззат гаммасини ташкил қиласди.

Шу сабабли ҳам бу неъматин «ош тузи» деб ҳам атайдиз. Ош тузининг формуласини ҳар биримиз мактаб ёшимиздаёқ билиб олганимиз, яъни у икки химиявий модда — натрий билан хлордан таркиб топган. Ош тузидан узоқ вақт двомида истеъмол қилинмай қолинса, одам шишиб кетади, боши айланади, бўшашибади ва беҳуш бўлади.

Туз инсон аъзоларидаги барча физиологик жараёнларда ғоят муҳим ўрин тутади. Сўлакда ҳам, меъда ширасида ҳам, сафродада ҳам, ҳужайралар таркибидаги суюқликда ҳам, қонда ҳам албатта туз бор. Мисол учун қон таркибida туз старли бўлмаса осматик босим деб аталадиган махсус босим содир бўлмай қолади, натижада ҳужайралар фаолияти нормал кечмай қолади. Шунингдек юракнинг бир маромда ишлаши учун ҳам қон таркибидаги туз бир меъёрда бўлиши керак.

Сиз ҳар куни, бир ойда, бир йилда, умр бўйи қанча туз истеъмол қилишингизни билгингиз келар. Ўрта ҳисобда биз турли таомлар билан бирга кунда 20 грамм туз еймиз. Бу миқдор бир ойда 600 граммни, бир йилда 7 килограммдан кўпроқни ташкил қиласди.

Ибтидоий одамлар ош тузи нима эканлигини билишмаган, албатта. То ош тузини топиб истеъмол қилишга ўргангунларига қадар денгиз сувидан хўплаш, таркиби тузга бой ўсимликларни чайнаш, гўштни хомлигича ейиш ёки овланган ҳайвонларни бутунилигича ўтга ташлаб пишириш билан кун кечиришган. Бундай қилинганда, тери ва жун таркибидаги туз этга сингиб, ҳар ҳолда таомни бир оз тотли этган бўлиши керак.

Рус сайёҳи Н. Миклухо-Маклайнинг ҳикоя қилишича папауслар денгизга ёғоч ташлаб қўяр эканлар, маълум муддат денгизда турган ёғоч шўр сувни шимиб олгандан

сўнг уни олиб қуритишар ва ёндириб кулини овқатларга қўшар ёки ўзини ейишар эканлар. Шўр кул Янги Гви-неядаги папаусларнинг энг лаззатли таоми ҳисобланар экан.

Инсоният тарихида ош тузининг топилиши, худди олов кашф этилиши каби аҳамиятли бўлган. Ўйқ деганда лаззатли овқатланиш, пазандалик санъатининг равнақи ва инсон сиҳат-саломатлигининг бир чеккаси ана шу бир чимдим тузга боғлиқ-да!

Тузнинг табиий конлари топилгач, одамлар уни олтиндек қадрлайдиган бўлишган. Ҳозир ер шаридага туз запаслари жуда ҳам кўплиги аниқланиб, қазиб олиниши осон бўлгани учун у оқиб турган сувдек бекадр. Лекин бир вақтлар-чи? Тузнинг қадри жуда баланд бўлган.

### Туз номи билан боғлиқ шаҳарлар

Географик харитага назар солсангиз, ер шарининг турли жойларида туз билан боғлиқ бўлган номларни кўн учратасиз. Булар туздай шарофатли неъматнинг номини агадийлаштириш учун одамзот томонидан барпо қилинган ёдгорликлардир.

Номлар асосан аҳоли яшайдиган обьектларга қўйилган бўлиб, ҳар бирининг ўзига хос тарихи ва афсоналари борки, мазкур китобда булар тўғрисида муфассал тўхтаби либ ўтирумай, фақат номларни кўрсатиб ўтамиш, холос.

Ҳиндистондаги Леванапутра шаҳрининг номланиш мазмуни ўзбекчада «Туз шаҳри» деганидир.

Россияда: Солигалич, Усольск, Соликамск, Сольвичегородск, Устьсисольск каби бир неча шаҳар ва қишлоқлар борки, булар қадим замонларда туз конлари атрофида барпо этилгандир. Фарбий Германия ва Австриядаги Зальцгиттер, Зальцзуген, Зальцбург шаҳарлари ҳам туз номидадир, чунки «зальц» — туз дегани.

Франциянинг энг катта шаҳарларидан бири Марсель шаҳрини олинг. Унинг луғавий маъноси «денгиз тузи» дейилганидир. Америкадаги Солтвил шаҳри ҳам «туз саройи» деган тушунчани англатади.

Ўрта Осиёдаги: Тузкон, Шўртепа, Намаккан (Наманганд) ва бошқа географик номларнинг маъноси ўз ўзидан маълум.

Душанба шаҳаридаги Кўлиоб районига борадиган ўйл ёқасида Хўжа Мўмин тоғи бор. Бу узоқдан улкан мақбаранинг юмалоқ гумбазига ўхшаб кўринади. Бу

тогни ерли аҳоли «Кўхи Намак», яъни туз тоги деб ҳам юритишида. Тепасига чиқиб ҳар хил гиёхлар билан қопланган, дарз кетган тошларга назар солсангиз, бу тог турган-битгани тош тузидан иборат эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бу ўн миллионлаб тонна бойлик деган сўз, Хўжа Мўмин тогининг этакларида эса шўр сув булоқлар отилиб ётиби.

### Туз — муқаддас...

Тузнинг муқаддаслиги турмуш урф-одатлари-ю, диний ақидалар билан чамбарчас боғланиб кетган. Туз ҳатто сиёсий воқсаларга ҳам сабабчи: тарихда «Туз қўзғолонлари», «Туз урушлари», «Туз солиқлари» бўлганлиги тўғрисида маълумотлар анчагина.

Славян ва бошқа баъзи халқларда азиз меҳмон ва иш кўрсатган қаҳрамонларни қутлаб «нон-туз» билан пешвоз чиқиб кутиб олиш одати ҳам тузнинг худди нон каби муқаддаслиги билан боғлиқдир.

Арман ва бошқа кўпгина халқлар янги тугилган чақолоқни намакобда чўмилтиришади, бу ҳам тузнинг муқаддас саналишига бир мисол.

Атлантик ва Тинч океанлари оролларида яшовчи қабилалар ўзларини «инсу жинслардан қутқариш учун» «мен туз еганман» деган сўзларни тўхтовсиз қайтараверишар экан.

Узоққа бориб нима қиласиз, Ўзбекистонда туз билан боғлиқ бўлган мақол, тушунча, ранжиш ва ҳатто қарғишлар борки, булар қадимда тузни муқаддас деб билиш ва бу неъматнинг овқатланишда қадр-қиммати кучли бўлганлигидан дарак беради. Чунончи, «бир кун туз ичган жойга, қирқ кун салом қил» (мақол, овқатланмоқ маъносини англатади). «Тузни оқламоқ», «Тузни қораламоқ», «тузимга топширдим сени» (боқиб катта қилганилигига ишора берувчи тушунчалар). «Тузим кўр қилсин сени!», «Берган тузимга асло рози эмасман!» (Қарғиш). Агар бирор одамнинг баҳти юришмаса: «Шўр пешона экан» деб қўйишида. Жабрланган одамга нисбатан «Шўри қуриб қолибдику!» — дейишида, яъни тузидан — энг асосий бойлигидан ажрабдику, деган маънони билдиради. Агар бирор кимса томонидан яхшилик учун ёмонлик қайтарилса «Тузимни ичиб тузлигимга тупурди» деган ибора ишлатилади. «Бугун сира туз тотмадим» (қорни очиб овқатланмаганлигига ишора). «Тузлаб таш-

лабси шарку!» (масаллиқларни жуда кўп фамлаб олганикка инора). Бу хил мақол, ибора, ишора, ранжиш ва қарғишларининг туз билан боғлиқлиги бежиз эмас, чунки туз азиз ва лазиз нарса.

### Туз — дори

Тузнинг дорилиги тўғрисида Абу Али ибн Синонинг «Ал қонуни фи ал тибб» китобида ажойиб фикрлар бор. Масалан: «баъзи тузларда аччиқлик ва буришириш хоссаси бор...

...Тузнинг баъзиси уваланадиган, баъзиси қазиб олинидиган, баъзиси эса кристалли оқ туздир. Яна қора нефтили туз ҳам бўлади...

Табнати. Иккиччи даражада иссиқ ва қуруқ.

Туз қанча аччиқ бўлса, шунча иссиқлик бўлади...

...Туз сасишига тўсқинлик қилади. Талоқнинг қалинлашувига фойда қилади...

...Уваланадиган туз тез тозаловчанроқдир.

Агар уни совуқлик овқатларга аралаштирилса, унинг табнати ўзгаради. Оқ туз елларни ҳайдайди...

...Тузнинг ҳамма тuri ҳам қотган хилтларни эритади.

...Оқ туз зеҳнни ўткир қилади. Туз, айниқса, оқ туз бўшашган тиш милкларини мустаҳкамлади.

...Туз қора ўтни ҳайдаб чиқаради. Шу сабабли тузни хукна (клизма) қилувчи дориларга киритилади...<sup>1</sup>

Тузнинг ўзи дизентерия учун энг яхши тузатувчи вонитадир.

Халқ табобатида тиш милклари шамоллаб оғриганида тузли қайнатма билан чайқалса, таққа тўхтатадиган дори тайёрланади: катта қошиқда туз, кичик қошиқда қора чой, ярим литр сув обдан қайнатилиб оғизга олиб бир оз турилади, яна хўпланади, токи лўқилламагунча. Лўқиллаш милклардаги капилляр қон томирларининг кенгайинини билдиради, қон юришиб шамоллаш барҳам топади.

Тузли қайнатмадан оёқларга ванна қилинади, бунинг учун иккни пақир сувга ярим кг туз солиб қайнатилади, тоби бир оз чиққач 200 г хордал (горчица) солиб аралаштириллади-да, иккала оёқни солиб 30 минут ўтирилса, бодни қайтаради ва ҳ. к.

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари, содда дорилар ҳақида. 11 китоб, ЎзССР ФЛ пашриёти, 1956 йил, 401, 402, 403-бетлар.

## Иссиқ олов, ёғлиқ палов

Сарлавҳа қилиб қўйилган ана шу ҳалқ иборасини ўқишингиз билан ҳузурбахш бир манзара — улфатларнинг палов дамлаб ширин сұхбат қуриб, дам олиб ўтиргани кўз ўнгингизда намоён бўлади. «Иссиқ олов, ёғлиқ палов» қоғиёси келиб чуққунига қадар бу неъмат ичча минг йилларни саёҳат қилиб бизгача етиб келдийкин?

Ҳалқ ушбу таомни жуда шарафлаб: «таомлар шоҳи», «паловхонтўра», «ош—луқмаи ҳалол», «ўликка едирилса тирилтирадиган ош» каби турли эпитетлар билан атайди. Палов гўғрисида шеърлар ҳам ёзилган, маталлар ҳам бор, ҳалқ достонларида, эртакларида бу таомни кўп учратамиз. Хонадонда бола туғилса ҳам палов, тўй бўлса ҳам палов, ҳатто азада ҳам палов, азиз меҳмоннинг ҳурмати учун ҳам палов дамланади. Бирор бирорвондийга тақлиф қилса ҳам «чой қуйиб бераман, ош дамлаб бераман», «марҳамат қилинг, бир ошам ошимиз бор», дейди. Тўртта улфат йигилса, дарҳол чойхонада ош ташкил қилишга киришади. Оғир меҳнатни бошлишдан олдин ҳам ош ёб олиниади, катта иш бажарилгандан сўнг ҳам палов пиширилади. Байрамларда ҳам ҳар бир хонадон палов дамлайди. Шаҳарлардаги одам гавжум жойларда катта қозонларда палов пишириб тортаётганларини кўргансиз. Нега шундай?

Чунки, ҳар бир миллатнинг маданияти, тили, урфодати, кийимлари ва уй анжомларида ўзига хос хусусиятлари бўлади. Бундай хусусиятлар ўша ҳалқнинг истеммол қиласидиган таомларида ҳам «мана мен» деб кўриниб туради. Миллий ошпазликларда юзлаб, ҳатто миллат таомлар ижод этилган бўлиб, шулардан баъзилари энг асосий таом, миллий ошхонага хос хусусиятни ўзида яққол акс этиридиган маҳсус таомлар ҳисобланади. Чунончи: русларда «шчи», «блинн», украинларда «борщ», «вареники», қозоқларда «бесбармоқ», венгрларда «перкельт», руминларда «мамлиға», француздарда «ромтекс», итальянларда «маккарони», кавказликларда «кабаб», сибирликларда «пельмси», араб ҳалқларида «шовурма», хинди ҳалқларида ҳар хил зиравор ва синқўклар солиб тайёрланган туручли таомлар ана шу жумлага киради. Худди шунингдек ўзбекларда ҳам палов хилма-хил миллий таомлар орасида маҳсус ва энг шарафлиси ҳисобланади. Сарлавҳадаги «иссиқ олов» ибораси бевосита ўчоқ-

да ёнаётган ўтни билдирилмайди, балки мажозий маънода меҳмондўстликдаги қалби қўрликни англатади.

Азиз меҳмонга бўлган ҳурмат ва палов ошни шарафлаш ушбу таомнинг турли вариантиларини келтириб чиқарган. Бу битта таом эмас, балки турли хилдаги таомлар комплексидан иборат бўлган овқат системасидир. Палов оши тайёрлаш усулининг (технологияси) мураккаблиги, керакли масаллиқлар (рецептурасининг) таркибининг бойлиги, ана шу масаллиқларни тўғраб тайёрлашнинг мукаммаллиги ҳамда турларининг ҳар хиллиги каби омиллар айни таомнинг жуда қадим замонлардан бўён ривожланиб, мураккаблашиб, шу билан бирга пишириш усули умумий бир қолипга тушиб келаётганлигини кўрсатади. Ўзбекистоннинг ҳар бир областида палов тайёрлашнинг ўзига хос, бошқа жойлардагидан фарқ қиласидиган усууллари ҳам йилдан-йилга такомиллашиб келган. Чунончи, Фарғона аҳолиси паловни самарқандликлардан бўлакчароқ, тошкентликлар тайёрлаган палов эса Бухоро ёки Хоразмда тайёрланадиганидан ўзгачароқ бўлади. Гап шундаки, бунинг сабаби ўша жойларда етишириладиган масаллиққа, албатта иқтисодий ва иқлимий шароитларга ҳамда ҳалқнинг урф-одатларига боғлиқ. Азалдан шоли экилиб келинадиган Наманган, Андижон, Фарғона, Марғилон, Кўқон шаҳарлари атрофидаги сой бўйи қишлоқларида, Сирдарё, Зарафшон ва Амударёнинг воҳа оралаб ўтган ерларида, Самарқанд ва Бухоро каби қадимиш шаҳарларда палов тайёрлашнинг юзлаб усууллари мавжуд бўлган бўлиши керак. Лекин илларни пазандалик ҳақида китоблар ёзилмаганлиги ёки ёзилган бўлса ҳам булар бизгача етиб келмаганлиги, ёхуд тарихнинг тўзонли қатламлари остида абадий қолиб кетганлиги сабабли паловнинг кўпгина турлари бизгача етиб келмаган. Китоб муваллифи палов хилларини Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларига саёҳат қилиб 30 йил давомида излади, ақли қаймоқ кексалардан сўраб суриштирди, ҳалқ пазандалари орасида юриб ўрганди ва натижада бу таомнинг 20 дан ортиқ турини йигиб 1979 йили «Ўзбек палови»<sup>1</sup> номли китобига киритди.

<sup>1</sup> Махмудос К. «Ўзбек палови», «Ўзбекистон» нашриёти, Т., 1979.

## Палов тарихи гуручдан бошланади

Дон маҳсулотлари орасида гуруч Осиё халқларининг асосий озуқаси ҳисобланади, бинобарин, дунё ахолисининг тенг ярми гуруч билан тирикчилик қиласди. Ёввойи шолининг ватани бўлмиш Осиёда бу ўсимликтар узоқ-узоқ ўтмишлардаёқ маданийлаштирилган ва илк бор селекцияга киритилган. Чунки инсоният маданиятига салмоқдор ҳисса қўшган Ўрта Осиё ўлкасида дехқончиликнинг турли жабҳалари келиб чиққан эди.

Каспийдан Тяншангача, Ҳиндюш ва Эрон тизма тогларидан то Урал дарёси-ю Фарбий Сибирь ва Қозоғистон яйловларига чўзилган мана шу ўлка сунъий сугоришга асосланган энг ҳосилдор дехқончиликнинг ватани бўлган.

Қадимданоқ Амударё, Зарафшон, Сирдарё каби улкан оби ҳаёт соҳилларида, гўзал Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразмнинг ибтидой табиати бағрида дехқончилик кеңг тармоқ отган эди. Неолит даврига хос топилдиқлар орасида дон янчадиган тошлар, сопол идишлар сиртидаги поҳол излари, буғдой ва ария донининг гулханга тушиб кўмирга айланган қодиклари топилган<sup>1</sup>.

Демак бундан сал кам беш минг йил муқаддам асос солнига дехқончиликда шоли ҳам экилган бўдиши керак. Бироқ бу тўғрида ҳозирча аниқ маълумотга эга эмасмиз. Бободехқонлар гарчи шоли етиширган бўлсалар-да, бир оз кейинроқ, сунъий сугориш жорий этилган кезларда бажарган бўлишлари мумкин, негаки серсув майдонларни хоҳлайдиган гуруч ўсимлигига сунъий ишлов бериш аинча мураккаб иш. Эҳтимол улар шоликорликда ботқоқлик ва ачима ерлардан фойдаланишгандир.

Юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари дехқончиликнинг келиб чиқиши тўғрисида совет олимни М. О. Косвен яратган назария ҳам бор. Шу назарияга асосланиб одамзод дастлабки кезларда меҳнат қуроллари етишмаганилигидан ёки булар асоссан, ёғоч, суюк, тошдан ясалган бўлганлиги учун ҳам ибтидой дехқончи-

лик юмшоқ, ботқоқ ва балчиқ ерларда бошланган бўлиши керак, деган хуносага келишимиз мумкин. Ботқоқ ва балчиқ ерларда олиб бориладиган бу дехқончиликни биз бир қатор ҳалиларда ҳануз ҳам учратамиш... бунинг устига шу усул билан экиладиган асосий ўсимлик шолидир<sup>1</sup>. Юқоридаги фикрни тарих фанлари доктори, профессор Я. Ф. Фуломовнинг қадимги Ўзбекистонда дехқончиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди.

Эҳтимол шоли буғдой сингари қурғоқ ерларга ҳам экилиб фақат ёмғир сувигина унга кифоя бўлгандир, ҳар ҳолда Ўрта Осиёда шоликорлик мавжудлиги тўғрисидаги энг қадимги ёзув манбаси юон тарихчиси ва географ олимни Стробоннинг «Жуғрофия» китобида келтирилган.

Хитой тарихчиси Си-Ма-Сяннинг (эрамиздан аввали 186—146 йил) «Тарихий ёзишмалар» номли китобида Ўрта Осиёда 138 йилдан то 126 йилга қадар элчи бўлиб турган хитойлик Чжан Цянь келтирган бир далил бор, унда айтилишича:

«Парпия (Ўрта Осиё) мамлакатида аҳоли ўтроқ яшайди ва дехқончилик билан шуғулланади, экишлари гуруч ва буғдой, узумдан шароб ҳам тайёрлайдилар... Иқлими иссиқ, тупроғи нам ерлардаги давонликлар (фарғоналиклар) ҳам дехқончилик қилишади, утроқ гуруч ва буғдой экишади»<sup>2</sup>.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб шоли (гуруч) Ўрта Осиёга эрамиздан аввали V—II аср ўрталарида тарқалган ва у маданий ўсимлик сифатида ўша давр оралиғида экила бошланган дея оламиз.

## Шолининг асли ватани қаер?

Бу тўғрида жуда хилма-хил фикрлар бор. Шулардан америкалик ботаник А. Декондаль (1885 йил), Совет табиатшунос олимлари Н. И. Вавилов (1926 йил), Р. Ю. Рожинец (1938 йил), Г. Г. Гушчин билан П. М. Жуковский (1932 йил) ва В. И. Комаров (1938 йил), инглиз олимни Баркилл (1933 йил), француз ботаниги

<sup>1</sup> Қаранг: М. О. Косвен. «Очерки истории первобытной культуры». Москва, 1953 йил, 62—64-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Н. Я. Бибурин. «Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена», изд. АН СССР, Москва, 1958 йил, II том, 110-бет.

<sup>1</sup> «Вестник древней истории», 1948 йил, 3-сони. Ў. Ф. Гайдуковичнинг «К истории древнего земледелия в Средней Азии» номли мақоласига қаралсин.

Шевалье (1937 ва 1948 йиллар), ҳиндистонлик табиатшунослардан Рамях билан Гхош (1951 йил), вьетнамлик тарихчи Тао Зюй Ань (1957 йил) ва ботаник Дао Тхе Туан (1960 йил) ёзган асарларида ёввойи шолининг учта ватани мавжудлиги ҳақида фикр юритадилар, яъни Жаңубий Хитой, Ҳиндистон ва Ҳиндистон.

Ўрта Осиёга шоли шу давлатларнинг қайси бирорни кириб келганилиги масаласида ҳам тарихий фактларга мурожаат қилиб кўрамиз.

Олдиндан айтиш мумкини, шоли бизга Ҳиндистондан келган бўлиши сира ҳам мумкин эмас, чунки бу давлатдан Ўрта Осиёга узоқ ўтмишда бевосита йўл ва алоқа бўлмаган.

Эрамиздан аввалги 3000 йилга оид Жайтун маданиятига хос топилдиқлардан маълумки, Ўрта Осиёning азалдан кўпроқ Шимоли-Фарбий Ҳиндистон билан алоқаси бўлгани тасдиқланади.

Жайтун манзилидан топилган сопол идишлар Ҳиндистонда топилган шу каби идишларга жуда ўхшаш. Бу фикрни профессор М. Е. Массон ҳам тасдиқлайди, у Шимоли-Фарбий Ҳиндистон дехқончилигига Жаңубий Туркманистондаги неолит даврининг дехқончилиги таъсир кўрсатган бўлиши керак, деган фикри илгари сурди<sup>1</sup>.

Ўрта Шарқ мамлакатлари, шунингдек, Шимолий Ҳиндистоннинг эрамиздан аввалги III асрига оид ёдгорликларида Ложуворд тошидан ясалган бирмунча нарсалар борки, ушбу тош Ўрта Осиёдан олиб борилган бўлиши керак. Чунки ўша даврларда Ложувордининг яккаю ягона кони Бадаҳшон (Тоҷикистон) тогларида бўлган эди. Узбекистон териториясидаги эрамиздан аввалги III-II асрга оид қабр қазилмаларида эса Ҳинд океани оролларидагина мавжуд бўладиган вулқоний жилвир тошидан ишланган мунҷоқ ва тақинчоқлар топилган<sup>2</sup>.

Демак, юқоридаги далиллар Ҳиндистон ва Ўрта Осиё халқлари ўртасида эрамиздан олдинги IV-III асрларда ёк алоқа бўлғанингни кўрсатади. Дехқончи-

<sup>1</sup> «Вестник древней истории», 1957 йил, 1-сонидаги М. Е. Массонинг «Древнеземледельческие племена Южного Туркменистана и их связи с Ираном и Индией» номли мақоласига қаралсан.

<sup>2</sup> История УзССР, 1-том, УзССР ФА, Тошкент, 1955, 53-бет.

лик борасидаги шундай алоқаларда ёввойи шолини олиб келиниб сунъий сугоришнинг илк ватани бизнинг ўлкамизда экилган бўлиши ўз-ўзидан маълум.

Хитой билан эса алоқамиз анча кейин (эрамиздан аввал тахминан II асрда) элчи Чжан Цянь томонидан «Ипак ўли» очилгандан сўнг ўйлга қўйилган. Бу кўргина тарихий китобларда ёзилган. Мана шунинг ўзиндан ҳам маълумки, шоли бизга Хитойдан ўтмаган, чунки бу мамлакат билан алоқа бошлангунга қадар шоликорлик Ўрта Осиёning ўзида анча авж олган бўлади.

Шоли Ҳиндистондан келган деган версия эса анча тўғрироқдир. Агар шундай бўлса, у Бақтрия (Афғонистон) ва Ҳиндикуш тоғлари орқали ўтган бўлади. Буни лингвистик маълумотлар ҳам бир қадар тасдиқлайди. Масалан, қадимги ҳинди санскрит тилида экиладиган гуруч уруғи «шоли» деб аталади. Энди афғон, тоҷик ва ўзбек тилларida ҳам бу дон «шоли» шаклида бир хил аталади. Яна санскрит тилида гуруч «брише» деб юритиларкан. Худди шу нарса афғон тилида «беренж», тоҷик тилида «биринч» ва ўзбек тилида «гуруч» деб аталадики, булар ўртасида ғоятда яқин акустик ва транскрипцион ўхшашлик борлиги аниқ сезилиб турибди.

Профессор С. П. Толстов Ўрта Осиё халқларининг анчагина манзилларида варварлик даврининг қуи босқичига оид қазув ишлари олиб борган эди. 4 ва 5 сонлари билан белгиланган Жанбас қалъа манзилларини олим Келтимишор маданияти деб атади. Ушбу маданият эрамиздан аввалги IV асрнинг охири ва III асрнинг бошлирига тўғри келади. Бундаги топилдиқлар орасида ўша даврнинг ўзига хос унча сайқал берилмаган кели (ўғирча) нинг тош сопи эътиборимизни ўзига тортади. Мана шу топилдиқ ҳам узоқ ўтмишдаги Узбекистон ғаллакорлиги (шоликорлиги) дан бир далолат.

Варварликнинг ўрта босқичига тўғри келган 6 сонли Жанбас қалъада ҳам тошдан ясалган дон янчиғининг синиқлари топилган. Буни 1945—1946 йилларда ўша жойда илмий ишлар олиб борган профессор Я. Г. Гуломов Суярғон маданияти деб номлади. Суярғонининг мис ва сопол буюмлари ҳам ўша пайтда дехқончилик лича ривож топганлигидан далолат беради.

Урта Осиёда сунъий сугориши анча кенг рибож топгани туфайли хўжаликнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби фаллакорликдек қийин соҳада ҳам қулларнинг меҳнати асосий бўлиб қолади. Бу даврларда барча дон экинлари билан бир қаторда шоли ҳам анча кўп экилган бўлиши керак.

Эрамизинг VI асрларидан эътиборан Урта Осиёда феодализм даври бошланиб, унинг кўп асрлик тарихи орқали то бизнинг давримизгача етиб келган шоликорлик касбини авлод-аждодларга мерос қолдирган дехқон боболаримиз турли навлардаги шолиларнинг ҳақиқий селекционерлари ҳисобланадилар.

Маданийлаштирилган ўнларча навлар билан бир қаторда Урта Осиёning ушбу жайдари гуручлари: арна-шоли, буғдой гуруч, қирмизи шоли, хўжа Аҳмат, оқ шоли, девзира, қазақи шоли, ўзбеки шоли, қора қилинириқ ва бирмунча бошқа навлари борки, булар ҳаинуз ҳам экилади.

Шундай қилиб, Урта Осиё бутун Осиё қитъаси тарихида сунъий сугоришига асосланган дехқончиликнинг энг қадимги маркази ҳисобланади. Олтин тупроққа оби ҳаёт сувини бериб, ёввойи шолини маданийлаштириб дурдана гуручга айлантирган унинг инжу яратувчи меҳнаткаш бобокалон дехқонлари ҳам шу ерликдир.

### Палов ош — ҳалқ ижоди

Хўзур қилиб паловни еб ўтириб оғзаки гурунглерда: «Бу неъматни ким ижод қилиган экан?»—деган савол туғилиб қолади. Бунда ҳар ким ҳар хил фикрини айтади. Бирорлар: «бу таомни Луқмони Ҳаким ижод қилган», деб тилимиздаги «бир луқма ош», «луқмадан ҳалол», «палов ҳокимлар овқати» каби ибораларга таяниб «исботламоқчи» бўлниади.

Ёки «Тожик пазандалигин» китобининг автори Содиқ Аминовнинг фикрича, «паловни Афлотуни ижод этган» эмиш. Чунки,— дейди у киши,— бу таомнинг «палови Афлотуни мусаллам» деган хили бор. Лекин Содиқ Аминович паловнинг бу хилини ўз китобларига киритмаганлар ва «Афлотуни палови» нинг рецепти ва технологияси ҳақида тўхталиб ўтмаганлар ҳам.

Шуни айтиш керакки, паловни Узбекистондан хорижда алоҳида шахс ижод этиб бу ерга олиб келиб

тарқатган эмас. Қолаверса бу таомнинг масаллиғи хилма-хил эканлиги, уларнинг ҳар бирининг пишиш жараёни белгилаш, тўғраш усусларини аниқлаш ўша масаллиқларни бир-бирига қўшиб бафоят лаззатли, мураккаб химиявий биримка ҳосил қилиш, пишириш усулининг мукаммал, пухта эканлиги, палов турининг анча кўплиги ва ҳар бир турдагиси бир-биридан кескин фарқ қилишлиги каби бир қатор омиллар ушбу таом бир кишининг ижоди бўлиши сира-сира мумкин эмаслигини кўрсатиб турибди.

Пазандалик санъат экан, бунда ҳам ижод бўлади. Пазандаликдаги ижодкорлик худди бошқа санъат жанрларидаги каби ҳалқ ҳаёти, урф-одати, ҳалқ ижодкорлигидан келиб чиқади ва ҳамма вақт ўша ҳалқ яшаб турган мамлакат ва даврнинг иқтисодий асосларига таяниади. Ижодни албатта алоҳида шахслар амалга оширади, аммо лекин ўша шахслар ўз ижодини ҳалқнинг тажрибасидан келтириб чиқармаган бўлса, йўқ деганда, кўпчиликнинг амалий фаолиятига таяниб иш тутмаса, бундай ижоднинг умри қисқа бўлади. Яна ҳар бир ижодкор ўз ижоднинг самарасини ҳалққа манзур тушира олиши керак ва ҳалқ уни қўллаши керак. Ҳалқ қўллаб-қувватлайдиган парса эса омманинг юқсан дид-табиати, унинг меҳнати самаралари, ҳаёт кечиринига ва маданийтоти олға суришга бўлган интилишларига мос тушиғоги жонз.

Мана шундай бўлмаса ҳар қанақа ижод, шу жумладаи, таоминуносликдаги ижодкорлик ҳам узоқ ўтминидан, то ханузгача сақланиб қолмаган бўлур эди. Бинобарни, наловни биз ҳалқ ижодидан келиб чиққан таом дейинига ҳақдимиз. Уни тайёрлаш усули (технологияси) ни ва зарур масаллиқлар (рецептураси) ни мукаммал бир даражага келтиришда турли касб эгаларининг хиссалари бор эканлиги ўз-ўзидан маълум бўлиб турибди. Асрлар мобайнида фаллакор, боғбон, чорвадор, дехқон ҳам, косиб ва пазанд ҳам, уй бекаси-ю, шифокор табиб ҳам, кимёгар ва илми ҳикмат эгаси бўлмиш аллома ва бошқа мутахассислар ҳам ўз амалий фаолиятларининг бир қисмини паловпазликка багишлаганиликлари турган гап. Паловни ҳалқ бирданига ижод этган эмас, балки жуда кўп асрлар давомида бунинг рецептни ва технологиясини мураккаблаштириб борган. Аввалига гуручни қуруқ қайнатиб бунга сабзвотлар ва гўштни қўшиб ейиш одати бўлган бўли-

ши мумкин. Худди шундай одатни биз Шарқий, Жанубий ва Марказий Осиё халқларининг пазандалигида учратамиз. Корея, Хитой, Япония, Индонезия, Бирма, Вьетнам, Ҳиндистон ошхоналарида гуручин қуруқ пишириш ҳанузгача сақланиб қолинган.

Қайнатилган гуручга қўшиб ейиладиган масаллиқ-ларни (гўшт-ёғ, сабзи-пиёз) бирга пишириш Эрон, Афғонистон, Тоҷикистон ва Ӯзбекистон ошхоналарига хос услубдир.

Ёки Европа мамлакатларининг пазандалигини олиб қарайдиган бўлсак, унда ҳам гуруч алоҳида пишириб олиниб, гўшти, балиқли, сабзавотли овқатларга гарнир қилиб берилади. Аммо ўзбек паловининг мураккаб технологияси ва хилма-хил рецепти барча жаҳон пазандалигидаги гуручли овқатлардан кескин фарқ қиласиди. Палов ижодиёти уни овқат тарзида пиширишдан бошланган бўлиши ҳам мумкин (масалан, мастава). Сўнгра бундан ўртacha қуюқликдаги — «шовла», пировардидаги энг қуюқ овқат — «палов»га келиб тўхталган бўлиши ҳам мантиқа тўғри келади. Мастава — шовла — палов схемасида рецепт ва технология асосан бир хил. Ҳар учала таомда ҳам қозонга аввал ёғ солиниб, пиёз жазлаб, гўшт қовурилади. Сўнг сабзи ва бошқа масаллиқларни пиширилгач гуруч солинади. Фақат фарқ шундаки, маставага сув кўп қўйилиб гуруч оз солинади (суюқ ош), шовлага сув ўртacha қўйилиб гуруч ҳам ўртacha солинади ва илашимли қилиб пиширилади (бўтқа), паловга эса сув озроқ қўйилиб гуруч кўпроқ солинади (титроқ дона-дона ош). Маставадан шовлага, шовладан паловга ўтиш қисқа вақтда юз бермаган ва буни айрим кишига хос фаолият деб бўлмайди. Бу халқ ижодидир.

Албатта барча ноз-неъматларининг сарасига синфи жамиятларда эксплуататор синфлар эга бўлиб олганидек, палов ҳам бора-бора кўпроқ бой хонадонларда тайёрланадиган бўлиб қолди. Бу ҳақда «Ӯзбекистон халқлари тарихи» да айтилган фикр жуда қизиқарли: «Ӯзбекистоннинг аксарият жойларида меҳмондорчилик пайтидаги севимли ва энг шарафли таом палов ҳисобланган. Бу таомни тайёрлашнинг ўнларча усуслари мавжуд эди. Бой хонадонларда палов деярли ҳар куни, ўртаҳол хонадонларда эса ҳафтала бир марта — жума бозор арафаси (пайшанба куни) кечқурун пиши-

рилган. Камбағаллар учун эса ғоят иёб таом ҳисобланган»<sup>1</sup>.

Шунга қарамай халқ оммаси энг оғир иқтисодий шароитларда ҳам паловнинг унут бўлиб кетмаслигига ҳаракат қиласинлар, чунончи паловпазлик мусобақалари ташкил этиб турилган. Бу тўғрида ўша китобда яна шундай фикрлар бор:

«Онлана овқатни ҳамиша аёллар тайёрлашган, аммо... ҳар бир эркак киши палов тайёрлашин ўрганиб олинини ўзи учун мажбурий бир иш деб билган ва бу санъат кўпинчча ифтихор ва паловпазлик мусобақаларининг мазмуни бўлиб хизмат қиласиди»<sup>2</sup>.

Паловнинг Ӯрта Осиёда ижод этилиб сўнг бошқа жойларга тарқалганилиги тўғрисида мана бу фикр ҳам далолат берилади: «Покистон ва Шимолий Ҳиндистонда яшовчи бадавлатроқ мусулмон аҳолиси ўртасида Пулао (палов) анча машҳур таомдир. Ушбу таом Ӯрта Осиёда келиб чиққандир. Буни Ҳиндистонга илк ўрта асрларда мусулмон фотиҳлари тарқатишгандир»<sup>3</sup>.

Палов тўғрисидаги фикрлар адабиёт, тарих ва бошқа фан соҳаларида оид манбаларда ҳам бор. Ҳусусан, ёзувчи В. А. Смирнова-Ракитинанинг «Абу Али Ибн Сино қиссаси» номли китобида X—XI асрлар бўсағасидаги тарихий воқеаларни бадиий баён қилиш билан бирга улуг табиб яшаган даврда ҳам «юзига зираворлар сепилгаш... девзира гуручдан пиширилган ва ғоят лаззатли... хушбўй, серёғ шоҳона палор» мавжудлиги тўғрисида анчагина гаиларни айтади<sup>4</sup>.

Утгай асрнинг машҳур шарқшунос олимни венгриялик Герман Вамберининг «Бухоро ва Мавороуннаҳр тарихи...» номли нодир асарида XIV асрда ҳам палов шарафли таом ҳисобланганлиги ва умуман ўша даврдаги дастурҳои ноз-неъматларига этнографик нуқтани назаридан алоҳида тўхталиб ушбу фикрлар ёзиб қолдирилган: «Бунингдек хилма-хил таомнома бошқа

<sup>1</sup> «Ӯзбекистон халқлари тарихи». II том, Ташкент ӮзФА пашриёти 1947 й. 317-бет.

<sup>2</sup> Унда асар, 318-бет.

<sup>3</sup> Коллектив. Этнография питания народов стран зарубежной Азии. Из-во «Наука», М., 1981 г. 53-54-бетлар.

<sup>4</sup> В. А. Смирнова-Ракитина. «Абу Али инб Синэ қиссаси», «Ёштардиди» измристи, Ташкент, 1966 йил, 98, 99, 100, 101 ва 109-бетлар.

жойларда сира бўлмаса керак, ғоятда сийрак маълумотларга кўра ҳукм қилганимизда ҳам уларнинг (узбекларнинг *К. М.*) энг севимли таомлари қўйидаги лардир: қовурилган қўй ва от гўштлари, палов, қийма солинган хамир таомлари, мевали тортлар ва шириин нонлар<sup>1</sup>.

XV аср ёдгорлиги «Бобурнома» да ҳам палов тўғрисида анчагина фикрлар айтилган.

Машҳур энциклопедист олим ва давлат арбоби Абулфазл Алломийнинг XVI асрга оид ажойиб қомус характеридаги «Ойини Акбарий» номли китобида 35 хил таомни тайёрлаш усули, жумладан, гўшт қийма, девзира гуруч, муҳашшир нўхат ва бошқа масаллиқлардан пишириладиган «қийма палов» тўғрисида фикрлар бор. Ушбу таом Бобурийлар сулоласидан Жамолиддин Акбар ҳукмронлигига (1556—1605) мавжуд бўлган<sup>2</sup>.

XVII асрда яшаган географ ва тарихчи олим Маҳмуд ибн Вали қаламига мансуб «Баҳр ул-асрор» китобида эса Мавороуннаҳрда ўсадиган дон, сабзавот ва мевалар, уларнинг навлари, экиладиган жойлари, хусусиятлари, озуқали қиммати тўғрисида батафсил баён бор. Бизни қизиқтирган нарса гуруч бўлди. Олим гуручининг «девзира» аталмиш нави борлиги ва у ғоят серлаззат ва инсон учун жуда фойдали эканлигини айтади<sup>3</sup>.

Ўзбеклар паловни ажойиб неъмат деб билади. Уни истроф қиласлик, ҳатто бир дона гуручини ҳам оёқ остига, нопокиза жойларга тушиб қолмаслигига ҳарарат қилиш, гавҳардек асраш халқимизнинг энг яхши одатларидан биридир. Чунки палов таркибига кирадиган ҳар бир масаллиқ халқнинг машаққатли меҳнати эвазига яратилади.

Бу таомнинг ижод этилиши териб-термачлашдан

<sup>1</sup> Г. Вамбери, История Бухары и Трансоксании с древнейших времён до настоящего», Издание Я. А. Исакова. С-Петербург, 1873 г. 225-бет.

<sup>2</sup> Шайхи Абулфазл Алломий. «Ойини Акбарий», Қалъкутта, Мукши Нулишвар матбааси, 1893 йил, Тошбосма, З-нашри, 36-бетида (мазкур асар форс тилида ёзилганлиги учун УзССР ФА Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими, шоир Чустий шарҳловидан фойдаланилди).

<sup>3</sup> Ҳ. Ҳасанов. «Ўрта Осиёлик географ сайдечлар», «Ўзбекистон нашриёти, Т., 1964 й., 197-бет ҳамда Б. Аҳмедов — «Маҳмуд ибн Вали», Т., Бирлашган нашриёт, 1966 й., 18-бет.

дехқончиликка, ёввойи ҳолда ўсуви донларни (шолини) маданийлаштириш ва овчиликдан чорвачиликка, ҳайвонларни қўлга ўргатиш, сўнгра яна илдизмевали ўсимликлардан сабзи, пиёс кабиларни ҳайдалган ва суғориладиган ерларга экиб кўпайтиришга ўтиш билан бошланган.

Палов ўзбек пазандалик санъатининг энг юқори чўққисидир. У пишириш-қовуруш, қайнатиш ва дамлаш каби мураккаб технологик жараёнлардан иборатки, албатта бу таомни тайёрлашни ўрганиб олган ҳар бир киши бошқа ўнлаб таомларни ҳам бемалол пишириши мумкин.

### «Палов ош» этимологияси ҳалқ афсонасида

Пулингдан бир пулинг қолса, палов е, Кунингдан бир кунинг қолса, палов е.

Ўзбек ҳалқининг ушбу матали палов ошнинг ғоят серлаззат тўй ва меҳмондорчиликларда тайёрланадиган шарафли таом эканлигига ишорадир. Чунки палов Ўрта Осиё, асосан, ўзбек ва тожик ҳалқларининг миллий таоми ҳисобланиб, жуда қадим замонлардан бўён маълум.

Агар паловни ҳар бир хонадон меҳмон келишига атаб ёки маросимлардагина дамлашадиган бўлса, ёхуд ўз оила аъзолари учунгина тайёрланса кўпинча бунга фақат ҳафтанинг найшашиба кунларигина тайёр гарлик кўрниларди. Бунинг сабаби ҳаммани қизиқтиради, лекин ҳеч ким аниқ билмайди. Ёки «палов» сўзи нимани англатади? Фақат ўзбеклардагина эмас, балки дунё ҳалқларининг кўпгина тилларида «палов» маъносини англатадиган сўзлар борки, булар асли қаердан келиб чиқдийкни? Чунончи: Россияда «палов», Гарбий Европа ва Америкада «палов», Хиндиистонда «пулао» (ҳинди), «плав», (урду), Қозогистон ва Шарқий Туркистонда «палов», Арманистон билан Грузияда «плав», Озарбайжонда «чилав», Хоразмда «чалов», Тожикистонда «ош палов», Узбекистонда «палов ош» тарзida талаффуз этиладиган бу таомнинг номи қайси тилга хос?

Балки, ўзбекча «палов ош» термини ўшаларният биронтасидан олимнадимикин?

Бу тўғрида ҳеч қандай лингвистик маълумотга эга эмасмиз.

Аммо, гуручининг ватани бўлмиш Ҳинди-Хитой, Хи-

тойда палов тайёрланмайди. Уларда гуручдан тайёрланадиган хилма-хил таомларнинг номларидан биронтаси «палов» га ўхшаш сўз билан талаффуз этилмайди.

Лекин, урду тилидаги «плав» сўзининг талаффузи ўзбекча «палов» сўзига ўхшаш бўлиб, у ҳам «гуручли ош» ни билдиради.

Қозоғистон ва Шарқий Туркистонда (уйғур тилида) «палав» ибораси билан юритиладиган таом номи заминида ўзбекча «палов» ифодаси ётади ва улар қисман, «палав» деб шовлани ҳам аташади.

Арман ва грузин тилларидаги «плав» термини ҳам гуручдан тайёрланган «қуюқ таом» маъносida юритилади. Булар ўзбек паловини ва бундан анча фарқ қизадиган арманча ва гурузинча паловни ҳам худди шундай аташади.

Муқаддас номлар, қизиқарли атамалар, кундалик кўп ишлатиладиган терминлар этимологияси илмий ишланмаган бўлса, бундай тушунчаларнинг маъносини халқ ўз оғзаки ижодиётининг афсоналаридан «ҳал қилишга» уринади. Буни лингвистлар «халқ этимологияси» деб аташади.

Халқ орасида «палов ош» атамасининг келиб чиқиши ҳақида бир афсона юради. Бу афсона Абу Али ибн Сино номи билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам қизиқарлидир.

«Қадимда бир шаҳзода гўзалликда тенги йўқ, бироқ камбагал оиласдан бўлган бир қизга ошиқ бўлиб қолади.

Бироқ шаҳзоданинг косиб қизига уйлапиши қийин бўлганлигиндан ошиқ кўп изтироб чекади. Пировардида у кўкрагини заҳра бераб, бир неча кун овқат танаввул этмай, афгор бўлиб қолади.

Шоҳ Абу Али ибн Синони чақиртириб ўғлининг касаллигини аниқлаш ва даволаш кераклигини буюради.

Ийит ўз дардини ҳеч кимга айтмайди. Лекин улуғ табиб уни синчиклаб текширгач, аъзоларида зарур моддалар камайиб кетганлигини билади. Олим очликнинг сабаби ишқ дардига мубтало бўлганлика эканлигини аниқлади. Ушбу касални тузатишнинг иккни йўли бор. Бироқ ошиқни маъшуқага қовуштириш, иккинчиси — етти хил масаллийдан тайёрланган серкувват таом «палов ош» едириш.

Шаҳзода ўз дардини айтмагани ҳолда, унинг касалини исбот қилиш керак, бу — шоҳининг талаби. Шунда Абу Али ибн Сино шаҳардаги барча маҳаллаларнинг номини биладиган бир мўйсафиидни топтириб келишини шоҳдан илтимос қиласди. Бундай одам топтириб келинади.

Табиб унга:

Шаҳар маҳаллаларининг номини бир чеккадан қаттиқ овоз билан санаб чиқсан, — деб буюради, ўзи эса беморнинг томирини ушлаб туради.

Мўйсафиид маҳаллаларнинг номини атаб-атаб, битта маҳалла-нинг номига келганида йигитнинг томирида қон айланиш кескин ўзгариб кетганлиги Абу Али ибн Синога мазлум бўлади:

— Энди, дейди олим,— ўша маҳаллада яшайдиганларнинг бар-часини танийдиган одамни топтиришингизни илтимос қиласдим,

Шоҳ бундай одамни ҳам дарҳол топтиради. Олим унга:

— Ҳамманинг номини қаттиқ овоз билан айтнб турасан, — деб буюреди. Узи яна беморнинг томирини ушлади. Исмлар бирма-бир саналиб, бир косибининг номи аталганда шаҳзода яна ўзгариш пайдо бўлди.

Абу Али ибн Сино шунда очиқ айтди:

— Шаҳзаданинг касаллик сабаби фалони маҳалладаги фалончи косибининг қизига ошиқ бўлганлигидар, уни тузатиш учун тўй қилини керак ва албатта шу бугундан иборат ҳафтада бир марта пазар ош едириб туриш керак. Шунда бемор тузалиб, бақувват бўлиб кетади, — деб маслаҳат берган экан.

Эҳтимол, пайшанба куни ош дамлаш ўшандан кейин расм бўлгандир?

Эҳтимол, ошиқ-маъшуқларни қовуштирилладиган тўй куни албатта ушбу шарофатли таомни тайёрлаб барчага тортиш ҳам шунга боғлиқдир? Эҳтимол, касалга мадад берган табиб ибн Синонинг илми ҳам халқ этимологиясида «Мадади Сино» деб аталиб, кейинчалик «Медицина» бўлиб кетгандир?

Албатта бу ҳам фақат бир фараз бўлиб, илмий асосланмаган фактлардир. Уша афсонанинг давомида айтилишича:

Улуғ ҳаким:

— Касалга палов ош пишириб беринглар,— деганидан кейин, ушбу таом рецепти учун керакли масаллиқларнинг бош ҳарфларида иборат буидай ёзув қолдирган эмиш:

الله أعلم

(яъни «палов ош»). Бу етти хил масаллийдан иборат бўлиб, П — пиёз; А—аёз, яъни сабзи ёки бехи; Л-лаҳм, яъни гўшт; О-олио, яъни ёғ; В - вет, яъни туз; Ш - шоли, яъни гуруч.

Ана шу ҳарфлар жамланса, «Палов ош» тушучаси ҳосил бўлади.

Шундай хулоса чиқаришга ҳақлимизми, йўқми, бундан қатъи назар мазкур схемани бошқалар ҳам келтиришади, хусусан тожик давлат педагогика институти химия кафедрасининг доценти А. Ражабов «Палов кимёси» номли мақоласида келтиради<sup>1</sup>.

Бунинг аниқ шундай эканлигини тасдиқлайдиган

<sup>1</sup> «Фан ва турмуш» журнали, 1963 й. 4-сонига қаранг.

бирон-бир тарихий манба йўқ, албатта, А. Ражабов ҳам худди ҳалқ орасида тарқалган афсонага асосланган бўлиши керак. Бироқ у тожик тилининг хусусиятларига қараб тушунчани «Ош палов» тарзида ифода этади.

Афсона афсоналигича қола турсин, ҳақиқатга кўчганимизда палов ош ана шу етти хил масаллиқдан (пиёз, ёғ, гўшт, сабзи, гуруч, сув, туз) тайёрланади. Эндиликда паловга майиз, нўхат, қалампир, мурч, зира, зирк ва яна бир қанча масаллиқлар солиб дамлаади. Булар асосий эмас, балки қўшимча масаллиқлардир ва буларсиз ҳам палов ош пиширса бўлаверади.

### Чой—қувватга бой

«Чой нима?»—деган саволга қўпчилик: «Ичимлика»—деб жавоб берib қўя қолади. Лекин Ўзбекистонда чой оддай ичимлиkkина эмас, балки одамлар ўртасидаги муносабатнинг анъанавий элементидир. Бизда чой номи билан боғлиқ бир неча издаҳомлар ва меҳмоннавозликнинг турлари келиб чиқкан бўлиб, бу ичимлиқда гап кўплигидан далолат беради: «Чайхона базми», «Бир пиёла чойга таклиф», «Келинчак қўлидаги чой» ва ҳоказо. Эрталаб туриб нонуштани чой ичишдан бошлаймиз. Мехмондорчиликнинг бошланиши ҳам, ўртаси ва охири чой билан. Танишингизни учратсангиз салом-алиқдан сўнг «қани, марҳамат, чой қўйиб бераман» деб таклиф қиласиз. Бир ўзингиз, ёки улфатлағ билан чойхонага кириб бир чойнак чойни майдалағ ўтириб ҳордиқ чиқарасиз. Нега шундай? Чунки чой ажиб бир неъматдирки, унинг ранги мусаффо, гўзал, мазаси хуштаъм, ҳиди хушбўй бўлиб ичган кишига чинакам ҳузур баҳш этади. Неча бор синаб кўргандирсиз, ахир ҳаво ҳарорати совуқ бўлганда чой ичсангиз танангизни иситади, иссиқ пайтларда ичилган чой — салқинлатади. Қорин очликда чой ичилса бир оз таскин топилади, овқатдан сўнг ичилган чой ҳазм қилдиради. Барча ичимликлар ичиди чанқоқни яхши қондирадигани ҳам чой ҳисобланади. Ташина бўлмасангиз ҳам, шунчаки, бекор ўтириб чой ичсангиз — эрмак, ишдан чарчаб келиб чой ичсангиз — ҳордиқ. Уйқу босиб келганда чой ичилса киши сергак тортади, уйқудан кейин туриб чой ичилса чөхрани очади. Кўнгил айнишини, бош оғрифини чой қолдиради.

Шу сабабдан бўлса керакки, чойни гўдаклардан тортиб, қарияларгача, соғлом кишилардан тортиб хасталаргача — барча ичади.

Чой шундай неъматки, у асабларга ором бериб, кишини бардам ва бақувват қилади. Ўзбек ҳалқида: «Агар чой ичмасанг, қувватни қайдан оласан?»— деган нақл бежиз айтилмаган бўлса керак.

Чойнинг ажойиб хусусиятлари шоирларни ҳам илҳомлантирмай қўймаган, у ҳақда анчагина шеълар битилган. XIX асрда бухоролик шоир Шоҳ Ниёз Бухорий «Чойнома» номли достон ҳам ёзган. Чой тўғрисидаги энг мақбул шеълардан бири ҳинд шоири ва мутафаккири Рабиндренат Тагор қаламига мансуб бўлиб, шундан бир мисол келтирамиз:

Чиқардир ҳордиқ — доим ичсанг чой,  
Чойдир нафосат, куй, ғазал, чирой.  
Чоп азизим, кел, чой ичайлик, чой,  
Чойдан ол мадад, чой қувватга бой!

### Чой кимёси ва чой давоси

Чойнинг шифобахшлиги жуда қадим замонлардан бўён маълум. Япония ва Хитойда, Хинди斯顿, Шри Ланка ва бошқа давлатларда жуда кўп касалликларни қадимдан чой билан даволаб келинади. Ўзбек ҳалқ табобатида ҳам шамоллаш, ич кетиш, иштаҳасизлик, бош оғриғи, тиш оғриғи каби касалликларни чой билан даволаганлар. Кўз оғриғига қуюқ дамланган қора чойнинг нафи борлиги кўпчиликка маълум, посотли яра-чақаларни ҳам илиқ чой билан ювилса тозалайди. Чунки чойда бактерияларга қарши қирон келтириш хусусияти ҳам бор. Чойнинг хушбўйлиги ҳам, мазалилиги ҳам, шифобахшлиги ҳам унинг таркибидаги химиявий моддаларнинг хилма-хиллиги ва мураккаблигидадир. Олимлар чойда 120 хил модда борлигини аниқлаганлар. Чойда, қайноқ сувда эрийдиган моддалар бор, булар экстрактив моддалар деб аталади ва дамланган қайноқ сувга ўтиб ранг беради. Бу моддалар чой совигандан сўнг идиш тагига чўкиб қолади, суви буғланиб кетса, пиёла тагида қизғиши жигарранг куйқа ҳосил қилади. Баъзилар бу қуйқани заарли деб ўйлайдилар, аксинча чойнинг энг фойдали жавҳари худди ана шудир. Шу хил экстрактив моддалардан бири — танин ҳисобланади. Бу модда овқатни ҳазм қилишда актив иштирок этади.

Замонавий медицинада турли ошқозон-ичак касалликларини танин билан даволашади.

Чойда яна катехин ва эпикатехин деб аталувчи моддалар ҳам бўлиб, булар Р витаминни хусусиятига эгадир. Унинг шарофати шундаки, Р витаминни қылтомирларни мустаҳкамлайди ва кенгайтиради, натижада қон яхши юриниб кишини тетиклаштиради. Айниқса, бош мия ичидаги ва юрак мушаклари орасидаги капилляр томирлар учун унинг фойдаси катта.

Чойнинг муҳим таркибий қисми бу кофеинидир. Кофеин дастлаб кофе таркибида топилгани учун шундай деб аталади. Кофеин кофе, какао ва чойдагина мавжуд. Бу алкалоид модда ҳали бошқа ўсимликларда кайф қилинганича йўқ. Кофсин кайфиятни чор қиласиган алкалоид бўлиб, у марказий асаб системасини мулоийим қўзратади, натижада мия нейронларининг толиқиши барҳам топиб кишининг ақли пешланади. Кофеин билан танин бирикмаси аввало юрак ва бошқа муҳим аъзоларимизнинг физиологик фаолиятини яхшилади.

Чой таркиbidаги ифор (эфир) моддаси ичимликнинг оромбахш хушбўй ҳидини таъминлайди, натижада чой ичган кишининг иштаҳаси очилади.

Чой ҳам витаминларга бой неъматлар қаторига киради. Унда С, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, ва РР витаминлари мавжуддир.

С витамини жуда шифобахш бўлиб, ўпка шамоллаши, кўйкўтал, бўғма каби оғир касалликлардан тезроқ қутулишга ёрдам беради. Жароҳат, яра ва синган суякларнинг тезроқ битиб кетишига восита бўлиб, аъзоларимизни чарчашдан сақлайди. Агар ушбу витамин этишмаса кишининг милклари хилвираб, тишлари тўкилиб кетади, яъни у цинга касалига мубтало бўлади.

Асаб системаси билан юрак фаолияти учун В<sub>1</sub> витамини яхши шифодир. Эт ва мушакларнинг ғушашиб кетиши ва қўл ёки оёқлар ҳаракатга келмай шол бўлиб қолишдан сақлайди.

В<sub>2</sub> витамини кўздан тинмай ёш оқиб турадиган касалликдан ва лабларнинг бичилиб кетишидан асрайди.

РР витамини эса модда алмашинувига ижобий таъсир қилади ва дармон қуриб кучсизланишдан сақлаб аъзоларимиз фаолиятини яхшилади, қон томирларимизнинг мўртлашишининг олдини олади. Маълумки замонавий медицинада қон босимининг ортиши (хафақон

ёки гипертония) ҳамда зеҳн пасайиши (атеросклероз) каби оғир касалликларда никотин кислотаси деб аталувчи РР витамини билан аскорбин кислотаси деб юритилувчи С витамини бирикмасидан иборат дорилар тавсия этилади. Чойда эса бундай дорилар табий ҳолда мавжуддир.

### Чой тарихи

Чой тўғрисида ёзилган китобларда бу ичимликни ичиши одамлар 3500 йил муқаддам кашф этганлар, дейилади. У дастлаб Хитойда кашф этилган. Унинг номи ҳам хитойча «ча-иёе» деган икки сўздан келиб чиқсан бўлиб «яшил барг» деган маънони англатади.

Чойнинг кашф қилиниши тўғрисида анчагина ривоятлар бор, шулардан ҳақиқатга яқинроғи мана бунаси:

Бундан 35 аср муқаддам ўтган Хитой хоқонининг канизларидан бири кечиримас гуноҳ қилиб қўяди ва ҳомиладор бўлиб қолади. Аёлни ўлимга ҳукм қилиш гуноҳсиз гўдакни ҳам жазолаш бўларди. Шунинг учун у аёлни бир неча кунлик озиқ-овқат билан таъминлаб, кимсасиз биёбонга ҳайдаб юборадилар. У бир тоғ ёнига келганда ейишга овқати, ичишга суви қолмаган эди. Яшашдан умидини узиб бир бута тагига келиб ётади. У мадорсиз қўлларини бутанинг яшил баргларига узатади — ҳеч бўлмаса ташаликни қондирар-ку, деган умидда уни чайнай бошлайди. Маълум фурстадан сўнг аёл ўзини бардам ҳис қила бошлайди, тетиклашиб ўрнидан туради. Барглардан анчагина юлиб олиб келган ўйидан орқага қайтади. Шаҳарга келиб уни ўлимдан асраб қолган ана шу мўжизакор ўсимлик тўғрисида одамларга сўзлаб беради. Биёбонда яшиаб турган ям-яшини баргли бу бута чой ўсимлиги эди. «Ча-иёе» — яшил барг овозаси саройга етиб боради. Хоқон собық канизакни саройга келтиришларини буоради. Келган аёлнинг соғлом, тетик кўриниши ва тиниқ юзларига қараб таажжубланди.

— Менинг табибларимга ўша гиёҳни кўрсат, гуноҳингдан ўтдим, — дейди.

Табиблар ўша ўсимликини қидириб топадилар ва унинг хусусиятларини ўрганиб, уни экиб кўплайтиришга киришадилар.

Аввалига чой доривор ўсимлик сифатида қўлланилган, экин майдонлари кенгайгач, кейинчалик у кундак ичимликка айланган.

Чой ўстириш Хитойдан Японияга ва Хинди-Хитой мамлакатларига тарқайди. Ривоят қилишларинча чой Хиндистонда ҳам қарийб 3500 йилдан бери маълум экан. Эрамизнинг IV асрода будда динининг раҳнамо-

лари беморларга чой дамлаб ичишни тавсия қилғанликлари тўғрисида маълумотлар бор.

Араб савдогари Сулеймон IX асрда Ҳиндистонга қилған саёҳатида ўша жода чойхўрлик жуда авжида эканлигини ёзib қолдирган.

Европада чой XVI асрга келиб маълум бўлади. Чой тўғрисида 1517 йили дастлаб венецияликлар хабар топганлар. Кўпгина тарихий манбаларга қараганда инглизларга 1598 йилда, португалияликларга 1600 йилда маълум бўлади. Чой тўғрисидаги хабар голландияликларга 1610 йилда, францияликларга 1636 йилда, германияликларга 1667 йилда етиб келади. Португалияга қуруқ чойни Ҳиндистондан олиб келиб сотмоқчи бўлган бир савдогар катта зарар кўради, бозорда қанча уни мақтамасин, дамлаб ялиниб-ёлвориб одамларга ичириб кўрмасин, ҳеч ким чойнинг қадрига стмайди.

Голландияда ҳам дастлаб бу ичимликтан юз ўрганлар. Лекин бир куни қирол табиби Бантено кўпчиликни тўплаб чойнинг фойдалилигини мақтаб узундан-узоқ маъруза ўқингандан сўнггина бу ичимлика нисбатан муносабат ўзгаради. Англияда чой гарчи XVI асрнинг охирида келтирилган бўлса ҳам бу ичимликининг ҳузурбахшилиги ва дори-дармонлигини исботлаш учун қарийб юз йил зарур бўлган. Халқда уни ичишга мойиллик тугилгандага аксига олиб у жуда қиммат нархда сотилгани. Шу сабабли, чойни қирол хонадони-ю ва бадавлат оиласаргина ичганлар, холос. Германияда XVII асрнинг иккинчи ярмида тарқалган чой тез шуҳрат қозонади. Уша даврдаги немис императори инглиз чойфурушларини ўзига ром қилиб олади. чой савдосидан сира бож олмайди. Натижада Хитой ва Ҳиндистон деҳқонларидан арzon-гаров харид қилинган бир неча юзлаб килограмм чойнинг ҳар грамини тиллага сотоверадилар.

Чойни дengиз сувига дамланганини эшитганмисиз? Бу воқеа 1773 йилда содир бўлиб «Бостон чойхўрлиги» номи билан тарихда машҳур. Ҳиндистондан келтирилган чой Лондонда катта бож тўлаб сотишга мажбур қилингач, чойфурушлар ўз кемаларини Америка томон бурадилар. Бу ерда эса колонизаторлар «чой балосидан» қутулиш учун бутун бошлиқ бир кемадаги 340 яшик чойни «дengизга дамлайдилар», яъни нобуд қиладилар. Шундан сўнг анча вақтгача Америкага

ҳам, Англияга ҳам чой келтирилмай қўяди. Натижада чойхўрларнинг ғалаёнлари бошланади. Аҳвол шу дарражагача бориб етадики, масалани Англия парламентида кўриб чиқилади. Ҳукумат чойфурушлар учун анча имтиёзлар бериб, божни эса кескин камайтиришга қарор қиласди.

Россияга чой 1638 йилда келтирилганлиги тўғрисида аниқ тарихий маълумотлар бор. 4 пуд (64 кг) чойни Монголиядан подшо Михаил Феодоровичнинг элчиси Алексей Стариков олиб келади. Русларга чой жуда маъқул бўлади. Шундан сўнг унинг савдоси авж олдирилади. Сант-Петербург ва Москва шаҳарларида «ўзи қайнар»— самовар идишлар ишлаб чақарила бошлайди. XVIII асрдан эътиборан самоварлар Тула шаҳрида кўплаб чиқарила бошлайди.

Чойга бўлган талабнинг кучайганлиги сабабли уни шу ернинг ўзида ўстириш зарурияти келиб чиқади. Дастлаб ёввойи чойнинг кўчати 1818 йили Қrimдаги Никитин ботаника боғида ўтқазилган, сўнгра бу ердан 1833 йили бир неча чой кўчат Закавказияга олиб келинади.

1895 йилда проф. А. Н. Краснов билан агроном И. М. Клингер Хитойга борадилар ва чойнинг уруғини олиб келиб Батуми шаҳри яқинидаги Чақва деган қишлоқда экадилар. Бироқ тиллага тортиб олинган уруғатиги 5% ўсимта беради, холос. Маълум бўлишича, хитойлар Россияда чойкорлик ривожланиб кетиб «бозорлари касод» бўлишидан чўчишиб уруғни сотиш олдиндан қайноқ сувга пишиб олган эканлар. А. Н. Краснов билан И. М. Клингер ўша 5% унган чойни 20 йил давомида қайта-қайта экиб кўпайтириб 1915 йилга келиб 500 гектар чой майдони ҳосил қиладилар.

Эндиликда чой Грузияда, Озарбайжонда, Краснодар ўлкасида етиштирилади ва умумий майдони 80.000 гектарни ташкил этади.

Совет ҳокимияти даврида чойкорликка алоҳида эътибор берилади. Чойнинг агротехникаси, мелиорацияси, тупроқшунослиги, агрономияси, селекцияси, механизацияси тўғрисида катта-катта китоблар ёзилган, илмий текшириш институти ишлаб турибди. Чой Узбекистонга дастлаб XIII асрда монголлар истилоси даврида келтирилган. Чой келтириб сотиш онда-сонда, мавсумий характерга эга бўлиб, у ҳам бўлса жуда примитив усулда амалга оширилган. Чунончи чойни

қопларга сомон сингари солиб, от ва туяларга ортиб олиб келинар, натижада чой узоқ йўлдаги ҳар хил ўсимликларнинг, шўрхок чўлларнинг қўланса ҳидларини ўзига сингдирив олиб айниб қолар эди. У вақтларда чойни ўзга ҳидни ўзига тортмаслиги учун қўрғошин қозголарга ўраб яшикларга солиб ташиш йўқ эди-да.

Кейинчалик чой баргини сигир қаймоги ва ҳўкиз қонига аралаштириб тахта орасига олиб пресслаш (тахта чой) усули келиб чиққач, уни узоқ мамлакатларга элтиш қулай бўлган.

Чойни Монголиядан Ўзбекистонга олиб келиш ғоят қимматга тушганилиги учун экспорти тўхтатиб қўйилган. Чойга ўрганган ҳалқ эса иоиложликтан «дала чой» деб аталувчи ўсимликни ва «тош олма» нинг қобиғини дамлаб ичив юрган. То XIX асрнинг ўрталари гача Андикон, Наманган, Кўқон саводгарлари Қашқарга қатнаб «Син-ча-йиे» (хитой чойи) олиб келиб сотиб юрганлар.

Тарихдан маълумки XIX асрнинг 60—70-йиллари Урта Осиё Россияга қўшилди. Ана шу даврдан эътиборан Ўзбекистоннинг савдо-сотиқ ишлари, Оренбург, Саратов Самара, Қозон, Москва, Тула каби шаҳарлар билан чамбарчас боғланиб кетди. Бу ерга олиб келиб сотиладиган бошқа хил товарлар орасида чой, самовар, чойнак ва пиёла каби чой билан боғлиқ анжомлар ҳам бор эди. XIX асрда чойни Ўзбекистонга Россиядан келтирилганлиги ҳақида аввал эслатиб ўтилган Шоҳ Ниёз Бухорийнинг «Чойнома» достонидан ушбу тўртликка эътибор беринг:

Хушбўй, мазам тотли, раигим каҳрабо тусда,  
Шукриллоқи, соғу касал ҳимоясиман.  
Мақбул бўлдим кўп дилларга, хижроним Рудсан,  
Чун ҳаётнинг жондек ширин сармоясиман.


Тошкент, Самарқанд ва Кўқонда Байзон фамилияли капиталистнинг чой магазинлари очилган. Тўртбурчак тунука кутиларнинг қопқогига «Байзон» деб ёзишган чойлар Хиндишондан келтирилиб Россияда қадоқланарди. Ўзбеклар бу чойни «байзан чойи» деб атайди-лар, руслар эса «фамильний чай» дейиниган. Шундан келиб чиқиб ўзбеклар ҳам «фамил чой» дейдиган бўлишган. Биласизми, тилимиздаги «самовар», «чойнак», «пиёла» сўзлари ҳам русчадан олинган. Чунончи «сам»— ўзи, «о»— сўз боғловчи ҳарф, «вар»— варить —


қайнатмоқ бўлиб, «ўзи қайнатадиган» маънони англатади.

«Самовар» Андикон шевасида яна чойхона маъносини ҳам англатади. «Самоварчи»— чой дамлайдиган шахс. «Самовар палов» — чойхонада дамланган ош ва ҳ. к.

«Чойнак» аслида «чай—ник». Маълумки рус тилида «ник» суффикси ичига бирор нарса солинадиган идишни билдиради. Демак, ўзбекча «чойнак» сўзи русча «чайник» сўзидан олинган. «Пиёла» ҳам русчада «пиала». Бу сўз «пить» — ичмоқ феълидан ясалган бўлиб, ичиш учун керак бўладиган идиш маъносини англатади.

Юқоридаги тарихий фактларга асосланиб Ўзбекистон чойхўрлик борасида Россия билан қадимдан алоқадор экан.





### III. МАСАЛЛИҚЛАР... МАСАЛЛИҚЛАР... ТАРИХЛАРИ, ТАЪРИФЛАРИ, ТАЪСИРЛАРИ

Минг дардга даво неъмат

Инсоният бундан 9—10 минг йиллар муқаддам ҳайвонларни қўлга ўргата бошлаган. Дастреб от, фил, сигир, кейин эса қўй, эчки, эшак, товуқ, ўрдак, гоз, курка ва ҳоказолар қўлга ўргатилган. Кейинчалик эса фақат ҳайвон ва қушларгина эмас, ҳатто ҳашаротлар ҳам қўлга ўргатила бошланган. Булардан бирни ипак қурти, иккинчиси боларидир.

Асалари қайси асрда қўлга ўргатилгани ҳозирча номаълум. Аммо археолог ва геолог олимлар ер шарининг турли жойларида қазув ишлари олиб бориб ўзини аниқлаганларки, асалари учламчи даврда ҳам мавжуд экан, бунга тахминан 56 миллион йил бўлган. Одамнинг пайдо бўлганига эса 3 миллион йилдан ортиқроқ вақт ўтди.

Қадимги маданият ёдгорликларига қараб аниқланишича, ибтидоий одам ўрмон ва тоғларга бориб ёввойи асаларининг асалидан баҳраманд бўлиб юрган. Асалнинг ширин шираси уни ўзига ром қилганда, ахир! Фақат ширасигина эмас, балки унинг шифобахш

неъматидан қадимги табиблар ҳам фойдаланишган. Шунинг учун бўлса керак қадимги Миср эхромларининг деворларига нилуфар гули ва унга қараб учуб келаётган асалари суратлари солинган,

Қадимга Хиндистонда эса Вишна ва Кришна номли маъбудаларнинг тошга ўйилган суратлари ёнида албатта асалари ҳам учрайди. Эрамизга қадар 2 мингинчи йилларда Ассурия мамлакатида ўлганларнинг танасини мум билан қоплаб, асалга ботириб қўйишган.

Асаларида фойдаланиш барча халқларда, жумладан, Урта Осиё халқлари, Қадимги Русь, Юнон, Румо аҳолиси ўртасида ҳам мавжуд бўлга.

Асалари ва асал тўғрисида ҳар бир мамлакатда китоблар ёзилиб турилган. Асалнинг озуқалик ва шифолик қиммати тўғрисида икки оғиз сўз.

Табобат илмининг бобокалони Абу Али иби Сино асални «иккинчи даражада иссик ва қуруқ»,— дейди. «Унда тозаловчи, томирларни очувчи, ҳўлликларни шимдирувчи қувват бор... Кўз хираланишини кетказади... Асални танглай билан эзиз сўриш ва гаргара қилиш бўймаларни тузатади ва бодом безларига фойда қиласди... Асал суви меъданни кучайтиради ва интаҳани оширади...»<sup>1</sup>.

Аниқланишича, асалда 70 хил фойдали неъматлар бор экан. Шулардан шакар моддалари — глюкоза ва левулезадир. Бу моддалар асални тўйнимли қиласди. Унда витаминалардан А, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, Вс, Н, К, С, Е ва бензилалар бўлиб, бу моддалар турли дардларга даво эканлигидан далолат беради. Колаверса, асалда инсон ҳаётида зўр аҳамиятга эга бўлган ферментлар ҳам бор. Яна бирмунча маъдан моддалар: калий, кальций, фосфор, кобальт, магний ва бошқалар унда мавжуд. Булар инсон аъзоларига худди жешшень каби ижобий таъсир қиласди ва асални узоқ вақт бузилмай турини ҳам таъминлайди. Халқда — «Сариёғ — сасимас, асал — айнимас» деган мақол бор. Бу бежиз айтилмаган экан. Олимлар Миср эхромларидан бир хум асал топиб олишди. Бу хумнинг ерга кўмилганига 3.300 йил бўлган экан. Буни қарангки, ичидаги асал ҳали ўз хушбўй ҳидини из ширини мазасини йўқотмаган.

<sup>1</sup> Абу Али иби Сино. Тиб қонуулари. II том, 488—489-бетлар.

Деҳқончиликда «етти хазина» деган гап бор. Бунга «саккизинчи хазина» қилиб асаларичиликни қўшса бўлади, чунки асални халқ «Минг дардга даво неъмат» деб атайди.

### Зайтун ёғининг хосиятлари

Бизда зайдун ўсмайди, у Ўрта дengiz ҳавзасидаги мамлакатлардан келтирилади. Ўсимлик мойлари орасида энг totлиси бўлган бу ёғининг ҳам ўз тарихи ва энг муҳими foят шифобахш хусусиятлари бор.

Ушбу ёғ Испания, Италия, Франция, Грекия, Турция, Суря, Ливан, Фаластин, Миср, Жазоир, Мароккаш каби мамлакатларда ўсадиган зайдун дарахтининг хом ёки етилган мевасидан сиқиб олинади. Бундай дарахт ёввойи ҳолда ўрмон ҳосил қилиб ўсади ёки маданийлаштирилиб, боғларда парвариш қилиб ўстирилади.

Зайдун ёғини олиш технологияси дастлаб Мисрда бундан таҳминан 2500 йил муқаддам кашф этилган. Фиравн Набуходоноссор даврида зайдун ёғини ишлаб чиқарни технологияси маҳфий тутилган. Мабодо бу сир қўшни мамлакатларга тарқаладиган бўлса, айборд ўлим жазосига маҳкум этилиб, сирдан воқиф мамлакат устига қўшин тортилган. Урушларга сабаб бўлавергани учун қўшини мамлакатлар ҳам зайдун экишиб парвариш қилишган ва қилич кўтариб келаётган тажовузкорларга қарши меҳнаткаш халқ қилич билан жавоб бермасдан, зайдун дарахтининг шохчасини кўтариб чиқишиган: «Бизнинг бошимизни эмас, мана шу инсонни тўйдирадиган муқаддас дарахтни кес! Бу дарахт кесилса биз қуриймиз, биз кесилсанк зайдун қурийди», дейишган улар. Шу-шу зайдун уруш баҳоначиси бўлмай, балки тинчлик рамзига айланган. Тинчлик мақсадларини кўзлайдиган қадимги дипломатлар ҳам бошларига зайдун шохчасидан чамбарак кийиб олишар экан.

Шу дарахтдан олинган бир томчи ёғиниг шарофати нимада? Аввало бу энг яхши гизо, худди сариёғдай тез ҳазм бўладиган, серлаззат озуқа. Уни дод қилмасдан ишлатаверса ҳам бўлаверади. Турли таом totли чиқади, тўғралган сабзавотларнинг юзига саваласангиз яхши салат, палови хушбўй, ўзига нон теккизиб еса ҳам бўлаверади.

Зайдун ёғи қадимда чироқ ёғи вазифасини ҳам

ўтаган. Уни бирон идишга солиб паҳтадан пилик ясаб хоналарни ёритишиган. Сиддиқ ва мулоҳим қилиши учун соч ва баданларга суртишган. Ишлайвериб қадоқ бўлиб кетган қўлларга суртилган.

Зайдун ёғининг турли дарларга даво эканлигини биз Абу Али ибн Сино асарларидан ўқиймиз: «Зайдун ёғининг ҳамма тури баданин қувватли қилувчи, ҳаракатга мойил қилувчи ва ҳароратни сўндирувчи... Зайдун ёғи кўп жиҳатдан гул ёғидекдир. Сочин тўкилишдан сақлайди, ҳар куни ишлатилса унинг тез оқаринини тўхтатади.

Зайдун ёғи сарамас, учук ва эшакемига қарши дори сифатида ҳам ишлатилади, иссиқ яллиғли шишларни йўқотади...

Чиркин яраларни тозалайди... ҳамда жароҳатларнинг малҳамлари таркибиға киради...

Зайдун ёғи бош оғриғига фойда қилишда гул ёғидекдир...

Зайдун ёғи билан оғиз чайқалса, қонайдиган милкка фойда қиласи ва қимирладиган тишларни мустаҳкамлайди.

Чаён солиб қўйилган зайдун ёғи қулоқ оғриғига томизиладиган дориларнинг энг қумматлисидир<sup>1</sup>.

### Қуёш қуши

Бирор кафтлари орасига тухумни яшириб, Насриддин афандидан сўрабди:

- Тонинг? Бу нима?
- Ейдиган нарсами, ўзи?
- Ха,
- Ўндай бўлса, белгиларини айтинг, топаман,— дебди Насриддин.
- Белгилари шуки,— деб жавоб бериди у шахс,— ўзи юмалоқ, тайланг, ўртаси сариқ, тепаси эса оқ.
- Ҳе бўлди, топдим. Сиз пиёзни ўйиб ўртасига сабзи жойлагансиз,— деган экан афанди.

Ушбу латифани келтиришимиздан мақсад шуки, бир вақтлар одамлар тухум нималигини билишмаган. Тухумнинг мазасини билмагач, товуқ гўшти ҳам ўз ўзидан ейилмаган.

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. II том, ЎзФА нашриёти, 1956 йил, 240—241-бетлар.

Қадим замонда Ҳиндистон осмони қора либосга ўралиб, сон-саноқсиз юлдузлар чарақлаганда қандайдир бир қушнинг ўткир овози чангальзорларнинг сокинлигини бузиб, мақбараларга урилиб, акс-садо берарди. Шунда одамлар:

— Ана, қуёш қуши сайраяпти, ярим кечака бўлиби, инсу-жинслар офтоб ёғуси устидан ғолиб чиқиб, оламни зулматга чўмдиришгани ва ўзлари ер юзида изғиб юришгани тўғрисида дарак беряпти,— дейишарди.

Саҳарда узоқ-яқинлардан яна ўша «қу—қу—қуқ-қуув»,— деган жарангдор овозлар оламни тутиб кетар, гўдакларни ширин уйқусидан уйғотар, дехқонни далаға, брахманни бутхонасига йўргалатарди. Тағин одамлар:

— Ана, инсу-жинслар анжуман қурадиган қоронғу зулмат устидан энди қуёш ғолиб чиққанлиги тўғрисида қуш дарак беряпти, демак тонг отибди,— дейишар эди.

Номаълум сайёҳлар Ҳиндистондан ўта туриб, бу қушни Хитойга келтирган эмишлар. Сўнг бундан иккя ярим минг йил муқаддам, бу гўзаллик ўлкасига эрон лашкарлари ҳам борган. Саркарда Доро чавандозлари шикордан қайтишларида ўзлари билан олмос, рангли бўёқлар, зираворлар ва бошқа катта бойликлар олиб келадилар, шулар орасида қуёш қушлари ҳам бор эди.

Бу ғоят зебо, кўкраги тилласимон товланувчи, патлари олов ёлқинларига ўхшаш, пешонасида қип-қизил чўғдай тожи бор, думлари тим яшил, гажак, бамисоли ўроқдай эгилган, ёш бола минса оёғи ерга тегмайдиган каттагина бир қуш эди.

Булар эндиликда бутун дунёга тарқаб кетган сершифо гўшт, лазиз тухум, ҳатто юмшоққина пар берадиган товуқ ва хўроздарнинг ёввойи авлоди бўлган. Уларнинг асли ватани ҳинд ўрмонлари, Хималай тоғининг этаклари ва Малайя ороллариидир.

Табиатшунослар ўша жойларга бориб текширсалар, ёввойи товуқлар ҳануз ҳам бор бўлиб, асосан бутазорлар ва ғаровзорлар орасида ҳаёт кечиришар, у дарахтдан бу дарахтга осонликча учиб ўтиб мева, уруғ, қуртқумурсқалар билан овқатланар экан. Ёввойи товуқларнинг туси ҳар хил: тим яшил, жигар ранг, сап-сариқ, ола чипор, оппоқ ва қоп-қора бўларкан. Гўштини татиб кўрганларнинг айтишича лахими бизнинг қўл-

бала товуқларимизнидек бўлмай балки қаттиқ, лаззати камроқ ва ранги қорароқ эмиш.

Қадимги эронликлар юқорида келтирилган қуёш қуши ёруғликнинг қоронғулик билан кураши тўғрисидаги эртаксимон ривоятга пақкос ишона қолишибди. Шоҳ ҳар бир хонадон макиён ва айниқса, хўрор боқиши ҳамда сўймай ёки ҳаром ўлдирмай парвариш қилиши мажбурий, деб фармон берган экан.

Тахминан икки минг йил муқаддам, қуёш қушларининг овозаси — Урта Осиё, Кавказ, Қора денгиз бўйларида ва ҳатто Шимолий Россияда ҳам тарқалганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Эндиликда бутун дунёда товуқ боқмаган ҳалқ йўқ. Етти хазинанинг бири бўлмиш бу уй паррандасидан ер юзидағи барча ҳалқлар баҳраманд бўлишмоқда.

Ҳозирги товуқлар семизлиги, гўштининг нағислиги, кўплаб йирик тухум туғиши билан ёввойисидан тамомила фарқ қиласди. Олимларнинг ҳисоблашларига қараганда бутун дунёда атиги бир йилгина бирорта товуқ сўйилмай турилса, бирорта тухум товага чақилмай, ҳаммасидан жўжа очириб чиқарилса, Ер шаридаги барча қуруқликни «қуёш қушлари» әгаллаб олиб, одамларга ҳатто қадам қўйгани ҳам жой қолдирмасликлари, бунинг устига ўша муқаддас «қу—қу—қуқ—қуув» овозларидан бирон дақиқа ҳам минжжа қоқтиромасликлари мумкин. «Пиширсанг гўшт бўлади, пиширмасанг қуш бўлади» деган топнишмоқ ҳам бежиз айтилмаган. Лекин қадимги ҳинид афсоналарида айтилишича: Тун ўзининг юлдуз гулли қора либосини Ҳиндистон осмонидан йиғишириб олишинга муқаддас «қу—қу—қуқ—қуув» овози сабаб бўлган экан. Агар бу қуши сайрамаса тонг ёришмайди, қуёш ўз юзини кўрсатмайди» дейилган. «Қуёш қуши» туфайли биз қуёшдан баҳраманд бўламиз,— деган тушунча орқали уни кўпайтиришган ва унга сифинишган.

### «Ер олмаси»нинг тарихи

Доҳиймиз В. И. Ленин картошкани «иккинчи ноп» деб таърифлаган эди. Дарҳақиқат, бу неъмат таркибидаги озуқа моддаларининг тўқтутарлиги нондан қолишибмайди. Картошкада 18 процент крахмал, 2 процент оқсил, 1 процентча шакар моддаси ва бир қанча витаминлар бор.

Мана шундай фойдали, серлаззат масаллиқ XVI асрда Жанубий Америкадан Европага келтирилганда уни ҳеч ким истеъмол қиласмаган. Кartoшканинг тарихий йўли билан танишайлик. Ботаника тарихи билан шуғулланувчи олимларнинг келтирган далилларига кўра, картошканинг ватани Чили ва Перу бўлган. Маҳаллий халқ буни тоғ ёнбағирларида ўстирган ва номини «Паппа» деб атаган. Жанубий Американи қамал қиласган испанияликлар картошкани дастлаб 1536 йилда Европага олиб келадилар. Лекин бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга бу ёввойи ўсимлик сифатидагина ўтиб юради. Италияга тарқалганда уни «тартуфоли» деб атайдилар, шундан «картофель» тушунчаси келиб чиқади. Францияга картошка XVIII асрда ўтади, бу ерда у «Пом де терр» номини олади, маъноси «Ер олмаси» демакдир.

Францияда картошканинг қимматли озуқа ва фойдали шифо эканини дастлаб доришунос олим Пармантье пайқаган. Пармантье картошка тўғрисида китоб ёзи, кўплаб экди ва ундан турли таомлар тайёрлаб қўпчиликни меҳмон қилди. У картошкани кенг тарғибот қиласди, ҳатто қиролга ҳам мурожаат қилиб, шу ўсимликни кўплаб экиш зарурлигини айтди. Қирол олимнинг сўзига қулоқ ҳам солмайди, фақат саройга келтирилган картошка гулини чаккасига тақиб олади. Шуши бўлади-ю, картошкани озуқа сифатида эмас, декоратив экин — гул сифатида тувакларда ва гулхоналарда ўстира бошлайдилар. Сарой оқсоқоллари эса камзулларининг соат чўнтакларига доим картошка гулини тақиб юришини одат қилиб оладилар.

Англияда 1565 йилда картошка тарғиботчиси денгизчи Жон Хоукенс деган шахс бўлган. У Перудан Ирландияга анчагина картошка олиб келиб экади. Ж. Хоукенс катта банкет ташкил қилиб, сарой зодагонларини картошкали таомлар билан сийламоқчи бўлади. Бироқ афсуски, ошпаз тушмагур овқатни картошканинг илдиз доналаридан эмас, шундоққина кўкатини ўриб келиб пиширган экан. Ейилишидан олдин ҳамдусанолар ўқилган «таом» дастурхонга келтирилгач, ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолади. Меҳмонлар мезбонга қараб: «Бизни ўзингизга ўхшаб хашакхўр деб фараз қиласган бўлсангиз керак, ўйқ, биз инсонимиз!» — дейишиб чиқиб кетишади. Шундай қилиб узоқ мамлакатларда сафарларда ном қозонган капитан Жон Хоукенс кар-

тошкани тарғиб қиласман деб, ўз обрўсини тўкиб қўйган эди.

Яна Францияга қайтайлик. Картошка фидойиси Пармантье қиролга мурожаат қилиб, ҳеч бир иш чиқара олматанидан кейин илдиз тугунчаларини далага экади. Ҳосни гулга киргандан эътиборан чор томонга милтиқли соқчилар қўйиб қўриқлатаверади, бу ишдан қўшини дехқонлар ҳайрон бўлиб: «У даласига олтин экканмидики, қўриқласа» — дейишиади. Ҳар ҳолда шундай одат бор: ёхтиёт қилинган нарсага ўғри ўч бўлади. Соқчилар ухлагач, Пармантье даласидаги картошкани кавлаб олиб кетадилар. Сўнг уни гулханга ташлашади, хашаги куйиб, илдиз тугунчалари қўрда пичиб қолади. Эрталаб бир чўпон буни татиб кўрса, ҳай-ҳай «ер олмаси»ни емабсиз — оламга келмабсиз!

Шундан сўнг ўзининг оч халқини боқинша боши ётиб юрган подшолар жонига картошга оро беради. Шундан сўнг картошка барча Европа мамлакатларида экила бошлайди.

Россияга дастлабки бир қоп картошкани Голландиядан туриб император Петр I жўнатган эди. Лекин картошка экиш рус дехқонлари ўртасида ҳам жуда секин авж олди. Утган асрда дехқонлар картошка экишга қарши ғалаён қиласланларни тарихдан маълум.

Шундай қилиб, бизда картошка бундан 120 йил муқаддам экила бошлаган. Эндиликда картошка экмagan мамлакат йўқ. Картошка тўғрисидаги илмга совет олимлари жуда катта ҳисса қўшидилар. Чунончи, жаҳонда 450 йил давомида картошканинг фақат бир миң нави экилиб келинар эди. Аммо 50 йил давомида совет олимлари картошканинг 150 дан ортиқ навини селекция қиласдилар.

«Ер олмаси»нинг қисқача тарихи ва таърифи ана шундай.

**Помидор бизга қачон ва қаёқдан келди?**

Помидорни «Олтин олма» деб атайдилар, унинг тарихи ҳам «Ер олмаси»нинг тарихига ўхшаб кетади.

Ҳозирда овқатларимизнинг лаззатли масаллиқларидан бири бўлган помидорни бундан бир аср илгари ҳеч ким емас эди. Ӯша вақтда помидорнинг таркиби бутунлай ўрганилмаган бўлиб, одамлар уни заҳарли

мева деб тахмин қилишарди. Европа мамлакатларида бу ўсимликин туvakларга ўтқазиб, гуллар билан бир қаторда парварини қилганлар. Заҳарлилиги тўғри. Помидорнинг кўк, ҳомдонида тирозин деган модда бўлиб, у ўта заҳарлидир, тузламай емаса заҳарлайди, шунинг учун уни хатто мол ҳам емайди.

Кўнглиса манбаларда айтилишича, помидор Жанубий Америкада Перуда тарқалган. Мексикаликлар бу ўсимликини «таматель» деб атаганлар. Испания Перуни босиб олгач, помидор Европага келтирилган. XVI асрда бу ўсимлик Европанинг Ўрта денгиз ҳавзаларида ги мамлакатларга тарқалган. Италияда помидорни «помо — д' оро», яъни «олтин олма» деб атаганлар. Бу вақтда помидор Европанинг шимолий томонларига тарқалмаган эди. Помидорнинг 1754 йилда манзарали ўсимлик сифатида биринчи марта селекцияга киритилганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Кейинчалик помидор Греция орқали Туркияга ва бу ердан 1850 йилда Қrimга келтирилган. Қrimда уни «муҳаббат олмаси» деб атаганлар. Шундан кейин кўп ўтмай бу сабзавот Россиянинг жанубий районларида экила бошлаган ва озуقا сифатида дастлаб шу ерда қўлланилган. Утган асрнинг тахминан 70-йилларидан бошлаб помидор ўсимлиги Россиянинг марказий ва шимолий районларида ҳам ўстирила бошланган, Узбекистонда помидор ўстириш Ўрта Осиё Россияга қўшилгандан кейингина расм бўлди. Бу даврда Узбекистондаги солдат ошхоналари, Европача ресторонларда ажойиб мевалар ва сабзавотлардан турли таомлар тайёрланар эди. Бу ерга кўчиб келган рус деҳқонлари қулуни, малина, смородина, қирмиска (кримский) узум ва Россия (российская) гилоси, шунингдек картошка, қанд лавлаги, карам, редиска ва шу каби сабзавотлар қатори помидор ҳам етиширига бошладилар. Бироқ ўша вақтларда помидорни маҳаллий халқ емас эди. Чунки шариат пешволари «бутпарастларнинг таомини емоқ макрdir» деб фатво чиқарганлар. Улар помидорга «одам қонидан пайдо бўлган мева» деб ҳам қараганлар. Аммо помидорнинг ажойиб озуқалик сифатини билиб олган маҳаллий аҳоли уни тобора кўпроқ истеъмол қила бошлади. Ўша вақтларда баъзи лар помидорни «падижон», яъни «жон» ато қилувчи мева» деб атар эдилар. Ҳануз ҳам қариялар помидорни патижон деб атайдилар. Ҳалқда шундай ашула ҳам бор:

У токчада патижон, о  
Бу токчада патижон.  
Шу вақтинг қизлари, ё,  
Бир-биридан отинча.

Эндиликда помидорнинг ўнлаб навлари яратилган бўлиб, юзлаб таомларда ишлатилади.

### Шолгомнинг шарофати

Рус ҳалқининг «шолгом» номли эртаги бор, буни барчамиз ёшлигимиздаёқ мароқ билан ўқиганмиз. Дехқонбобо етишириган шолғом шунча улкан бўлиб етилибдики, уни бобо, момо, набираси-ю, кучук, мушук, сичқонгача бирлашиб базур ердан суғуриб олишибди. Шу эртакда андак ҳақиқат бор. Шолғом ҳамма жойда ўсади, лекин у ҳавоси салқинроқ жойларга экилса таҳирлиги йўқ, камтомир, ҳандалакдек катта, ширин, бир қайновда сариёфек мулоим пишадиган бўлиб етилади. Уни қўрга кўмиб еса ҳам бўлади. Шамолланда дори сифатида истеъмол қилса ҳам бўлади. Утмишда чоризм ҳукмронлик қилган кезларда рус деҳқонларини помешчиклар эксплуатация қилишдан ташқари серҳосил ерларини тортиб олиб ғоят қашшоқлаштириб қўйган эди. Натижада кўпгина губерниядаги деҳқонлар кулба ва қишлоқларини ташлаб чиқиб янги ерлар қидириб, кенг Россия бўйлаб дарбадар юрганликлари тарихдан бизга маълум. Ана шу дарбадарликда ақлли кексалар: «Олдин кетганлар кейин қолганларга кўприк» деган нақл тўқиганлар. Шунинг учун илгари кетганлар орқада қолганларга ҳар ҳолда егулик нарса бўлади, деб йўл бўйларига шолғом экиб кетишади. Шолғомдан бошқа экин экиб кетишса ҳам бўларди, бироқ шолғом шундай сабзавотки, уни баҳорда, ёзда ёки кузда экса ҳам кўкараверади, тез етилади ва кўп парвариш талаб эмас. Бизнинг Узбекистон ерида шолғом оқ, қизил ва зангори пўчоқли ва сал таҳирроқ етилади. Россия шолғомининг пўчоғи ҳам, эти ҳам сариқ ва таъми ширин, картошкамон бўлади. Илгари бу хил шолғом бизда экилмас эди, яқин йиллардан буён экила бошланди.

Шолғом айниқса куз, қиш ва баҳор фаслларида шамоллаш ва грипп касалликларига қарши яхши даво-

дир. Ибн Сино дейлики: *Хар қандай шолғомнинг энг яхшиси — семиз гўшт билан қайнатиланидир...*<sup>1</sup> Семиз гўшт билан пиширилган шолғом кўкракни ва томоқни юмшатади. Гўшт билан қайнатилган шолғом кучли озуқа бўлади... Шолғомнинг қайнатмаси бод бўғинларнинг зирқираб оғришига қарши шу ўринга қўйиб боғланса кўп манфаат етади... Шолғомни пишириб ёки хомлигича сийлса кўзга фойда қиласди<sup>1</sup>.

Яқинда олимлар шолғомнинг яна бир шарофатини аниқладилар. У энергия манбаи ҳам экан. Жаҳон энергетика кризиси олимларни турли нарсалардан ёқилғи сифатида фойдаланиш услубини топишга даъват этмоқда. Франциялик олимлар шолғом устида иш олиб бориб шундай хулосага келдиларки, шолғом арzon ёнилғи бериши мумкин экан. Унинг 1000 килограммидан 100—120 литр ёнилғи спирти ажратиб олинади. Бу деган сўз бу ўсимликни кўплаб экиб, ундан олинган спирт билан автомашиналарни юргизиш ва спирт лампалари ясаб электр энергияни ҳам тежаш мумкин.

Хар ҳолда шолғомни пазандаликда ва табобатда қўлланиш инсон учун кўпроқ манфаат беради. Ушбу иеъматнинг шифолиги тўғрисида фақат Ибн Синогина эмас, қадимда Ҳасрат иҶмли табиб ҳам ўзининг «Хусайн тухфаси» номли тиббий достонида қуйидагиларни ёзди:

Иссик бўлар шолғом ким еса такрор,  
Кўрлар шолғом есин, деган масал бор.  
Чунки у кўзларга беради қувват,  
Хому пишиғида бор шундай хислат.  
Шишгана совуқдан қўл ёки оёқ,  
Наф қиласди шолғом суркалгани чоқ.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур саройида табиблик вазифасини ўтаган Юсуфий ал Хиравий (Юсуф табиб) нинг «Яхши нарсаларнинг фойдалари» номли тиббий рисоласи бор. Ўнда ҳам шолғом, айниқса унинг уруғи кўпгина дардларга даво эканлиги ёзилган:

Шолғом уруғини туйиб-майдалаб,  
Асал билан қўшиб қиласанг истеъмол  
Ичингни юмшатар, заҳарни кесар,  
Белингни бақувват қиласди дарҳол.

<sup>1</sup> Абу Али иби Сино. Тиб қонунлари. II китоб, 594-бет.

## Музқаймоқ тарихи ва таърифи

Ёзниг жазирама кунлари кишига ором берадиган. айниқса ёш болалар учун роҳатижон, шифобаҳаш неъмат—морожнийдир. Морожний жуда қадимда, иқлими иссиқ Шарқ мамлакатларида ижод этилган бўлиб, уни Ўрта Осиё ҳалқлари «яхқаймоқ» деб аташган. Эрон ва Ҳиндистонни забт қиласган Искандар Зулқарнайн аскарлари ушбу мамлакатларнинг аҳолиси иссиқ кунларда аллақандай «яхлатилган сутни» шимиб юрганикларини кўриб ҳайратда қоладилар. Маълум бўлишича, сут ёки қаймоққа асал, тухум, ваниль ва жавҳарилму қўшиб музлатилар ва маҳсус кўзаларда сақланар экан. Гоҳо мева шарбатларига тоғлардан олиб келинган тоза қор ва қирилган музни қўшиб ҳам тайёрлаганлар. Араблар шу усулда тайёрланган яхна таомни ал-желати деб атаганлар. Музқаймоқ рецепти ва технологиясини македонияликлар Европага олиб келган бўлсалар ҳам, у кенг эътибор қозонмади. Фақат XIII асрда италиялик сайёҳ Марко Пало Шарқ мамлакатларига қиласган саёҳатидан кейингина музқаймоқни гарбий мамлакатлarda тайёрлаш авж олиб кетди. Италиялик шакарпаз Проколио Колътелли 1630 йилда Парижга келиб ресторонлардан бирида морожний тайёрлашни жорий қиласланлиги тўғрисида маълумотлар бор. Шундан қарийб бир ярим аср ўтгач, яъни 1770 йилда яна бир италиялик қандолатчи Нью-Йоркда морожний тайёрлашни жорий қиласган. Орадан 230 йил ўтгач — 1860 йилда бошқа бир италиялик Лондонда морожнийхона очган. Россияда морожний тайёрлаш XIX асрнинг ўрталарига тўғри келади. Бу ерда морожний тайёрлаш мустақил равишда ижод этилган деган далиллар бор, чунончи россиялик савдоғар Иван Излеров 1845 йил музқаймоқнинг янги рецептни ва технологиясини кашф қиласланлиги учун патент ва мукофот олганлиги солнномаларда қайд қилинган.

Ўзбекистон аҳолиси ҳам музқаймоқ тайёрлашнинг турли хонаки усулларини билган, бироқ Октябрь революциясига қадар таомшуносликдан маҳсус китоблар ёзилмаганлиги сабабли унинг рецептни ва технологиялари унут бўлиб кетган. Фақат унинг «Роҳатижон» деб аталувчи энг содда хили сақланиб қолган. Унисини ҳам ёлғиз Самарқанд ва Бухоро каби қадимий шаҳарларнинг аҳолиси билади, холос.

«Роҳатижон»нинг бизгача етиб келганлигининг иккита сабаби бор, бири — тайёрланиш жараёниниг жуда оддий эканлиги, иккинчиси—шифобахшлигидир.

Роҳатижон тайёрлаш учун ейишга яроқли музни қириб қирав ҳолига келтирилади ва юзига узум ёки тут шиниси ёки қиём севалаб берилади. Шифолиги шундаки, ёзда дизентерия, ичбуруғ касалига мубтало бўлган киши бир порция роҳатижон esa таққа тўхтатади.

Морожнийни замонавий озиқ-овқат саноати усулида тайёрлаш жуда яхши йўлга қўйилган бўлиб, унинг дунё бўйича олганда юз хилдан ортиқ сортлари бор:

Музқаймоқни гўдаклардан тортиб қарияларгача барча севиб истеъмол этишининг асосий сабаби унинг шифобахшлиги ва тўқ тутарлигидадир. Чунончи бир кило сутли морожнийда — 1370, қаймоқлисида — 1890, пломбирда эса — 2400 катта калория бор. Музқаймоқни оғир операциядан чиққан касалларга, яъни дағал овқат ейиш мумкин бўлмаган беморларга берилади, ошқозонда яраси борлар, сил касалига мубтало бўлганлар, озиб, абгор бўлиб кетганларга ва кам қонли кишиларга ҳам тавсия этилади. Музқаймоқ таркибида 3,5 процентдан 15 процентгача мой, 14 процентдан 25 процентгача шакар бўлиб, қолгани оқсилдан иборатдир. Яна бунда А, В, С, Д ва Е витаминлару фосфор билан кальций жавҳарлари ҳам мавжуд.

### Илоҳий ичимлик нима?

1516 йилда Испания Мексикани босиб олади. Бу ўлкада тилла кўп деган хаёлга борган фотиҳлар бозорларга киришса мексикаликлар савдо-сотиқда тилла пул эмас, балки қандайдир бир дарахтнинг қуритилган мевасидан танга сифатида фойдаланишар экан. Ҳар кимнинг киссасида бир ҳовуч, икки ҳовуч ана шунаقا «мева танга»лар... Нимаики харид қилинадиган бўлинса «уруг пулдан» санаб бериб олиб кетиша берар эканлар.

Ажабо, бу уруғнинг қандай каромати бор. Уни ҳатто тиллага ҳам алмаштиrsa бўлар экан. Синчиклаб суриширишса, бу ўзига хос «танга»лар Мексика чангальзорларида ўсуви шоколад дарахтининг меваси экан. Одам ўтиб бўлмайдиган қуюқ ўрмонзорларда, қолаверса илон ва йиртқич ҳайвонларнинг маконига

бориб ўша дарахтнинг мевасини териб келиш ғоят мурраккаб бўлганлигидан ҳам уни тиллага тенг деб билишар экан. Фотиҳлар суришириб кўришса мексикаликлар ҳалиги мевани туйшар, сўнг элаки қилиб қайноқ сувга чой каби дамлаб ичишар, унинг номини «чокоатл», яъни «аччиқ сув» деб аташар экан. Агар шу «аччиқ сувга» асал, шакар, ваниль қўшилса ҳозирги биз еб юрган шоколаднинг мазасини эслатадиган ғоят шифобахш ичимлик ҳосил бўлар экан. Ана шу ичимликдан ичган кишининг юзига қон югуриб уни бардам ва бақувват қилган, бир зумда чарчоқни ёзиб юборган киши қанчалик оғир иш бажармасин бари бир ўзини тетик сезаверган.

Испаниялик фотиҳлар учун бу нарса жуда қўл келади. Босқинчиларнинг каттаси Фернандо Кортес ўз қиролига ёзган мактубида бундай дейди: «Жаноби Олийлари! Биз ацтеклар мамлакатида дарахтда ўсадиган тилла топдик, мевасини туйиб асал билан қайноқ сувга аралаштириб бир стаканини ичиб олган киши эртадан кечгача тўқ ва бардам юраверар экан. Биз жангдан олдин аскарларингизга ана шундан ичиряпмиз. Бунда қандайдир илоҳий қувват борга ўҳшайди. Бу ичимликнинг номи...! Фернандо Кортес «чокоатл» сўзини испанча талаффузда «шоколаде» деб ёзиб юборган. Ана шундан буён бу дарахт «шоколад дарахти» деб юритилади. Ацтек тилининг бир шевасида «какахуатл» дейилар экан, бундан «какао» термини келиб чиқкан.

Ботаника фанининг бобокалони Карл Линнией ўсимликларнинг систематикасини тузганда какао дарахтига «теоброма» деган ном беради, «теос»—худо, «бромос»—ичимлик, яъни илоҳий ичимлик берадиган дарахт маъносида. Шу вақтгача бу ичимликнинг сири яшириб келинди. Кўпчилик халқлар чиндан ҳам бунга худо қувват ато қилган деган тушунчанинг қули бўлиб қолавердилар, ҳатто какаога сифиндилар ҳам. Унинг шохчаларини тумор, кўзмунчоқ қилиб бўйинларига тақиб юрдилар.

Утган асрда кимёгарлар какаони анализ қилиб кўрдилар. Таркибида 52 процент ёғ, 20 процент оқсил, 10 процент крахмал, 1,5 процент шакар моддаси борлиги аниқланди. Кишини тўқ тутадиган, қон таркибини яхшилайдиган моддалар ҳам ана шулар. Яна 1,5 процент чеҳрани очадиган, ҳордиқ чиқарадиган, чарчатмайди-

ган модда ҳам бор экан. Бу молла бирмунча дориларга қўшилади, лекин номи ўша даврнинг одатига кўра «тебромин» деб аталган. Бу термин учта сўздан таркиб топган бўлиб, лотинчасига «olloх», «ичимлик», «дори» маъносини англатади.

Албатта, шоколадда ҳам какаода ҳам ҳеч қанақа илоҳий қувват йўқ, унинг қуввати моддийлигидадир. Айниқса шоколад ёғи катта аҳамиятга эга. Бу мой хона ҳароратида қотади, қўлга ушланса ёки оғизда эрийди. Бинобарин, бошқа ёғларга нисбатан қонга тез сўрилади ва узоқ вақт тўқ тутади.

Шоколад билан какаонинг ширинлиги бошқа шираворлар каби кўнгилга урмайди. Таркибидаги оқсил моддаси эса тухум ёки гўштдаги оқсил ўринини босиши мумкин. Шу сабабли сайёҳлар, геологлар, учувчилар, космонавтлар, қутбни ўзлаштирувчилар дастурхонида шоколад ва какао рациони бўлади.

Бироқ шуниси ҳам борки, бу «илоҳий ичимлик» экан деб какаони кўп ичиб ёки шоколадни кўп еб бўлмайди. Бир кунда бир стакан какао кифоя, у ҳам бўлса куз, қишиш ва баҳор ойларида. Ёзнинг жазирамасида қонни тез айлантириб юракни ўйнатади, баданини қиздиради. Шоколадни ногоҳонда бир бўлак тангадеккинасини ейилса бас, айниқса ёш болалар хуш кўриб катта бир плиткасини еб қўйишса, баданига қип-қизил тошма тошдириб юборади, «Дорининг ози—соз», деган мақол какао билан шоколадга ҳам тегишилдири.

### Қора ичимлик тарихи

Бир стакан кофени ҳўплаб ўтириб хаёл сурасан кими: «Қачондан буён инсоният кофе ичадиган бўлган, бу ичимлик қаердан келиб чиқсан, унинг инсонга фойдаси қандай, нега кофе деб аталади ва ҳоказо...?» Бу саволларга жавоб турли китобларда бор, шуларни жамласак, «қора ичимлик» тарихидан андак воқиф бўламиш.

Кофенинг ажойиб хушбўйлиги ҳар кимни ўзига жалб қиласди, у чой сингари чанқоқни босади, овқатни ҳазм қилдиради, қорин тўйдиради, бош оғригини қолдиради, кишини тетик ва бақувват қиласди.

Кофенинг жаҳонга тарқалишига унинг уйқу келтирмаслик хусусияти сабаб бўлган. Чунки кечки сменада ишловчилар, ёзувчилар ва олимлар учун

кофе жуда қўл келади. Кофе ўз номини Жанубий Африкадаги Каффа қишлоғидан олган экан. Негаки, дастлаб шу қишлоғининг Галла номли аҳолиси атроф чангальзорларда бир хил ёввойи ўсимликнинг қаттиқ мевасини қовуриб туйиб, қайнатиб ичишган. Лекин бу одат қачон бошланганини ҳеч ким билмайди. Феодализм даврига келиб, кофени маданий экин сифатида экишини араблар одат қилишган. Ҳали ҳам араб мамлакатларида ўстириладиган кофе энг сифатли ҳисобланиб, европаликлар буни кофе-маккао деб аташади. Чунки дастлабки кофе қопланган қоплар Европага Арабистоннинг Макка шаҳридан жўнатилган эди-да.

Кофени Стамбулда 1454 йилдан, Римда 1642 йилдан, Лондонда 1652 йилдан бошлаб, Парижда эса 1672 йилдан ичишга одатланилганлиги тўғрисида мъълумотлар бор. Лондонда XVII асрнинг ўрталарида қурилган қаҳвахона Виргония Каффехаузе ҳануз ҳам бор дейишиади.

Парижда 1690 йилга келиб 380 кофехона бўлганлиги мъълум, яна шу нарса мъълумки, буюк Француз мутафаккирлари Жан Жак Руссо ва Франсуа Вольтер ўз асарларининг кўпини ана шу кофехоналарда ёзишган.

Англияда эса, кофега қарши руҳонийлар ғалаён кўтаришган. Улар 1675 йили қирол Қарл II га шундай ривоятнома ёзганлар: «Қаҳвахоналар жаҳаннамнинг дарчасидир, кимки кириб кофе ичаркан, қиёматда юзи қозондек қора бўлиб кўринади. Чунки кофе мусулмон ҳабашларининг қорақонига қора этикларини солиб қайнатмасдан ҳосил қилинган ичимликдир, кимки буни ичар экан, маҳшарда кўп оҳ уради...»

Лекин кўп ўтмай олимлар кофенинг фойдали эканлигини исбот этишгач, ўша руҳонийлар кофедан лаззатланишиб «маҳшарда оҳ уришларни» ҳам эсади чиқариб юборганлар.

XVII асрнинг врачлари «кофе ақлий қувват атоқилади» деган фикрни олга ташлайдилар. Физиолог Малешворт бундай ёзади: «Кофе хотирани яхшилади, бирор парсани диққат билан кўриш ёки тинглашни кучайтиради, ижодкорни илҳомлантиради... Умрнинг ярмини бекорга ўтказадиган уйқуни ҳайдайди».

Францияда кофега аталган поэма, ашула ва кантаталар пайдо бўлади.

Лекин шуниси ёмон бўлганки, кофехўрлар жуда кўпайиб кетиб, Европа ва Америкада бу ичимликка

**талаб ғоят ошади.** Натижада тупроғида кофе ўсадиган мамлакатлар колония қилиб олиниб, аҳолиси оғир эксплуатация остида жуда азоб чекади. Ява, Шри-Ланка, Малгаш республикаси, Африка, Арабистон, Зоир республикаси, Кения, Ямайка, Бразилия, Мексика каби мамлакатларда йилига икки мартадан олинган кофе ҳосили билан ҳам жаҳон талабини қондириб бўлмагач, савдогарлар иммитация ўйлаб чиқарадилар. Йиммитация дегани ўхшатма. Ўрнига ўтадиган бошқа маҳсулот деганидир. Чунончи, мўмийёғга талаб кучайганда, капиталистлар асфальтни иммитация қилиб сотишган. Америкада бир вақтлар тухум етишмаганди, тошбақа, тимсоҳ ва ёввойи қушлар тухумидан порошок қилиб сотишган ва ҳоказо. Шүнингдек, кофенинг иммитацияси сифатида цикорий ўсимлигининг меваси, дуб ёнғонинги мағзи, ер ёнғоқ ва қора булканинг қаттиғини туйиб, элаки қилиб сотилган. Бундай соҳта кофе складлари Гамбургда жуда кўп бўлиб, XIX асрга келиб, улар мусодара қилиниб, эгалари фош этилмагунча одамларни лақиллатиб, пулни ҳамёнга ураверишган.

Кофега талаб шунчалик ортиб кетишига сабаб ниша? Бу неъматда бош оғриғини қолдирадиган дори—кофеин бор. Кофеин дастлаб кофедан, сўнг чойдан олинган. Аммо, бу модда бошқа бирор ўсимлик таркибида мавжудлигини ҳанузгача аниқлангани йўқ.

### Ава, Айва, Ҳайва

Гап дастурхонимиз кўрки, ажойиб мева бўлган беҳи тўғрисида боради. Тилшунос олимлар Маҳмуд Қошғарий асарида бу мева «авя» шаклида ёзилганини таъкидлашади. Рус, озарбажон ва турк тилида эса «айва» деб юритилади. Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари»нинг II китобида ушбу ёзувга кўзимиз тушади: «Беҳи сўзи форсча бўлиб, эски ўзбек тилида «ҳайва» дейилади.»

Қўйида биз ана шу неъматнинг инсонга фойдали томонлари тўғрисида фикр юритамиз.

Беҳи жуда қадимги мева дарахтларидан бўлиб, ватани Эрон, Кавказ, Туркия территорияларидир. Ҳаҳонга, жумладан Ўрта Осиёга ана шу жойлардан таркалган. Дехқонлар беҳини 4000 йилдан ҳам кўпроқ

давр ичида экиб, парвариш қилиб келадилар ва мева сидан баҳраманд бўладилар.

Ўзбекистонда беҳининг 20 нави етиштирилади. Бу мева консерва саноати учун энг яхши хом ашё ҳисобланади. Чунончи ундан қиём тайёрланади, нектар олинади, шарбатини чиқариб, консерва қилинади. Таркибида 75—80 процент сув, 8—15 процент шакар моддаси, 0,2 дан 1,5 процентгача А, Д, С витаминалари, турли органик кислоталар мавжуд. Беҳида яна дубил ва пектин моддалари сероб бўлгани учун у хушбўй ҳидга эга.

Ўз таркибида витаминаларнинг кўплиги жиҳатидан беҳи олма, нок ва олчадан афзалроқдир. Кислота (яъни жавҳар) кўплигидан эса лимонга яқин туради.

Табобат илмининг бобакалони Абу Али ибн Сино беҳининг шифобахшлиги тўғрисида қўйидагиларни айтиб ўтган: «...чўққа кўмилган беҳи енгилроқ ва фойдалироқ бўлади. У шундай пиширилади, ичини кавлаб уруғи чиқариб ташланади ва ичига асал солиб, устига лой чаплаб қўрга кўмилади.

Беҳи терлашни тўхтатади..

...Беҳининг сиқиб олинган шарбати «тикка нафас олиш» ва астмада фойдалидир. У қон туфлашини ҳам тўхтатади. Уруғи эса томоқ қирилишида фойда қилади ва ўпка найини юмшатади, шиллиғи ҳам ўпка найини юмшатади.

..Беҳи қусишиб тўхтатишида фойда қилади, чанқовни босади, меъдани кучайтиради. Жуда ҳам камайган иштаҳани кучайтириш учун беҳидан шарбат тайёрланади. Бу шарбат яна меъдани кучайтириб, балғами ҳам тўхтатади...»<sup>1</sup>.

Қўриниб турибдик, беҳи билан анчагина касалликлар даволаб келинган. Беҳидан ўпка, меъда ва бошқа органларни даволашда, гигиена нуқтai назаридан, устига лой чаплаб, қўрга кўмиш усулидан воз кечамизда, ўрнига духовкада ёки қасқонда пишириш усулларини тавсия этамиз. Бунинг учун беҳи яхшилаб ювилади ва ичи ўйиб олинниб «косача» ҳосил қилинади. Ичига хоҳласангиз сарёғ, хоҳласангиз асал ёки янчилган ёнғоқ мағзига шакар аралаштириб, ёхуд бодом мағзи билан кишишининг гўшт қиймалагичдан

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. II китоб, ЎзССР ФА нашриёти, 1956 йил, 467—468-бетлар.

ўтказилганини солиб тўлдирасиз. Ҳар бир беҳини ли-  
копчага кўйиб, қасқон лаппагига жойлаштирасиз-да,  
35—45 минут давомида буғлаб пиширасиз. Агар газ  
духовкасида пиширмоқчи бўлсангиз, ликопчага сув  
кўйиб, духовка патниси устига қўйинг. Тепадан таъ-  
сир қиласидиган иссиқ ва ликопчадаги сувнинг буғи би-  
лан ҳил-ҳил пишади.

Куз ва қиши ойларида паловга беҳи солиб дамлаш-  
нинг ҳам катта физиологик аҳамияти бор. Агар тўй  
паловларига беҳи солиб дамлаш урф бўлса эди, бун-  
дан кўпчиликнинг сиҳат-саломатлигига катта наф те-  
гарди.

Беҳи палов, беҳи жарқоп, беҳи димлама ва беҳи  
мураббоси тўғрисида кўпчилик билса керак.

Ҳасрат табиб «Ҳусайн туҳфаси» шеърий рисоласи-  
да беҳи тўғрисида шундай ёзади:

Совуқdir тўртичи ўринда ҳарон,  
Иккинчи ўринда қуруқ begumon.  
Мудом исча ҳар ким майбекдан\* агар  
Меъдасига яхши куч-қувват етар.  
Сиқилганда юрак ёзилар ундан  
Куски келса уни қайтарар тандан.

### Пиёз — етти дардга ниёз

Кундалик ҳаётда қуюқ-суюқ овқатларга солиб ёки  
салатлар билан бирга қўшиб кўплаб истеъмол этиб  
туриладиган пиёзнинг шифобахшлиги тўғрисида рус  
халқининг мана шундай ажиб мақоли бор: «Лукот  
семи недуг»

Баъзи табиатшунослар пиёз Нил дарёсининг бўйлари-  
дан келиб чиқсан деб ҳисоблайдилар. Йўқ. Эндиликда  
аниқ фактлар билан исбот этилишича, пиёзнинг ватани  
Тяньшань тоғ ёнбағирлариридир. Бу ерда «Суган тоғ» деган  
жой ҳам бор, бу жойни Тяньшанинг шарқий томонида  
яшовчи халқлар «Дзунг-Линь» деб юритишади, яъни  
«пиёзли тоғ» деганидир. Тоғ ёнбағри ва текисликларда  
ёввойи пиёзнинг яшил барглари қишин-ёзин гуркираб  
туради.

Ўрта Осиё халқарида шолғомдай қаттиқ ёввойи пи-  
ёздан узум сиркасига ботириб «Пиёзи анзур» деган та-  
мадди тайёрлаш усули ҳозир ҳам бор. Бу ўлкада яшаган  
ибитдоий одамлар териб-термачлашдан дехқончиликка

ўтиш даврларида ёк пиёзни Фарғона водийсининг суфори-  
ладиган ерларига, Зарафшон ва Амударе қирғоқларида-  
ги жойларга энг яхши сабзавот сифатида экиб маданий-  
лаштиришган. Бу ердан Яқин Шарқ мамлакатлари, улар  
орқали эса Европага тарқалган. Америка қитъаенга эса  
пиёз Хитой ва Япония орқали ўтган.

Ботаника фанининг тарихи ҳамда қадимий ёдгорлик-  
лар, қабр тошлари ва қояларга чизилган жуда кўплаб  
пиёз суратига қараб фикр юритадиган бўлсак, инсоният  
бу неъматни беш-олти минг йиллардан бўён экиб келган-  
лигининг гувоҳи бўламиз.

Пиёзнинг шифобахшлигини жаҳоннинг барча ҳалқла-  
ри билади. Дарҳақиқат, «Пиёз — етти дардга ниёз»дир.  
Гап шундаки, пиёз таркибида фитонцид деб аталувчи ач-  
чиқ ҳидли модда бор, мана шу модда атиги бир минут  
фурсат ичидаги миллиардлаб бактерияларни қириб таш-  
лайди. Мисол учун: ёнгоқдакгина кичик бир пиёзни чай-  
наб-чайнаб, сўнг сўлаклар текширилганда оғиз бўшли-  
гига битта ҳам микроб қолмаганилиги аниқланган. Ёки  
олимлар ўтказган мана бу тажриба ҳам қизиқарли:  
идишдаги шўрвани заарли микроблар билан заҳарлаб,  
устига тўғралган пиёз сепиб қўйилган. Маълум вақт ўт-  
гач, оғатли бактериялар кўпайишдан тўхтаб, аста-секин  
қирила бошлаган, шўрва эса ейишга яроқли бўлиб қол-  
ган.

СССР Давлат мукофотининг лауреати, профессор  
Б. Н. Токин пиёздаги фитонцид моддаси микробларни-  
гина эмас, амёба каби бир ҳужайралиларни, ҳатто бақа,  
сичқон, каламуш каби ҳайвонларни ҳам ҳалок қилар  
экан, дейди.

Халқ табобатида пиёз анчагина касалликларни даво-  
лашида қўлланилиши бизга маълум. Яъни қўрга кўмил-  
ган пиёзни пасотли ярага боғлаш, шамоллаганда, гриппи-  
га йўлиққанда пиёзнинг сутсимон сувини бурунга томи-  
зид нафас йўлларини очиш ёхуд кўк пиёз қўшилган  
қатиқ уйқусизликдан халос этиши кабиларни эслатиб ўт-  
сак, пиёз ҳақиқатан ҳам шифо неъмат эканлигининг гув-  
оҳи бўламиз. Булардан ташқари пиёзнинг турли навла-  
ридан юқори нафас йўлларининг яллигланишида, сил,  
атеросклероз, астма, цинга, овқат ҳазмланишининг бу-  
зилиши, гижжаларга қарши курашда ҳам фойдаланил-  
ган.

Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино  
дейдикни, «...Пиёз латифлаштирувчи ва парчаловчиидир.

\* Ma й беҳ — Beҳи шарбати.

Бунда буруштириш, кетказиши ва кучли очии таъсири бор...

Ейладиган пиёз турли сувларнинг зарарини кетказади. Сасиган сувга пиёз пўтоғи ташлаб қўйилса ҳидини кетказади...

Суви бурунга томизилса, мияни тозалайди. Бошнинг оғирлашганида, қулоқ шангиллашида, йиринг ва сув пайдо бўлганида қулоққа пиёз сели томизилади.

Пиёз суви кўзни равшан қиласди. Сариқ касалига ҳам пиёз фойдали.

Пиёз селини туз билан бирга қутурган ит тишлаган жойга суртилса фойда қиласди....»<sup>1</sup>.

Пиёз сабзавот сифатида шолғомсимон, тухумсимон, кўп ярусли, кўк пиёз (барра), саримсоқ ва лукпор каби турларга бўлинади. Ҳар бири ўз навбатида ўнлаб навларга эга бўлиб, булар турли тупроқ ва об-ҳаво шароитларида ўстирилади.

Совет Иттифоқида пиёзнинг саксондан ортиқ навлари бўлиб, РСФСР да кўпроқ сомон сариқ ва камроқ нафармон рангли шолғомсимон навлари, Қавказда асосан нафармон ранглиси, Ўрта Осиёда эса оқ тухум пиёз, нафармон шолғом пиёз ва ноксимон сарғиши ва ўнлаб бошқа навлари етиштирилади.

Пиёзнинг кимиёвий таркиби, эндиликда тўла ўрганиланган бўлиб, унда кўп миқдорда шакар моддалари, азот, витаминалар (A, B, B<sub>2</sub>, C), ҳар турли егулик жавҳарлар, минерал тузлар, фитонцидлар, ифори мойлар, ноазот (экстроактив) моддалар ҳамда клетчатка (хужайра) моддаси мавжуд.

Ушбу фойдали моддаларнинг миқдори пиёзнинг нави, ўстириш услуби, тупроқ таркиби, об-ҳаво шароити ва сақлаш методига боғлиқ бўлади.

Ўрта Осиёда экиладиган тухумсимон, шолғомсимон ва ноксимон пиёзларда ва саримсоқда юқорида санаб ўтилган моддаларнинг ҳаммаси тўла бор, чунки бу пиёзлар қўёш радиациясининг максимал фойдали таъсири остида ўсади. Қолаверса С ва В витаминалар саримсоқда, кўк ва лукпор пиёз баргларида икки баробар кўплиги аниқланган.

Пиёзнинг овқатда қўлланилиши жуда кенг бўлиб, уни хомлигича қайнатилган ҳолда, қовуриб ҳамда саб-

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари, II китоб, ЎзССР ФА нашлифи, 1956 йил, 122—123-бетлар.

завоётларни тузлаш ва сиркалашпайд қўшиб истеъмол этилади. Пиёз таомларга лаззат бахш этади, овқатнинг яхши ҳазмланишига восита бўлади, меъда ширасини кўплаб чиқаради, иштаҳа қўзғайди ва аъзоларга ором беради.

Пиёзиз тайёрланган таом туэсиз овқат каби ўта бемаза бўлар эди. Доим ва кўплаб пиёз еб юриши сиҳат-саломатликнинг ва ички аъзоларнинг яхши ишлашига гароводир.

Табиб Муҳаммад Юсуфий «Тибий рисоласи»да пиёз тўғрисида шундай ёзади:

Овқатнингга ҳар куни сен  
ташласанг кўп-кўп пиёз  
Пуштга қувват бахш этиб,  
дилда ҳиссинг қўзғатар.

Ҳаким Шоҳобиддин табибининг «Сабзавотлар ҳақида»ги рисоласида ҳам:

Пиёз киши пуштин оширап  
ӯғлон,  
Жигарга тозалаб берар  
яхши қон.

дейилган. Ҳар ҳолда «пиёз — етти дардга ниёз» деган рус халқининг мақоли бежиз айтилмаган экан.

### Ошқовоқ — қишининг қовуни

Сершарбат қовун ва тарвуз хазанагидан сўнг резавор истеъмоли ошқовоққа қўчади. Маълумки, серёғ, сергўшт таомлар билан бирга резавор еб юришнинг фоят муҳим физиологик аҳамияти борлиги ҳақида ҳурматли шифокорларимиз кўп айтишган. Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино: «Қовун танани тозалайди» деб бежиз ёзмаган.

Ошқовоқ ҳам, қовун ҳам битта ботаник оиласига — қо-воқулдошлар оиласига мансубdir. Бироқ фарқи шуки, қовун сершарбат, мулойим, пиширмай еса бўладиган, таркиби шакар моддасига бой. Ошқовоқ эса қаттиқ, этизич, хом еб бўлмайди. Аммо таркибини текширган олимларнинг айтишича, қовундаги шакар моддаси (асосан глюкоза, сахароза ва фруктоза) 6% дан 18% гача бўлса, ошқовоқдаги шакар моддаси 4% дан 12% гачадир.

Оқсил моддаси қовунда ҳам, ошқовоқда ҳам бир хил. Хужайра моддаси биринчисида 2 процент бўлса, ик-

кинчисида 1,5 процент. Күриниб түрибдики, улар ўртасида фарқ кам. Минерал моддалар (калий, кальций, фосфор, магний ва ҳоказо) ҳар иккаласида бир хил. Қовунда ҳам, ошқовоқда ҳам А, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, С витаминлари бор. Ҳар ҳолда витаминдорликка келганда ошқовоқда А ва С витаминлари мўлроқ.

Ошқовоқда яна аъзоларимиз учун зарур бўлган пектин моддаси ҳам бор экан. Уруғини айтмайсизми, ҳалқ табобатида гижжаларни туширадиган дори сифатида қўлланилганлиги маълум. Бунинг учун тивитларидан тозаланган уруғ намакобда ювилади ва қизитилган қозонга солиб, ковлаб-ковлаб қиздирилади. Осони духовка патнисига солиб қовурилса ҳам бўлаверади. Дорилиги шуки, доим еб юриш билан гижжалардан қутилиш мумкин ва оғиздаги қўланса ҳидни ҳам йўқотади.

Ошқовоқнинг ўттиздан ортиқ нави мавжуд. Турлари уч хил: емишлиқ, хашаки ва идиш-асбоб тайёрланадигани. Шу охиргисининг номи қовоқ. Ичи бўш, сирти ёғочсимон қаттиқ бўлганлиги учун уруғлари шилдирраб туради. Шаклининг ҳар хиллигидан фойдаланиб аҳоли ундан хурмача, ёғ идиш, чилим, носқовоқ, қошиқ, чўмич, ликоп, тўрқовоқ, чолғу асблоблари (карнай, ногора, дутор) кабилар тайёрлаган. Кейинги йилларда негадир қовоқнинг бу хили экилмаяпти. Идиш ва асбоб кўп ишлаб чиқарилаётгани учун унга эҳтиёж бўлмаса керак.

Ўзбекистонда ошқовоқнинг қуидаги навлари экилади: дастор, сомса ошқовоқ, чилим ошқовоқ, картошка ошқовоқ, палов кади, А—бешинчи, бодоммазали, витаминли, каратинли, томоша қовоқ (патиссон), қовоқча (кабачка) ва бошқалар. Патиссон билан кабачканинг ёш мевалари консерваланган ҳолда истеъмол қилинади. Бошқа навларининг фақат етилганигина мазалидир. Бундан бизда ҳар хил овқатлар тайёрланади: мантн, сомса, сутли суюқ ош, қаймоқ шўрва, ширгуруч, кадибирион, ошқовоқ яхнаси, ошқовоқ балиш, мошқовоқ, қаймоқли пюре ва ҳоказо. Ҳатто қадимда паловга қўшиб ҳам пиширишган.

Абу Али ибн Сино ошқовоқ тўғрисида ажойиб фикрлар айтган:

«...Ошқовоқни қайнатиб шарбати ичилса, йўтал ва кўкракда пайдо бўлган оғриқни қолдиради...  
...Хом (пиширилмаган) ошқовоқдан олинган шар-

батни бурёнга томизиш билан тиш оғригини тўхтатиш мумкин...

...Ошқовоқ киши ошқозони учун ғоят фойдалидир, У намлантирадиган ва чанқоқни босадиган дорилардан биридир...

...Ошқовоқни қайнатиб, асал билан еса, нафи катта бўлади...»<sup>1</sup>

Табиб Ҳаким Шаҳобиддин «Сабзавотлар ҳақида» номли шеърий асарида ошқовоқ тўғрисида бундай ёзган:

Совуғу, бод қўзғар танда  
ошқовоқ,  
Совуқ мижозлilar емасин мутлоқ.  
Иссиқ мижозларга кўп фойда  
этар  
Ҳалқум билан тани яна юмшатар.

Ошқовоқни ёш гўдаклардан тортиб қарияларгача тез-тез еб туриши керак. Сутга қайнатилган ёки паллапалла қилиб қасқонда буғлаб қаймоқ суртилгани ҳам лаззат баҳш этади, ҳам саломатлик ато қиласи. Мана шу овқатлар ҳалқ табобатида ёш организмнинг тўғри ўсишига ва қариган аъзоларнинг фаолиятини чўзишга восита бўладиган бир шифо тарзида истеъмол қилинган.

Эндиликда шифохоналаримизда ҳам ошқовоқ таомлари юрак-томир касаллклари билан оғриганларга дори сифатида едирилмоқда. Бу яна гастрит, ошқозон жароҳати, буйрак хасталиги, йўтал, астма ва томоғи насотлаб бўғма бўлганларга ҳам шифодир.

Қовун ҳам шунаقا. Ҳақиқай миришкор қўли билан этиштирилган тилни тилим-тилим қиладиган қовун буйракдаги тошни майдалайди. Ошқовоқ эса қишининг қовунидир.

### Ҳидсиз саримсоқ

Пиёзбошларга мансуб икки йиллик сабзавот ўсимлиги бўлган саримсоқнинг асли ватани Тяншань топларидир. Эндиликда у жаҳон пазандалигига жуда кенг тарқалган, чунки унинг таркибида углеводлар, оқсилилар, ҳужайра моддаси, ифори мой, витаминлар ҳамда

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонуулари. II китоб, УзССР ФА нашриёти, 1956 йил, 450—451-бетлар.

минерал модлалар кўпдир. Саримсоқ пиёз таркибида яна фитонцид деган аччиқ модда ҳам бўлганилай сабабли бу сабзвотни доривор ўсимликка айлантиради-ки, айниқса грипп, ўпка касалликларида, ошқозон, ичак, буйрак хасталикларида, йирингли яраларни тузиша ҳалқ табобатида ундан фойдаланиб келинган.

Саримсоқнинг шифолиги тўғрисида Абу Али ибн Сино асарларида ҳам ажойиб фикрлар бор. Заҳиридин Бобурнинг шахсий табиби Юсуф бин Муҳаммад Юсуфийнинг «Тиббий рисоласида» эса саримсоқ ҳақида шундай дейилган:

Саримсоқ пишириб танавул қилсанг,  
Эски йўтальларга қилғуси у наф.  
Агар нонуштада ҳомини есанг,  
Қориндаги қуртни айлагай у даф.

Шу қадар фойдали бу неъматни кўпчилик хомлиги-ча ейишни хоҳламайди, чунки унинг ўта қўланса ҳиди бор ва бирмунча вақт оғиздан буруқсиб туради. Бу эса кишининг ўзигагина эмас, балки суҳбатдоши-нинг ҳам ғашига тегади. Пиширилган саримсоқнинг ҳиди анча қирқисла ҳам, барибир батамом йўқолмайди. Масалан, ўзек пазандачилигига уни лағмонга, шўрвага, паловга солиб пиширилади. Унинг қўланса ҳиди сабабли ўзбек таомларида саримсоқ кам ишлатиладиган бўлиб, қолган. Аммо Япония, Корея, Хитой пазандалигига бу сабзвот жуда кенг қўлланилади ва ҳомлигича ҳам кўп истеъмол этилади.

Саримсоқнинг қўланса ҳидини пиширгандагина эмас, хомлигига қандай қилиб йўқотиш бир неча асрлардан бўён муаммо бўлиб келарди, жуда кўп уринишлар сира натижка бермасди.

Япониялик селекционер Цузуки Теки 1950 йилдан бошлаб ҳидсиз саримсоқ яратиш устида тинмай иш олиб боради. Бу борада у сунъий танлаш методини ҳам қўллади, пиёзгулдошларнинг бошқа турлари билан чатиштириб кўрди, турли хил ўғитлардан фойдаланиб ўстирди, тупроқнинг таркибини ўзгартирди, вулқоний кулга экиб кўрди ва ҳоказо. Минглаб тажрибалари 30 йил деганда, охири яхши натижка берди. У саримсоқнинг кимёвий таркиби, мазаси — барча фойдали хусусиятларни сақлаган ҳолда, аммо қўланса ҳиди йўқолган бир навини яратди. Бундай нав чой плантацияларида ҳар бир тупнинг қатор ораларига экил-

ганда ҳосил бўлар экан. Чой томири саримсоқ бошидаги, чой барглари саримсоқ баргларидағи қўланса ҳидни батамом нейтраллаштирад экан.

Ўзбекистонда чой экilmайди, лекин сиз қуруқ чой ҳам саримсоқ ҳидини йўқотувчи неъмат эканлигини ушбу тажрибада синаб кўришингиз мумкин: бир паррак саримсоқни хомлигича чайнанг ёки қора булка сиртига суртиб енг. Бунинг шарофати катта бўлиб, оғиздаги микробларни қириб ташлайди. Ҳидини йўқотиши учун эса бир дамлам қора чойни оғизга солиб шиминг, кейин чайнанг, лекин ютиб юборманг, сўнgra оғизни чайқанг, вассалом, сассиқ саримсоқ ҳидидан асар ҳам қолмайди. Саримсоқ яхши неъмат, ҳидсизи ундан ҳам яхши.

### Паловнинг жони

Сабзи олиб, сувга солиб, қайнатиб сўнgra уни  
Кимки еса асал билан бўлғай анинг тоза хуни.

Қадимги тиббий китоблардан олинган бу байтда сабзи одамнинг қонини тозаловчи бир неъмат эканлиги айтилади. Пазандалигимиизда сабзидан асал ёки шакар қўшиб мураббо тайёрлаш усули ҳам қадимдан маълум. Лекин паловнинг дони гуруч бўлса, қони ёғу, жони эса сабзиидир.

Ҳамма ўсимликларнинг ҳам барги яшил бўлади, шу яшил барглар ичиди сабзиники ўзига хосдир. Чунончи кўз китоб ўқишдан толиқкан бўлса ва хиралаша бошлиса сабзи баргига тикилиб ўтирангиз равшанлашади. Сабзи «сабза» сўзидан келиб чиққандир, яъни баргининг сабза-яшиллигига ишора. Сабзвот тушунчаси эса сабзидан келиб чиқадики, сабзи барча сабзвотлар орасида энг ажойиби ва фойдалиси ҳисобланади. Соябонгудошлар оиласига мансуб бу икки йиллик ўсимликнинг ватани Волга дарёсидан тортиб то Ўрта денгиз қирғоқларигача кенг майдон бўлган. Мана 4000 йилдирки инсоният сабзини уруғидан экиб кўпайтириш, яъни маданийлаштиришни ўрганиб олган ва у барча мамлакатларга тарқалган. Ибтидоий термачлаш даврларида яшаган одамлар илдизмевали барча ўсимликларни, жумладан сабзини ердан суғуриб олиб чайнаб кўрганлар, егулик нарса эканлигини аниқлаганлар. Шу ёввойи сансириқ томир дармонсизларга дори эканлигига фаросатлари етадиган бўлган.

Кейинчалик деҳқончилик келиб чиққанида уруғини юмшатилган ерга экиб, кўқартириб ёвзойисига нисбатан йирикроқ ва мазалироқ бир неъмат яратгандар ажаб бир қашфиёт эди. Териб-термачлашдек кам унум фаолият ўрнига деҳқончилик каби серҳосил хўжаликнинг келиб чиқшига эҳтимол ана шу сабзи ва бошқа сабзавотлар сабаб бўлгандир. Кейинчалик ибтидойи деҳқонлар фақат сабзи ва сабзавотларнинг эмас, дондун, полиз экинлари ўстиришни ва боф-роғлар парвариш қилишни ўрганиб оладилар. Улар кўп минг йиллар давомида ерга ишлов бериш, уни ўғитлаш, бегона ўтлардан тозалаш суғориш ва ер ҳайдашда от, ҳўқиз каби ҳайвонлар кучидан фойдалана оладиган бўладилар.

Деҳқонлар ҳар қандай ёввойи ўсимликларни маданийлаштирганларидан худди циркдаги ваҳший ҳайвон ўргатувчилар каби иш тутадилар, экинни тарбиялайдилар, тупроқнинг ва ҳар бир ўсимликнинг одамзотга қанчалик фойда келтиришини аниқлайдилар ва уни хоҳланганича бошқарадиган бўлиб оладилар. Мисол учун ўша сабзи. Бунинг навлари эндиликда юздан ҳам ортиқдир. Шакли ҳам турлича: узунчоқ, юмaloқ, банди йўғон, учи учлик — конуссимон (мирзойи нави), учи тўмтоқ, бандининг йўғонлигига баробар бодринг тахлит (мушак сабзи), ясси юмaloқ шолғомсимон (карател нави) ва ҳ. к. Ҳажми жиҳатидан ҳам сабзи ҳар хил: унинг эрта баҳорда пишадиган бармоқдай келадиган майда 20—25 граммлиги ҳам бор. Лекин фақат Японияда ўсадиган айланаси косадай, узунлиги бир метрча, оғирлиги 15—20 килограммликлари ҳам бор. Улкан сабзи етишибтириш тупроққа обдан ишлов бериш ва маҳсус ўғитлашга боғлиқ албатта. Япон сабзисининг агротехникиси қизиқ: ер 1,5 метр чуқурликда ҳайдалади (экскаватор билан чопилади), ўғит сифатида эса чавақ балиқларни яничиб вулқон кулига аралаштириб солинади ва жуда захлатиб экиласди.

Сабзининг ранги ҳам турлича: бизда унинг сариқ ва оч қизил ранглиси бўлади, бошқа мамлакатларда редискага ўхшаган оқ сабзи, пушти ва сапсар рангдагилари ҳам бўлади.

Халқимиз сабзини паловнинг жони дейишида албатта жон бор. Унинг химиявий таркибида ўрта ҳисобда 9—10 процент шакар моддаси, 1 процентгача ҳужайра моддаси (яъни сабзининг скелети) 1—1,5 процентга-

Ча азотли моддалар, бирмунча минерал моддалар ҳам мавжуд. Сабзи поливитамили сабзавот ҳисобланади, унда А витамини 7 процентгача, В —0,07 процентгача, В—0,6 процентгача, РР эса 0,2 процентгача ва анчагина С витамини бор. Қизил ранги сабзизда шакар, азотли модда (оқсили), А витамини, тўқ сариқ сабзизда эса минерал моддалар, С ва В группасидаги витаминлар кўпроқ бўлади. А витаминининг бир суткалик нормаси ҳар бир кишига 3 миллиграмм ҳисобида тўғри келади. Бу витамини ёфда яхши эриди. Шу сабабли паловни серсабзи қилиб пишириш унинг шифолигини ортириади. Шифобахш серсабзи тўй паловига, Самарқанд ва Бухорода тайёрланадиган тўғрама паловлар мисол бўлади. Тўй паловига сабзи зирвакчани билан тенгма-тенг миқдорда солинади. Тўғрама паловда эса сабзи ҳам зирвакда пиширилади, ҳам алоҳида идиша бутунлигича қайнатилган сабзини сомонча шаклида тўғраб тайёр паловга гарнир қилиб берилади. Яна паловнинг «Мажнун палов» деб аталадиган қадимий хили ҳам бўлиб, буни дамлашда зирвакка сув эмас, сабзидан сиқиб олинган шарбат қуйилади. Ҳар ҳолда паловнинг тез ҳазмланиши ва парҳез хусусиятлари сабзига боғлиқ бўлади. Бу хил паловларни ёш гўдаклардан тортиб қарияларгача ва ҳатто беморлар ҳам истеъмол қиласа оғир ботмайди.

Илгари баъзи мурғак гўдакчаларни думба ёғли шўрвада қайнатилган ёки паловда дамланган бутун сабзи докага ўраб сўрдириб бўқишиган. Қизиги шундаки, бу одатнинг илмий асоси эндиликда аниқланди. Франциялик олим В. Вильморен узоқ йиллар давомида сабзи ҳақида тадқиқотлар олиб бориб уни «сабзавотлар қироли» деган холосага келади. Бу неъматнинг таркибида ҳали ўрганилмаган моддалар ҳам бор экан. В. Вильмореннинг фикрича сабзидаги барча мавжуд моддалар она сути таркибига тенглаша олар экан. Сабзининг хусусияти ҳақида иби Сино шундай дейди:

«Сабзи — ер кўки. Ҳиди ва чайнами ёқимлидир. Боғларда ўсадигани Рим петрушкасига ўхшайди, у мазали ва ҳиди ёқимлидир. Учинчи хилининг пояси кашнич япроги каби бўлиб, оқ гуллайди. Боши ва меваси укропнинг боши ва мевасига ўхшаш бўлади. Уруғ дони зира каби серуруг бўлади. Ундан тайёрланган мураббонинг ҳазми енгилдир. Истисқо хасталигига (сув чечакка) фойда қиласди. Ёввойи сабзининг уруги ичак

оғриқларини босади... Уруғи ва илдизи бўғоз бўлишнинг қийинлигига фойда қиласди»<sup>1</sup>.

Халқ табобатида сабзидан анчагина касалликларни даволашда фойдланиб келинади. Чунончи, ёғлиқ гўшт билан қайнатилган сабзи юрак-қонтомир ва ошқозоничак касалликларида парҳез қилинади. Сабзи мураббоси сариқ касали ҳамда жигар ва буйрак хасталигига дори бўлади. Сабзи шарбати дармонсизланиш ва камқонликда қўлланилади. Ўзингиз ҳам неча бор синаб кўргансиз: бир дона ҳом сабзи жигилдан қайнашини тўхтатади.

### «...Бир туп турп турипти...»

Турпни кўп егилики танда балғамни даф қилур,  
Гар йўтал бўлсанг ўшанг дори бўлгай — наф қилур.

Мана шу ажойиб сабзавотни етиштириб берган дехқонларимизга минг раҳматки, серсув, нокдаккина турпдан кўп баҳраманд бўламиз. Лекин шу неъматнинг тарихини, химиявий таркибини, шифолик хусусиятларини ҳам билиб қўйишимиш керак.

Турп бутгулдошлар оиласига мансуб икки йиллик, илдизмевали, кўкат ўсимлиги дейишади ботаниклар. Унинг асли ватани Япония бўлиб, тақрибан 300 йил муқаддам Ўрта Осиёга келтириб экиладиган бўлинган. Буни «шарқ турпи», «дунган турпи» деган ном билан атаганлар. Аммо қарийб бир аср илгари у «Марғилон турпи», «Олтиариқ турпи» каби янги номлар олди. Чунки Фарғона водийсининг ана шу ерларининг тупроғи ва суви тури етиштириш учун жуда мос келиб қолган: ҳосили ҳам яхши, энг муҳими таъми лазиз, тахирлиги ҳам аччиқлиги ҳам мутлақо йўқ бўлиб, нозик эти сувликкина, картиллама, ширин бўлади. Пўчоги яшил тусда, эти оч яшил, оқишлоқ, ҳиди унча билинмайди, аммо қирганда ва қирқганда бу ҳиди сезилади, уни совуқ сувга ботириб, сўнг ювиб юборилса бу ҳид йўқолиб кетади. Буидай турпни еган киши ҳузур қиласди. Фарғона водийсидан бошқа жойларга экилган турп негадир аччиқ таъм, тахир мазага эга бўлиб, эти ва сирти оқ, дағалроқ ҳиди қўланса бўлади ва кишида иштаҳа қўзғатмайди.

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино, Тиб қонунлари, II китоб, 1956 й, 179-180-бетлар.

Шарқий Осиёда турпнинг пўсти ҳам, эти ҳам қипқизил, худди помидорга ўшаган нави етиштирилади. Унинг оч сариқ ранглиси ҳам бўлади. Шулардан энг сараси япон нави бўлиб, у Сакурадзима оролида етиштирилади ва ҳар бир донаси 20 килограммгача тош босади. Баъзи олимларнинг фикрича турп Ўрта денгиз ҳавзаси, қадимги Греция, Рим ва Мисрда бундан 5000 йил муқаддам ҳам экилганлигини қайд қилишади. Бу фикр ҳам тўғри, лекин у ерларда ўстириладиган ўзига хос мустақил нав бўлиб, пўсти қора, эти оппоқ, мазаси аччиқроқ бўлади. Турпнинг ана шу аччиқлигига ҳам бир манфаат бор. Қора турп Европа мамлакатларида ҳанузгача ҳам экилади, хивиявий таркибида минерал моддалар, дармондорилар ва беқарор аминокислоталар кўп бўлганлигидан сиқиб олинган суви пешоб ҳайдовчи дори сифатида аптекаларда сотилади.

Турпнинг турли мамлакатларда ўстириладиган турли навларининг таркиби ҳам турлича бўлади, албатта. Шулардан ўрта ҳисобда олиб қарасак: 86—87 процент сув, 1—1,5 процент ҳужайра моддаси, 1,5—2 процент оқсили, 0,5—1 процентгача шакар моддалари, бирмунча минерал тузлар, калий, кальций, фосфор, магний, марганец, темир, микроэлементлардан эса йод ва кобальт бор. А витамини жуда кам, В витамини сира йўқ, аммо С витамини 40 миллиграмм процент бўлиб нақ лимонга тенг ва бодрингдагидан 8 марта кўп. Турп таркибида ферментлар ҳам бўлиб бу неъматни ғоят ҳазмли қиласди. Жуда ёғли овқатлар билан ейилган турп аъзоларимизда модда алмашинувининг бузилишидан сақлайди. Турпнинг ҳидли бўлиши ҳам унинг ёмон сифати ҳисобланмайди. Бу унинг таркибида ифори мойлар борлигидан дарактир. Глюкозоидлар билан бирлашган ифор мойи турпнинг ўзига хос мазасини билдиради.

Албатта турпнинг химиявий таркиби фақат бизнинг давримиздагина ўрганилди. Қадимда турп минглаб марта синовдан ўтказилиб ўёки бу дардга даво эканлиги аниқланган. Олимлар ўз фикрларини кўпинча наср билан эмас, назм билан баён этганларки, у хотирада узоқ сақланган. Масалан, «Мажмуи ҳикоят ва тиб» китобида назмий мулоижалар берилган бўлиб, унда турп тўғрисида бундай байтлар бор.

Гар саримсоқ пишириб турп уруғи бирлан киши,  
Еса буйрак тошидан бўлмас аниңг ҳеч ташвиши.  
Ёки:

Ҳар кишининг оғиздан сув оқибон дод айлагай,  
Турпни туз бирлан қўшиб еснини, озод айлагай.

Энди Абу Али иби Синонинг «Тиб қонунларига» мурожаат қилсақ, унда аллома ёзади: «Турпнинг сиқиб олинган суви ва уруғининг ёғи қулоғдаги ел (бод) га жуда фойда қиласди... Суви кўзга томизилса, тозалайди. Турпнинг қайнатилгани эски йўталга ва кўкракда тўплланган қуюқ қаймусга фойда қиласди... Турп овқатдан кейин ейилса, ични юмшатади». Иби Сино турпни заҳарларга қарши дори эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. «Турп афо илони чаққанда фойда қиласди. Агар турпни қириб чаённинг устига қўйилса, чаён ўлади. Турп суви синааб кўрилганда бу жиҳатдан яна кучлироқ бўлиб чиқди. Турп еган кишини чаён чақиб олса зарари унча бўлмайди». Турпнинг бу хусусияти нимада эканини иби Сино фақат тажриба қилиб билган, бироқ чаённи ундаги қайси модда ўлдиради. буни билмаган. Эндиликда совет олимни Б. П. Токин турп таркибидаги бундай модда фитонцид эканлигини илмий асослаб берди.

Турпнинг ҳосияти жуда кўп. Унинг бошқа томонларини қадимги табиблардан Юсуф бин Мухаммад Юсуфий ҳам синааб кўрган. У ўзининг «Яхши нарсаларнинг фойдалари» номли тиббий рисоласида бундай ёзади:

Турп есанг йўгалга яхши даводир,  
Пешоб равон бўлар, кўз эса равшан.  
Белга куч-қувват ато қиласди,  
Мум бўлсанг, гўёки бўласан оҳан.

### Саккара, суккар, шакар, сахар...

Кўпгина кашфиётлар сингари қанд ҳам тасодифий қашф қилинган. Одамзод қандсиз яшай олмайди, негаҳи ширинлик бошқа таомларга нисбатан жуда тез ҳазм бўлиб, қонга яхши сўрилади. Шунинг учун ҳам ақлий ва жисмоний меҳнат қилиувчилар, ёш гўдаклар ҳамда қариялар ширинлик истеъмол қилиб турмасалар, дармонизланаб қолишлари мумкин.

Баъзи физиологларнинг фикрича, узоқ вақт қанд емаслик ҳатто фикрлаш қобилиятини ҳам сусайтирап экан. «Ундай бўлса, қанд қашф қилингунга қадар одамлар нима еб тирикчилик қилишган?» деган савол туғилади. У пайтда кўпроқ ёввойи ҳолдаги асал ейилган. Турли масаллиқларнинг таркибидаги глюкоза, фруктоза,

сахароза крахмал ва бошқа умумий номи карбонсув деб аталувчи моддалар танаввул этилган. Бундай модда ҳамма меваларда: узумда, қовун-тарвуз, нон, гуруч, картошка, маккажўхори, ошқовоқ, лавлаги, қўйингчи, истеъмол этиладиган ўсимлик масаллиқларининг кўпчилигига мавжудdir. Қанд моддаси яна қўқон жўхори ва шакарқамиш поясида ҳам кўп бўлади.

Қанд дастлаб Ҳиндистонда қашф қилинган. Лекин қаҷон қашф қилинганлиги номаълум. Аммо ҳинд тилида қанд «саккара» деб аталади, шундан ўзбекча «шакар» ва русча «сахар», арабча ва немисча «суккор» атамалари келиб чиққанлиги юқоридаги фикрнинг далилидир.

Фотиҳ Искандар Зулқарнайн лашкарлари Ҳиндистон тупроғини топтаб юрганларида ҳиндлар қандайдир бир қамишни янчиб, қайнатиб шинни олиб, уни оппоқ қандга айлантиришларининг гувоҳи бўладилар. Аскарлар орасида Теофаст исмли бир ботаник бўлиб, шакарқамишнинг тузилиши, биологияси ва қандай иқлимий шароитларда ўсишини дастлаб қаламга олади. Шундан бошлаб қанд Европага келтирилади. Айниқса, чой, кофе, какао ичиш одат бўлгандан кейин қандга талаб ғоятда ортди.

Иби Синонинг бу неъмат ҳақида ҳам айтганлари бор: «Суккарқамиш шакари... юмшатувчи, тозаловчи ва юувичи... Тозалаш ва жило беришда шакар асалдан қолишмайди. Шакар эскирган сари латифлиги орта боради... Елимга ўхшатиб қамишдан олинган шакар кўзни тозалайди... Кўкракларни юмшатиб ғижжилашни кетказади... Шакар тиқилмаларни очади»<sup>1</sup>.

### Сут ва унинг шифолиги

Сут нима? — деган саволга оддийгина қилиб «эмизувчи ҳайвонлардан соғиб олинадиган оқ рангдаги суюқлик-да» — деб жавоб бериб қўя қолиш мумкин. Аслини олганда эса сут инсон организми учун жуда зарурдир. Тўғри, шу оқ суюқликнинг 87% и сувдан иборат, аммо қолган 13% и оқсил, ёғ, шакар, минерал моддалар ҳамда витаминалардан ташкил топган. Инсон организми учун зарур бўлган олтита модда сут таркибида мавжуд. Идишга соғилган сут бир оз тиндириб қў-

<sup>1</sup> Абу Али иби Сино. Тиб қонунлари, II китоб, 457-бет.

йилса, «бет олади» — широбча ҳосил қиласи. Олимлар ана шу широбчани микроскоп остига қўйиб кузатгандаридан унда жуда майдашарчалар мавжудлигини пайҳадилар. Бир томчи сутдаги мавжуд юз миллиондан ҳам кўпроқ ана шу доначалар ёғ эканлиги маълум бўлди. Сутни бир оз ачитиб қайнатилса кўкимтир сувга ва пахтасимон оппоқ парчаларга ажралади. Ана шу парчалар оқсил моддаси бўлиб олимлар буни козеин деб атадилар. Сутда яна альбумин ва глобулин номи билан аталган оқсиллар ҳам бор.

Оқсил — ҳаётимизнинг асоси, бу неъматнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Ҳаёт нима?—деган саволга Ф. Энгельс шундай жавоб қиласи: «Ҳаёт — оқсил жисмларнинг яшаш усулидир, бу яшаш усули эса ўз мөҳияти билан мазкур жисмларнинг кимёвий таркибий қисмларининг доимо ўз-ўзини янгилаб туришидан иборатdir... Биз ҳаётни учратадиган ҳамма ерда ҳаёт бирон-бир оқсил модда билан боғлиқ эканлигини кўрамиз»<sup>1</sup>. Бир литр сутдаги оқсил саккизта тухум оқсилига баробар келар. Қатиқда гўшт ва балиқдагидан кўпроқ оқсил бор. Сут-қатиқ оқсили нон ва бошқа барча оқсилли масаллиқлардан кўра тез ва осонроқ ҳазм бўлади.

Сутда яна шакар моддаси ҳам борки, буни билиш учун сут зардоби узоқ қайнатилади ва у қўйилиб оч жигар ранг тусга кирганда оловдан олиб музлатилади. Маълум муддат ўтгандан кейин у майдаш, новват ранг кристалларга айланади. Мана шу модда сут қанди — лактозадир. Зардоб олимларга кўп моддаларни аниқлашга ёрдам берган. Ҳалиги кристаллга айланган зардобни яна оловга қўйилса уқаланиб кукун ҳолига келади. Анализ қилинса унда бир оз оқсил, ёғ ва шакардан ташқари яна темир, алюминий, магний, кальций, фосфор ва ош тузлари мавжудлиги аниқланган.

Сутнинг бешинчи таркибий қисми витаминларdir. Сут биокимёвий анализ қилинганда таркиби А, В, С, Д витаминларга бой эканлиги аниқланган. Ёзда яхши кўкатларни еган сигирлар сутидаги витаминлар бундан ҳам кўп бўлади.

Сутнинг олтинчи таркибий қисми — сувга яна қайтамиз. Бунда водопровод суви ёки тоза булоқ сувини тушунмаслик керак. Сут суви энг соф химиявий сув

(H<sub>2</sub>O) бўлиб, ҳалиги беш хил моддани ўзида ажойиб тарзда синтезлайди. Сут сувисиз биз ўша моддалар мазасини билмаган бўлар эдик.

Сутнинг таркибий қисми ҳали тўла ўрганилган эмас. Аммо одамлар сутни жуда қадим замонлардан буён истеъмол қиласидар. Россияяда, Украинада, Қозоғистонда, Кавказда, Ўрта Осиёда, Монголияда, Арабистонда, Грецияда, Ҳиндистонда ва бошқа кўпгина чорвачилик билан азалий машғул бўлган мамлакатлар териториясида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида топилган сут солинадиган, қатиқ ивитиладиган, пишлоқ тайёрланадиган идишлар ва сут эмизувчи ҳайвонлар суякларига қараб сутни одамлар беш минг йил муқаддам ҳам истеъмол қиласандар, деган хуносага келинди. Бизга тарихдан маълумки, ибтидоий чорвачиликни бошлаган одамлар дастлаб сут эмизувчи ҳайвонларни қўлга ўргатишган. Дастрлаб от, тuya, сигир, қўй, эчки, буғу, эшак, фил каби сут эмизувчи ҳайвонларни қўлга ўргатилганда улардан олинадиган сутни кўзлаб эмас, гўшт, ёғ, тери, жунуни кўзлаб ҳамда кучидан фойдаланишни кўзлаб иш кўрган бўлишлари керак. Бузогини эмизиб турган сигирни ибтидоий аждодларимиз ҳам эмисиб кўрган бўлишлари ва сутнинг нақадар лаззатли ва фойдали неъмат эканлигини билб олган бўлишлари ҳам мумкин.

Ф. Энгельс ёзади: «Эҳтимол, орийлар билан семитлар кўзга яққол ташланадиган даражада ривож топганликларини бу икки ирқнинг гўшт ва сутни кўп истеъмол қиласандиги ва гўшт билан сут болаларнинг ўсишига жуда яхши таъсир қиласандигидан келган деб билишга тўғри келар. Дарҳақиқат, нуқул ўсимлик овқат билан деярли қорин тўйдиришга мажбур бўлган Янги Мексика Пуэбло ҳиндиларининг мияси варварликнинг қуи босқичида турган ва лекин гўшт билан сутни кўпроқ истеъмол қиласандиган ҳиндиларнинг миясига қараганда кичикроқ».

Сутнинг шифобахшлик хусусиятини дастлаб бундан 2500 йил муқаддам машҳур грек табиби Гиппократ кашф қиласан. Бир зодагон йигитча буйрак касалига гирифтор бўлганида Гиппократ унга «Наҳорда сут ичгин, тушлиқка ҳам сут ич, кечқурун ҳам сут ич—шифо то-

<sup>1</sup> Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, «Ўзбекистон» нашриёти, 1983 й. 77-бет.

<sup>1</sup> К. Маркс, Ф. Энгельс. Танланган асарлар, II том, Т., 1959, 200—201-бетлар.

пасан,— дейди. Аввалига эшак сутининг сувга аралаштириб ичишни, 10 кун ўтгач фақат сигир сути ичиши тавсия қилади. 1 ойга қолмай касал тузалиб кетади.

Гиппократ ёлғиз буйракнигина эмас, асабий касалликларни, ошқозон-ичак, юрак ва қонтомир касалликларини ҳам сут билан даволаган.

Қадимги Мисрда палаж касаллигини эшак сутидан илиқ ванна қилиб тузатишган. Сутнинг шифолигини биз шарқ табобатининг бобокалони Абу Али ибн Сино асарларидан ўқиймиз: «Сут уч хил моддадан таркиб топган: сувлилик, оғиз ва ёғ моддасидан. Сигир сутидан ёғ моддаси кўп бўлади. Туя сутидан ёғ ва оғиз моддаси оз ва ўзи жуда суюқ бўлади. Эчки сути эса мўтадиллар. Қўй сути қуюқ ва ёғли, аммо сигир сути ундан ҳам қуюқроқ ва ёғлироқ бўлади. Бия сути эса туя сутига ўхшаш суюқ ва сувли бўлади»<sup>1</sup>.

X—XI асрлар бўсағасида яшаган ибн Сино Бухоро атрофида махсус майдонлар танлаб унга турли доривор ўсимликларнинг уругини септирган ва униб чиққан ўтлар билан сигирларни боқтирган. «Сут берувчи ҳайвон яхши ўтлар билан боқилиши керак»— дейди аллома. Сўнгра «Бўғозлик даври хотинларнинг ҳомиладорлигидан узоқроқ ёки озроқ чўзилган ҳайвонларнинг сути ёмон бўлади. Шунинг учун бўғозлик муддати жиҳатидан инсонга яқин турган ҳайвоннинг, масалан, сигирнинг сути энг яхши ҳисобланади»<sup>2</sup>. Абу Али ибн Сино сутнинг моҳияти, табиати, хоссалари тўғрисида гапириб унинг инсон озиқланиш аъзоларига, шиш ва тошмаларга, жароҳат ва яраларга, бўғинларга, бош аъзоларига, кўз аъзоларига, нафас аъзоларига шифолиги ҳамда иситма ва заҳарларга қарши даволиги тўғрисида жуда кўп ёзган. Биз булардан фақат баъзиларининг келтириш билан кифояланамиз: «сут кекса кишиларга уларнинг табиатида ҳўллик (мижоз) ҳосил қилгани учун ва уларда бўладиган қичимани йўқотгани сабабли фойда қилади. Аммо уларнинг сутни ҳазм қилишларига асал билан ёрдам бериш керак. Сут кўпинча ўз ишини ични суриш ва ичаклардаги чиқнидиларни чиқариб ташлашдан бошлайди... Сутни шакар билан ичилса, юзнинг рангини, айниқса хотинларни чиройли қилади... Сут қуруқ мижоздан бўладиган ғамгин

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. Содда дорилар тўғрисида. II китоб, УзССР нашириёти, 1956 йил, 363, 364, 365, 366 ва 367-бетларидан терма қилиб олинади.

<sup>2</sup> Уша ерда.

лик ва васвасага ҳамда эсда сақлай олмаслик касаллигига (склерозга) яхши даводир... Қўй сути эса қон туфлашга кўпроқ фойда қилади. Сут ўпка яраси ва силга қарши ишлатиладиган дорилардандир. У билан оғиз чайқаш ва гаргара қилиш томоқ оғриққа, томоқ шишига, тилчанинг ва бодомсимон безларнинг шишлирига фойда қилади... Туя сути астма ва нафас қисишига фойда қилади... Сувли қисми кетгунча қайнатилган сут ични қотиради ва қонли ич кетишини тўхтатади. Туя сути ҳайз қонини ҳайдайди, сигир сутининг айрони эса сафроли ич кетишида фойда қилади... Қайнатилган қатиқ сафро ва қон аралаш ич кетишини тўхтатади»<sup>1</sup>.

Жуда кўп ҳалқларда янги соғилган эчки ва қўй сутлари, сигир сутидан қатиқ ивтиби, туя сутидан қимрон ва бия сутидан қимиз тайёрлаб жуда хилма-хил касалликларни даволаб келинади.

Доривор ўсимликлар едириб боқилган ҳайвон сутига не етсин. Бу унунтаган удумни ҳозирда ҳам бир синаб кўриш керакдир, балки. Лекин ҳар ҳолда чўл ва тоғларда ўсан ва қўёш радиациясини ўзига яхши сингдириб фотосинтези нормал бўлган ўсимликларни еган ҳайвонларнинг сути энг шифобахшдир.

### Қалампир ва мурч

Таомларимизни хушхўр қиладиган, иштаҳабахш ана шу зираворлар тўғрисида анчагина китоблар ёзилган бўлиб, илмий ишлар ҳам олиб борилмоқда. Бу асарларнинг кўпида бундай зираворларнинг зааридан кўра кўпроқ фойдали эканлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Абу Али ибн Сино узунчоқ қалимпирни «дар фул-фул» деб атайди. Қалампирни у энг содда дорилар қаторига қўшиб «учинчи даражали иссиқлик ва иккинчи даражали қуруқ нарса» дейди. Қалампир «... Эритувчи ва совуқдан бўлган касалларни кетказувчи... Эчкининг қовурилган жигари сели билан бирга қўшиб истеъмол қилинса шаб кўрлик касалига нафи бор... Ҳазм қилдиради, сингдиради ва меъданни қувватли қиласди»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. II китоб, УзССР ФА нашириёти, 1956 йил, 192—193-бетлар.

Абу Али ибн Синонинг қалампир тўғрисида айтган фикрларидан шу нарса аниқ бўладики, айни зиравор албатта дори нарса, бироқ у касал кишига эмас, балки соғлом одамларгагина доридир. Ошқозон ва ичак касалларига чалингандар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар буни вақтинча емай туришлари керак. Аммо шамоллаган одамларни терлатишда қалампирнинг фойдаси зўр.

Келинг, энди мурч билан яқиндан танишайлик. Бунинг учун пича унинг тарихига мурожаат этайлик. Ушбу неъматнинг асли ватани Ҳиндистон, Шри Ланка ва Ява оролларидир. Ўрта асрларда мурч олтин каби қимматбаҳо бўлган.

Географик кашфиётлардан Васко де Гама, Магеллан, Колумб кабилар фаолиятининг бир чеккаси «Зираворлар ороли» бўлган Ҳиндистонга энг қисқа йўл топиш эканлигини ҳам ҳисобга олайлик-а!

Нима учун мурч шу қадар қимматли? Бу саволимизга ҳам табобат илмининг бобокалони бундай жавоб қиласди:

«...Фулфул — мурч» шифоларнинг шифоси бўлиб, иссиқлиги ва қуруқлиги тўртинчи даражададир...

... Мурчда тортиб олиш, сўриш ва тозалаш хусусиятлари бор. Уни майизга қўшиб чайналса, аъзолардаги ҳар қандай шилимшиқ моддани чиқариб юборади, у оғриқни босадиган ва нервларни иситадиган воситалардан ҳисобланади ҳамда тамомила соғлом кишилар учун нафи тегади...

... Сода билан бирга қўлланилган қора мурч баҳак касалини даволайди. Мурч семиз одамни оздириш хусусиятига ҳам эга.

... Асаб ва мушак тўқималарини қиздиришда бунга етадиган дори йўқ...

... Сиркага қўшилган мурчнинг тишларга ҳам фойдаси бор...

... Яланадиган дориларга қўшиб ишлатилган мурч йўтални ва кўкракда пайдо бўладиган оғриқни қолдидари... Уни асалга қўшиб танглайига босилса, ангинани даволаб, ўпкани ҳам тозалайди.

...Мурч овқат ҳазм бўлишига ёрдам қиласди ва иштаҳани очади: уни янги узилган лавр япроғи билан бирга ичилади. Бу ичакларда пайдо бўладиган санчиқни ва қорин шишиб кетишини тўхтатади. Қора жи-

гар шишиб кетса мурчни сиркага қўшиб ичиш ёки суркаш билан даволанса бўлади...<sup>1</sup>

Демак, қалампир билан мурч зираворгина эмас, балки доривор ҳам экан. Бироқ Абу Али ибн Сино айтганларига асосланиб, ҳар ким ўзича дори тайёрлашини маслаҳат бермаймиз. Негаки, ҳар қандай дорининг ҳар қаси касал учун аниқ меъёри бўлади.

Узбек пазандалигига ҳам қалампир билан мурч хушхўр қилувчи масаллиқ сифатида салатлардан тортиб шўрва, суюқ ошларга, қовурма, палов ва шовлаларгача кенг қўлланилади. Ҳатто янги узилган қизил қалампирни жизза билан чопиб қатирмага ва патирларга солиб пиширилади. Нўҳат хўрак, яхна гўшт, каллапочча каби таомларини юзига мурч, туз ёки қалампир туз аралашмаси сепилади.

Халқ табобатида эса қалампир билан мурчдан айрим парҳез таомлар ҳам тайёрланади. Масалан, қоткурум —тоби қочиб бўшашган кишиларга майда тўғралган пиёз ва қалампир қўшилган қатиқни қайноқ сувга ийлаб ичирилади. Қаттиқ шамоллаган одамни терлатиш учун эса памил чой билан бирга мурч дамлаб ичирилади. Айрим жойларда донадор мурчнинг ўзини чойнакка дамлаб асал билан ичадилар. Сира иштҳаси йўқ одам қалампир талқонга беланган сузма ёки қуртоб еса нафи тегади. Туйилган мурч ёки қалампир талқонни янчилган саримсоқ билан бирга доғлаб ёққа қоришириб тайёрланган лозижсон ҳар қандай оғир хамир таомларнинг ҳам тез ҳазмланишига ёрдам беради.

Хуллас, соғлом одамлар учун қалампир билан мурчнинг зараридан кўра фойдаси кўпроқ.

## Сирканинг хосиятлари

Овқатларга зиравор сифатида сепиб истеъмол этиладиган бу суюқликнинг тайёрланиши қуйидагича:

Боғда чумчук чўқиган, ари еган, эзилган ва умуман истеъмолга яроқсиз узумларни сирли хумчага шингил-шингили билан солиб борилади ва устини дока билан ёпиб, кўланка жойга бир мавсум тиндириб қўйилади. Идишга пича ачитқи, яъни эски сиркадан қуйиб қўйилади. Узум ачиб-бижғиб «қайнай бошлайди».

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино, Тиб қонунлари, II китоб, 1956 й., 500—501-бетлар.

Кузга бориб уни эзиб шарбати 3—4 марта сузилади, тоза шишаларга қойиб, оғзи маҳкам бекитилади. Бу қизил сирка бўлади.

Оқ сирка қойидаги тайёрланади: ёғоч бочкага бүк дарахтининг қипиқ ва қириндилари солиниб, устидан таркибида сирка ачитувчи бактериялари бўлган сирка суюқлиги қўйилади. Микроорганизмлар бочканинг ҳаво тегиб турадиган устки қисмида «фаолият кўрсатадилар». Бочканинг остида эса маҳсус тешикча бўлиб, тайёр сирка шундан томиб-томиб туради. Бу 6—9 проеентли оқ сирка бўлади. 80 процентли сирка эссеңциясини эса ҳар хил ёғочлар қипифидан ҳаво кирмайдиган идишга солиб қизидириб ва бошқа кимёвий усууллар қўллаб тайёрланади.

Қизил узум сиркаси пазандаликда палов, манти ва бошқа овқатларнинг юзига севалаб ейиш, кабоб гўштини сиркалаш (мариновкалаш) учун ҳамда бадҳазм овқатларнинг тез ҳазм бўлиши учун қўлланилади. Оқ сирка эса консерва саноатида сабзавотларни сиркалаш, сиркалганган селёдка балиқ тайёрлаш ишларида қўлланилади.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш зарурки, сиркани кўп искеъмол қилишнинг саломатликка зарари бўлади. Шу сабабли, нордонлик даражаси 5,5 процентдан ортиқ бўлган сирка санитария қоидалари бўйича ман қилинади.

Қизил узум сиркасининг зарари йўқ, аксинча ибн Сино таъбири билан айтганда «...сиркани қон кетишга қарши ичилади ёки қон бадан ташқарисидан оқаётган бўлса, у қўйилади, шунда у қонни тўхтатади, қаерда бўлмасни пайдо бўлган шишини қайтаради, ҳазм қилишга ёрдам беради ва балғамга қаршилик кўрсатади. Сирка сафроли кишилар учун фойдали ва савдоли\* кишилар учун зааррлидир»<sup>1</sup>. Йосуфий табибининг шеър билан ёзилган тиббий рисоласида бундай дейилади:

Истеъмол қилинса  
сиркадан сафро,  
Йўқолур ташналиқ  
кам бўлар ҳар он,  
Оғриқдан бутунлай  
халос қиласди,  
Чаён чакқан жойга  
суркалган замон.

\* Савдо — қора сафро.

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари, II китоб, 1956 йил, 654-бет.

«Мажмуаи ҳикоят ва тиб» китобида ҳам сирка тўғрисида шундай байт бор:

Қайси аъзоли совуқ урган бўлса бўлғай даво.  
Сирка-ю кашнич сувини суркаса яхши даво.

### Зарчава

Сап-сариқ порошок ҳолдаги бу зиравор Ҳиндистон ва Афғонистонда ўсадиган бир турли бута ўсимлигининг томиридан тайёрланади. Номи форсча «зар» ҳамда «чўба» сўзларидан таркиб топган бўлиб, «олтин чўпак» маъносини англатади. Бута томири қазиб олиниб, яхшилаб ювилади, офтобда қуритилгач, маҳсус усуулда қовурилади, сўнг уни туйиб, элакдан ўтказилади.

Узбек пазандалигида зарчава фақат палов гуручини бўяшда таом бўёғи сифатида қўлланилади. Тўйларда, жамоат овқатланиш корхоналарида кўпчилик учун дамланадиган паловнинг кўриниши сап-сариқ, тилла ранг әканлигига аҳамият бергандирсиз. Зарчава порошоги иссиқ сувда ивтилади, гуручини ювиб юборилгач, шу сариқ суюқлик қўйилади, у оипоқ гуручини дарҳол сап-сариқ тусга бўяйди.

Ҳиндистонда буни жуда кўп овқатларга, ҳатто ширгуручга ҳам соладилар.

Ибн Сино зарчавани «Уруқ ус-сабағин» деб арабча атамасини келтиради, унинг маъноси бўёқчилар илдизи демакдир. Унда кучли тозалаш хусусияти бор. Уни чайнаш тиш оғриғига фойда қиласди. Зарчаванинг ширраси кўзни ўткирлаштиришга, қорачиғидаги катаракка ва оқни кетказишга жуда фой қиласди<sup>1</sup> дейди.

### Куб шаклидаги тарвузлар

Тарвуз деганда биз юмалоқ, ичи қизил, эти ширин волиз экинини тушунамиз. Дарвоҷе сиз: «тарвуз нега юмалоқ, нега ширин, нега қизил? Бу хусусиятларнинг тарвузнинг ўзига қандай нафи бор?»—деган саволлар устида ўйлаб кўрганмисиз? Йўқ, албатта. Бундай саволларни олимлар ҳам ўртага ташлашмоқда. Маълумки, тарвузнинг илк ватани Жанубий Африкадаги Қа-

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. II китоб, 1956 й., 480—481-бетлар.

лаҳари саҳролари бўлган, ана шу ердан у бошқа жойларга тарқалган. Уларнинг тарқалишига одамлар сабаб бўлган эмас, чунки у даврларда одамзод пайдо бўлмаган эди. Тарқалишига ўша тарвузнинг ўзидағи хусусиятлари сабаб бўлган: ёввойи тарвуз майда, апельсиндек келадиган бўлиб саҳрода шамол турганда узоқ-узоқларга юмалаб кетган ва бирон кесак, тош ва бошқа нарсага урилиб ёрилиб кетган. Тарвузнинг ширин шарбати эса уруғини ерга ёпиштириб қўйган ва тупроқни намлаган, шамол уни чанг билан кўмган ва униб чиқиши учун имконият туғдирган. Тарвуз қизил бўлганлиги учун қушларни ўзига жалб қилган, қушлар уруғини тўйгунча, еб, жиғилдонига тўплаб, узоқ-узоқларга олиб бориб тўккан. Шундай қилиб тарвузни ижодкор табиат кенг тарқатган. Қейинчалик одамзод тарвузни бутун Ер шари бўйлаб тарқатди. Селекция қилинавериш натижасида тарвузнинг сирти ва шакли жуда ўзгариб кетади. Чунончи бу неъматнинг яшил, олачипор, йўл-йўл, оқ, қора рангдагилари пайдо бўлади. Шакли ҳам турлича бўлиб кетади, яъни энг кичик тарвуз нави — «солди-пишди» деб аталади ва тенинс тўвидан сал йирикроқ бўлади. Энг катта нави «антоновка» деб аталиб, Тоҷикистон ва Ўзбекистонда етишириладигани то 25 килограммгача тош босади. Тарвузнинг нави кўп, «қўзивой» дегани ҳам бор, буниси қовунсимон узунчоқ бўлади. XX асрда тарвузнинг шакли яна ўзгарди, энди унинг куб шаклидагилари пайдо бўлди. Куб тарвузларни япониялик селекционер Оно Томоюки ижод қилган. Катта-кичикилиги бир хил  $25 \times 25$  сантиметрли, мазаси, этининг қизиллиги ва шарбатлилиги бинойидек. Тарвузнинг куб шаклда бўлишлиги уни узоқ жойларга ташишда жуда қўл келади. Арава, автомашина ва юқ вагонларига худди қутичаларни тахлагандек устин қатор терилади, ора-орасида бўш жой қолмайди, қулай. Аммо деҳқони тушмагур Оно Томоюки мана кўп йил ўтиб кетяпти, бундай тарвузларнинг сирини ҳеч кимга айтмаяпти. Лекин тарвуз билан боғлиқ бир тажрибадан ҳурматли деҳқонларимизни хабардор қилмоқчимиз. Ўттизинчи йиллар эди. Андижон районининг Хартум қишлоқ советига қарашли «Маориф» колхозида Ёқубали бобо исмли боғбон, полизчи, маришкор деҳқон бўларди. Бобо қовун-тарвуз экарди. У киши қовунини улама қилаоладиган нодир деҳқон бўлган экан, афсус ўша вақтда у кишининг

тажрибаларини бирон-бир кимса оммалаштирган. Мана ярим аср ўтиб кетибдики, «қўкча»ни «шакарпаплак»ка улай оладиган бошқа миришкор борлиги тўғрисида ҳеч қандай хабар йўқ. Аммо одамларнинг гапига қараганда Ёқубали бобонинг тарвуз билан ўтказган бир тажрибаси бор экан. Тарвуз туғиб катталиги чақалоқнинг калласидай бўлганида палак остидан ўра ковлаб, устига шоҳ-шаббаларни ёпиб, ўранинг ичига тарвузни тушуриб тупроқ тортуб қўяр экан. Тарвузнинг палагида ҳозирги тарвузникидай жингалаги бўлади, у киши бандидаги жингалагини ташқарида қолдириб қўмар экан. Вақти келиб пайкални оралар эканда — «мана буниси ҳали хом, буниси эса пишган»— деб ўранни очиб катта тарвузни олиб сўйиб берар экан. Бирам маза, тиш синдирап муздай бўларкан, киши роҳат қилиб ер экан.

— Бобо! Сиз ерга кўмилган тарвузларнинг пишган-пишмаганини қандай биласиз?— деб сўраганларга:

— Жингалагига қарайсан, жингалаги қуриган бўлса, ўшаниси нақ пишган бўлади. Жингалаги қуримаганини узсанг, тарвуз каттагина бўлса ҳам ҳали хом, ичи оч қизил, оқ уруги кўп чиқади. Бунақаси одамни касал қилади, болам,— дер экан у киши. Баъзан кўмилган тарвузлар ўрага сигмай қолар, қаттироқ кесакка теккан жойи ичига букилган, юмшоқроқ тупроқ-қа тўғри келган жойи эса бўртган — одатдагидек юм-юмалоқ эмас, балки бужмак тарвузлар ҳосил бўларкан. Бобо бу ишни бужмак тарвузлар олиш учун қилмас эканлар, албатта, балки жазирамада муздеккина туриши учун шундай қиларканлар, чунки ўша вақтларда холодильниклар йўқ эди-да. Куб тарвузлар тўғрисидаги хабарни ўқиганимдан кейин Ёқубали бобонинг ўша тажрибаларини эсладим. Тарвузни узмай бирор нарсанинг ичига солиб етиштирилса, ўшанинг шаклига киради. Тахминимизча япониялик деҳқон тарвузларни куб шаклидаги металл ёки ёғоч, ё пластмасса қутичаларга солиб етиштиrsa керак, ёнки куб шаклида ўралар ковлаб, деворларига фонер ёки тахта қўйиб, тарвузни шунга кўмиб «пиширса» керак.

Албатта, бу мулоҳазалар синаб кўришни талаб қилади. Кимдир бу ишга бир ҳафсала қилиб кўрсин, «интилганга толе ёр»— дейдилар-ку ахир.

## Қовун тўғрисида эртаксимон ҳақиқат

Картиллама этли, сершарбат хушбўй қовундан бир тилик еди-ю, Дехқон буванинг ҳордиги чиқди. Сунбула сувидек тиниқ манглай терлари пешонасидан томиб, бир зумда чарчоги унут бўлди. Бува мамнунлигидан ўз-ўзинг мақтаниб ҳам қўйди:

«Сенинг томирингга сеитира эмас, шакар сепиб парвариш қилинганом, жонивор, шакар! Шунинг учун ҳам қанд-у, асалсан-да!

Қовуннинг ташки кўриниши ҳам бувага зўр нафосат баҳш этарди. Табнат унга росмана четан гул солган, улкан тухумдай тасисига турли бўёклар бериб, ажаб мўъжизага айлантирган. Дехқон бува қовуни силади, ҳидлади, яна бир тилик кесиб, ҳузур қилиди. Бекасам тўн кийган йигитдай қовунжон ҳам жуда эриб кетди, у тилга кириб, бувага қарата ҳазнломуз оҳангда ашула бошлади:

Танда тўрларим бор менинг,  
Тури гулларим бор менинг,  
Кесди пишоқ бағримни эй,  
Қандай гуноҳим бор менинг?

Шундан сўнг суҳбат авжига чиқди.

— Сенинг «гуноҳинг» асаллигингда-да, Қовунжон.

— Тўғри айтасиз, буважон, ахир менинг таркибимда глюкоза, сахароза, фруктоза деб аталувчи қанд моддаларидан 17—18 процентча бор.

— Қовунжон! Асли сен қаерликсан?—деди бува. Масалан, тарвуз Африкадан, картошка билан помидор Жанубий Америкадан дунёга тарқалган, сен-чи?

— Менми? Асли Ўрта Осиёданман, лекин баъзи олимлар мени дунёга Эрондан ёки Ҳиндистондан тарқалган дейишади, бу хато, буважон.

— Ҳиндистонда сени Заҳирилдин Муҳаммад Бобур соғиниб байт ёзганини биласанми?

— Ҳа, албатта, эснамда, Бобур XVI асрда Ҳиндистонда подшолик қилар эди, у она Ватани — Андижонни кўп қўмсайди. Оқар сувлари-ю, ишкомдаги узумлари ва полизлардаги қовуnlари кўз ўнгидан ўтвареди. Шунда у мен тўғримда ушбу байти тўқиб йиглайди:

Қовун бирлаи узумнинг ҳажрида кўнглимда ҳар жу,  
Оқар сувнинг фироқинда кўзимдан кўп оқар сув.

Шундан сўнг чопарлар Асакага келиб, мени унинг ҳузурига олиб борадилар. Бобур мендан еб ҳузур қиласди, уруғимнинг бир донаси ни ҳам истроф қилмасдан экишларини буюради. Шундай қилиб, мен Ҳиндистонга бориб қолганман, буважон. Бу ерга Эрон, Румо ва Фаранг мамлакатларидан сайёҳлар келиб турар эди. Улар мени ўз элларига олиб кетадилар.

— Қовунжон! агар сир бўлмаса, бир воқеани сўрайман. Қандай қилиб Рим папаси билан император Клавдий Альбини ўлдирганинги сўзлаб бер-чи.

Қовун пайкалда дурустроқ ўринашиб олди, бир оз ўй сўргандай жиддийлашди, сўнг деди:

— Бунинг ҳеч қандай сири йўқ бува. Тарихий рисолаларда ҳам ёзилган. Румо императори Клавдий Альби жуда мечкай одам экан, бир ўтиришда ўнта қовуни еворса бўладими, кечасига бориб қорни

погорадек шишиб кетди. Тонг ёришганда ёрилиб ўлди, қолди. Ҳўша менда нима айб? Қовун ейишни ҳам меъёри бор-да.

Яна бир мечкай — Рим папаси, исми эснамда йўқ, ёш бола мина-са оёги ерга тегмайдиган қовундан иккитасини еб олди. Шарбати лабини-лабига ёпиштириб қўйди. Юраги ўртаб, совуқ сувни ичаверди, шундан сўнг, ўша бутхонасининг ичидәқ жаҳаннамаг жўнади. Қарасам иш чатоқ бўладигана ўхшаб қолди. Бу мамлакатдан Фарғонистонга кетдим. Ўша вактларда қироли Генрих IV исмли одам экан. Бу ҳам ширин қовундан тўйганча еб, орқасидан вино ичувди, касал бўлиб қолди. Дарғазаб ўчини кимдан олишини билмай юрди. Бир куни чор атрофга чопар чоптирибди. Нима дейсан, қирол барча қовун эккан дэхқонларни қовун-повуни билан Парижнинг марказий майдонига йиғилишларига фармон берганмиш.

Ўша майдонга тўпландик... Қўкракларига салб тақсан, этаклари ер супуриб юрган поплар, чучвара шапкали ва қора либоси сувдиялар, атрофда пайза ва ойболта кўтарган аскарлар... Уртада дэхқонлар қовуилари қўлларида маъюс турбидилар. Ана Ҳиндистоннинг тўрт отли файтони келиб тўхтади. Генрих IV тахтга чиқиб ўтириди. Ҳамма сукутда. Нима бўлар экан, энди... Қирол попларга қаратади: «Қовунга лаънати малъун ўқинглар!» — деб бўйорди. Поплар зикрга тушиб жавраб кетишиди. Сўнгра судьяларга қараб: «Сўроқ қилинглар!» — деди. Судьялар дэхқонлардан нима учун қовун экканликларини суриштира бошладилар ва ҳаммаларини гуноҳкор деб эълон қилдилар.

«Жазоланглар!» деган буйруқ эшитилди. Аскарлар дарҳол «ишига» киришиб кетишиди. Улар бечора дэхқонларнинг калласарини ташларидан жудо қилиб, ҳар битта дэхқон калласига биттадан қовунни жуфтлаб ҳандаққа ташлай бошлади. Генрих эса: «Қовун экканларнинг жазоси шу бўлади» — деди.

Энди мен бу мамлакатда ҳам қола олмадим.

— Қаерга кетдинг ўшандა? — сўради бува тўкилган уругларни биттадан тераркан.

— Қаерга бўларди, буважон, ўз ватанинга-да. Бу ерда ҳурматим жойида, уруг-авлодларим ҳам кўп: шакарпалақ, қирқма, кўкча, ҳандалак, қўзи калла, тогора қовун, амири, тошбости, жўро қанд, бешак, босвонди, оқ уруг, эски чопон, қора қовун, умир боқий — хуллас 200 дан ҳам кўпроқмизда, эй.

— Қовунжон! Минг йил муқаддам табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино сени дори деб мақтаганини биласанми?

— Бундан хабарим йўқ экан, буважон.

— Юр кетдик, буни сенга китобдан кўрсатаман,— дейа қовунни авайлаб қўлтиқлаб олди ва тўғри колхоз кутубхонасига борди. Жонондан ибн Синонинг болищдек келадиган «Тиб қонунлари» китобининг II томини олди, хатчўл қистирилган бетини очиб ўқиб берди:

«Қовуннинг эти стилтирувчи ва тозаловчидир. Терини ҳам тозалайди, айниқса уруғи ва ичидаги эти юздаги сепкил дөв ва бошнинг кепаклашишида суркалса фойда қиласди. Пўчогини манглайга ёпиширилса, кўзига тушадиган назлаларга жуда яхши тўсқинлик қиласди. Қовуннинг озукалиги яхши ҳазмланганда ҳосил бўладиган ҳилти аъзоларга мувофиқдир. Буни бошқа таомдан кейин ейиш керак!». Агар сени экканлар селитра солишмаса борми, ўша ибн Сино айт-

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари, II китоб, ЎзССР ФА нашриёти, 1956 йил, 129—130-бетлар.

гандай даволигингча қолаверасан. Кўп яша, навларинг йўқолмасин!

Қовуннинг юзига табассум юргуди.

— Сизнинг ҳам, буважон, умрингиз боқий бўлсин!

Шу тобда радиоданFaafur Fуломнинг ушбу шеъри янграб кетди:

Тилими тилимни минг тилим қилган,  
Қирқмалар боғлади юкни қовфага,  
Асалжон Шакаров паспорти билан,  
Бебилет жўнайди, дўстга совфага.

### Масаллиқлар... имтиҳон топширади

Ҳурматли деҳқонлар етиширган хилма-хил масаллиқлар — ошпаз ва уй бекаси учун тайёрланадиган масаллик. Бироқ текширувчи олим учун эса булар илмий материалdir. Чунончи: гўшт, сут, тухум, сабзи, пиёз, дон-дун, узум, олча, шафтоли ва бошқа барча егулик нарсалар... Бу масаллиқлар дастурхонга қўйилса, ҳамма ҳузур қилиб ейди, аммо олим уларга савол ташлайди: «Эй, нозу неъмат, насли насабинг нима?», «Қайси моддалардан таркиб топгансан?», «Бағрингда одамларга инъом қилинадиган қандай озуқа ва қанча қувват-бор?» «Инсонга нечук фойда келтирасан?» ва ҳо-казо.

Масаллиқлар шу қўйилган саволларга жавоб бериш учун ўзига хос имтиҳондан ўтадилар — печда қиздирилади, ҳовончада туйилади, тарозиларда тортилади, микроскоплар орқали бағри-бағрига мўраланади. Ана шундан сўнг ноз-неъматларнинг тузилиши, аҳамияти, инсонни тўйдириши ва сиҳат-саломат олиб юришидаги хислатлари рўёбга чиқади.

Ярим аср мобайнинда олимлар дастурхонимиздаги анчагина «эзим-зиё ғаниматлар» билан танишиб олишга муваффақ бўлдилар. Буни қарангки, ана шу ғаниматлар туфайли биз оғир дардлардан халос бўлиб юрарканмиз, болаларимизнинг тез ўсишларига восита бўларкан, меҳнат қобилиятимиз йўқолмас экан, бош миямиздан тортиб асаб толаларигача соғлом бўлишимиз ҳам ана шу узоқ асрлардан бери «киши билмас» деб келинган озиқ-овқатлар таркибидаги алланечук нарсаларга боғлиқ бўларкан.

Тарихга мурожаат қиласлик. Сайёҳлар, айниқса шимолий мамлакатларга борган йўловчилар еган овқатларида аллақандай бир модданинг етишмаслигидан ҳалок бўладилар. Чунончи: Шимолдаги Янги Ер орлига боргандай капитан Баренц ана шундай ҳалок бўл-

ганди. Қапитан Седовни айтмайсизми, Арктика музларида совуқдан эмас, балки ейдиган таомларидаги маҳфий моддаларнинг етишмаслигидан ҳалок бўлган. Бутун бошлиқ пароходдаги одамларнинг барчаси қирилиб кетганингига ҳам мисоллар кўп.

Узоқ сафарга чиққан матрослар ҳеч оч қолмай, тузланган гўшт, консервалар, ёғ, дон-дун, нон еб турган бўлсалар ҳам цинга касалига мубтало бўладилар. Кимки кўк пиёз, саримсоқ, лимон топиб еган бўлса, тузалиб кетган-у, насиб қилмаганлари ҳалок бўлаверган. Цингани ана шу масаллиқлар тузатишини олимлар сезган бўлсалар ҳам, лекин уларнинг таркибидаги қайси модда дори-дармонлик вазифасини ўтаяпти, ҳеч ким билмасди. Faқат 1912 йилда полъшалик биокимёгар олим Казимир Функ ана шу номаълум модда нима эканligини кашф қилишга муваффақ бўлади. Бунинг учун у кўк пиёз, лимон, саримсоқ, қорағот каби масаллиқлардан имтиҳон олади. Синов «беш» баҳо билан якунланади. Уша масаллиқларнинг насл-насаби турлича бўлишига қарамай, таркибида бир хил модда бор экан. Инсон аъзоларига дармон берадиган, касалларга дорилик вазифасини ўтайдиган бу моддани олим лотинча ҳаёт амини витамин деб атади ва С ҳарфи билан белгилади.

Қадимги ўзбек олимлари ва ҳалқ табиблари бундай моддани очмаган бўлсалар ҳам дармон бўлувчи неъмат масаллиқларда бўлади, деб тахмин қилганлар. Қишини тўқ тутишдан ташқари масаллиқлар таркибида силлани қуритмайдиган, бардам тутадиган нарса ана шу дармон бўлувчи модда дер эди улар. Буни витамин тўғрисидаги дастлабки фикр десак ҳам бўлаверади. Узоқ вақтгача олимлар Хитой, Япония, Индонезия, Вьетнам ва бошқа гуруч кўп истеъмол этиладиган мамлакатларда «бери-бери», деб аталувчи қасалнинг келиб чиқиш сабабини билмай келардилар, «Бери-бери» қасалига чалинган кишиларни безгак сингари қалтироқ босади, таңаси аброр бўлиб кетади, ёёқлари чалмашиб юра олмай қоладилар. Кўпчиликнинг ёстигини қуритган бу қасалликнинг сабаби оқланган гуруч эканлиги аниқланганда, ҳамма ҳайратда қолади. Ҳа, гуруч нечоғли пардозлаб оқланса, шунча ёмон бўлар экан. Гуруч кепаги, билан бирга энг зарур ва жойиб ғанимат «В» витамин елпид юборилар экан-у, организм ушбу витаминни муттасил олмай тур-

са — «бери-бери»га чалинار экан. Буни ҳам Қазимир Функ аниқлаган.

Утган асрнинг 80-йилларида яшаб ижод қилган олим Николай Дунин фаолияти ҳақида гапирмай иложимиз йўқ. У сичқонлар устида тажриба олиб борганда ажаб бир фактга аҳамият беради. Сут ичириб соқилган сичқонлар яхши ўсиб соғлом юришган. Аммо, сут таркибига ўхшаш: оқсили, мой, шакар, турли минерал тузлар аралашмасидан иборат емиш едирилган сичқонлар эса бирин-кетин ўла бошлигани. Олим бундан шундай хулоса чиқаради: демак, сутда оқсили, мой, шакар, сув ва тузлардан ташқари яна қандайдир модда бўлиши керак, ана шу модданинг озгинаси ҳам ҳаёт учун катта нафи тегади. Бу ҳам витамин мавжудлигига ишора эди.

Ҳозирги даврда ҳар турли масаллиқлар таркибида 30 дан ортиқ витамин борлиги аниқланган, шулардан энг аҳамиятлилари лотин ҳарфлари билан белгиланган: A, B, B<sub>1</sub> B<sub>2</sub> B<sub>6</sub>, B<sub>12</sub>, PP, C, D, E, H, K кабилардир.

Синчков олимлар ўзларининг олижаноб ишларини шу кунларда ҳам давом эттироқдалар, улар сабзавот ва мева сирларини изчилик билан ўрганмоқдалар. Биз буни «имтиҳон» деб атадик. Мана, ана шундай ўзига хос имтиҳондан бир намуна: катта лаборатория. Сабзавот ва мевалар жамул-жам. Олимлар ўз креслоларида савлат тўкиб ўтиришибди. Ассистент ўзлой қиласди: алфавит бўйича бугун номи «С» ҳарфи билан бошланадиган масаллиқлар синовдан ўтказилиди.

Мақсад: «С» витамин мавжудлигини текшириш. Марҳамат, учтадан кираверинглар!»

Профессор сўрайди:

- Ислам Ғамилиянигиз?
- Сабзивой Мирзоий.
- Смородина Красная.
- Саримсоқбой Пиёзов.

Раислик қиливчи сўрайди: «Ким тайёр?»

Ок ҳалатли олимлар олдига ранги замъфарон бўлиб кетган бўлса ҳам ўзини дадил тутиб минбарга Сабзивой чиқди. Келишган қоматини ростраб гапира кетди: «Соябонгулдошлар оиласидан бўламан. Ибтидой ота-боболаримнинг ватани Волга бўйларидан то Ўрта дениз ҳавзаларигача майдон бўлган дейишади. Мени инсоният 4000 йилдан бўён маза қилиб еб келянти. Валерия, Карапат, Мирзоий, Мушак, Нант, Геранда каби анчагина опа-сигил ва оға-иниларим бор. Биз икки йиллик сабзавот қаторига кирамиз. 1930 йилда франциялик олим В. Вильморен бизни ёввойи сабзидан тарқалганимизни исбот қилиб берган. Албатта, биз дарҳол егулик ҳолатига келган эмасмиз, Раҳмат, деҳқонларгаки, улар бизни минг-минг йиллар тарбиялаб маданийлар даражасига кўтаришибди. Энди шаклимиз ҳам, лаззатимиз ҳам ҳар хил. Чунончи: синчалоқдек келадиган Карапат укамдан тортиб бўйи бир метр, эни косадай келадиган Япон сабзи

деган акам ҳам бор. Рангимиз сариқина эмас, қизил, оқ, яшил, ҳатто зангори ҳам бўлиши мумкин.


Профессор: «Таркибингиз тўғрисида маълумот беринг!»


Сабзи доска ёнига бориб бўрни қўлига олди-да, жадвал тузабошлиди: қуруқ модда — 11 процент, шакар — 6,5 процент, ҳужайра моддаласи — 1 процент, азотли моддалар, жумладан оқсили — 1,5 процент, А витамин (бу модда менда жуда кўп) — 7 процент, B<sub>1</sub> — 0,007 процент, B<sub>2</sub> — 0,006 процент, С — 5 процент, PP — 0,2 процент. Яна бирмичча минерал тузлар ҳам мавжуд. Шунинг учун мен ҳам ўзбек паловининг жонимас, шарбатиниң сиқиб ичганларнинг қони кўпаяди. Қириб еса жигнайдон қайшашни босаман. Шабкорликка ҳам шифо бўламан. Қўйинг-чи, менинг таркибидаги моддалар она сути таркибига тенг. Шу сабабдан бўлса керак, паловга бутунлигимча солиб дамлаб докага ўраб сутдан қолган болаларга эмдиришади. Сувимни сиқиб эммайдиган болаларга эмдиришади. Бу ишмуга франциялик олимлар «тасасио сенга» дедилар (мақтандоқлик бўлмасин-ку) ва менга «сабзавотлар қироли» деб ном қўйишибди. Ўзбек тилидаги «Сабзавот» сўзи ҳам «сабзи» дан келиб чиқсан дейишади. Шу билан гапим тамом.

Профессор: «Раҳмат, биз Сизга бир оғиздан «аъло» баҳо қўйдик!»

Ҳар битта мева, ҳар бир сабзавотини ага шундай имтиҳон топширтирсан, болишлек бир китоб бўлар эди. Сизларни зернитирмайликда, бошқа масаллиқлардан қайсилари имтиҳондан муваффақиятли ўтгандигини кисқа хабар қилиб қўя қолайлик.

Таркибидаги фойдали моддаларнинг кўплиги ҳамда витаминларга сероблиги жиҳатидан рўйхатдаги: 1. Аноҳон Қуваева. 2. Анжирали Қадота. 3. Беҳиниса Чиллаки қизи. 4. Бодрингжон Яшангов. 5. Гилосхон Қўқонова. 6. Дўланаой Нордонова. 7. Енгоқбек Дўрмоний. 8. Жийданиса Чилонова. 9. Қарамхон Узакова. 10. Картошечка Лорх. 11. Лавлагиҳон Қандова. 12. Лимонашвили Грузинов. 13. Мандаринян Армянов. 14. Наъматакхон Атиргулова. 15. Олмай Наманганова. 16. Олҳўриҳон Эслингейм. 17. Помидорпоша Юспова. 18. Редискаҳон Майская. 19. Саримсоқвой Пиёзов. 20. Смородина Красная. 21. Смородина Черная. 22. Тарвузвой Қўзибоев. 23. Турпхўжа Марғилоний. 24. Узумжон Ҳусаний. 25. Шафталиҳон Олёрова. 26. Үриқпоша Қандакова. 27. Қовунбой Қўкчев. 28. Қоқвоқбой Кадибоев каби азаматларнинг барчаси аъло баҳоларга имтиҳон топширдилар ва лабораториянинг «Имтиёзли дипломини» олишга мушарраф бўлдилар.





#### IV. АНТИҚА ТАОМЛАР, ЛЕКИН ДИД БОРАСИДА БАҲС ЭТИЛМАЙДИ

Севимли таом деб...

Бразилияда қирол ҳукмронлик қилган даврдан буён шундай бир латифа айтилиб келинар экан.

Саройга узоқдан чопар келиб, дарвозабонларга:

— Мени дарҳол жаноби олийларининг ҳузурига киригинлар, муҳим хабар бор, — дейди. Ичкарига кириб, зиналардан, заллардан югуриб кетаётганида уни соқчишлар ушлаб қоладилар.

— Жаноби олийларининг ҳузурига ҳозир кириш мумкин эмас, у киши ҳузур қилиб севимли таом танаввул этмоқдалар!

— Кириб айтинг, муҳим хабар бор, бу — олампаноҳнинг ҳаёт-мамотига тааллуқлидир!

Қиролнинг маҳрами ичкарига кириб қайтиб чиқади ва лейди:

— Илтимосингизни бажо келтиролмаганим учун ғоят афсуланаман, капитан, жаноби олийлари итапоа таомини танаввул этаётганида у кишига ҳеч ким ва ҳеч нарса ҳалақит бермаслиги зарурлигини яна бор уқтиридилар.

— Афсус.

Овқатдан сўнг капитан қирол қабулхонасига киради ва хабарни етказади:

— Жаноби олийлари! Шум хабар келтирганим учун бир қошиқ қонимдан кечасиз, деган умиддаман, ўғлингиз Фердинандо салтанатга қарши исён кўтарди.

Қирол васвасага тушади, у зодагонларни чақиритириб, шошилинч тадбир кўра бошласа ҳам фурсат қўлдан кетган эди. Қирол дастурхонидан идиш-товоқларни йиғишириб олгунга қадар ўтган вақт ичиди Фердинандо тарафдорлари саройни ишғол қилган эдилар. Қиролни қамоққа олиб кетаётганида у қичқирди:

— Ошпазга айтиб қўйинглар, эртага нонуштада менга итапоа юборсин!

Ушбу таомни деб салтанатдан айрилган қирол ўғлидан итапоа тайёрловчи ошпазни хизматкор қилиб беришни сўрайди. Қиролнинг тақдирини ҳал қилган ўша итапоа денгиз қисқичбақасидан тайёрланадиган пудунг бўлиб, Рио-де-Жанейро аҳолиси ҳам бир вақтлар ўтган ўша қиролни калака қилиб: «Биз итапоа еяётганимизда, ҳеч ким ҳалақит бермаслиги керак», — деб қўйишади.

\* \* \*

Қадимги Рим лашкарбошилардан бири Лукулла узоқ вақт давом этган урушларда чарчаб уйига қайтиб келади. Энди у ҳеч бир урушда қатнашмасликка ва қолган умрини меҳмондорчилик машшатларида ўткизишга қарор қиласди. Лукулла ҳар куни уйига меҳмон чақирап ва ҳар гал ҳар хил алаци, каламири, пиза аля неаполитана каби ноёб таомлар тайёрлатар ва мириқиб танаввул этарди.

Бора-бора унинг ҳарбий қаҳрамонликлари унтулиб, Лукулла меҳмонинавозлиқда ва машшатпарастликда «шұхрат қозона боради». Қунлардан бирида у сардина балиғидан зайдун ёғига қовуриб тайёрланган алачи таомини ҳузур қилиб еб ўтирганида душман ҳужум қилганилиги түғрисида хабар келади. Лукулла пинагини ҳам буэмайди ва меҳмонларга мурожаат қилиб: — Жаноблар, алачини емасдан уруш қилиб бўладими? — дейди.

Қочиб қолиш ёки бирор бошқа тадбир кўрилса бўлар эди, лекин Лукулла севимли таомини деб, барча меҳмонлар билан бирга аср олинади.

Ушандан буён неча минг йиллар ўтиб кетди, бироқ Неаполитан аҳолиси ўртасида ушбу ҳазил-мутониба ҳа-

мон ҳукм суради. Меҳмондорчилик дастурхонига алачи таоми қўйилди дейилгунча барча: «Аввал алачини ҳузур қилиб еб олайлик, ундан кейин Лукулладек ҳалок бўлсак ҳам армонимиз йўқ», — дейишади.

\* \* \*

Севимли таом танаввули энг муҳим ишдан ҳам зарур эканлиги ҳақида тарихда яна бир мисол бор. Уша қадимги Римда Дентет исмли лашкарбоши бўлган. У кўп жангларда жонбозлик кўрсатиб машҳур бўлган. Мамлакат идораси, раҳбарлик ишлари патрицийлар қўлида, Дентет эса плибейлардан, бироқ унинг қаҳрамонлиги саркарда қилиб тайинланишига сабаб бўлади. Плибей қуллардан келиб чиққани учун саркарда бўлса ҳам ғоят содда ҳаёт кечиради. Бир куни шолғомни қўрга кўмиб еб ўтирган экан (бу унинг энг севимли таоми бўлган). Рим билан жанг қилаётган самнитлардан сулҳ тузиш учун Дентет ҳузурига элчилар келади. Шу сулҳ тузилмаса уруш давом этиб турибди, қанчадан-қанча бошлар кесилмоқда. Йўқ, Дентет пинак бузмайди, у гулхан олдида bemalol қўрни титкилаб ўтириб, бир неча шолғомни пишириб, арчиб тузга теккизиб еб бўлгандан сўнггина ҳайрон бўлиб кутиб турган элчилар билан музокара бошлайди. Лекин Дентет тўрт дона шолғомни деб 400 та бошнинг кесилишига сабабчи бўлади.

\* \* \*

Севимли таомини деб бутун бошлиқ армиянинг мағлубиятга учраганига тарихда яна битта мисол бор.

Воқеа XIV асрда содир бўлади. Люксембург графлиги Герман графлиги билан уруш олиб борар эди. Галаба қозонишиларига оз қолган, яна бир ҳужумга ўтилса, вассалом. Люксембург графлигининг қўмондони юк тўла араваларда, ҳар бир солдатнинг елкасидаги қаппайган халталарда ўқдори кўп деб ишонган ҳолда ўз режасини тузган эди.

Аскарларнинг аксарияти Бруссель шаҳридан тўплangan бўлиб, бу ерликларнинг энг севган таоми товуқ гўшти ҳисобланарди.

Долзарб пайт, команда эшитилади:

— Запасдаги ўқдорилар ишга солинсин! Ҳужумга ўтилсин!

Халталар, аравалардаги яшиклар очилганда ўқдори қаёқда дейсиз... Бутунлигича қайнатиб, қизартириб қовурилган товуқ гўштлари билан тўла эди. Маълум бўлишича галабага ишонган брусселлик уй бекалари ва пазандалар солдатларни фронтга жўнатаётганларида ана шу лаззатли таомни сийлов қилган эканлар.

— Ҳужумгаа!! — деб иккинчи команда берилганда, солдатлардан бири:

— Ўқ бўлмаса нимани отаман? — деб қичқиради. У товуқнинг бир оёғини ажратиб олиб ея бошлайди.

Яна бир солдат:

— Оғайнилар, ўзи ҳам овқат вақти бўлиб қолди, шекилли — дейди-да дарахтга суюниб олиб танаввулга киришади.

Зираворларнинг ҳиди аиқиб турган, лаҳими юмшоқ-қина, сирти қоврак қилиб қовурилган бу таом барчанинг оғзидан сув очади. Ҳаккам-дуккам, тўртта-бешталашиб ўтириб олишган солдатлар балойи нафсларини ором олдира бошлайдилар.

Кузатиб турган душман томон дарҳол ҳужумга ўтади. Зоро германлар озчиликни ташкил қиласалар-да, брусселликларни асирга олишга муваффақ бўладилар. Кимдир буларни «Эй товуқҳўларей!» — деб калака қиласади. Шу-шу, мана 600 йил ўтиб кетибди-ю, севимли таомини деб таслим бўлган брусселликлар «товуқҳўлар» деган камситув лақабидан ҳанузгача халос бўлолмай юрадилар.

### Палағда тухум ва тўйка замбуруғидан овқат

Гонгконгда қайси ресторан бўлмасин шундай таомлар албатта тайёрланади ва шинавандалар буни севиб истеъмол қилишади.

Ёзувчи Ванда Василевская Корней Чуковский билан ўша томонларга саёҳат қилганида шундай таомдан тошиб кўрганини айтади. «Бу овқатнинг ҳиди палағда тухумга, мазаси пишлоққа ўхшайди»<sup>1</sup> деб ёзади автор.

Бундай тухумни тайёрлаш усулини биз бошқа манбалардан топиб олдик. Чунончи Ф. И. Васильев ўзининг «Двести пятьдесят блюд китайской кухни» номли китобида ёзишича: «Бу ўрдак тухумининг консерваси бўлиб,

<sup>1</sup> «Новый мир» журнали, 1956 йил, 9-сон.

сун хуа дань» деб аталади. Тайёрлаш усули: тут ёғочи ва соя хашаги куйдириб, кули олинади. Ўчирилган оҳак, сода, туз, чой баргининг сели — барчаси аралаштирилиб, қуюқ масса (лой) тайёрланади. Ювилган ўрдак тухумларининг сиртига 2—3 см қалинликда ана шу масса суркалади. Сўнгра шоли қипигига беланади ва бочкага солиб, қопқоғи беркитилган ҳолда 80—100 кун сақланади. Сақлаш даврида тухум ириб, оқи саригига аралашади, намлиги анча буғланиб, жигар ранг тусга киради. Бундай тухумдан яхна ва иссиқ овқатлар тайёрлашади<sup>1</sup>. Уша китобда тўнка замбуруғидан овқат тайёрлаш усули ҳам баён қилинган. Бундай замбуруғ сян гу деб аталиб, кузда деҳқонлар ўрмонга бориб, дуб ва канстант тўнкаларининг ёнбошига 3—5 см чуқурликда болта уриб, ёриқ оралиғига вақт-вақти билан сув қўйиб туришар экан. 1—2 ой ўтгач, ёриқ ораларидан бир хил замбуруғ ўсиб чиқаркан. Замбуруғ катта бўлгач, териб олиб, офтобда қуритилар ва овқат пишириш олдидан 30—40 минут қайноқ сувга ботириб қўйилса, шишиб оғирлиги уч баробар ортиб кетар экан. Шундай қўзиқоринни ийланган тухумга ботириб, зигир ёғида қовурилса, гоят серлазат ва тўқтутар таом ҳосил бўлади<sup>2</sup>. Мазаси гўштдан қолишмайди. Дарвоҷе жуда кўп халқлар замбуруғни «ернинг гўшти» деб аташади. Узбеклар ҳам замбуруғнинг бир тури — сморчкини — «қўзиқорин» деб аташади. Лаборатория анализи маълумотларига кўра ҳам замбуруғ таркиби гўшт таркибига яқин экан.

### «Ер билан осмон»

Германиянинг Рейн обласида ўзига хос бир таомнинг номи «Ди Эрде унд дер Химмел», яъни «Ер ва осмон» деб аталади. «Ер» бу картошка, чунки у ерда тупроқда ўсади, «осмон» эса олма, чунки у тепада, ҳавода ўсади.

Шу иккала масаллиқнинг бирикмасидан «Ер билан осмон» овқати ҳосил бўлади. Буни тайёрлаш жуда оддий: картошка билан олма тенгма-тенг олинниб арчилади ва тилик қилиб кесилади. Ҳар икки масаллиқ алоҳида

<sup>1</sup> Ф. И. Васильев, «Двести пятьдесят блюд китайской кухни», Москва, Госторгиздат, 1959 йил, 153-бет.

<sup>2</sup> Уша китоб, 59—60-бетлар.

алоҳида идишларда бир оз сув билан димлаб пиширилади. Картошкани иссигида эзиб, олмани эса сим элакдан ўтказиб, пюре тайёрланади. Картошкага туз, олмага эса шакар сепиб таъми ростлангач, ҳар иккаласи аралаштирилиб, бир хил масса ҳосил бўлгунча ийланади. Сарнёғни доғлаб пиёз қовурилади, буни ҳам пюрега аралаштирилади. Сосискани қайноқ сувга солиб, картиллама бўлганда олиб, ёнбошига ўша «Ер билан осмон» пюресидан гарнир қилиб берилади.

### Қурбақачилик соҳалари

Агар биз чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик каби ишлаб чиқариш соҳалари тўғрисида гапирадиган бўлсақ, бу ҳамма учун тушунарли — гап озиқ-овқат саноати учун масаллиқ этиштириб берадиган соҳалар устида кетади. Энди агар жаҳонда қурбақачилик... ҳа ўша, кўл ва ариқчалардаги «вақир-вукӯр»лардан озиқ-овқат мақсадида фойдаланиладиган соҳалар борлигини айтсақ, ҳайрон бўлишингиз мумкин. Сирасини айтганда териб-термачлаш ва овчилик билан машғул бўлган ибтидоий одамлар балиқлар билан бирга қурбақаларни ҳам тутишиб луқмаи ҳалол сифатида пақкос тушира беришган. Исботи шуки: Бразилия ўрмонларида то ҳанузгача ибтидоий жамоа тузумида яшаб келаётган бир қабила борлиги аниқланган, ўшаларнинг энг севимли таоми қурбақа экан. Қурбақа жуда дори нарса, уни бир вақтлар ўзбеклар ҳам еган. Халқ табобатида чиллашир деб аталувчи бир касаллик бўлиб, бунда одам ўта озғинлаб териси суюгига ёпишиб, куйган косовдек бўлиб қолади. Ана шу касалликнинг энг яхши парҳези — қурбақа шўрва ҳисобланган. Абу Али ибн Синонинг ёзишича: «Агар қурбақани туз ва зайдун ёғи билан қайнатиб, шўрваси ичилса, бу моҳов ва газандаларнинг чаққанига қарши даво бўлади<sup>1</sup>». Қурбақа ўзи ювош, беозор жонивор, у ҳашаротларни тутиб ейди, сувни йод моддаси билан бойитиб одамларга анча фойда етказади. Йод моддаси бўлмаган сувни муттасил ичиб юрган киши бўқоқ касалига мубтадло бўлиши мумкин. Хуллас қурбақа табиий санитарлардан бири, яна у сувни тоза ва муздек туришида ҳам аҳа-

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. II китоб, ҲзФД нашриёти, 1956 йил, 667-бет.

миятлидир. Масалан, илгари холодильниклар бўлмаган кезларда одамлар эрталаб кўзаларга сув солиб ичига битта-иккита қурбақа солиб қўйғанлар, жазирама иссиқ кунлари сув то кечгача муздеккина сақланган ва пашша, ўргимчак, чумоли, ари каби ҳашаротлардан ҳам муҳофаза бўйган.

Хўш, қурбақани ҳозирги замон одамлари ҳам ейдими? Бу саволга «ҳа» деб жавоб берамиз, чунки мисоллар анча кўп. Хитой, Япон ва бошқа Шарқий ва Жанубий Осиё ҳалқлари уни азалдан еб келади. Италия ва Францияда эса қурбақа гўштидан тайёрланган таомлар жуда ноёб, нафис ва серлаззат ҳисобланади, шунинг учун қурбақа таомлар ресторандарда тайёрланади ва тўй дастурхонига ҳам қўйилади. Анча йилдирки, «Польска» журналининг хабар қилишича Польшадан Италияга ҳар йили 3 тоннадан қурбақа гўшти етказиб бериш тўғрисида битим тузилган.

«Правда» газетасининг 1981 йил 2 январь сонида бо силган А. Кузнецовнинг мақоласида ҳам қизиқ факт бор: унинг ёзишича, жаҳонда қурбақанинг 2000 дан ортиқ тури бўлиб, ҳаммасини овқатга ишлатса бўлаверад экан. Шулардан, Филиппин оролларидаги шолипоялардагина яшайдиган «сакровчи қўтослар» деб аталувчи тури энг лаззатлиси ҳисобланар экан. Бу турдаги қурбақалар биздагилардан анча катта бўлиб, узунлиги 1 қарич, семизгина, ҳар бири 200 граммдан гўшт қилар экан. Уша мақолада айтилишича: «Филиппин» Дейли экспресс-газетаси», «сакровчи қўтослар» шоликор деҳқонлар учун қўшимча даромад бўлишилиги, кенг майдонлардаги шолипояларда кўпайтирилиши ва бу масаллиқ экспорт қилишда муҳим ўрин эгаллаши тўғрисида ёзган. «Лусан оролидаги Шимолий Илокас провинциясида серлаззат қурбақа гўшти стиштирадиган ферма ҳам ишлаб турганилиги» тўғрисида хабар бор ўша газетада.

Маълумки, мусулмон дини аҳолига анчагина масаллиқларни истеъмол этишини чеклаб қўйган, шу жумладан қурбақа ҳам «ҳаром» ҳисобланади. Лекин очлик нималарга мажбур қилмайди, дейсиз, «Известия» газетасининг 1974 йил, 14 январь сонида босилган бир хабарда айтилишича: «Шимолий Эрондаги Паҳлавий портига 12 километр яқин жойда қурбақа гўштидан консерва тайёрлайдиган завод қуриб битказилган. Заводнинг проектда кўрсатилган қуввати йилига 200 тонна консерва ишлаб чиқаришга мўлжалланган: Ушбу завод яқинни-

даги 8 гектар майдонни эгаллаган кўлда зарур ҳом ашё етказиб турилади». Завод ишга тушмасдан 2 йил олдин бир неча Европа мамлакатлари унинг чиқарилажак маҳсулотига пул тўлаб қўйишган. Эндиликда қурбақа консервалари хорижий Ўзоқ Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Ана кўрдингизми, гўшт масаллиқлари етказиб берадиган чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик каби ҳўжалик соҳаларидан ташқари яна қурбақачилик соҳаси ҳам бор жаҳонда.

### Қовурилган калтакесаклар

Калтакесак кўринишидан анча хунук бир маҳлук, уни ейиш мумкин деса, сесканиб кетасан киши. Бироқ, Гватемаладаги индеецлар калтакесакни ҳузур қилиб ейишар экан. Буни ўша томонларга турист бўлиб борган немис пазандаси Ханс Киоблоҳ ўз кўзин билан кўриб ҳикоя қиласди: «Гватемала шаҳридаги катта бозор... Одамларнинг ола-була, ранго-ранг кийимлари кўзни қамаштиради, ҳошияси кенг шляпаликлар жуда кўп: бунда белларига қандайдир тропик ўсимлигининг катта-катта янроқларини ёки похолларини юбка сифатида боғлаб олган, белидан юқориси эса, ялангоч эркак ва аёллар ҳам учрайди. Тропиканинг ҳамма неъматлари шу бозорда: ананаслару бананлар, апельсинлару лимонлар, яна биз билмаган турли мевалар, анвойи зираворлар билан бир қаторда, қизил ловия билан маккажӯхорини кўплаб харид қилишар экан. Бозор говур-гувири ичидаги чинқироқ бир овоз тичмай тараалар эди. Таржимоннинг тушунтиришича бу «чўл балиғи» сотувчисининг овози экан.

— Қизиқ чўлда балиқ нима қиласди?

— Калтакесаклар... — деди у кулимсираб.

Бориб қарасак, пақир ўчоқ устидаги товада доғланган ёғ. Бир қаричли калтакесакларни тилимлаб тузлаб қўйибди. Пазанданинг қўли-қўлига тегмайди, «жаз» этиб ҳар иккала томонини қизартириб, хўрандаларга узатиб туриб, яна ўша чинқироқ овозда: «кең қолинг, чўлнинг луқмаи ҳалолига». — деб қичқиради. Бу гватемалаликлар учун энг ноёб таом ҳисобланар экан, буни ҳузур қилиб еяётган одамларнинг юзидан ҳам сезиш мумкин эди...

Бу ҳикояни ўқиб мен унча ажабланмадим. Негаки келтакесак, илон, тошбақа ва бошқа судралувчи ҳайвонлар ибтидоий масаллиқлардан ҳисобланади. Ҳатто

XV асрларда ҳам илонни «ўрмон балиғи» номи билан аташиб, Франция ва Италияда ейишгани тўғрисида маълумотлар бор.

Австралияда судралиб юрувчи ҳайвонларни ҳануз овқатга ишлатишади. Айниқса, уларнинг энг яхши кўрган таомларидан бири — тимсоҳ гўштидир. Қийма қилиб қовуриб, қайнатиб нақ ўзини ейишади ва бошқа овқатларга қўшиб пиширишади.

Мельбурн ва Сидней шаҳарларида фақат тимсоҳ гўштидан тури таомлар тайёрлайдиган махсус ресторонлар бор. Тимсоҳдан консервалар ҳам тайёрлашади. Еб кўрганларнинг гувоҳлик беришича тимсоҳ гўшти балиқ ва товуқ гўштларининг муштараклигидаги мазага эга бўлган ўзига хос нафис ва лазиз эмиш.

### Таомнинг номи «бумиранг»

Австралия континентида қуёш ёғдуси жуда кўп, аммо оқин сув жуда кам. Шунинг учун бу қитъанинг асосий аҳолиси аборегенлар турли ёввойи ўсимликларнинг мевалари ҳамда кўпдан-кўп ҳайвонларни овлаб тириклик қилганлар. Уларнинг узоқдаги ҳайвонга қўл билан отадиган, агар тегмаса очиннинг ёнига яна қайтиб келадиган сукдан ҳилолсизон қилиб ясалган қуроллари бор, номи — бумиранг. Аборегенлар ўсимлик масаллиқларидан кўра кўпроқ гўшт еганлар. Улар таом тайёрлаш учун олов ёқаётганларида шундай сифинар эканлар: «Гулхан, гулхан! Тезроқ ёнгии, мен гўшти пишириб олмоқчиман». Ибтидои тасаввурларига кўра гўшт эмас, бошқа нарса пиширмоқчиман, деса олов ёнмас эмиш. Аборегенларнинг катта бир парча қовурилган гўштдан иборат таоми, ов қуроллари, яъни «бумиранг» номи билан атлади. Ушбу қитъани Англия мустамлака қилиб олгандан сўнг, бу ерда асосан қўйчилик ва чорвачиликнинг боқиқа соҳалари ривожланана бошлаган.

Австралияning миллий таоми нима? деб сўрасангиз, европадан бориб қолган киши ҳам, австралиялик ҳам «бумиранг» деб жавоб беради. Эндиликда улар ёлғиз қовурилган гўштнигина эмас, бошқа таомларни, ширинликларни, жумладан тортни ҳам «бумиранг» деб аташади. Чунки қадимда ерли аҳолига овқат топиш имконини берган якка ягона ов қуроли бумиранг бўлганлигидан у ҳам гўшт, ҳам нон маъносида юритилади.

### Лаган стадионидаги матадорлар (тореадорлар)

Маълумки, Испания ва Португалиядаги катта стадионлarda ҳўқизларни қизил матога ром қилиш, елкасига ҳанжар санчиш, ўткир шохли ғазабланган ҳўқизлар даврасида ўзларини бемалол тута оладиган чақон, жасоратли, мардонавор спортчиларни матадорлар деб аташади. Ўйин тугагач матадорлар учун ўзлари ғолиб чиқсан ҳўқиз гўштидан кабоб тайёрлаб лаганга чиройли қилиб тузаб келтирадилар. Матадорлар эса овқатдан олдин: «Стадион лаган даражасида кичрайиб бизнинг дастурхонимизга келди, биз эса матадорлигимизча қолдик» деб ҳазил-мутоiba қиласидилар. Ушбу таомнинг номи «Лаган стадионидаги матадорлар» деб аталади. Бунда ҳўқиз ўрнига қовурилган сон гўшти, қизил матони помидор ва гармдори акс эттиради. Ҳайвон елкасига санчилгани ҳанжар вазифасини эса пичоқ билан вилка адо этади.

### «Товуқнинг чап оёғи»

Парижда «Товуқнинг чап оёғи» номли махсус кафе бор. Нега энди чап оёғи? — дерсиз. Нодир пазандаларнинг фикрича, товуқ дам олганда ўнг оёғида тик туриб, чап оёғини йиғиб оладиган бўлгани учун чап сонининг гўшти ўнг сониникига қараганда нафисроқ ва бинобарин лаззатлироқ бўлар эмиш. Ўша кафеда доим одам гавжум. Лекин ширракайф хўрандаларнинг ҳаммаси ҳам оёқнинг ўнг ёки чап эканлигини ажратади. Бунинг аҳамияти йўқ, барибир. Савдо авжи қизиган вақтларда ўнг-чапига қарамай пишириб бераверадилар. Пиширилиши ҳам файри оддий, ғалати: хўранда ўтирган столида махсус кичкина электр плиткаларда хушбўй ҳидини таратиб қовурадилар. Мабодо бирон бир хўранда унга ҳозирланган таом товуқнинг чап оёғидан эмас, ўнг оёғидан эканлигини сезиб қолиб эътиroz билдиргудай бўлса, махсус тайёргарликдан ўтган гўзал ва хушмуомала официанткалар ҳозири нозир. Унда сиз бундай диалогнинг гувоҳи бўласиз.

— Ахир, мен товуқнинг чап оёғини буюрган эдимку?!  
Бу эса ўнг оёқ!!

— Мисъе, ҳаммаси тўғри, Сиз ҳақлисиз — дейди официантка хушмуомалалик билан. Фақат иккимиз бир нарсани аниқлаб олмоғимиз даркор.

— Хўш, хоним? — дейди мулойим тортган хўранда.

— Гап шундаки, Мисье, товуқ тириклигига қайси томонга қараб турган. Агар у сўйилмасдан олдин менга қараб турган бўлса, унда бу унинг ўнг оёфи. Албатта қуш тириклигига Сиз томонга қараб мунтазир эди, демак бу унинг чап сони. Сизга ош бўлсин, Мисье!

Умумий илжайишдан сўнг эътиrozга ўрин қолмайди. Пазандаларнинг эса қўли қўлига тегмайди, ўнгу чапига қарамай жазиллатаверишади.

Кафе номини «Товуқнинг чап оёфи» деб аталишининг ўзи хўрандаларни қизиқтириши ва кўплаб жалб қилишга қаратилган рекламадан иборат ва демак, лақиллашдан ҳам.

### Шилиқ қурт — ноёб таом

Зах ерларда, кўкатларнинг орасида усти чиғаник, ўзи қизил бир кесим хом гўштга ўхшаган шилиқ қуртни кўргандирсиз, буни «гўшт кетди» деб ҳам аташади. Ана шу умурткасиз жонивор Францияда гастрономларда сотилади. Ундан шўрва, қовурма тайёрлайдилар, қиймалаб чучвара, котлет пиширадилар ва юзларча таомларга қўшадилар.

Шилиқ қурт солиб тайёрланган ҳар қандай овқат француزلар учун ноёб таом ҳисобланади, азиз меҳмонларга атаб ёки тўй ва байрам дастурхонига қўйилади. Ушбу масаллиқта бўлган талаб шу қадар ортиб кетибдикли, ҳар йили 17 тонна моллюска ейиладиган бўлибди. Электрон машинаси орқали олинган маълумотларга кўра 1985 йилга бориб, бу мамлакатда барча шилиқ қурт еб бўлиниб, «Қизил китоб»га ёзилиш хавфи туғилар экан. Ана шунинг учун Экслан Прованс вилоятида зоолог Жан Кауффер ва пазанда Ив Дубле номли икки киши пул жамғаришиб, шилиқ қуртни кўпайтирадиган ферма ташкил этишган. Ушбу ноёб масаллиқни етиштириш учун унча кўп маблағ сарфланмайди, яъни озуқа жамғаришнинг, махсус хоналар қуришнинг, парвариш қилувчи ходимлар бўлишнинг сира ҳожати йўқ. Ажратилган зах ерда ўсган ёввойи кўкатлар орасида яшаётган шилиқ қурт тез ва кўп урчиди. Уша ўзига хос ферма ярим гектар ерни ташкил қиласди, бу майдондан ҳар йили 10—12 бош сигир вазнига тенг келадиган шилиқ қурт гўшти ҳосил қилиш мумкин экан. Суяксизлигини айтмайсизми! Пазандабоплиги ҳам чакки эмас, чиғаноғи кертиб ташланаб кесилса бас — нақ тўғралган гўштнинг ўзгинаси-да!

### Балиқхўрлик

Нақл қилишларича, қадимги грек файласуфларидан Демонакс денгиз саёчатига чиқмоқчи бўлибди. Энди сафарга жўнайман деб турганида қаттиқ шамол ва бўрон бошланибди. Шу топ дўстларидан бири Демонаксга мурожаат қилиб: «сафардан воз кечсанг бўларди, ахир кеманг ҳалокатга учраши ва ўзинг балиқларга ем бўлишинг мумкин», — деганида файласуф: «Нега энди балиқлар мени емас эканлар, ахир ҳаётимда мен қанчадан қанча балиқни еб юборганиман-ку!» деб жавоб берган экан.

Дарвоқе грек пазандалигига балиқ таомлари асосий ўринни эгаллади. Гречия қирғоқларини денгиз ювиб турди, жуда кўп ороллари бор, атрофи сув, ичи тўла балиқ. Шунинг учун пазандалари: «грекча шўрва пишириш учун ҳам сув, ҳам балиқ керак бўлади» дейишади.

Умрида сира ҳам гўшт емай, фақатгина балиқхўрлик билан тирикчилик қилувчи кишилар жуда кўп бу ерда.

### Қошиғини ҳам еса бўлади

Мексикада яшовчи ерли аҳоли — индеецлар жуда қадим замонлардан буён маккажўхори унидан юпқа нон тайёрлашни давом эттириб келади, Мексикани босиб олган испанияликлар XVI асрда бу нонни Европага олиб келганлар, ҳозир у Испания ва Португалияда ҳам тайёрланади ва тортильяс деб юритилади. Тортильяс нонини ейишдан ташқари яна қошиқ ўрнида ҳам ишлатилади: бўй бурда синдириб курак симон букиб олиб пиширилган гуруч, нўхот ёки салат, винегрет каби овқатларни ейишда фойдаланилади. Бу ҳали қошиқ келиб чиқмасдан илгари пайдо бўлган «қошиқ» нондир.

Шундай нонлар Қавказда ҳам бор. Арман пазандалигига жуда юпқа ёйиб, тандирда пишириладиган нон бор, номи лаваш. Бу ҳам қошиқ вазифасини ўтайди ва унга пишлок ўраб ҳам ейилади. Озарбайжон пазандалигига палов тайёрлаганларида қазмағ деб аталувчи юпқа нон ҳам пиширадилар. Паловни ана шу қазмағдан бир бурдасини куракча қилиб олиб ейилади.

Ўзбек ва тожик пазандалигига ҳам юпқа ёйиб, тандирда 1—2 минут сергитиб олинадиган нон бор, номи чевати ёки чапоти. Бу нон ҳам ҳар хил овқатларни ёки бир бурдасига пишган гўшт ёки кабоб жазини ўраб ейилган.

Бизда мураббо, ҳолвайтар, қатиқ, қаймоқ, асал, эритилган сариёғ кабиларга кичик бир бурда нон теккизб ялаш одати бор. Овқатланишдаги бу одат жуда ибтидоий бўлиб, бу ҳам қошиқ ижод қилингунга қадар ноннинг ўзини «қошиқ қилиб» ейишга мисол бўла олади. Ҳиндистондаги деҳқонлар овқатланганларида ҳануз ҳам қошиқдан фойдаланишмайди, қўлда ёки қуюқ-суюқ овқатларни танаввул этганда қошиқ ўрнида бир бўлак нондан фойдаланишади.

### Пашшанинг ўлигими ёки кишмишми?

Ҳамма соҳаларда бўлгани каби пазандалик ҳам тасодифларга тўла. Баъзан ҳеч хаёлга келмаган нарсаларни бир тасодиф ярқ этиб ақлга киритади-қўяди. Фандаги кўпгина кашфиётлар ҳам тасодифлар билан боғлиқлигини биласиз. Шунингдек хамирга кишмиш солиб пишириладиган булочка ҳам бир тасодиф таъсирида келиб чиқсан. Революцияга қадар Москвадаги кондитер ва гастрономия масаллиқлари савдоси капиталист Елисеев тарруфида эди. У харидорларни ўзига кўплаб жалб этиш учун магазин биносини чунон ҳам безайдики, аста қўяверинг. Бу магазин биноси М. Горький кўчасида ҳануз ҳам бор. Лекин магазиннинг безаги ўз йўлига, харидорни сотилаётган сифатсиз масаллиқ ҳам безитиб юбориши мумкин. Шундай бўлади ҳам: бир куни «Елисеевкага» бир харидор кириб булочка сотиб олади ва шу ернинг ўзида синдириб ея бошласа, ичидан бир неча ўлик пашиша чиқади. Ранжиган харидор бошқаларга кўрсатади ва қаттиқ овоз билан мурожаат қиласди.

— Одамлар! Елисеевнинг хашаматига ишонмангалар, у мана бундақа пашиша қўшилган булочкалар сотиб бойяётган экан!

Ҳаммани ола-ғовур босади, барча харид қилингани нарсалар эгасига қайтарила бошлайди. Шунда Елисеев пештахта устига чиқади-да, ҳалиги булочкани қўлига олиб пашиша ўлигини битталаб териб чайнай бошлайди.

— Одамлар! Бу харидоримиз яхши пайқамаганга ўхшайди, бу пашиша эмас, қора кишмиш, биз бугундан эътиборан магазинимизда кишмишли булочкалар сотаяпмиз. Мабодо бошқа булочкаларга кишмиш тушмаган бўлса, мен кондитерни уришиб қўяман. Эртага ғарч кишмишли булочкаларга яна марҳамат қиласверинглар!

Харидорларнинг безишидан чўчиган Елисеев кечқу-

рун кондитерни ўз уйига таклиф этиб, маҳфий топшириқ берган: «майзли булочканинг рецепт ва технологиясини ишлаб, эрталаб магазинга чиқарилсин!»

Афусули жойи шундаки, бир кечада мураккаб технологиядаги майзли булочка ижодкорининг номи тарихда қолмайди, лекин москваликлар Елисеевни ондасонда бўлса ҳам ҳамон эслашади.

### Пиллапўчоқ тамаддиси

Маълумки, ипак қурти пилласини ўраб бўлгач, ичидан қолиб, ғумбакка айланади. Фабрикаларда пилла дошқозонларда қайнатилиб, ипаги галтакларга ўраб олингач, ичидан тушиб қолган жуда қўланса ҳидли жигар ранг тусдаги гумбаклар чиқади. Буни ўзбекчасига пилла-пўчоқ деб аталади.

Пиллапўчоқ кўмиб ташланади, ерга ўғит қилинади ёки товуқларга едирилади. Ажабо, Хитой вилоятларидан бирида буни одамлар ер эканлар. Офтобда қуритилиб, қозонда қовурилгандан сўнг қурс-қурс қилиб ейишаверади. Меҳмон дастурхонига қўйилган пилла-пўчоқ қовурмаси ноёб таом сифатида қабул қилинади.

### Овқатнинг лаззати пишлоқ билан...

Гап Голландия пазандалиги устида боради. Негаки, бу мамлакат пишлоқ тайёрлашда жаҳонда асосий ўринни эгаллайди. Машхур «голланд сири»ни биламиз. Яна сирти қип-қизил ичи олтин сариқ «эдам» навли сир эса голланд пазандалигининг рамзи ҳисобланади. «Гауда» навли сир ҳам Голландияда кашф этилган, хуллас ўнлаб турлари мавжуд.

Барча мамлакатларда пишлоқ десерт овқат сифатида истеъмол қилинади, яъни асосий овқатдан олдин ёки кейин бир оздан тамадди қилиш — десерт дейилади. Лекин Голландияда пишлоқ барча овқатларнинг асосий компоненти сифатида истеъмол қилинади. Яъни салатда ҳам сир, шўрвада ҳам сир, гўшт билан сир, сабзавот билан сир, балиқ билан сир, хамир билан сир, қовурилган сир, қайнатилган сир, димланган сир, қирилган сир, эритилган сир, барча овқатлар таркибида сир — пишлоқ...

Пазандаликдаги «Гўзалнинг чиройи кўзи билан, овқатнинг лаззати тузи билан» деган машхур мақолни ҳам голландиялик пазандалар «Овқатнинг лаззати сир билан» деб ўзгартириб айтишади.

## Ширинлик шайдолари

Муқаддас Елена оролининг аҳолиси учун энг шарафли ва биринчи ўринга қўйиб истеъмол қиласидан таоми асал ва қанд ҳисобланади. Шириналхўрликда булардан ҳам шведлар устун туришади. Статистика маълумотларига кўра ҳар бир швед йилига 47 кг қанд еяр экан. Қанд, конфет, ҳар хил мураббларни ўзини ейишдан ташқари барча таомларига ҳам қўшишади. Ҳатто жигардан тайёрланган паштетга, сирка ва бошқа зираворлар солиб тузланган балиққа ҳам шакар сепиб ейишади. Турли хил нонларни ҳам қанд қўшиб тайёрлашади. Швецияда яна шакар қўшиб тайёрланган колбаса ҳам бор, буни кесиб дастурхонга тортганда мевадан қайнатилган ширин компот билан келтирадилар. Шведларнинг энг шарафли ва севимли оши чўчқа ёғида тайёрланган ловияли қора шўрвадир, бунга ҳам пича шакар сепишади. Ушбу шўрвани дастурхонга тортишда бруслника қиёми солиб тайёрланган блин билан бирга берадилар. Ичига асал солиб қайнатилган балиқни айтмайсизми!

Бизда, масалан, помидор ва бодрингга туз сепиб ейлади, уларда помидорга шакар сепилиб, бодринг эса қиёмга ёки асалга ботириб истеъмол этилади. Еб кўрганларнинг айтишларига қараганда асалга теккизиб ейилган бодрингнинг мазаси тарвузга ўшшар эмиш.

## Қат-қат таом

Мана шу ғоят лаззатли ва энг ноёб таом кўчманчи араб қабилаларининг пазандалигига хос бўлиб, у фақат катта тўй ва байрамлarda тайёрланади. Уни тайёрлашда қабиладаги қассоб ва пазандаларнинг барчаси иштирок этиб, кечқурун салқин тушганда бошлашса, эртасига эрталаб пишади. Аввалига бир тия сўйилади, териси шилиниб ички аъзолари олиб ташлангач, бўйни, икки сони ва кураги ажратилиб тузлаб қўйилади. Таомга түяниг фақат танаси керак бўлади. Тананинг ичи ва сиртига тузга қўшиб туйилган ҳар хил зираворлар солиб, ишқаланади. Битта қўй ҳам сўйилади, ич маҳсулотлари олиб ташлангач, тўртала оёқлари ҳам танадан ажратилади. Тананинг ички ва ташқи тамонларига эса ҳалигидай туз ва зираворлар аралашмасидан солиб ишқаланади. 10 та товуқ ҳам сўйилиб, патлари юлингач, ичак-чавоғидан то заланади, ювилади, туз ва зираворлар сепилади. Катта-

лиги бир қарич келадиган балиқлардан ҳам 10 та олиниб тангачалари қирилиб, ичи олиб ташлангач, ювилади, бунга ҳам туз ва зираворлар сепилади. 20 дона тухумни қайнатиб, қаттиққина қилиб пиширилади, пўсти арчилади. Ана энди ҳар бир балиқнинг ичига иккитадан тухум жойлаб, доғланган ёғда қизартириб олинади. Сўнгра қовурилган балиқларни товуқларнинг ичига солиб тикилади ва милтиратиб қайнаётган шўрвада пиширилади. Тайёр тавуқларни эса ҳалиги қўйининг танасига жойлаб, орасига кесилган думба, жигар ва бўйрак солиб тикилади, буғлаб пиширилади. Бунинг учун қозонга сув қийиб, ёғоч панжара-теглик ўрнатилади, қўй танасини пайжара истига жойлаб, қопқоғи жипс ёпилган суст оловда димланади. Тахминан 1—1,5 соатларда қўй танасининг бутун буғламаси тайёр бўлади. Энди буни аста олиб, тайёрлаб қўйилган тия танасининг ичига солинади. Туяни ҳам катта дошқозондаги ёғоч панжара устига қўйиб, остига сув қуйиб, қопқоғи жипс ёпилади. ва буғланади. Тахминан 3 соатларда тия танаси ҳам бутунлигicha ҳилхил бўлиб пишади. Қат-қат таомни катта меш устига олиб бир оз тоби чиқарилгандан сўнг қабила оқсоқоли уни моҳирлик билан тилимлайди, Ҳозир бўлганларнинг ҳар бирига тия, қўй, товуқ балиқ гўштларидан ва тухумдан майдалаб тақсимлайди. Товуқ қайнатилганда қўй ва тия буғланганда ҳосил бўлган шўрвалар аралаштириб юборилиб алоҳида тортилади. Қат-қат таомни тайёрлаш давомида ҳар турли ащулалар янграб, рақслар ижро этиб турилади. Танавулдан сўнг тантаналар яна давом этади.

## Тўйдирмаса ҳам митти балиқ яхши

Филиппин оролларида яшовчи халқларнинг энг севимли ноёб таоми митти балиқлардир. 10—15 киши бирга ов қилганда кечгача атиги 20—30 грамм балиқ тутади. Овчилар чақон, чидамли ва ўткир кўзли одамлар бўлиб, матробларини қалин докадан ясадилар ва денгиз қирғоғида эртадан то кечгача сузиб «диндака пигмей» ва «мистихтюс люzon» деб аталувчи балиқчаларни қидирдилар. Балиқчаларнинг катталиги чумолидай бўлиб, танаси тиниқ сув рангидан бўлади, овчилар буларни бир жуфт қопқора кўзларидан топиб оладилар.

Ушбу балиқчаларни қовуриб ёки бирон бошқа усул билан пиширишганда ҳеч нарса қолмаслиги аниқ. Шунинг учун мазахўраклар митти балиқчаларни маҳсус

қисқичларда илиб олиб тилларининг тагига ташлар эканлар, луқмаи ҳалоллар тупиклар ичра сузид, оғиз бўшлиғини анча қитиқлаб кўпгина сўлак ҳосил қилгандан сўнг, кўзларини юмиб аста ютиб ҳузур қиларканлар.

### Сув қандаласи ҳам овқат

Ушбу жониворни мексикаликлар ва америкаликлар «бармоқхўр» деб аташади. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида бу ҳашаротни жуда хуш кўриб ейишади. Овловчилар сув остига шўнгигб тухумларини елкасига олиб очириш учун бир жойда жилмай турган сув қандалларини кўплаб териб бозорларда сотадилар, пазандалар эса бундан шўрва қайнатадилар. Офтобда курилтаганини қусурлатиб ейиш учун дастурхонга тортадилар. Сув қандаласининг ўзига хос ҳиди бу ерлик аҳолига жуда манзур тушгани учун ҳам уни зиравор сифатида кўпгина таомларга қўшиб юборадилар.

### Тошбақа таом

Тинч, Атлантика ва Ҳинд океанлари қирғоқларида жойлашган мамлакатларда ва шу океанлардаги оролларда яшовчи ҳалқларнинг кўпи денгиз тошбақаларини ейди. Сузувчи тошбақалар анча катта бўлиб, ҳар бири 50 килограммдан тортиб то 500 килограммгача гўшт қиласиди.

Янги Зеландияда тошбақа пиширишнинг ибтидоий усули ҳанузгача сақланиб қолган. Тутилған тошбақанинг ҳажмига қараб ерда чуқур ковладилар, чуқурга тошбақани тўнтариб ётқизадилар, устига шох-шаббалар ташлаб гулхан ёқадилар, бир соатлардан сўнг кули очиб ташлаб қарабисизки, тошбақанинг қорин томонидаги косаси кўйиб, осонликча кесиб ташлаш мумкин бўлиб қолади. Тўнтарилган сирт косасида эса гўшти ўз селига ҳил-ҳил пишади.

Қизиғи шундаки, ҳали ҳолодильниклар йўқ, консервалар қашф этилмаган, аммо масаллиқни узоқ сақлаш зарурати туғилган пайтда дёнгизчиларнинг узоқ сафарларида тошбақалар жуда асқотган. Буни пиширган ва еган кишиларнинг гувоҳлик беришича шу жонивор гўшти кийик гўштига ўхшаб кетар, аммо сели анча кўпроқ бўлиб, нағислиги товуқ гўштига тенг келар экан. Мазасига келганимизда эса ҳар иккала гўштнинг уйғунлашган лаззатига монанд эмиш. Бунга ишонса бўлади, негаки

тошбақа жуда беозор ҳайвон, қуруқликда яшайдиганлари турли доривор ўсимликларни ейди ёки худди қушлар каби чигиртка, ўргимчак, қўнғиз ва бошқа умуртқасиз қурт-қумурсқаларни еб тирикчилик қиласиди. Денгизларда яшайдиган тошбақалар эса балиқлар нимани еса булар ҳам шуни ейди. Қўриниб турибдик, тошбақаларнинг озиқланиши гўштининг луқмаи ҳалоллигидан далолат бериб турибди. Тошбақа гўштини асосан денгизчилар ва денгиз бўйларида истиқомат қилувчи ҳалқлар жуда нафис ва ноёб таом сифатида истеъмол этадилар. Олис океанлар исканжасида адашиб қолган, егулик нарсаси тугаган ва ҳатто балиқ тутишга ҳам имкони қолмаган ҳолларда денгизчиларга кўплаб ғамлаб олинган ташбақалар асқотган. Пароход палубалари ва трюмларига оёғини осмонга қилиб тўнтариб қўйилган тошбақалар ҳафталаб ҳатто ойлаб типирчилаб ётаверган. Худди мана шу тирик консервалардан пароход пазандалари хоҳлаган овқатни тайёрлай берганлар.

Эндиликда гўштдан, балиқдан ва мевалардан тайёрланадиган консерваларнинг ижод этилганига атиги бир аср бўлди холос, ҳолодильникнинг кашф қилинганига эса 50 йил ҳам бўлгани йўқ. Аммо тирик консервалардан фойдаланиш 300 йилдан буён давом этади. Шунча давр ичиди бу тансиқ таом юз минглаб денгизчиларни очлик оғатидан сақлаб қолган.

Яқиндагина Тинч океанда адашиб қолган Австралиянинг елканли кемасидаги 200 чамаси одамларнинг ҳаётини тирик консервалар сақлаб қолди.

### Чигирткахўрлик

Индонезия ва Бирмада кўпгина антиқа таомлардан бири чигирткахўрликдир. Улфатлар оқшом пайтида боғ, дала ёки ўрмон четига йиғилишиб давра қуриб ўтиришади, ўртага гулхан ёқишиади. Чор атрофдаги чигирткалар ловуллаган олов томони учиб кела бошлади. Ҳар бир иштирокчи ўз ўлжасини ўтирган ерида тутиб чўпакка илади-да, чўққа тутиб кабоб қиласиди ва мазза қилиб тушираверади.

Чигирткахўрлик ҳар хил латифалар айтиши ва ширин сұхбат билан алла маҳалгача давом этади, барча тўйгач, секин турниб тарқалишади. Чигиртка шундай таом эканки, унинг хўрандалари қадимда ҳам бўлган экан. Масалан, юнон тарихчиси Геродотнинг қолдирган маълумо-

тига кўра Осиёда яшовчи баъзи қабилалар, масалан, насамонлар чигиртка еганлар. Улар ҳашаротни тутгач чўпга илиб офтобда қуритишган, сўнгра талқон қилиб каф отишган ёки сутга қориб ейишган экан.

Чигиртка жуда тез кўпаядиган очофат ҳашарот бўлиб, қишлоқ хўжалиги учун катта зарап келтиради. Унинг галалари учганда қуёш нурларини булатдай тўсиши мумкин. Ерга қўнгандан ҳар қандай экинни ҳам қийратади, ҳатто қуриган қамишларни ҳам еб ташлайди. Бу ҳашарот Саудия Арабистони ва Эрон дехқончилигига тоғоят катта путур етказадики, дехқонларга егулик ҳеч нарса қолдирмайдиган йиллар ҳам бўлади. Ана шундай вақтларда одамлар чигиртканинг ўзини ейишига мажбур бўладилар. Москвалик журналист В. Песков «Ҳайвонот оламида» телевизион кўрсатуви орқали, (10 январь 1981 йил) ҳикоя қилишича, Арабистонда қовурилган чигирткани тотиб кўрган. «Одамлар еяётганликлари учун мен ҳам бир донасини чайнаб кўрдим. Мазаси япасақи, биз ейдиган овқатларга сира ўхшамайди, лекин буни паллоҳлар (дехқонлар) ноиложликдан ер эканлар, шунун англадим», — деди у.

Авторлар коллективининг «Этнография питания народов стран зарубежной Азии» номли китобида айтилишича: «Овқат етишмовчиликдан бедуинларнинг жуда камбагал қисми чигиртка, калтакесақ, илон, барча ёввойи ҳайвонларни, ҳатто тулкини ҳам ейдилар. Энг севиб ейдиганлари чигиртка бўлиб, бу ҳашарот қишлоқлар устидан булатдай учиб ўтади. Минг-минглаб ҳашарот буталарга қўниб, шудринг тушганда қимир этмай тураверади. Беудинлар буни ҳовч-ҳовчулаб териб, катта қопларга соладилар. Сўнгра чуқур, эни энсизроқ хандак қазишиб ичига олов ёқадилар. Олов ўчгандан сўнг қўрга чигирткаларни тўкишади (шундай қилинганда чигиртка яхши қовурилади). Чигиртгани ёққа қовуриб ҳам ейишади. Бундан ташқари ҳашаротни офтобда қуритишади, сўнгра дарҳол талқон қилиб олишади ёки узун ипларга чизишади. Чигиртка талқонидан бўтқа пиширишади»<sup>1</sup>.

### Хомлигича ея беришади

Масаллиқлар борки, уларни хомлигича ейиш мумкин, лекин бир хилларини пиширмасдан еб бўлмайди. Маса-

лан, помидор, бодринг, редиска, турп каби сабзавотларни ва мева-чевани хомлигича ея берамиз, бироқ картошка, шолғом, ошқовоқ, лавлаги, гуруч, нўхат, гўшт, балиқ ва бошқа масаллиқлар борки, буларни хомлигича сира еб бўлмайди.

Пазандалик — пиширмоқлик деган сўздан олинган, лекин Африка чангальзорларида бир хил элатлар бор, булар ҳатто гўшти ҳам хомлигича паққос тушира беради. Бизда тундра эскимос, чукчи, лавраветян, алият ҳалқлари ошпазлигига ҳам энг ноёб таом хом балиқ ҳисобланади. Қишида янги тутилган балиқни тозалаб шундоққина далага олиб чиқилса бас, бир пастда тошдаккина бўлиб музлайди. Ана шуни оштахта устига қўйиб, тўқмоқ билан уриб яхидан туширишади-да, туз сепиб ея беришади. Ёзда бўлса хом балиқ гўштига пича сирка ва пиёз аралаштиурса, ажиб таом ҳосил бўлар эмиш.

Энди Перу ҳалқининг пазандалигига мурожаат қизайлик. Бу мамлакатда денгиз сатҳидан 4 минг метр баландликда Титикака деб аталмиш тоғ кўли бор. Бу кўлга ёлғиз алпинистларгина чиқа олади, чунки Титикакада йилнинг 10 ойи қаҳратон қиши, 2 ойи эса ёз. Ёз бўлганда ҳам жазирама ёз бўлади. Ана шу пайтларда офтобнинг тафтида улкан дошқозондай қайнаб кетган кўлдаги балиқлар ўзини қирғоққа тап-тап ота бошлайди. Алпинистлар ҳам худди шу пайтларда Титикака соҳиларида ҳозир бўладилар. Улар қирғоқларда питирлаб ётган балиқларни бемалол йигиб келиб, червиче деган таом тайёрайдилар. Балиқни тозалаб бошидан думига қаратса чувалчансимон тасмаларга кесиб чиқадилар ва хомлигича лимон шарбатига ботириб, пиёз ва помидорга қўшиб танаввул қиласилар. Парижнинг энг машҳур ресторонларида устрица деб аталмиш денгиз молюскаларининг бир тури албатта бўлади.

Мазакхўраклар заказ берганда официант тирик устрани ликопга солиб олиб келади, садафини тарс ёриб ўртасидан чиқсан шилиқ молюсканинг устига сирка сепади-да хўрандага узатади, у олиб оғзига солади, ютганида томогидан ўтаётуб «чий-чий» деса ҳузур қиласиди, агар бундай товуш чиқмаса — ўлик экан, деб пул тўламайди! Ха, қоидаси шунаقا бўлгандан кейин биз нима дея оламиз. Эсда тутайлик, дид табиатига келгандা баҳс очилмайди деб келишиб олганмиз-ку.

<sup>1</sup> Этнография питания народов стран зарубежной Азии. Изд-во «Наука», М., 1981 йил, 36—37-бетлар.

## Евғонхўрлар

Дунёда турли хислатдаги одамлар бўлади, шуларнинг бир хилли ёвғонхўрлардир. Бундай одамлар ҳайвонот масаллигининг асло яқинига йўлашмайди. Диндорликлариданми, кўнгли бўшлиқданми, ғоят даражада таъсиранликлариданми ҳар ҳолда жонивор нарсани ўлдириб ейиш «одобдан эмас», деган андишага борадилар. Гўшт, тухум, сут, балиқ каби серлаззат таомлардан ўзларини маҳрум қилиб юришади. Буларнинг егани ўсимлик овқат бўлгани сабабли ундаи кишиларни лотинча вегетаранлар (ўсимлик ёувчилар) деб аташадиган бўлишган.

Ёвғонхўр кишиларнинг аъзоларида овқат ҳазмланиш жараёни қандай кечар экан, деган масала олимларни анча вақтлардан буён қизиқтириб келади. Аввало, бу муаммони ўтган асрда италиялик олимлар ҳал қилишган. Жанубий Италияда яшовчи бир қисм аҳоли қадимий даврлардан буён ҳеч ҳам гўшт емас экан. Булар асосан зогора уни, сабзи-пиёз, мева-чева-ю, зайдун дарахтининг ёнини ер эканлар, холос. Сут, тухум, пишлоқ, балиқ емаганлари учун уларнинг истеъмолидаги ўсимлик овқатлар ҳам тўла ҳазм бўлмаслиги аниқланган.

Бу аҳолига тажриба учун ҳар куни 100 граммдан 15 мартагини гўшт сидирилганда аъзоларидаги ҳазмланиш ва овқатнинг ичақдан сурилиб қонга ўтказилиши яхнилана бошлапти. Гўшт миқдори 200 граммга ортирилганда эса натижага илгаргидагидан ҳам яхши бўлган. Аниқлалинишнча гўштнинг 97,5 фоизи танага сингиб кетар экан.

Афтидан, «этники этга, шўрваси бетга», деган ҳалқ мақоли илмий жиҳатдан ҳам тўғри чиқиб қолди.

Шунга қарамай, ҳануз ҳам ёвғонхўрлар жуда кўп ва уларнинг аксарияти асаб касалниклари билан оғрийди. Шу сабабли Лондондаги «Миддлсекс госпиталь» касалхонасининг шифокорлари ёвғонхўрларнинг аъзоларини текшириб яна бир карра шундай хуносага келдиларки, ёлғиз ердан кўкариб чиққан нарса билангина тирикчилик қиласидаги кишилар танасида (ошқозон, ичак ва жигарда) аста-секин ҳаётга қобиллик издан чиқа борар экан. Бинобарин, нерв системаси ҳам бузилишига сабаб бўлар экан.

Шунинг учун англиялик докторлар ҳаммага гўшт ейишни тавсия қилишади. Агар бу маслаҳатга ҳам такаб-

бурлик қилувчилар топилиб қолса, бундайларнинг баданига сигир ва қўй жигарларидан эзib олинган сел укол орқали юборилади. Йўқса, киши асабийлашади ва меҳнат қобилияти пасаяди. Қийналиб укол олгандан кўра, бир парча гўшти ҳузур қилиб ея қолган маъқул эмасми?

## Қалдирғоч уясидан шўрва

Бундай таом Хитой назандалигига хос Ф. И. Васильевнинг «Двести пятьдесят блюд китайской кухни» номли китобида (Москва Госторгиздат, 1959 йил, 184-бетида) бу таомнинг рецептни берилган. Бу таомнинг ташқи кўриниши бир оз сарғишлоқ, ёғсиз бульон. Мазаси товуқ ва балиқ қайнатмаларининг уйғунлашмасига ўхшаш, ҳар хил зираворларнинг ҳиди анқиб туради. Шу шўрва билан бирга қайнатилган қалдирғоч уяси алоҳида ликопчада берилади. Буни илк бор тотиган киши ё ютолмай, ё тупуролмай хуноб бўлади, анча бадхўр, лекин хитойликлар учун бу шўрва жуда лаззатли ва ноёб таом ҳисобланар экан. Қалдирғоч уяси деганда биз хас-чўп ва лойдан ясалган уяни тушунамиз. Йўқ, бу бошқачароқ уя. Хайнанъ ва Тайванъ оролларининг тоғли соҳилларида дениз қалдирғочларининг бир тури яшайди, бу қалдирғоч ўз инини дengiz қирғоққа улоқтирган балиқларнинг лахм гўшти ва булдуриғидан қуради. Қалдирғочнинг сўлаги теккан балиқ гўшти сира айнимайдиган ўзига хос «консерва» бўлиб қоларкан. Овчилар ана шу уяни йиғиб келишади. Энди бундан шўрва тайёрлаш пазандаларнинг маҳоратига боғлиқ. Уяни қайноқ сувга 4—5 соат ботириб қўйишади, сув совиса яна янгилаб турishади. Уя бўртиб юмшоқ бўлиб қолганда маҳсус мўйчинак билан ифлосланган жойлари тозаланади, яна иссиқ сувда ишқор (барий гидрат оксиди) билан ювилади. Сўнгра ишқорни кетказиш учун яна ювиб товуқ шўрвага солиб пиширилади.

## Утинни ҳам ювиб...

Хиндишонда аҳоли паст, ўрта ва олий табақаларга бўлинади. Ана шу ўрта ва олий табақадагиларнинг хонадон ошхонасига ёт кишининг қадам қўйиши мутлақо ман этилади. Ўчоғ бошини сигир тезаги аралаштирилган лой билан ёки суюқ тезакнинг ўзи билан сувашади. Мол тезаги уларнинг тушунчасича энг покиза нарса ҳисобланар экан. Шундай сувалган ўчоқда пишган овқат ҳам энг тоза ҳисобланар экан. Мободо ошхонага паст таба-

қадаги одам, ё мусулмон, ё христиан ёки европаликдан бирон киши тасодифан кириб қолгудек бўлса иш тамом: пиширилаётган овқат ҳаром бўлди деб, тўкиб ташлашади. Қайта овқат тайёрлаганида эса барча масаллиқларни неча бор ювиб сўнг таом тайёрлашади. Бу-ку майли-я, ўчоққа қаланадиган ўтинни ҳам ювиб офтобда қуритиб, сўнг ўт қалашади. Бу асосан гонди деб аталувчи ҳалқнинг индуизм динидаги раджалари ошхонасида содир бўлади.

### Офтоби нон ва қалампир сомса

Жаҳонда фақат Панжоб пазандалигигагина хос офтобда нон пишириш усули бор. Пхурвали деб аталувчи ушбу ноннинг хамири жуда суюқ қилиб, гуруч унидан қорилади. Шу хамирни оқ сурпга юпқа қилиб суркаб офтобга ёйиб қўйишади. Бирор соатлардан сўнг хамир қотиб матодан ажралганда олиб дастурхонга тортадилар. Ушбу нонни панжобликлар суюқ ошларга тўғраб истеъмол этадилар. Жаҳонда энг аччиқ сомса ҳам Панжобда бўлади. Хамиртурушсиз хамирдан жилд ёйиб худди биздагидек уч бурчак сомса тутишади. Номи ҳам ўзбекчасига ўхшаш сомоса. Фақат қиймаси аччиқ қалампирнинг кўк ва қизилидан чопиб тайёрланади. Бунга туздан бошқа масаллиқ қўшилмайди.

Офтоби нонни тайёрлаш осон, ўзи ҳам қусурмачак, шўрвага тўғраса бўртади. Аччиқ сомса эса панжобликлар учун жуда хушхўр туюлади. Тасаввур қилинг: уйқудан туриб ёки чарчаб, чанқаб келиб бир чойнак аччиқ чой ичганимиздан кейин қандай сермалиб кетамиз, танамиз яйрайди, майин тер чиқиб, шаббода юргандек салқинлаб ҳузур қиласиз. Қалампир сомсанинг ҳам панжобликларга ана шундай ижобий таъсири бор.

### Қон ҳам овқат

XIII асрда италиялик машҳур сайёҳ Марко Поло қолдирган маълумотларга қараганда монголлар ва тибетликлар жуда қадим замонлардан буён ҳайвоннинг хом ва пиширилган қонини овқат сифатида истеъмол қиласа эканлар.

Монгол босқинчилари узоқ походларда отларнинг қонини ичib тириклик қилганлар. Отнинг оёқларини боғлаб, ерга ағанатиб, бўйнидаги венасига тиғ уриб, қонини идишга оқизиб олганлар ёки кесилган жойга оғзини тутиб қонни сўрганлар. Бунда ҳар гал отдан 300 грам-

гача қон олиңса отга зарари бўлмас экан ва у шу йўқотган қонини 7—10 кунда тиклаб олар экан. 300 грамм қон эса бир кишига бир маҳал овқат учун кифоя қилган. Монгол аскарлари миниб юрадиган отларидан ташқари яна қонини ичib юришга мўлжаллаб бир нечта от олиб юришган.

Тибетликлар одатла сигир ва қўтос қонини ичганлар. Буни улар иситиб, ёғ ва нишлоқ қўшиб истеъмол қилганлар. Ёки қонни ичакка қуйиб хасин пиширгайлар. Бундай хасипга бир неча турлаги ҳайвонларнинг қони омухта қилиб қўйилган, ичига яна гўшт, пиёз, саримсоқ, туз ва қалампир аралашмасидан тайёрланган қийма ҳам қўшилган.

Ивиб лахта-лахта жигарсимон бўлиб қолган қонни қовуриб ейишган ва яна сомса ҳам пиширишган.

Монголларда кийик қони ўпка касалига дори ҳисобланар экан. Кийик сўйиладиган пайт барча касаллар тўпланишади ва буларга иссиқ қон улашилиб шифо топтирилади.

### Ит гўштининг шўрваси

Ит гўштини Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиёда истеъмол қиладилар. Жанубий Кореяда, Хитойнинг баъзи вилоятларида, Бирмада, Лаосда, Вьетнамда, Таиландда шундай бир тоифа одамлар борки, булар учун ит гўшти луқмай ҳалол ҳисобланади. Масалан, бирмада наға, мару, ака; Лаосда мао, ламен, кхму; Вьетнамда вьет, стенг, сен-данг, мног; Таиландда лава деб аталувчи қабилалар борки, буларда ит гўшти ейиш азалий одат. Этнографларнинг маълумотига қараганда ит гўшти истеъмоли Жануби-Шарқий Осиё ҳалқлари маданияти билан Осиёнинг ички районларида яшовчи итдан чорвага қўриқчи сифатида фойдаланувчи ҳалқлар маданияти билан мураккаб алоқадорлик натижасида келиб чиқкан бўлиши мумкин. Сўнгра ит гўшти ейиш диний маросимлар билан боғлиқдир. Чунончи Вьетнамдаги мног қабиласида киши 50 ёшга тўлганда ўз шахсий руҳини шод этмоқ учун итни сўйиб шўрва қайнатар, бошқаларга бошқа қисмини улашиб туғилган кунини нишонловчи ит калласини еяр экан. Табиий оғатларда ҳам ит сўйиб қурбонлик қилиш одатлари келиб чиқкан. Баъзи жойларда эса ит гўштини ейиш ҳеч қандай диний маросимлар билан боғлиқ бўлмасдан шундай одатдаги ҳол ҳисобланади. Бу эса ўша жойда яшовчи ҳалқнинг хўжалик-ма-

даний типи қандайлигига боғлиқ бўлади. Эҳтимол бир табиий офатда чорва бутунлай қирилиб кетгану итлар қолган. Итдан бошқа егулик ҳайвон бўлмаса, начора. Қолаверса, итни боқиш кўпам маблағ сарфламайди ва у кўп урчийдиган жонивор ва ҳ. к. Хуллас ит гўшти иsteъмолининг анчагина сабаблари бор.

### Бадбўйу, бадхўр...

Тибетликларда бир овқат бор. Молни сўйиб қорнини тўкиб ташлаб, ювиб ичига ичаги, жигари, буйраги, ўпкаси, юрагини тўғраб солиб бижкитадилар, ҳатто бирикки ҳафтагача ҳам бижкитаверадилар. Масаллиқ қанча кўп вақт сасиб турса ва узоқ узоқлардан уйинг бадбўй ҳиди таралиб турса, бу энг ноёб ва лазиз таом ҳисобланар экан. Бу масаллиқдан улар шўрва тайёллашади ёки арпа дони билан суюқ ош пиширишади. Яна бир овқати от ва сигир туёқларини узоқ қайнатиб, қора елим ҳолига келганда ейишаверади. Ёки ҳайвон сүякларини майдалаб, тегирмонда ун қилиб тортиб атала пишириб ейдилар. Бу-ку майли-я, харом ўлиб бир неча кун жийиб кетган ҳайвон гўштидан ҳам овқат пишираверадилар.


Агар шу овқатларни бошқа одамлар сса, касал бўлибгина қолмай, ҳатто ўлиб қолиши ҳам мумкин. Аммо тибетликлар бунга ўрганиб қолган, одатланган, организми шунга мослашган. Уларнинг аъзолари ана шу сасиган ва ўлган ҳайвоннинг гўштидаги ғоятда хавфли микробларга ҳам бардошлидир. Агар улар ана шундай овқатлардан вақти-вақти билан еб турмасалар, хумориси тутади. Ахир уларнинг кўнгли шуни тусагандан кейин биз нима ҳам дея олар эдик.


### Еб бўлмайдиган масаллиқ йўқ

Африка, Австралия ва Янги Зеландияда истиқомат қилувчи ерли аҳолининг бир тоифаси ўрмонларга боради-да, дараҳтдан капалак ва қуртларни териб туз-пуз сенимасдан ея беради. Японияда энг севимли овқат денгиз саккизоёқларининг гўштидир. Ахир ёмғири чувалчангни нима деган гап. Шуни ҳам териб, ичидаги лойини ситиб ташлаб пиёз, саримсоқ тўғраб, туз ва зираворлар сепиб аралаштирилса, бинойидек қўйма. Ана шундан чучвара туккан пазандалар бор. Ёки ипак қуртининг пилла ичидан олинган ғумбагини қовуриб, қурсиллатиб еб юришади. Сичқон, каламуш, мушук ва кучуклардан ҳам овқат

пиширадилар. Чунончи Ҳиндистонда бирхор, кхария, мария, гонд, сантал деб аталувчи майдагиллалар кўп. Булар ит, мушук, каламуш, бақа, илон, ақраб, шилиқ-қурт кабиларни бемалол истеъмол қила берадилар, бу ҳайвонларнинг гўштилари бозорларда ҳам сотилади. Айниқса санталлар учун ов бўлмайдиган ҳайвон йўқ. Бихорлар эса фақат маймун гўштини смас эканлар. Сабаби: маймунлар бу халқ учун муқаллас тотем ҳисобланаб, унга сифинишар ва «бу близнинг ота-боболаримиз» деб тушунганликларида экан. Бошқа ҳайвонларнинг барчаси егулик. Пашша қуртини маҳсус боқиб семиртириб, сўнг қовуриб, азиз меҳмон дастурхонига ноёб таом сифатида тортганларини эшитганмисиз? Бу энди Хитой пазандалигига хосдир. Нақл қилишларича, «Хитойларда еб бўлмайдиган нарса фақат тўрттагина бўлиб, учиб юрувчилардан — самолёт, сузуб юрувчилардан — пароход, судралиб юрувчилардан — танк, тўрт оёқлилардан эса столдир. Булардан бошқасини пиширса ва еса бўлаверади.

Хуллас, «нишира олмайдиган пазанда бўлиши мумкин аммо еб бўлмайдиган масаллиқ йўқдир». Яна бир мақол: «Ҳар ким ўзи севган ошини ошайди». Шу мақоллар амри билан қараганимизда кимлар нималарни ейишга одатланган эканлар, ўшалар шундан лаззатланади, маза қиласди. Биз эса дид, лаззат ва маза масаласида баҳс очмаймиз.





## V. ПАЗАНДАЛИК РАВНАҚИГА ҲИССА ҚУШГАН КИШИЛАР

### Пифагор тамаддиси

Карамнинг ватани Европанинг гарбий, қадимги иберийлар яшаган ҳозирги Испания территорияси бўлганлигини кўпчилик биологлар тасдиқлашади. Карамнинг дастлабки номи «ашча» бўлиб, русча «шчи» таомнинг номи шундан келиб чиққан экан. Карам кейинчалик Юнонистон ва Мисрга ҳам тарқалган.

Қадимги рим ва лотин тилида бу сабзавотни «ка-пута», яъни калла деб аташган. Ҳақиқатан ҳам бирбирига киришиб кетган карам баргларининг қабариқ, тарам-тарамлиги мияни эслатиб турса, катта юмалоқ карам калага ўхшайди. Ўзбекчада «бош карам» дейилишида ҳам ўзига хос бир маъно бўлса керак. Карам бош органларига фойда эканлиги тўғрисида табобат илмининг бобоколони Абу Али ибн Сино бундай ёзган: «Карамнинг қайнатмаси ва уруғи масти бўлишини кечик-

тиради, бошнинг қасмогига фойда қиласи, карам шираси бурунга юборилса мияни тозалайди»<sup>1</sup>.

Карамни турли дардларга даво деб билганликлари учун қадимги мисрликлар овқатидан олдин ҳам, кейин ҳам дастурхонга қайнатилган карам қўйишарди.

Бундан иккى минг йил муқаддам яшаган Рим давлат арбобларидан бири Катон эса: «Карам сабзавотлар ичида энг сарасидир. Уни хомлигича ҳам, пишириб ҳам сябер. Агар хомлигича ейдиган бўлсанг, сиркага ботириб е, шунда у яхши ҳазм бўлади ва соглом таомга айланади. Ҳар гал овқатдан олдин ва овқатдан кейин оз-оздан карам еб туришнинг кишига катта нафи бор», — деб ёзган эди.

Римликлар учун карам таомгина эмас, шифобахш неъмат ҳисобланган. Уйқусизликка мубтало бўлганларга карам ейиш тавсия этилади, заҳарланганларга ҳам карам едирилади. Мастиларни ҳушёр қилиш учун ҳам карам берилган, бош оғриса ҳам карам еб шифо топишган. Мастилиги ўтиб кетган кишига шўркарам сувидан бир пиёла ичириб юборилса, дарҳол ёзилиб кетади. Лекин карам каби шифобахш сабзавотдаги барча фойдали неъматларни ғойиб қилиб юбормасдан антиқа тамадди тайёрлаш усулини дастлаб буюк математик олим Пифагор кашф қилган. Пифагорнинг моҳир пазандалиги шундаки, у карамнинг яшил баргларини олиб ташлаб, ўзаги билан бирга 2—4 ёки 6 паллага бўлган, буни тузли сувга солиб милтиратиб қайнатган гоҳо юзига сепиб, ҳозирги бизнинг мантиқасёнга ўхшаш идишда буғлаб пиширган. Пишиш муддати 1 соат. Сўнгра ликопчаларга солиб юзига сариёф ёки қаймоқ суркаб дастурхонга тортган.

Ўз даврида «Пифагор тамаддиси» номи билан аталган ушбу таом шу қадар универсалки, уни хоҳлаган хасталикда парҳез сифатида қўлланиш мумкин. Агар соглом одам ҳар куни кечки овқат пайтида ўша тамаддидан еб ётса, эрталаб ўзини жуда енгил ҳис қиласи, кишини ўта семириб кетишдан асрайди.

Пифагорнинг ўзи карам истеъмолидан кўрган таисиҳатлиги тўғрисида анча фикрлар ёзиб қолдирган, жумладан: «карам шундай бир сабзавот эканки, у кишини доим тетик, руҳини шодон қилиб кайфиятини росттайди», — дейди олим.

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари, II том, 338-бет.

## Лағмондан макарон келиб чиқишига Марко Поло сабабчи

Турли қуюқ, суюқ таомлар тайёрланганда қозонни обод қиладиган хамир маҳсулоти макарон итальянча «маккарө» сўзидан олинган бўлиб, «хамир қормоқ» деган маънони англатади. Шу сабабли уни италья миллий масаллиги деб юритилади. Ҳатто макаронни фабрикада ишлаб чиқаришни биринчи маротаба жорий қилган қишига Римда ҳайкал ўрнатилганлиги тўғрисида ҳам дарак бор. Макарон итальянларнинг энг севимли овқати ҳисобланади. Макарон жуда қадим даврларда яшаган пазандаларнинг маҳорати билан кашф этилган бўлиб, бироқ унинг ватани Италия эмас, балки Ўрта Осиё ва Хитойдир.

XIII асрда венециялик савдогар ва саёҳатчи Марко Поло Қрим, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари орқали то Бухорогача келиб савдо-сотиқ қилиб юради. Марко Полони кўпроқ бу мамлакатларнинг тарихи, жуғрофияси, ҳалқининг тили, турмуши ва урф-одатлари қизиқтиради. XIII асрнинг 70-йилларида саёҳатчи Бухорий Шарифнинг гавжум бозорида «лағмон» деган ажойиб таом танаввул қилади. Хамирдан чилвир қилиб чўзилган ва ғоят маҳорат билан лаззатли қилиб тайёрланган ушбу таомнинг рецепти Марконинг ён дафтарига тушади. Марко Помир орқали Қашқарга кириб боради, йўл-йўлакай бўлгани каби уйғур элида ҳам лағмон жуда сероб эканлигининг гувоҳи бўлади. Бундан Гоби саҳроси орқали Шимоли-Шарқий Хитойга етганида лағмоннинг конига бориб қолганини билади. Лағмон қадимги Хитой тилида «Лага мян», яъни «хамирдан ясалган илон таом» деган маънони англатади. Марко Поло уни итальянча «вермиччели» деб таржима қилди. Маъноси «хамир чувалчанг» демакдир. Лағмонни тайёрлаб кўришга ҳаракат қилган саёҳатчи важуси (қайласини) пиширишни ўрганиб олган бўлса-да, хамир чўзишини ҳеч ҳам эплай олмайди. Ҳақиқий лағмонпазлар ҳам 5—6 йил шогирдликдан сўнггина бу ҳунарни ғаллай олади-да.

Марко Поло лағмонни Италияга олиб кетмоқчи бўлади. Бунинг учун хамирни сал йўғонроқ, бамисоли қаламдай қилиб чўздиради ва ҳар бир хамирчилвирнинг ичига ингичка сим ўтказиб қуритиб олади.

Саёҳатчи 1295 йилда Венецияга қайтиб келганда

қимматбाखо шарқ модлари орасида авайлаб жойлаштирилган бир бойлам қуруқ лағмон ҳам бор эди.

Ичи кавак қуруқ лағмонни итальянлар «маккарони»— қорилган хамир дейишларида ҳам жон бор, чунки лагмоннинг хамири ҳам, макароннинг хамири ҳам узоқ ишлаб, ишиштилиб қаттиқ қилиб қорилади. Итальянча макароннинг батзи сортлари хамирига тухум, ёғ қўшиб тайёрланади, лагмоннинг хамирига ҳам баъзан тухум чақилади. Айшиқса, ўзбекча кесма лагмонга албатта тухум қўшилади. Қонда бўйича итальянлар макароннинг узун қалава қилиб ўралган хилини тайёрлайдилар ва иширганда синдиримай пиширадилар ва бунисини улар спагетти, яъни каноп деб атайдиган бўладилар. Лагмон ҳам узун чилвир қилиб чўзилади ва пиширишда узилиб кетмаслигига эътибор берилади. Хитойда лағмонни икки дона чўпга ўраб узмай ейиш, Италияда ҳам макаронни вилкага ўраб узмай ейиш санъат ҳисобланади. Ўрта Осиё ва Хитойда лағмоннинг қайласини зифир ёққа қовурилган пиёз, саримсоқ, гўшт, помидор, карам, турп билан тайёрлаб, юзига кашнич,райхон, мурч ва сирка сепилади. Италияда ҳам макаронни таомларнинг сардагини зайдун ёғида қовурилган пиёз саримсок, гўшт, помидор ёки лимон, қўзиқорин билан тайёрлаб, юзига петрушка, райхон, лавр япроғи, сирка ва мурч сепишади.

Одатда лағмон хамири тузли сувда алоҳида пишириб олиниб, совуқ сувда ювилади ёки бир-бирига ёпишиб қолмаслиги учун юзига ёғ суртилади. Сўнгра қайлага аралаштирилади. Италияликлар ҳам макаронни тузли сувда алоҳида пишириб олиб, ювишади ёки диркиллаб турсин учун ёғ суртишади, шундан сўнг тайёрланган сардакка аралаштириб ейишади. Мана шу ўҳашликлар ҳам макароннинг бобоси лағмон эканлигидан дарак беради.

Бинобарин, макарон, вермишель ва спагетти каби хамир таомларнинг лағмондан келиб чиқишига Марко Поло сабабчи бўлган. Шунинг учун бу сиймони биз машҳур географ олим, саёҳ дебгина билмасдан, балки Осиё ва Европа каби икки катта қитъа ошпазлигини бир-бирига яқинлаштиришга воситачи бўлган буюк пазанда ҳамдир деб биламиз.

## Колумб пиширган ловия хўрак

Куба қирғоқларидаги денгиз бухталаридан бирида тоңга ўйилган ёзув бор: «1492 йил 28 октябрь Христофор Колумб Американи кашф қилишидан олдин биринчи қадамини худди мана шу ерга босган эди».

Бухтадан сўнг «Гран Альмиранте» қишлоқ хўжалик артелининг ловиязорлари бошланиб кетади. Маҳаллий аҳоли: «Колумб фақат Американини эмас, балки ловия пишириш усулини ҳам кашф қилган» дейишиади.

Дарвоқе, Колумб бу ерга келиб тушгандага ҳеч ҳам егулик нарсаси қолмаган ва ўз ҳамроҳларини қандай қилиб тўйдириш ҳақида бош қотиради.

Маҳаллий аҳолидан алланарсаларга бир неча тухум ва пича ёф алмаштириб олади. Атрофга қараса ёввойи ловиязорлар ястаниб ётибди. Шундан анчасини тердиниб олади, қўзоқларидан ажратиб сувда қайнатади, гишгач, сувини тўкиб ташлайди, ловияга туз сепиб тухум чақади, ёввойи ошқўклардан ҳам солиб яхшилаб аралаштиради. Сўнгра доғланган ёққа солиб қўйради, тухум қотиши билан дастурхонга тортади.

Ҳай-ҳай,-ҳай,! Ҳамма ҳузур қилиб ейди, ерли аҳолига ҳам пича-пича улашилади. Ӯшандан буён қарийб аср ўтиб кетди, аммо бу таом «Колумбнинг ловия хўраги» номи билан ҳанузгача тайёрланиб келинади. Ларҳақиқат, Христофор Колумб буюк географ сайёхгина эмас, таом кашфиётчиси — пазандаги ҳамдир. Ӯша таомнинг лаззатидан баҳраманд бўлгингиз келса, янги ловиядан бир ҳовучини олиб, совуқ сувга солиб қайратинг, сувини сирқитинг. Товага икки қошиқ сариф солинг, пишган ловияни солиб 2 дона тухум чақиб аралаштириб қовуринг, таъбга кўра туз ва қирқилган укроп ёки петрушка сепинг. Тухуми қотганда оловдан олиб танаввул этиб кўрсангиз, буюк сайёхнинг зўр пазандаги эканлигига иқрор бўласиз.

## Ф. Аппер — консерва кашфиётчиси

1907 йили англиялик қутб тадқиқотчиларидан Скот билан Шеклтондан ташкил топган экспедиция Антрактидага маҳсус идишларда гўшт, дудланган балиқ, нўхат шўрва ҳамда манго мевасининг шарбатидан олиб бориб қолдиришган ва 1957 йили ўша масаллиқлар

Англияга олиб келиниб, истеъмол қилиб кўрилганда мутлақо айнимаганлиги аниқланади. Бу озиқ-овқат маҳсулотларини узоқ муддат сақлашда бир тажриба эди. Узоқ муддат сақлаш консервалаш дейилади. Маълуммий «консерва» «кенсерватория» ҳамда «консерватор» сўзлари лотинчада олингани бўлиб маъноси битта. «Консерва»— масаллиқни ўз ҳолича сақлаш. «Консерватория — талантни сақлаб қоладиган олий музика мактаби «Консерватор — сиёсий ҳолатни реакционлигича сақлаб қолувчи ташкилот ёки шахс.

Аслида масаллиқни консерва қилиб сақлаш тарихи 1800 йилдан бошланади ва у парижлик пазандаги Француза Аппер номи билан боғлиқ. Пазандаги хом ва пиширилган масаллиқларнинг мазасини ҳамда таркибини ўзгартирмай узоқ вақт сақлаш мумкин эмасмикан деган фикр устида 4 йил бош қотиради ва анчагина тажрибалар ўтказади. У шишеларга ва банкаларга пиширилган гўшт, шўрва, мева солиб қайнатади, жисплаб бекитади. Француза Аппер шиша оғзига тиқиладиган пўкакни ҳаво кирмайдиган қилиб бекитиш учун маҳсус елим тайёрлашни ҳам кашф қилган. Сақланган масаллиқлар 8 ойдан кейин очиб кўрилса, сира айнимаганлигини аниқлайди. Аппер ўз тажрибаларини давом эттираверади ва масаллиқларни қалайлаб кавшарланган тунука идишларда ҳаво кирмайдиган қилиб бекитиб сақлаш қулагай эканлигини аниқлайди. Ниҳоят 1804 йилда Нарийда шундай масаллиқларни тайёрлайдиган фабрика ҳамда шиша ва тунука идишларга солиб сақланган консерва дўкони очади.

1810 йили эса Француза Аппернинг «Ўсимлик ва ҳайвонот масаллиқларини узоқ вақтга консервалаш санъати» номли китоби нашр этилади. Франция армиясининг таъминот бўлими Француза Аппернинг фаолияти билан қизиқади. Ахир армияни узоқ походларда ҳамда йилнинг хоҳлаган фаслида озиқ-овқат билан муттаасил таъминлаш учун консервалар жуда қўл келади-да. Шунингдек у стратегик аҳамиятга ҳам эга. Қолаверса, тўкин-сочин йиллари кўплаб консерва тайёрлаб олиб, очарчилик йиллари истеъмол қилинса қандай яхши. Йўқ деганда, ёз неъматларини қиши ганиматларига айлантиришнинг ўзи катта бир кашфиёт эди. Ӯша 1810 йили Франция ҳукумати бу кашфиётнинг катта аҳамияти ва истиқболи бор эканлигини англайди. Пазандаги Француза Апперга бир йўла 12 минг франк олтин пул

билан бирга «Инсониятнинг валий неъматчиси» деган юксак унвон ҳам беради.

Дарҳақиқат консерва тайёрлаш усули ажойиб кашфиётлардан бири бўлдики, эндиликда у кундалик турмушимизга жуда сингиб кетган. Уша вақтларда Францияда кўплаб консерва заводлари қурила бошлайди, сўнгра бошқа мамлакатларда ҳам бундай заводлар пайдо бўлади. Эндиликда Ер юзидағи ҳар қандай бошқа саноати ривожланмаган иқтисодий қолоқ ва кичик мамлакатда ҳам консерва заводи борлигини ҳисобга олсақ, бу кашфиётнинг ғоят аҳамиятли эканлиги кўзга яққол ташланади. Консервани ҳатто хонадонларда ҳам тайёрлаш эндиликда жуда авж олиб кетди. Сабзавотлар, мевалар ва уларнинг шарбатларини ёзда консервалаб олиб, қишида ҳузур қилиб истеъмол этиш қанчадан-қанча одамларнинг саломатлигини сақлашга восита бўлмоқда, ахир. Ҳатто бизнинг давримизда келиб чиққан ушбу «Ёз неъмати — қишиғанимати» деган мақол ҳам консерва шарофатига айтилгандир. Консерва мева ҳамда сабзавотлар ўсмайдиган жойларда, балиқ ва гўшт етишириш имкони бўлмаган ўлкаларда, узоқ сафарларда, экспедицияларда, ҳатто космосни ўзлаштиришда инсон учун энг зарур таом бўлганлиги учун ҳам қадрлидир. Эндиликда барча мамлакатларнинг таомшунос олимлари, пазандалари ва уй бекалари ҳам турли масаллиқлардан турлича усуllibарда консервалар тайёрлашни кашф қилмоқдалар. Шу билан инсониятнинг валий неъматчиси Француа Аппер кашфиёти ўз йўлига катта аҳамиятлилигини тан олишимиз билан бирга, яна шуни баён қилишимиз зарурдирки, масаллиқларни узоқ вақт сақлаш борасида инсоният пазандалик санъати келиб чиққан ибтидоий жамоа тузумидан буён бош қотириб келади ва анчагина натижаларга эришган. Чунончи сутдан қатиқ ивитиш, сузма қилиш ва қуртоб тайёрлаш, гўшти тузлаб сақлаш, шабадада қоқлаш, қовурдоқ пишириб сақлаш, қази қилиш — буларнинг бари консервалашдир. Шунингдек мевалардан қоқи тайёрлаш (туршак, олма қоқи, майиз, олча ёки олхўри шарбатидан қоракат тайёрлашлар), сабзавотларни тузлаш (шўр карам, шўр помидор, шўр бодринг ва ҳоказо мевалардан мураббо пишириш ҳам ва бошқалар) консервалаш турларидир. Бинобарин, жаҳондаги барча пазандалар масаллиқларни узоқроқ муддатга сақлашнинг бир неча муҳитлари мавжудлигини аниқла-

ганлар. Булар а) иссиқлик муҳити: олов ёки қуёш ёрдамида қуритиб сақлаш, б) совуқлик муҳити: музлатиб сақлаш, в) шўр муҳит: тузлаб сақлаш, г) нордон муҳит: сиркалаб сақлаш, д) аччиқ муҳит: масаллиқларга қалампир, мурч ва майдаланган саримсоқ сепиб сақлаш, с) ширин муҳит: меваларга шакар қўшиб қайнатиб (мурабболар) сақлаш, ж) ҳавосиз муҳит: масаллиқлар сақланадиган идиш (жой) вакуумдан иборат бўлса ҳам микроорганизмлар ривожланмайди, и) соф ҳаволи муҳит: ҳавоси тоза, беғубор, чангиз кислород ва азонга бой жойларда (масалан тоғли жойларда) ҳам масаллиқларни анча узоқ сақлаш мумкин.

Қизиги шундаки, Ф. Энгельс масаллиқни узоқ сақлаш усулини ихтиrolар қаторига қўшади. Ўзининг «Табият диалектикаси» асарида эрамизга қадар 200 йилдан то эрамизнинг XVI асртагача ўтган давр ичида қилинган кашфиётларнинг рўйхатини келтиради. Шулар орасида XIII асрнинг иккинчи ярмида кашф этилган «балиқ тузлаш»ни ҳам келтириб, бу худди соат, дурбин ва компас каби ихтиrolар сингари аҳамиятли эканлигига ишора қиласди. Зотан бу жуда тўғри, чунки узоқ сафарларга борган денгизчилар ва сайёҳлар учун соат, дурбин, компас қанчалик зарур бўлса, озиқ-овқатни бузмай узоқ сақлаш ҳам шу қадар зарурдир.

### «Қуёш гули» мойини ижод қилган шахс

Қуёш гули — бу кунгабоқардир. Ўрта Осиёга буни ўтган асрда рус деҳқонлари тарқатишган. XVI асрда бу ўсимликни Мексикадан Европага олиб келиб экишганлиги тўғрисида манбалар бор. Лекин у вақтда кунгабоқар пистасидан мой олиши ҳеч ким билмасди. Уни гул сифатида экишар ва номини ажойиб аташар эди: «Мексиканинг қуёш гули» ёки «ердан кўкариб чиққан қуёш». Ҳақиқатан ҳам бу гул улкан диска ҳосил қилиб атрофига жойлашган сапсариқ тож барглари шамолда ҳилпираса бамисоли ёниб турган оловни ёки қуёшни эслатади. Узи ҳам доим қуёшга қараб ўсади, эрталаб кун чиқишига қараса, кечга томон кун ботарга қайрилади. Узбекча номи ҳам ўзига жуда мос — кунгабоқар. Маккажўхори «дала маликаси» бўлса, кунгабоқар «ўсимликлар шоҳидир». 1794 йилда академик Н. Севергин «Наботот шоҳи» номли китобини кунгабоқарга бағишилаган. Уша китобда ёзилишича: уш-

бу ўсимлник яра-чақага дори бўлади, пистасини тўти-қушлар хуш кўради. Ундан ёғ олиш ҳам мумкин. Қо-вурилган пистани чақсангиз кофенинг таъмини беради дейилади.

Лекин кунгабоқардан ёғ олиш 1835 йилда кашф этилган. У Воронеж губернясининг Алексеевка қиши-логида яшовчи крепостной деҳқон К. Бочкарев номи билан боғлиқ. Кашфиёт тасодифий содир бўлади: бола-чақаларини боқа олмай қолган бу бечора деҳқонда озги-на лавлаги-ю, гулхонага экиб қўйилган кунгабоқардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Пистани битталаб чақса си-ра тўйдирмайди, қоринни баттар очиради. Шундан егу-лик бир нарса тайёрласа бўлмасмикан, деган хаёлда ҳовончага солиб янчаверади, янчаверади. янчаверади. Қарасаки, ғарчча мой ҳосил бўляпти. Энди Бочкарев лавлагини қиради, шарбатига ҳалиги мойдан аралашти-ради, тотиб кўрса холва таъмини бериб турибди, лаз-зати ҳам соз.

Ана шундан эътиборан «қуёш гули»нинг пистаси-дан ёғ олиш урф бўлиб кетади. 1860 йилга келиб ўша Алексеевка қишлоғининг ўзида 120 та ёғ жувоз ишлаб тургани тарихий манбалардан бизга маълум.

Эндиликда писта минглаб гектар ерларга, экилиб, миллионлаб тонна ёғ олинади. Писта ёғи таомларда жуда кенг қўлланилади, уни доғ қилмасдан ишлатиш тавсия қилинади, сал қизиса бас, акс ҳолда куйиб ғози кетиб қолади. Писта ёғига гўшт, балиқ ва картош-ка қовурилса жуда лаззатли чиқади.

Тунука қутиларда келадиган холвасини егандирсиз, албатта. Мана шу неъмат ҳам «қуёш гули»нинг мойи-дан тайёрланади. Бу мойдан яна аъло сифат маргарин олинади. Станок, машина ва ҳар турли аппаратлар-ning нозик деталларини ҳам шу ёғда мойланади.

Ўчмайдиган бўёқлар, рангдор локлар ҳам писта мойидан тайёрланади. Хушбўй ироқи совун таркибида ҳам шу мой бор. Кунгабоқар гултожи баргларидан хинин деган дори тайёрланади. Ўшбу дори туфайли биз-нинг мамлакатимизда безгак касали тамомила тутати-ган.

Саводсиз бир деҳқоннинг чорасизликдан қилган хат-ти-ҳаракати катта бир кашфиётга сабаб бўлган. Ҳамма-сидан ҳам муҳими К. Бочкаревни биз пазандаликнинг ривожланишинга улкан ҳисса қўшган бир сиймо сифати-ла ҳурмат қиласиз.

## Жан-жак Руссо салат ва нозик қўлларнинг қадрига етган

Болгария атиргуллар мамлакати, бу ўлкада атир ва гул мойи олиш учун териладиган гулларни фақат нозик қўли қизларга ишониб тонширишар экан. Сабаби дейсизми?

Сабаби шундаки, дагал бармоқлар атиргулларнинг нозик тожибарларига теккан ҳамон эзиб, таркибидаги ифор мойини буглантириб юборар экан. Тажриба кўр-сатади: эркаклар терган гулдан 2 процент мой олинса, қизлар терган гулдан 3 процент олинар экан. Бу ҳам бир гап. Лекин, Жан-жак Руссо нозик қўлларнинг аҳамиятини XVIII асрдаёқ тушунган ва қадрига етган экан.

Машҳур француз мутафаккири демократ ва маърифатпарвар олим Жан-жак Руссонинг пазандаликнинг миридан сиригача тушунган одам эканлигини кўпчилик билмаса керак. Умуман Францияда ўтган аллома-ларнинг барчаси ҳалқ пазандалигига бефарқ қарашма-ган, иложи борича ўз ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қилишган. Файлласуф Вольтер, ёзувчи А. Дюма ва бош-қалар... Аммо ҳозир гап Руссо тўғрисида.

Руссо — салат ижодкорларидан биридир. «Салат» Француза сўз бўлиб, «тўғраб юзига туз сепилган саб-завот» маъносини англатади. Руссо помидордан салат тайёрлаган, бу таомни еганлар унга қойил қолишган. Шундай салатни бир қиз ҳозирлаганда, Руссо татиб кўриб ўзи тайёрлаган салат билан бунинг ўртасида фарқ борлигини сезган. Нега десангиз, нозик қўллар помидорни ишлаганда ҳужайраларига сира зарар етказ-май, ўтириб пичоқ билан тўғраган-да.

Эркак киши қўли ёки қиз бола қўли билан тўғрал-ган сабзвотнинг фарқини «манман» деган пазанда ҳам ажратса олмайди, бироқ Руссо бу нозик ишнинг фар-қини билган. Нозик қўллар тайёрлаган салат чинакам лаззатли бўлишини ҳаммага уқтирган.

Ҳа, нозик қўллар тайёрлаган салатга нима етсин! Сиз салат тайёрлаётганингизда помидорни эзиб юбор-манг, пиёс билан қўшиб мижиламанг. Шунда салат тотли бўлади, айниқса нозик аёл қўлларидан тайёрланган салат айниқса тотли чиқади.

## Композитор — пазанда

Францияда таом тайёрлаш ва овқатланиш катта санъат ҳисобланади. Пазандалик бобида кўплаб китоблар нашр этган мамлакат ҳам, пазандалик санъатини юксак даражага кўтара олган ҳам Франция мамлакатидир. Бу ерда пазандаларга ҳатто профессор увони ҳам берилади. Олим Брайя-Саверенанинг «Лаззат психологияси» номли асарида айтилишича, француз таомларидан киши ҳар куни бир хилидан истеъмол қилиб борса, умрининг охиригача еб тутатмаган бўлар экан. Қолаверса у ерда яна янги-янги таомлар ижод этилмоқда.

Бу мамлакатда барча таом ижод этади, ҳатто кўпгина композиторлар ҳам пазандаликда шуҳрат топган. Чунки салатларни операларнинг номлари билан атасади: «Аида», «Кармен», «Флория Тоска», «Мильон» ва ҳоказо.

Вагно исмли оддий бир ошпаз эса таомларга тузган рецептларини шеърий усулда баён қилган ва музикага солиб кўйлаган. Демак, Вагно ошпазгина эмас, шоир ва композитор ҳамдир. Композитор — пазандалар ҳақида биз Франциядагина эмас, Италияда ҳам эшитганмиз. Кўплаб опера ва ажойиб симфониялар бастакори Россинини дунёда танимаган одам йўқ, аммо у фақат композитор бўлибгина қолмай, таомларнинг бастакори эканлигини кўпчилик билмайди. Шунинг учун эътиборингизга Rossini ижод қилган таомлардан биттасини ҳавола қиласиз, унинг номи «Турне до России» деб аталади.

Мол гўштининг лаҳм қисмидан олиб, катта-кичиклиги ва қалинлиги шапалоқдек-шапалоқдек қилиб кесилади. Икки юзига майин туз сепиб, доголанган ёғда қизартириб қовуриб олинади. Нондан ҳам худди шундай бўлак кесиб, бу ҳам қовурилади. Нон устига гўштини қўйиб, гўштнинг устига жигардан тайёрланган паштет суртилади. Сўнг нон-гўшт-жигар паштетли овқатни ликопчанинг ўртасига қўйиб, чиройли қилиб кесилган помидор ва лимон бўлакчалари ҳамда петрушка барглари билан безатиб дастурхонга тортилади.

2 порциялисига 300 грамма лаҳм гўшт, 200 грамм оқ нон, 50 грамм паштет, 2 дона помидор, 0,5 дона лимон, 2 шох петрушка, 50 грамм мой (қовуриш учун), туз ва зираворлар таъбга кўра солинади.

Ушбу таомни Россияни гастролларга боргандада тайёрлаган ва дўстларини меҳмон қилган. Шунинг учун ҳам таом «России саёҳати» — «Турне до России» деб аталадиган бўлган. Италия пазандалигига ҳануз ҳам бу таом тайёрланади.

## Кавказ кабобининг шуҳратини А. Дюма кўтарган

Машҳур француз ёзувчиси Александр Дюма моҳир пазанда ҳам бўлган экан. У «Пазандалик энциклопедияси» номли катта китоби билан француз ошпазлигининг классик даражага кўтарилишига улкан ҳисса қўшгандир.

1858 йилда А. Дюма Кавказга саёҳат қилади ва бу ерда кабоб еб кўриб, жуда лол қолади. Кавказча кабоб пишириш усулини ўрганади ва Францияга қайтгач, газеталарда эълон қилиб, ҳаммага ўргатади. Мана кавказча кабобнинг Александр Дюма ёзиб қолдирган рецепти: Қўй гўшти, энг яхши лаҳм қисмидан олинади, уни катта-кичиклигини бир хил қилиб ёнроқдай-ёнроқдай бўлакларга кесилади, сўнг мўнди кўзага солиб сиркаланади. Сиркалаш учун узум сиркаси, чопилган пиёз, туйилган қалампир, кашнич уруфи (кореандр) туз ва лимон шарбатидан фойдаланилади. Оловни ёқиб, писта кўмир ҳозирланади. Энди гўштни кўздан олиб, металл ёки ёғоч сихларга иласиз, ора-орасига пиёз ҳалқаларини ҳам теринг. Гўштнинг ҳамма томонини қизартириб қовуринг, бунинг учун сих чўғ устида айлантириб турилади.

Агар кабоб ўткир таъмли бўлсин десангиз, гўштии 15 минут эмас, балки бир неча соат сиркалантiriинг. Айтайлик, металл сих нималигини билмайсиз. Бу милтиқ шомполига ўхшаш сим, хонаси келиб қолса шомполдан фойдаланссангиз ҳам бўлаверади. Масалан, менинг ўзим карабинимнинг шомполида кабоб пишириб ейман. Бу янги хизматидан милтиғим камситилаётган бўлса ҳам, лекин унинг обрўйига заррача путур етгани йўқ.»

Шундай қилиб, ўтган асрнинг 50—60 йилларида Кавказ кабоби Францияда шуҳрат қозонади. Милтиғи бор ҳамма киши кабобхўр ҳисобланадиган бўлади, солдатларни айтмайсизми, улар тушликка ҳам боришмай шамполга гўшт илиб, жазиллатгани, жазиллатган. Кавказча кабобнинг сихи бир метр келадиган узун бўлади

ва унинг номи — французча «Шампур» бўлиб, «милтиқ тозалайдиган сим» деган маънони англатади.

А. Дюма сабаб бўлиб, бу кабоб Франциядан Италияга, Испанияга ва ундан Америкага ҳам тарқалади.

### Пазандалик — ҳажвия воситаси

Улуғ рус ёзувчиси Владимир Федорович Одоевский ҳам музикашунос, ҳам кимёгар, ҳам пазанда бўлганилигини кўпчилик билмаса керак.

Ўтган асрнинг қирқинчи йилларида чиқадиган «Литературная газета»да В. Ф. Одоевскийнинг деярли ҳар куни эртак, ҳикоя, фельетон ва повестлари билан бир қаторда «Пазандалик маҳорати» туркумидаги мақолалари ҳам босилиб турган. Уша мақолаларига Владимир Феодорович ўз фамилиясини қўймасдан, балки «Ошхонашунослик ҳамда яна бирмунча бошқа илмларнинг доктори, профессор Пуфф» деган антиқа тахаллус ишлатган.

«Пазандалик маҳорати» туркумida В. Ф. Одоевский гўшт, тухум ва ошқўкларни сақлаш усуллари, сабзавот ва мевалардан консерва тайёрлаш қоидалари ҳамда рус халқининг унуглигидан таомларини тиклаш борасида жуда қизиқарли маслаҳатларни баён этади. Қизиғи шундаки, ёзувчи пазандаликдан ҳажвия воситаси сифатида ғоят усталик билан фойдаланган.

Мана ўқинг: «Қаҳратон қишида қўзиқорин, мева ҳамда ошқўклардан истеъмол этганингизни кўриб бирон хоним — Рубинами, Палинами, Виордами — буниси бизга барибир,— кўзи куйиб, хасад қилса, сиз унга қарата: «Вой тентакча-ей, сен ҳали профессор Пуфф жанобларининг маслаҳатларини ўқимадингми?—денг; «Вақтида шиша ва қопқоқ билан бирга арzon сабзавотлардан ғамлаб қўймаганмидинг?—денг. Барча билib қўйисинки, қопқоғи жипс ёпиладиган шиша банкада таомни узоқ муддат сақлаш ва узоқ элларга элтни мумкин. Консерваланган гўштни Сибирга ва Камчаткага элтса бўлади. Жанубдаги мевани шимолга келтириш мумкин. Ана ўшанда савдогар Милютин дўконида нуқул Франция меваларигина эмас, Москванинг ўз ананаслари ҳам топиладиган бўларди» деб ёзади автор.

Барча фанлар доктори, профессор жаноби Пуффнинг «Филологик тадқиқотлари туркумидаги мақолаларида рус миллий таомларининг этимологияси баён қилини-

да ва унуглигидан таомлар атайлаб халқнинг эсига солинади: «Ахир борган сари овқатлар унуглияти, кулчалардан фақат кулябка қолди. Ота-боболаримиз еган ватрушкалар, пироглар қани? Булар ер юзида ўқ, агар улар осмонда, калити худода бўлса, билмадим. Пишлоқ солинган пирог, буюртма қўймоқ, юмшоққина оқ булочка, гўштили пирожки, сарочинча сўқ ош каби серлаззат ва ноёб таомларни тотиб кўрган ёки булар ўзи нималигини айтиб берадиган бирон кимса топилмаса керак, деб ўйлайман»,— ёзади В. Ф. Одоевский.

Юзаки қараганда ёзувчи унуглиб кетаётган миллий таомларни тиклаш устида ғамхўрлик қилаётгандек туъюлса-да, бироқ очарчиликнинг асосий сабабчиси бўлган чоризмга қарши ҳажвия тигини ўхталади. Ҳамма ўқийдиган катта бир газетада қизиқарли мунозарани бошлаб қўйган доктор Пуфф бир неча ойгача жимиб қолади, ҳеч қандай мақола ёзмай қўяди, газетхонлардан тушган саволлар босилаверади. Лекин улар жавобиз қолаверади.

Бу атайн ўйланган танқидий услуг бўлиб, саволларни ҳам газетхонлар номидан В. Ф. Одоевскийнинг ўзи беради. Мисол учун: «Бузоқча буйрагини қовуриш қоидалари қандай?» қабилида саволлар жўрттага берилади. Нега десангиз, оддий халқ ўша пайтларда бузоқча буйраги тугул бир қадоқ картошкага ҳам зор яшар эди.

Бу билан машҳур сатиригимиз «Россияда ноёб таомларнинг хиллари кўпу, бироқ масаллиқ етишмайди, бунга мавжуд социал тузум айбдор» демоқчи бўлади.

Бирорлар тилидан таом тайёрлаш борасида ёзилган саволлар жуда кўпайиб кетгандан сўнг В. Ф. Одоевскийнинг ўзи жавоб қиласди. Лекин энди у профессор Пуфф бўлиб эмас, ўша докторнинг шогирди — аспирант Скормишев бўлиб жавоб қиласди.

Скормишев ёзади: «Хурматли жаноблар! Сизлардан бетўхтов келаётган саволлар ҳаддан зиёда кўпайиб кетди, жавоб бермаслик, газета шаънига ҳам тўғри келмайди. Аммо пазандалик ва бошқа илмларнинг доктори, профессор Пуфф жаноблари йўқолиб қолди. Хурматли домламнинг одати ўзи шунаقا: масаллиқлар камайиб, қимматлашди дегунча қаёққадир ғойиб бўлади. Пазандалик маҳорати осмонида ёруғ юлдуз бўлган бу сиймо қаёққа учди экан, ўзим ҳам роса қидиряпман.

Баъзи маълумотларга кўра доктор Пуфф таомшунос-

лик илмини тарқ этганиш. Бузоқ буйрагидан русча таом тайёрлашни ўргатадиган олим ўз илмини тарқ этиб, гойиб бўлган экан, саволларингизга жавоб беришни мен ўз зиммамга оламан. Лекин рус миллий овқатлари ун тутилиб кетгани учун мен улар тўғрисида лом-мим дея олмайман. Ҳа, майли ранжиманглар, бузоқ гўштидан русча таом тайёрлаш ун тутилган экан, неополитанча тайёрлаш усули мавжуд-ку, ахир. Мана ўша таомни тайёрлаш қоидалари» — деб бузоқча гўштидан неополитанча таом тайёрлаш усулини баён қиласди.

Гап шундаки, бундай таом камбағал меҳнаткашлар учун анқога шафи эди, уни фақат бойлар кирадиган ресторонлардагина катта пул эвазига буюртма қилинарди.

«Скормишев» тахаллусининг ўзида ҳам бир гап бор, бу русча «Скормить» феълидан олинган бўлиб, «едириб қўймоқ», «ҳаммасини едириб тамом қилмоқ» маъноларини англатади.

В. Ф. Одоевский, одамлар бир-бирларидан турмуш шароитлари, ҳатто едирган овқатлари билан ҳам фарқ қилганликларини авомга аста-секин уқтира бориб, унинг кўзини очиши ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги мақолаларидан шундоққина сезилиб турибди.

Ресторанларда нуқул чет эл таомлари, оддий ҳалқ овқатланадиган ошхоналарда эса русча таомлар ҳаддан ташқари дидсизлик билан, бузиб, bemaza тайёрланётганини бу тариқа уқтиради: «Янги йил дастурхони атрофидага ҳар нарсани ўз номи билан аташингизни истардим. Ошхоналарда содир бўлаётган бемаънгарчиларнинг сабаби шундаки, ликопчангизга қовурилган болтани солиб бериб, бу бифштекс, дейишади, жингаги чиқиб қовурилган ноннинг куйгани-бисквит, яласқи хўрда — бурдани эса илвасин гўштидан тайёрланган тамадди деб мақтاشади. Начора, одат шундақа: порахўрни — корчалон, ёлғончини — нияти холис, риёкор билан мунофиқни — ахлоқли одам дейишганидан кейин бүёги нима бўларди».

Доктор Пуфф жанобларининг «Пазандалик маҳорати» туркумидаги мақолаларга қарши бир «душман» ҳам пайдо бўлиб қолади. Бу аллақандай магистр Кнуф номли шахс бўлиб, профессор Пуфф жанобларига қаратада газетада ушбу очиқ хатни чоп эттиради. «Сиз жаноб Пуфф, ўз илмингиз билан замондошларнинг қорнини тўйғазишини зимманингизга олган экансиз, у ҳолда марҳамат қилингда, ҳадеб қийма байрону, лақقا балиқлардан

гапириб одамларни қийнагандан кўра, парча нонга зор бечоралар шу топда нима ейишлари кераклигидан гапиринг!

Жаноби Пуфф! Илмингизни қашшоқларга ҳам нафи борми ўзи? Сиз ўз мақолаларингизда: «Соф ҳаво иштаҳани карнай қиласди», деган масалани исботлаб ўтирибсиз, ҳа ундан кўра, инсон билан ҳайвон бир кулбада яшаб, бир хил овқатни ошайпти, мана шунинг сабабини тушунтириб беролмайсизми?».

Бу ҳам улуг ёзувчининг ҳажвий усулларидан бирин бўлиб, доктор Пуфф ва аспирант Скормишев каби магистр Кнуф ҳам В. Ф. Одоевскийнинг ўзгинаси. Буни ҳажвчнинг услубидан ҳамда пазандаликни восита қилиб кўзланган мақсадни бемалол англаб олса бўлади.

Пазандаликни ҳажвияга восита қилиб олмоқ учун В. Ф. Одоевский чиндан ҳам таомшунослик илмини пухта эгаллаган, ҳалқ таомларини тўплаган, тайёрлаш усулларини тажриба қилиб қўрган. Буни жазлаш тўғрисида юритган мулоҳазаларидан билса бўлади: «Жазлаш — масаллиқнинг сиртидаги намликни қуртиш демакдир. Шўрвага мўлжаллаб майдада тўғралган сабзавотлар ёғда жазланиб, сўнг қайнатилганда эзилиб кетмайди». Бундай тўғри хуросага келиш учун ёзувчи ошпазлик соҳасида жуда кўп тажрибалар ўтказган бўлиши керак. Владимир Фёдорович кимё фанига ҳам ихлос қўйган киши эди. У ўзининг уйидаги кимё лабораториясида масалликлар таркибини текшириш борасида анча тажрибалар ўтказган, бу тўғрида ҳам ишонарли маълумотлар бор.

### Жаҳон пазандалигининг академиги

Сирасини олганда бундай кутубхона биронта давлатда йўқ, гап шахсий кутубхона устида боради. Лекин шу одамга қойилманки, умрининг ҳаммасини пазандаликка бағишилабди. Ўзи ҳам ошпазликка оид 12 та китоб ёзиди, умумий ҳажми 220 босма қофоз.

Ҳаммаси бўлиб 3000 та китобдан иборат каттагина пазандалик кутубхонасининг эгаси ким? У киши Цюрих шаҳридаги «Цум шмиден» қаҳвахонасининг қандолатчиси Ш. Шремли деган кишидир.

<sup>1</sup> Барча цитаталар «Литературная газета»нинг 1842—1844 йил сонларидан таржима қилиниб олинди. Подшивка Т. Шевченко номли Киев Давлат Университетининг асосий кутубхонасида сақланади.

Ш. Шремли ўзи ижод этган таомларга поэтик номлар қўйишга ҳам уста. У ижод қилган печенъелардан бир хили «Нилуфар гултожи» деб аталади. Мана ўша печенъени тайёрлаш усули: маска ёғини шакарга яхшилаб қориширгандан сўнг, бунга қовурилган ва янчилган бодом мағзини ва пича сода қўшиб, хўп аралаштирилади. Кейин шу хамирни пешхонга олиб, диаметри 3—4 сантиметр келадиган чилвир қилиб чўзилади ва 2 соат давомида холдильник музхонасида совитилади. Кейин олиб паррак-паррак қилиб кесилади-да, қиздирилган духовкада 5—7 минут давомида пиширилади. Ҳар бир печенъе юзини эритилган шоколад томчилари билан безатилади.

Масаллик: 500 грамм ун, 350 грамм шакар, 250 грамм маска ёғи, 2 дона тухум, 250 грамм бодом мағзи, 1 чой қошиғида сода керак бўлади.

Биз учун қизиги шундаки, Ш. Шремли биттагина эмас, юзлаб таомларни ижод этган ва минглаб пазандалик китобларини тўплаган шахсdir. Жаҳондаги барча ҳалқлар 6 мингга яқин тилда гаплашади. Пазанданинг кутубхонасидаги китоблар 1753 тилда ёзилгандир. Бу подир асарларни у кўпгина мамлакатларга қилган саёҳатларида ва бирорлар орқали олдириб тўплаган. Ш. Шремли китобни бебаҳо бойлик деб ҳисоблаганлигидан сотувчи айтган нархига савдолашиб ўтирумай харид ғилаберган. Ана шу 3000 томни у полкаларга териб чанг бостириб қўймай таржимонлар ёллаб ўрганиб чиқсан. Шунинг учун биз муҳтарам Шарл Шремлини кичик бир қаҳвахонанинг оддий бир қандолатчисигина эмас, балки жаҳон пазандалигининг академиги деб биламиз.

### Ресторан тарихи ва таърифи

Жамоат овқатланиши муассасалари — чойхона, ошхона, буфет, тамадхона, кафе кабилардан иборат бўлиб, шулар орасида муҳим ўрин тутадигани ресторандир. Рестораннынг юқорида санаб ўтилган овқатхоналардан фарқи шундаки, бу жойда овқатланиш дам олиш, музика тинглаш билан қўшиб олиб борилади. Яна ресторонда таомни буюртма (заказ) берib тайёрлатиш имкони бўлади, банкет, юбилей, тўй уюштирилдиган ҳамда меҳмонни уйга таклиф қилишнинг иложи бўлмаган кезларда олиб кириладиган жойдир.

Рестораннынг келиб чиқиши XVIII асрда яшаган франциялик пазанда Буланже фаолияти билан боғлиқ-

дир. Бу бундай бўлган: пазанда ўзига қарашли кичик бир ошхонани қайта ремонт қилиб кенгайтиради, залга устига мармар тахталар қопланган столлар қўяди, юмшоқ ўриндиқларни эса ҳар бир стол атрофига тўрттадан жойлаштиради. Илгари ошхона ўртасида усти ғадир-будир тахтали узун стол, дастурхон ҳам солинмас, икки томонига қўйилган шалоқ скамейкада одамлар бир-бirlарига тирсаги тегиб, қисилиб ўтириб овқатланар ёки тўнтирилган бочка устида еб кетаверар эдилар. Энди эса анча қулайлик яратилади.

Ҳар бир ўриндиқ учун биттадан ликопча қўйилади. Ликопча Францияда 1498 йилда пайдо бўлиб, ундан фаяқ Людовик XII саройида уюштириладиган зиёфатлардагина фойдаланилар эди. Буланже ликопча ёнига биттадан вилка ҳам қўяди. Вилка Францияда XVI асрда пайдо бўлган бўлса ҳам, ундан ёлғиз зодагон оиласалар фойдаланар, оддий ҳалқ эса овқатни қўлда ер эди. Пазанда вилка билан бирга учи тўмтоқ пичноқ ҳам қўяди. Бундай пичноқ ишлатишни ўша XVIII асрда Буланже жорий қиласди.

Ҳар бир столнинг ўртасига ва деразаларга тувакда гуллар ҳам қўяди. Аҳамиятлиси шундаки, кираверишга у лотин тилида шундай эълон осиб қўяди. Эркин таржима қисак маъноси бундай: «Хўрданалар! Барчангиз менинг ошхонамга келаверинглар. Қимнингки ошқозони ишламаса мен реставрация қилиб тузатаман ва кучини тиклайман! Пазанада Буланже».

Ана шу эълон барчанинг эътиборини ўзига тортади. Бу ерга ошқозони касалларгина эмас, бекорчиликдан безор бўлганлар ҳам, қизиқсинганлар ҳам, шинам жойда овқатланиш ҳузурбахш эканини англаганлар ҳам келаверади. Пазанда ҳам ваъдасига вафо қиладиганлардан экан, ким қандай таом буюртма берса, тайёрлаб бераверади. Тез орада Буланженинг довруғи ортади, унинг ошхонасини одамлар ҳалиги эълондаги «реставрация» сўзи билан атайдилар, яъни французча талаффузда «реставрацион» бўлади. Кейинчалик бу сўз «рестоврант» тарзida, бора-бора ўзгариб «ресторан» деб аталадиган бўлиб кетади.

Бошқа мамлакатларда ташкил этилган шундай овқатхоналар ҳам ресторан деб атала бошлайди. XIX асрда келиб Парижда ўнлаб ва бошқа йирик шаҳарларда ҳам кўплаб ресторанлар очилади. Ресторанлар айниқса меҳмонхоналар қошида бўлиши урфга айланади.

XVIII асрдан то XX асргача Франциянинг ўзида ва бошқа Европа мамлакатларида ташкил қилингандай ресторанларда ҳар хил ўзига хосликлар жорий этилади. Масалан, Швецарияда ресторанга киришнинг ўзи бир тантанаворлиқдан иборат бўлсин учун эшик ёнига хўрандаларни хушумоалалик саломи билан кутиб оловчи ва хайр-хўшни қуюқ қилиб яна ташриф буюришларини илтимос қилувчи дарвозабон қўйилади. Бундай дарвозабонлар ресторанга кирувчилар сонининг кўпайишига сабаб бўлганлиги туфайли кейинчалик Германия, Италия, Англия, Россия ва бошқа мамлакатлардаги ресторанларга дарвозабон қўйиладиган бўлади, уларни швецарлар (яъни швецарияликлар) деб атайдиган бўлади. Швецар-дарвозабонликка соқоли кўкрагига тушадиган нуроний чоллар танланади. Уларга бамисоли генераллар формасини эслатувчи махсус кийимлар кийдирилади. Ахир генерал формасидаги кекса бир киши ташриф буюрувчиларнинг барчасига бирма-бир бош эгиг салом билан кийимларини олиб гардеробга илиб, чиқиб кетаётганларида хушомадгўйлик билан кийинтириб турса қандай яхши, нақадар ёқимли!

Италияда очилган ресторанларда яна бир ўзгача янгилик жорий қилинади: ташриф буюрувчиларни залда музика билан кутиб олинади ва овқатланиш давомида классик опералардан куйлар янграб туради.

Россия ресторанларида жорий этилган ўзига хослик шундан иборат бўладики, бу ерда деразаларга қўлда тўқилган ҳар хил тўр пардалар, деворларга эса табиат манзараларини акс эттирувчи суратлар осиб шинам қилинади. Англияда эса пазандалар Ҳиндистон, Хитой ва Франциядан келтирилган.

Кўриниб турибдики, ресторан ишига Европадаги мамлакатлар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Ана шу турли хусусиятлар муштарак ҳолда очилган ресторанлар Америкада ҳам пайдо бўлади. Бу ерда ресторан ишига киритилган янгилик шундан иборат бўладики, столлар атрофи ўралиб махсус кабиналарга айлантирилади. Зотан ташриф буюрувчиларнинг фахш мақсадларига ҳам имкон туғдириш учун шундай қилинади.

Албатта ресторан хизматидан асосан пулдор эксплуататор синфларгина фойдаланган. Дарвоқе, ресторанларда атир сепиши одати ҳам бор. Бу одат қаердан келиб чиққанлиги маълум эмас, аммо ресторанга кириш худди театрга боргандек покиза кийиниб келишини талаб қила-

ди. Бироқ бу жойга пули бор қиморбоз, юлғич, ўғри шахслар ҳам кириб қолган, соқолини қирдирмаган, устбоши япасқи, танасидан қўланса ҳид келиб турадиган бундай шахслар чиқиб кетаётганларида швецар уларнинг уст-бошларига атири сепиб қўяди. Маъноси: «Яна ташриф буюрмоқчи бўлсангиз, ўзингизга эътибор бериброқ келинг!» дегани бўлган. Эвазига чойчақа бериш эса шундай муҳтарам швецарни гадой деб ҳақорат қилишга тенг бўлган. Афсуски, буни эндиликда атири сепадиганлар ҳам, сепдирувчилар ҳам билишмайди. Бу одат ҳақоратнинг нозиклаштирилган шаклидир.

Швецарларга «чой-чақа бериш» каби ярамас одат XIX аср ўрталарида келиб чиқкан. Буни бойваҷчалар, манмансираган шахслар, осонликча пул топувчилар, ўзларини бошқалар наздида «сахий» деб кўрсатмоқчи бўлиб шундай аҳмоқона йўл туттганлар: «Чойчақа бериш» билан баъзи ахлоқи бузук кимсалар гўзал раққоса, хонанда ва официанткаларнинг эътиборини қозонишмоқчи бўлганлар.

Бизнинг давримизда бундай мудҳиш сарқитнинг олдини олиш ресторан ишининг муҳим вазифаларидан бириди. Эндиликда рестораннинг вазифаси бутунлай ўзгача. Бу жой меҳнаткашларга холис хизмат қиласидиган, лаззатли таомлар тортиқ қиласидиган оромгоҳидир. Бунга Фарбий Европа мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатлари ўз ҳиссасини қўшган бўлсада, ресторанни дастлаб иктиро этган Буланжени биз пазандалик ривожига катта ҳисса қўшган киши сифатида ҳурмат қиласиз.

### Лавлагидан қанд олиш — К. Кирхов кашфиёти

Инсониятнинг қандга бўлган талаби айниқса XVIII асрга келиб сира қондириб бўлмайдиган даражада ортиди. Шакар қамиши дунёнинг фақат тропик мамлакатларидагина ўсади. Нима қилиш керак? Таркибда қанд бор ўсимликлар кўп, лекин улардан қандни ажратиб олиш фоят қимматга тушади.

Лавлагидан қанд олиш айни муддао бўлди. Илдиэмевали бу сабзавотдан инсоният икки минг йилдан бўён экиб фойдаланиб келади, бироқ ундан қанд олиш мумкинлиги хеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган.

1747 йили петербурглик доришунос Константин Кирхов аптека учун зарур бўлган гумми арабик танқислигидан жуда боши қотиб юради. Дориларга қўшиладиган

бу нарса араб мамлакатларида ўсадиган маҳсус дараҳтнинг елими эди. Бундай елим фоят камчил ва қимматбахо бўлганилигидан К. Кирхов кимёвий йўл билан уни ҳосил қилиш устида кўп ишлар олиб боради. Бир куни у лавлагини қириб шарбатини ажратиб унга бир оз олтингургут қўшиб қайнатади, қуйилсин учун яна бир оз крахмал ҳам қўшади... Қайнаётган модда тиниқ тортади, суви ва кислотаси бугланиб қуида бошлайди ва худи араб елимига ўхшаб қолади. Кирхов ўйлади: «Буни дориларга қўшсам, одамларга берсам, бирон кори ҳол бўлиб қолмасин яна? Аввал ўзим тотиб кўрайчи... Тотиб кўрса асал, асал! Шундай қилиб лавлагидан қуюқ шинни олиш усулини кашф қылганилигига доричининг ўзи ҳам лол қолади. Чунки шакарқамиш ўсмайдиган мамлакатларда қанд ишлаб чиқариш учун асосий ҳом ашё энди лавлаги бўлиб қолиши катта кашфиёт эди. Бу кашфиёти учун Петербург фанлар академияси Константин Кирховга академик унвони беради. Тез орада Россияда дастлабки қанд заводи ташкил этилади. Бундай завод аввалига Тула губернясининг Алябьев қишлоғидаги кичик бир саройда жойлашган эди.

1792 йилда Москва университетининг профессори Бингнейм лавлагидан қанд тайёрлаш технологияси тўғрисида китоб ёzáди. Шундан сўнг қанд заводларининг сони йигирмага етади. Кашфиётдан бир аср кейин — 1848 йили қанд заводларининг сони 340 тага етди. Уша кезларда лавлаги таркибида шакар мoddаси 4—6 процентгача бўлган экан. Кейинчалик селекционер олимларнинг маҳорати билан лавлагининг ширадорлиги 7, 8, 10, 15 процентгача ортирилган.

Хозир бизнинг мамлакатимизда қанд ишлаб чиқариладиган лавлагининг шакар мoddаси 24—25 процента боради. Гектаридан олинадиган ҳосил бўйича ҳам, дунёда рекорд натижа ҳам бизнинг мамлакатимизда — 1500 центнер! Бу ҳом ашёдан 260 центнер шакар олиш мумкин.

### Кефир ижодкори — Ирина хоним

Утган асрда Осетия элатида сутдан тайёрланадиган ичимлик мавжуд бўлиб, унинг номини кайф деб атар эдилар. Дарҳақиқат ичганда кишига ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган ушбу неъматни 1883 йили ялталик врач В. Димитриев текшириб кўриб: «шифобаҳш ва анчагина

касалликларни даволашда қўллаш мумкин» деган хуло-сага келади. Бошқа врачлар ҳам: «кайф ичимлиги иштана очадиган, чанқоқни босадиган, буйрак, ошқозон ва ичак хасталикларига дори» эканлигини тасдиқлашди.

Аммо осетинлар кайфни қандай тайёрлаш керак, деган саволга жавоб бермас, «узумини енг-у, богини суриштируманг» қабилида иш тутиб, унинг технологиясини сирсақлар эдилар.

1908 йили Бутун Россия врачлар жамиятидан сут саноатининг монополисти Н. Бландовга мурожаатнома келиб, унда Москва касалхоналари учун кайф ичимлиги тайёрлаб бериб турилишини илтимос қилинган эди. Н. Бландовнинг Кисловодск атрофида ўн иккита сут тайёрлов пунктлари ва пишлоқ заводлари бор эди. Кайф ичимлигининг технологиясини аниқлаш иши ўша заводлардан бирининг ходими Ирина Сахаровага топширилди. Бу вақтда Ирина 20 ёшларда бўлиб, Рязандаги чорвачилик ва сут хўжалиги мактабини тамомлаган ва Кисловодска ишга янги келган эди.

Топшириқ олган куни ёк Сахарова завод мутасаддиси Васильев билан бирга тоққа Осетин князи Бек Мирзаникига меҳмонга боради. Карсунка овулида меҳмонларни шарқона илтифот билан қабул қиласидилар, қўйлар сўйиб хўп сийлайдилар, бироқ гап кайф ичимлигига келиб тақалганда тоғликлар лом-лим демайдилар, тилла эвазига сўралган кайф ачитқисини турли баҳоналар билан бермайдилар. Тарвузи қўлтиғидан тушган Сахарова билан Васильев извошга ўтириб маъюс қайтар эдилар. Тўсатдан извошни қандайdir отлиқлар қуршаб олади. Хашпаш дегунча нозанин Ирина ўзини тоф даралар орасида қушдай учиб бораётган чавандоз ҳисбисда кўради ва ҳушидан кетиб қолади...

...Тонгда у ўзига келса, қандайdir кулбада ётибди. Тошбақа нусха бир кампир унга далда берарди:

— Йиглама, тентак қиз, князимизга малика бўласан!

Кампир кўзада муздек, юракни яшнатадиган ичимлик келтириб қўяди.

— Кайф деган ичимлик шуми? — сўради Ирина.

— Ҳа, болам.

— Қандай тайёрланади?

Кампир жавоб ўрнига муғобирона илжаяди ва гапни бошқа томонга буради.

Шу орада Васильев полициячилар билан бирга Иринани қутқаришга келиб қолади. Бир неча кундан сўнг

эса князь Бекмирза ўз қилмишлари учун судга чақириллади.

— Балки кечирарсиз, дейишади овул оқсоқоллари. Иринани ўртага олиб, — ахир у сизга сира зарар етказгани йўқ-ку!

— Балки кечирарман, — деди қиз ҳам, — аммо шартим бор: князга айтинглар, у менга кайф ачитқисидан ўн қадоқча берсин.

Қамалишдан кўра, сир очиш афзаллигини сезган князь рози бўлади.

...Мана ўша ачитқи Ирина қўлида. Шифил қуруқ, буфдойсимон дона-дона, ювуқсиз соначнинг бадбўй ҳиди бурқсиёди? Ачитқи қўлга киритилди-ю, бироқ тайёрлаш усули ҳамон номаълум. Нима қилмоқ керак? Хўрлик дарвозасидан қайтган бўлса ҳам Ирина ўзини баҳтиёр сизарди.

— Барибир топаман, — деди у ўзига-ўзи, — аввало ачитқини бадбўй ҳиддан халос этиш керак.

Ачитқи ювиб кўрилди, яна, яна ювилди. Доналар чигитдек бўрта бошлади. Сутга ташлаб кўрилса, қатиқ ивиди, аммо уни оғизга солиб бўлмайдиган даражада бадбўй чиқди. Яна ювиш, яна тажриба... бир ҳафтагача мижжак қоқмаган Ирина натижага эришгандек бўлди. Хушҳўр чалоп олинди. Дарҳол микроскоп остига! Ҳаммаси покиза, нодаркор микроорганизмлар йўқ. Энди қанча сутга қанча ачитқи зарурлиги аниқланса бас.

Оддий қатиқقا 4 процент ачитқи солинади, бунга-чи? Кетма-кет ўтказилган тажрибалардан сўнг энг яхши норма икки яirim процент деган хулосага келинди. Ниҳоят, Ирина тайёрлаган кайф ичимлигига баҳо бериладиган кун ҳам келди. Тўгарак стол атрофида синчков чашначилар... Оғзи кенг шишаларда ивитилган маҳсус қатиқ стаканларга қўйилиб, узатиб турилибди. Чашначилар бир-бир хўплашади-ю, тамшаниб ўйга ботишади, дафтарчаларига қандайдир белгилар битишади. Яхши нарса ҳамиша яхши бўлади-да. Ўн нафар чашначи бир оғиздан «кальо» баҳо қўйишади. Бирори бундай таклиф ҳам кирилади: кайф ичимлигининг тайёрлаш усули маҳфий тутилгани ҳолда Ирина Сахарова матонати билан янги технология жорий қилинганлиги учун ҳам бу нематни «кайф Ирина» қисқаси (кефир) — деб аталсин.

Шу-шу бўлди-ю, 1909 йилда кефир дунёга келади.

## «Алифбе» печенъелар

Инглиз пазандалигига кекс, пирожний, вафли ҳамда печенъелар анъанавий таомлар ҳисобланади. Шуларнинг ҳар бирининг келиб чиқиши тўғрисида турлича ривоятлар юради. XIX аср ўрталарида инглизлар орасида саводсизлар кўп бўлган. Саводлиликни ошириш масаласини қирол ҳузурида ёки парламентда кўриб чиқиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган. Мактаблар кам, кексаларга ҳам савод ўргатиш эса амри маҳол. Лекин Жонатон Керр исмли бир пазанда инглиз алифбесидаги ҳарфларга ўхшаган печенъелар ижод қиласи ва ҳарф — печенъелар тайёрлайдиган машинани ҳам кашф қиласи. У ўз олдига, шу печенъелар одамларни ҳарф танишга ўргатади, деган мақсадни қўяди. Натижка ёмон бўлмайди. Ҳарф ўрганишга мойили бор одамлар кўпайганлиги ушбу хил печенъеларга бўлган талабнинг ортиб кетганлиги билан ифодаланган. Масалан, 1840 йилда Жонатон Керр 500 тонна алфавит печенъе тайёрлаб сотганлиги тўғрисидаги хабар оғиздан-оғизга ўтиб бизгача етиб келган. Жонатон Керр бир томондан жуда бойиб кетган бўлса, иккичи томондан эса маърифатпарварликда XIX аср Англиясидаги foят катта бир муаммони ҳал этган пазанда ҳисобланади.

## Мика! Сиз ўзи кимсиз?

Асримизнинг 20-йилларида Югославияда Мика Алас исмли бир ажойиб шахс ўтган. Мика ким? — деб сўрасангиз, бирори уни Белград университетида 50 йил математикадан дарс берган профессор, 250 илмий асарнинг муаллифи деб жавоб беради. Яна бирори бу саволга Мика Аласнинг машҳур скрипкачи бўлганини, халқ ашуаларининг яхши билагони эканлигини айтади.

Яна бирори Микани балиқчи дейди. Унинг асли фамилияси Петрович бўлган. «Алас» — балиқчи дегани, — унинг тахаллуси. Бу тахаллусга у Сава ва Дунай дарёларида студентлик давридан бошлаб ҳафтада бир марта балиқчилик қилгани, ўз қайири, тўру қармоғи ва ҳаваскор балиқчилардан бригадаси бўлгани учун эришган. Ҳатто мутахассис балиқчилар ҳам Мика Аласдан балиқни қачон, қаерларда, қанақасини тутиб олиш мумкинлигини маслаҳат сўраб юришган.

Тўртинчи шахс зўр бериб Миканинг пазандада бўлганлигини уқтиради.

Югославиянинг энг ноёб ва ажиг лаззатли таоми «аласа чорба» (балиқ шўрваси) Миканинг ижодига мансубdir. У ўзи овлаб келган балиқларини яхшилаб тозалаб, кавшарланган катта мис қозонда пиширад, зира ворлар соглганда атрофни ажиг иштаҳа бахш этувчи ҳил тутиб кетар экан. Мика «аласа чорба»нинг милтиллатиб қайнашига монанд камон тортиб скрипкада куй чалиб, меҳмонларни кутиб олар экан. Ҳатто чет эл дипломатлари ва баъзи ҳукумат аъзолари ҳам «аласа чорба» дегустациясига таклиф этилишини ўзлари учун шараф деб билганилар. Баъзан бундай меҳмондорчиликка 500 гача одам интилиб, катта тантана билан давом этган.

Мика Алас ана шунаقا. Математик, музикачи, балиқчи бўлиши билан бирга пазандаликка ҳам катта ҳисса қўшган одам бўлган.

### Еленахоним хизматлари

Елена Ивановна оддий уй бекаси, Курск шаҳрининг архитектори И. П. Молоховецнинг рафиқаси. Хизматлари шундаки, Елена хоним рус халқининг пазандалиги тўғрисида дастлабки китоб ёзган. 1981 йили «Ёш уй бекаларига тухфа» деб номланган ана шу китоб нашр этилганига роҳса 120 йил тўлган эди. Автор кўп йиллар давомида бепоён Россиянинг барча губернияларига шахсий экспедициялар ўюштиради, юзлаб шаҳар ва қишлоқларда, минглаб одамлар билан сұхбатлар қуради. У айниқса, уй бекалари, деҳқонлар, боғбонлар, чорвадорлар, ошхона ва таъмдихоналарнинг мутахассислари, зодагон оиласаларнинг хизматкорлари (губернаткалар, кухаркалар, экономиклар) дан ҳалқ пазандалигига оид жуда кўп қимматли материаллар тўплайди.

Маълумки, Россиянинг узоқ ўтмишидан то шу китоб ёзилган 1861 йилга қадар тарихда қанчадан қанча урушлар, босқинчилликлар каби ижтимоий оғатлар билан бирга қурғоқчиликлар ва ҳосилсизликлар каби табиий оғатлар кўп бўлган. Мана шу оғатлар пазандаликка салбий таъсир етказади, ҳалқ ижодига мансуб кўплаб таомлар узоқ вақтлар ҳукм сурган масаллиқсизликлар натижасида тайёрланмай қолиб, унтутилиб кетади. Айниқса, пазандаликдан китоблар ёзилмаган бўлса бундай унтутилиш давом этаверади. Кўплаб ноёб, серлаззат, ши-

ғобахш таомларнинг рецептни ва тайёрлаш усуллари сўмзиё бўлади. Пазандаликда сир тутиш усули бўлганлигидан эса талантли ошпазлар, нонвойлар, қандолатчилар ва ш. к. мутахассисларнинг вафотидан сўнг ҳам ҳалқ қўпгина аввойи таомлар тайёрлаш усулларидан маҳрум бўлиб қолади.

Елена Ивановна Молоховецнинг хизматлари шундаки, у ана шу уннотларга биринчи бўлиб чек қўяди. Уз саёҳатлари давомида одамлардан кимнинг эсида пазандаликка оид нимаики сақланиб қолган бўлса дафтарига ёзиз юради. Узлуксиз тажрибалар ўтказиш давомида юзлаб таомларнинг рецептни ва тайёрлаш усулини қайта тиклайди. 10 йил машаққатли меҳнатлари давомида автор рус ҳалқининг 8000 хил таоми бор эканлигини аниқлайди.

Бунча маълумот қалинлиги бир қарич келадиган иккита китобга жо бўлади (муболага эмас, ҳар бир томи минг варақдан). Еленанинг хизматлари яна шундаки, у ўз китоблари билан рус пазандалигини шу вақтгача классик деб ҳисобланиб келинаётган Хитой ва Француз пазандаликлари қаторига қўша олади. Бошқа ҳалқларнинг пазандалиги бу даражага етиши учун жуда кўплаб китоблар ёзилиши керак. Аммо Еленахоним ўзининг биринчи китобида ёқ бунга эриша олган сиймо. «Ёш уй бекаларига тухфа» китобининг аҳамиятилигини яна шу фактдан ҳам англаш мумкинки, бир аср ичидаги (1861—1961) ҳар 3—4 йилда бир мартадан 29 марта нашр этилган. Уша китобнинг дастлабки нашри Москвадаги Салтиков-Шchedрин номидаги кутубхонада нодир асар сифатида сақланмоқда.

Елена Ивановна Молоховецнинг бу китоби жаҳон пазандалиги тарихида ўзига хос катта тўнтариш ясади, десек ҳам муболага бўлмас. Негаки, анъянага кўра ҳозир ҳам бутун дунёдаги врачлар дори-дармон рецептларини лотин тилида ёзадилар, шунга ўхшаш бир вақтлар пазандалар ҳам таомларнинг рецептларини француз тилидагина ёзар эдилар. Е. И. Молоховец ўз китобини рус тилида ёзди. Шундан сўнг барча миллий ошпазликдаги китоблардаги рецептлар ҳам ўз она тилларида ёзиладиган бўлади. Бу ҳол пазандалик сирларидан барчанинг бемалол баҳраманд бўла олиши имкониятини келтириб чиқаради. Яъни «пазандалик — пазандалар учун» деган нотўғри фикрга барҳам берилиб, «пазандалик ҳалқ учун» деган шоир фалаба қиласи.

шундаки, автор ушбу китобни халқ билан бирга ёзади: барча материални халқдан тўплади, халқнинг урф-одати, тилини яхши ўрганди, халқ пазандалигидаги услугубларга беинстисно риоя қилади. Барча таомларни ўз уй лаборатория-ошхонасида тайёрлаб тажрибада синаб, системага солиб, ўз олимлик назаридан ўтказиб ана шу таомлар коллекциясини бебаҳо бойлик, пазандалик санъатининг дурдоналари сифатида китоб сандиқчасига жойлаб халқнинг ўзига қайтариб беради.

### Сосиска ижодкорининг тақдири

Ўтган асрда германиялик Паул Шульц исемли қассоб иш қидириб Америкага бориб қолади. У узоқ вақт касбига лойиқ иш тополмай хуноб бўлиб юрганда газеталардаги бир эълон унинг эътиборини тортади: «Чикаго шаҳридаги катта кушхонада вакант жой бор» дейилган эди унда. Шульцининг баҳти кулгандай бўлди. Мана энди у ўз севган хунари билан машғул бўлиши мумкин, лекин ҳаёт кечириш жуда оғир, ойликка яшаш қийин, ишга келиб ҳар минутда ҳайдалиб кетиш хавфи ҳам бор эди, албатта. Бошқа яна бирор хунар орттирасмикан, деб ўйлаб юради, бироқ қандай қилиб? У ҳар куни бир қулочча аччиқ ичак олиб кетар ва арендага олган япасқи кулбасида шуни пишириб, қовуриб еб тирикчилик қилиб юради. Бир куни аччиқ ичакка қийма солиб хасип тайёрлади, бинойидек.

Кушхонада минглаб сўйилаётган ҳайвонларнинг узундан-узун аччиқ ичакларининг озигина қисмидан музика асбобларига тор ясалар эди, қолгани хандакка улоқтирилар, итларга берилар эди. П. Шульц ўз тажрибаларини давом эттираверади. Қиймага янчилган пиёз, саримсоқ қўшиб тайёрлади. Қалампирмунчоқ, лавр япоги қайнатмаларидан ҳам қўшиб кўради. Қиймага яна таомларга қўшиладиган селитра ҳам солиб тажриба ўтказади, у ўзи ижод қилган хасипни «сосиска» деб атайди. Мол гўштидан, қўй гўштидан, чўчқа гўштидан тайёрлаб кўради. Энг яхши сосиска кичкина чўчқачаларнинг гўштидан тайёрлангани бўлиб чиқади. Автори уни «сутли сосиска» деб номлади. Билмаганлар ҳануз ҳам сутли сосискага сут қўшилса керак деб ўйлашади, ийӯқ, ундай эмас, балки «сут эмиб турган чўчқа боласининг гўштидан тайёрланган» деган маънени англашади. Хуллас, П. Шульц сосисканинг жуда хушхўр ва картиллама хилини кашф

қиласди. Буниси селитра, саримсоқ ва ҳар хил зираворлар аралаштириб тайёрланган қиймани аччиқ ичакка қуйиб калта-калта қилиб боғлаб буғда пиширилади. У ўз кашфиётига она шаҳри Франкфурт номини ҳам беради. Аммо содда қассоби тушмагур пазандалик соҳасида қилган ушбу ажойиб кашфиётини сир тутиши зарурлигини англамай қолади. У ким кўринса унга майда хушхўр колбасачалар тайёрлаш рецептини ва технологиясини оғзаки айтиб юради, тажрибада пишириб ўргатаверади. Натижада капиталистик рақобат бу камбағалнинг бошига ҳам бало бўлади. Сосиска тайёрлаш технологиясига патентни бошқа корчалонлар олиб бойиб кетишади. Чикаго, Сан Франциско, Вашингтон, Нью-Йорк ва бошқа шаҳарларда кўплаб сосискахоналар очилади. Фалакнинг гардиши билан П. Шульцини қушхонадан ҳайдаб юборишади. Қариган чоғида борйўғидан ажраган бу ғарib бирорта сосискахонага ишга киришга умид боғлар эди. Унга ваъда ҳам қилдилар, бироқ «эртага келинг», «индинга келинг» деган бюрократлик жонига теккач, очлик азобидан изтироб чеккан бу кашфиётчи сосискахоналарнинг бирига бориб остонасига бош қўяди-ю э воҳ, жон беради!

Одамийлик юзасидан шуни айтишимиз керакки, юз ийлдан бўён жаҳон мамлакатларида тайёрланган сосискалар неча миллион километрни ташкил қиласкан? Буни ҳисоблаб бўлмайди, албатта, лекин ана шу беҳисоб неъматнинг ижодкори Паул Шульц эканлиги ва бу таом «Франкфурт сосискаси» номи билан жаҳоннинг турли мамлакатларида ҳамон сотилаётганлигининг ўзи ушбу таом ижодкорига бўлган ҳурматимиз далолатидир.

### Замонамизнинг энг ижодкор пазандаси

Ҳар бир ошпаз тайёрлаётган таомларини рисоладагидек пиширишга интилса чакки бўлмайди, албатта, бироқ бу касб. Агар пазанда ўз тажрибалари, маҳорати ва фантазиясига таяниб тайёрланаётган ҳар бир таомга қандайдир фойдали ўзгартиришлар киритса, ёхуд янгича овқат пишириш усулини ва рецептини кашф этса, буниси — ижод бўлади. Пазандалик — санъат экан, у ижодсиз равнақ топа олмайди. Шу сабабли биз, ёлғиз мутахассис ошпазлардагина эмас, ҳатто кундалик таом тайёрлаётган ҳар бир уй бекасида ҳам қандайдир янгиликлар борлигини, пишириш ишига ижодий ёндашаётганликлар

рини доим кузатиб борамиз. Худди шу ҳол янги-янги таомларнинг келиб чиқнишига сабаб бўлади.

Ҳозир ҳикоя қилмоқчи бўлган пазанданинг бошқалардан фарқи шундаки, у ўз ижодини илмга асослаб юқори даражада олиб боради, яъни новаторлиги билан ажралиб туради. Бу киши таом ижодкорлиги тўғрисида диссертация ёқлаб, фан кандидати деган илмий даражага сазовор бўлган, Москвадаги Г. В. Плеханов номли Xалқ хўжалиги институтининг доценти Владимир Михайловdir. Унинг тавсиялари аср-асрлардан буён тайёрланниб келинаётган юзларча таомларнинг технологиясини тамомила ўзгартиришга қаратилади. Зероки, у киши анъанавий эски технология барчага бирдай мақбул бўлса-да, барибир камчиликлари борлигини аниқлайди. Яъни кўп қовуриш, узоқ қайнатиш давомида масаллиқлардаги анчагина фойдали неъматлар беҳуда ғойиб бўлаётганини, тайёрлаш жараёнида узоқ вақт ҳамда ортиқча иссиқлик энергияси сарфланаётганлигини исботлаб беради. Масалан, асрлардан буён рус пазандалигида боршч тайёрлаш учун ҳар гал 3 соат вақт сарфланиб келинарди. В. Михайлов ижод этган технология бўйича бу таомни 30 минутда пишириш мумкин экан. Чунончи, гўшт қайнатилган шўрвага майда тўғралган карам, лавлаги, сабзи, картошка, помидор, пиёз ва ошқўкларни бирданига солиб қопқоги жипс ёпилган ҳолда 10—15 минут давомида бир қайнатиб олиниади-да, шу ҳолда очмасдан 15—20 минут димлаб қўйилади. Шунда таом ҳалиги 10—15 минут қайнатиш давомида масаллиқлар бағрида тўпланган (яъни аккумуляция қилинган) иссиқлик ҳисобига батамом пишиб етилади. Буни узоқ қайнатишнинг ва кўп кутишнинг ҳожати йўқ, қолаверса, қопқоғи жипс ёпилган идишдан зарур неъматлар: витаминалар, жавҳарлар, сабзавотларнинг хушбўй ҳиди (ифорлар) буг билан беҳуда учиб кетмайди, натижада шундай бир лаззат гаммаси хосил бўладики, буни ўша-ўша масаллиқлардан тайёрланган бўлинса-да, мутлақо янги таом рўйхатига киритиш мумкин. Ёки янада бир мисол: гўштни ҳил-ҳил қилиб пиширишнинг анъанавий усулида камида 2 соат вақт ва шунга кўра энергия ҳам сарфланар эди. В. Михайлов беҳуда сарфланаётган энергия билан вақтни тежаш учун ҳамда гўшт каби муҳим оқсилли масаллиқдаги тўйимили ва лаззатли моддаларни тўла сақлаб қолиш учун уни «антрикот усулида» пиширишни тавсия қиласди, яъни 5 минут пишириб, 5 минут оловини ўчириб димлаш. Уш-

бу операцияни 4 маротаба қайтариш зарур, шунда 40 минут сарфланади, охирида янада 15—20 минут димланади — ҳаммаси бўлиб 60 минутда гўшт жуда юмшаб ипир-ипир бўлиб пишади, экстрактив моддалари, оқсил компонентлари, минерал тузлари тўла сақланиб, ажаб бир лаззат касб қиласди. Биз В. Михайлов ижодидан фақат иккита-гина мисол олдик, холос, аслида у юзлаб таомларнинг технологиясини ана шундай мантиқий ўзгартирадики, бу кашфиётлар СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Вистав-касининг олтин медалига сазовор бўлган. В. Михайлов ижодда назариячигина эмас, амалиётчи ҳамдир. У ўз маҳоратини Алушта ва Ялта шаҳарларидаги курорт ва санаторийларда намойиш этиб хўрндалар, мутахассис диетологлар ҳамда овқатланиш физиологияси билан шугулланувчи врачларнинг олқишиларига сазовор бўлган. Пазанда мавжуд таомларнинг технологиясини ўзгартиришдан ташқари кўплаб янги рецептлар тузади ва илгари сира ишлатилмаган масаллиқлардан бир неча хилини таомномага киритади. Унинг чой дамлашдаги тавсиялари ҳам қизиқ: қуруқ чой билан бирга ялпиз,райхон, кашнич, укроп, исмалоқ каби кўкатлардан сиқиб олинган селини қўшиб дамланса, шифолиги янада ошишини исботлайди ва бундай дори ичимлики у «балзамий чой» деб атайди.

Биз хонадонларда ҳам, жамоат овқатланиши корхоналарида ҳам сабзи, лавлаги, редиска баргларини ва қарам ўзагини ҳар доим ташлаб юборамиз. В. Михайлов булаардан аъло сифат таомлар тайёрлаш мумкинлигини кашф этади. Мисол учун редиска баргини яхшилаб ювиб, бир қайнатиб ёки қасқонда буғлаб, сўнг сариёққа қувурилса (жазланса), мазали гарнир ҳосил бўлар экан. Ёки далаларда, тоғларда ва ўрмонларда турли гиёҳлар мавжудки, одамлар булаардан дори-дармон сифатидагина фойдаланиб келарди. Ижодкор пазандамиз эса ўша гиёҳларнинг кўпини, хусусан зубтурум (бўзчи, отқулоқ), сариқчой (зверобой), қичитқон (чалақан, крапива), ола буға (шўра) кабиларни овқат сифатида бемалол ишлатиш мумкинлигини кашф қиласди. Ижодкор пазанда инсон таомномасини бойитища шундай бир тўғри ўйлдан борадики, Farb табобатининг отахони Гиппократнинг ушбу гапларини беихтиёр эслайсан киши: «Барча озиқлантирувчи моддалар шифолик хусусиятларига эга бўлмоғи даркор ва биз қўлланяётган шифо воситаларининг барчаси албатта озуқа моддаларидан иборат бўлмоғи ке-

рак». Шундай қилиб Владимир Михайловнинг «таом — дори, дори — таом» формуласи асосида узоқ йиллар мобайнида олиб борган назарий ва амалий изланишлари СССР Медицина Академияси Овқатланиш институтининг кўзга кўринган олимлари томонидан маъқулланди. Янги технологиядаги ана шу таомлар барча касалхона, дам сишли уйлари, санаторий ва курорт ошхоналарида тайёрлашга тавсия этилди.

Пазандалик соҳасидаги бу ижодни фандаги катта каашфиёта қиёс қилгулик, чунки бу ёлғиз вақт, энергия ҳамда масаллиқлардаги фойдали моддаларни тежабгини қолмасдан, балки бебаҳо бойлик — инсон сиҳат-саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга бағоят катта хисса қўшади.

### Пазандалик гроссмейстери

Бу одам ҳали ёш йигит. У Москвадаги «Арагви» ресторанида ишлайди, исми-шарифлари Владимир Александрович Гудков. «Неделя» газетасининг мухбирлари В. Назаров билан Э. Церковер бу ошпаздан:

— Неча хил таомни биласиз? — деб сўрашганда у.

— Тўрт юз хил, — деб жавоб берган.

Бироқ ҳамкасларининг фикрига қараганда у бундан анча кўпроқ таом тайёрлаш усулини билар экан. Чунончи, «Мосресторантрест» бошлиғи В. Г. Горшунининг айтишича, В. А. Гудков «Катта пазандалик» китобидаги барча таомларнинг моҳир устаси экан. Уша китобда эса 8000 хил таом тайёрлаш усули ёзилган.

В. Г. Горшунинга ҳам савол беришган:

— Бизда пазандаларнинг энг юксак унвони қанақа?

— «Уста пазанда», холос, лекин «Ошпазлик гроссмейстери» деган унвон таъсис этилса-ю, дастлаб бу унвон билан Владимир Гудковни табриклишни истардим, дейди у. Негаки у уста Бутунниттифоқ пазандаларининг ҳар йили уюштирилиб туриладиган конкурсларида доним «чемпион» бўлиб чиқади, қолаверса уннинг номи чет элларда ҳам машхур.

Монреал шаҳрида бўлиб ўтган «ЭКСПО—67» да 8 ой ошпазлик қилиб икки томлик китобга тенг келадиган «таҳсиллар дафтари» олиб келади. Рус ошпазлигидан баҳраманд бўлиш мақсадида Жаклин Кеннеди ўз болалари билан В. Гудковга таом заказ берган.

Прага, Пловдив, Хельсинки, Схевенген, Токио, Дех-

ли ва бошқа шаҳарларда ўтказилган пазандалик виставкаларида у алоҳида маҳорат кўрсатган.

Осако шаҳрида бўлиб ўтган «ЭКСПО—70» халқаро виставкасида В. Гудков шундай таом тайёрлаганки, банкет қатиашчилари пазандани ўринларидан туриб олқинлаганлар.

Москвага Жавоҳарлал Неру ташриф буюрганида В. Гудков ҳиндча «Гандурий-чикен» таомини тайёрлаб беради. Меҳмон таомдан танаввул этар экан, буни ҳинд ошпази тайёрлаган,— дейди. Унга Владимир Гудковни таништирганларида уннинг қўлини сиқиб лол қолади.

Бир куни София Лорен бу лаззатшунос пазандани ёнига чақириб, орқасига шундай сўзлар ёзилган ўз фотосуратини тақдим этади, «В. Г. Сизга раҳмат. Рус пазандалигига офарин!».





## VI. ЖАҲОН ПАЗАНДАЛИГИДАН ЛАВҲАЛАР

### Табиий қозонлар

Китоб бошида биз «Пазандалик санъати оловнинг кашф қилинишидан бошланади» деган әдик. Олов ибтидоий даврнинг қуий босқичида кашф қилинган бўлиб, бу тош даври әди, одамзод ҳали металлардан фойдаланишини билмас, бинобарин, овқат пиширадиган бронза, темир, чўян, мис алюминидишлар мутлақо йўқ әди. Шунинг учун дастлабки қозон тошдан ясалган, чунончи «дош қозон» тушунчаси шунга ишора. Катта харсанг тошнинг теппаси чуқурча қилиб ўйилган, остидан эса олов ёқадиган қилиб ўтоқ қазиганлар. Тилимиздаги «қозон» атамаси ана шу «қозган» маъносини англатади. Манти ва бошқа таомларни буёда пиширишга мўлжалланган идиш — «қасқон» деб юритилади, бу ҳам «қозган» ва «қозон» тушунчалари билан боғлиқдир.

Қозонни тошдан қазиш усули бошлангунга қадар дастлабки пазандалар таомни олов устида қовуриб (кабоб сингари), кўрга кўмиб (кўмоч каби) пиширганлар ёки табиий қозонлардан фойдаланганлар. Табиий қозон деганимизда гейзер сувли булоқлар, вулқон (ла-

ва) иссиқлигидан фойдаланиш ёинки гулхан ёқилган хандақ кабилар тушунилади. Бундай ибтидоий овқат пишириш усулларининг баъзи ҳалқларда ҳанузгача сақланиб келаётганинг шоҳидимиз. Масалан: Янги Зеландиядаги Маори қабиласи олов ёқмасдан овқат пиширади. Бу қабила тоғ этакларида яшайди. Сойларда балиқ шу қадар кўпки, уларни қўлда тутиб олиш мумкин. Ён бошида иссиқ булоқ қайнаб чиқади. Балиқ булоққа ташланса бас, у ҳил-ҳил пишади. Балиқ кўпроқ ташланса борми, булоқ ёғлиқина шўрвага айланиши мумкин. Биз «табиий қозон» деб атаган ана шу булоқларда тошбақа ва ёввойи қушларнинг тухумидан тортиб, ҳар хил сабзавотларни ҳам пишириб ейишаверади.

Австралия ўрмонларида яшовчи ерли аҳолининг «табиий қозони» бошқачароқ: лахча чўғ устига қалин кўкат тўшалади, кўкат устига тозаланган балиқни териб, устидан яна кўкат тўшалади ва тепасига ҳам чўғ тўклилади. Бундай таомни еб кўрганларнинг айтишларича, балиқ худди духовкада пишгандек қовурилар эмиш.

Янги Гвинеядаги папаусларнинг «табиий қозонига» келганда бу ҳам ўзига хос. Балиқми, бир парча гўштми ёки нима овлаб олинган бўлса, шунинг устига туз ва зирашорлар сепиб банан баргига ўрашади. Ерда қозон шаклида зовур ковлаб, остига қизитилган тош ташланади, тошнинг устига эса баргга ўралган гўшти қўйиб, тепасига яна қизитилган тош териб, тупроқ тортишади, энди бемалол бошқа иш билан машғул бўлавериш мумкин. Тахминан уч соатлардан кейин бу «табиий қозон» титкилаб очилса, ана лаззату, мана лаззат, зирашорларнинг ва банан баргининг атрофига таратган хушбўй ҳиди кишига ҳузур баҳш этади.

Табиий қозоннинг бир намунаси Узбекистонда ҳам сақланган бўлиб, у асосан Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг тоғли районларида пишириладиган тандирий баррадир. Ёнбағир жойдан сомса тандирга ўҳшатиб ўра қазилади, остидан ҳаво кириб олов ёнишига ёрдам берсин учун билак сиққудек тешик очилади. Уранинг ичи гуваласимон тошлар билан айлантириб уриб чиқилади. Ўрага арча ўтини ёқиб тошни роса қизитгандан сўнг тўпланган лахча чўғ устига арчанинг яшил барглари ташланади-да сўйиб тайёрланган қўзини симга илиб осиб ўра усти ёпилиб, бир неча соат давомимида димлаб пиширилади. Ана энди бу таомни есангиз...

Табиий қозоннинг яна бир ўзига хос хилини биз Ко-

**ЗОҒИСТОНИК** олим Содиқ Қасмановнинг 1977 йили Олмостада нашр этилган «Қозоқ миллий таомлари» китобидан ўқыймиз. У «кўмма» номи билан бир неча таомни пишириш усулини танишитиради, яъни қўй кўмма, сувама кўмма, қорин кўмма, тандир кўмма ва бошқа. Кўмма деб умуман ҳеч қандай идиш ишлатмасдан гўшт, жигар, буйрак, картошка, маккажўхори, тухум, хамир каби масаллиқларни чўқقا кўмиб пиширишга айтилади. Булар асосан қадимда кўчманчи бўлган чорвадор халқларга хос таомлардир.

С. Қасмановнинг ёзишича: «Кўй кўмманинг бир тури қозоқча (силама комбе) сувалган кўмма деб аталади. Уни қоидаси билан пиширганда ҳайвоннинг териси шилинмайди, сужклари чопилмайди. Қоринни ёриб ичак-чавоғи, юрак-ўпкаси, жигар-бағри олиниб, яҳши тозаланиб, гўштининг қалин жойлари тилиниб туз, мурч, янчилган саримсоқ билан ишқалаб тана ичига солнинади ва тикилади-да жун томонидан қуюқ лой билан сувалади. Шундан сўнг танани қиздирилган ўрага солиб устидан кучли олов ёқилади. Иссиқлик таптидан пишиган тери буғланиб лой чапланган жунни ажратади, тери эса гўшт билан бирга қолади. Жун лойга ёпишиб ўзига хос идишга айланади. Пишган гўшти бошқа идишга олишнинг ҳожати йўқ. Уни шу табиий қозоннинг ичидан олиб ся берса бўлади»<sup>1</sup>.

Скандинавия мамлакатларида қадимги даврларда викинг деб номланган халқлар яшаган. Ана шулардан товуқ пиширишининг ибтидоий усули шведларга мерос бўлиб қолган. Товуқни сўйгач, ичак-чавоғи олиб ташланади, ювилади ва туз сепилади, пати юлинимайди. Соз тупроқдан лой қорилиб товуқнинг устига чапланади, бу бамисоли гуваладек бўлади. Сўнг у бундай усула пиширилади: ердан ўчоқ ковланади, ўчоқ устига ўғонроқ симданми ёки ингичкароқ темирданми қўйиб панжара ҳосил қилинади. Металл панжара устига муштдай-муштдай келадиган тошлардан терилади, унинг устига лой чапланган товуқни қўйилади, атрофига ва устига яна тошлар терилади. Ана энди остидан слов ёқилади, аланга тошлар орасидан ўтиб ёнади. Тахминан бир соат ёнгандан сўнг тошлар олиб ташланиб гувала аста синдирилиб, орасидан буғланиб тур-

ган селликкина товуқ гўшти ажратиб олинади. Патлари ва териси лойга ёпишганлиги учун осон ажрайди. Худди шундай усулда карп, сазан балиқларини ҳам пишириш мумкин. Балиқ ичига сельдрей, укроп каби ошкўклардан ва пордон мевалардан солса яхши бўлади. Буни 15 минутча пиширилса бас.

**Қадимги чорвадор туркманларнинг** табиий қозони ҳам ўзига хос бўлган. Қўй ёки мол сўйиб қоринни олиб фақат бир жойидан пичноқ уриб ичидагини тўкиб ташланади ва ағдариб ювилади. Қитир томони ташқарига ва силлиқ томони ичкарига қилиб тайёрланган қориннинг ичига эса гўшт, ниёз ва пича сув қўйиб, зираворлар ва туз сепилади ва оғзига мол оёғининг найсимон суги бўланади.

Қумни обдан қиздириб, қорин шунга кўмилади, найсимон сужк қумдан чиқарип қўйилади, чунки қориндаги сув қайнаганда буғ шундан чиқиб туради, йўқса тарс ёрилиб кетиши мумкин. Ана энди кўмма қорин устига шоҳ-шаббаларни ташлаб олов ёқилади, 1,5—2 соатлардан сўнг таом тайёр бўлади.

Курдлардаги **табиий қозонда** тайёрланадиган овқат қуллама деб аталади, буни фақат эркаклар пиширадилар. Қўйни сўйиб, этини майдалаб, ўз терисига ўрайдилар. Хандак қазиб ичиди олов ёқадилар, аланга ўчиб қўр қолганда ҳалиги пўстакка ўралган гўшти солиб тупроқ ташлаб кўмадилар-да, устидан гулхан ёқадилар. З соатлардай кейин таом тайёр бўлади.

**Қадимги кўчманчи монголлардаги** табиий қозои яна ўзгача: кичикроқ тана (қўй, эчки) ни сўйиб териси шилинмайди, калласи ва ички аъзолари олиб ташланади. Сўнгра қорин бўшлиғига қизитилган тошларни солиб пиширишган. Ёки тананинг чор атрофига тош қоплаб устидан гулхан ёқиб пиширишган.

### Рамзий масаллиқлар

Кундалик таомларимизда ишлатиладиган жуда кўп масаллиқлар орасида айрим зиравор, ошкўк, сабзавот, мева, дон-дун ва бошқа хиллари борки, булар турли халқларда бирон-бир воқеа, нарса ёки ҳодисалар рамзи ҳисобланган. Чунончи, бир хил масаллиқлар борки, мукофот рамзи, яна бир хил масаллиқлар муҳаббат рамзи ёки айрилиқ мусибат рамзи, яна ўзгачалари меҳмондўстлик рамзи, яна тўқчилик, узоқ умр, маъмурчилик рамзи бўлганлари ҳам бор.

<sup>1</sup> С. Қасманов. Қазақтын улттық тағамдары. «Қайнар» баспаси, Алматы, 1977 йил, 100—101-бетлар.

**Лавр япроги.** Қўланса ҳид тарқатадиган гўштлардан шўрва пиширганда лавр япроғисиз иш битмайди, чупончи балчиқ ҳиди анқиб турадиган чўчқа, ўрдак ва балиқ гўштини фақат шу барг хушхўр ва хушбўй қилади.

Тропик ва субтропик миintaқаларда ўсадиган шу дарахтнинг барги ва шоҳчалари қадимги Грецияда мукофот рамзи ҳисобланган. Лаврдан тайёрланган чамбар Олимпия ўйинларида ғолиб чиққанларнинг бўйнига илиб қўйилган. Бу одат кейинчалик Франция, Италия ва Испанияда тарқалиб, лавр япроғининг чамбари машҳур олимлар, рассомлар, шоирлар ва бошқа алломаларнинг бошларига кийдирилган. «Лауреат» сўзи ана шундан келиб чиқсан. Ҳозирги тинчлик учун курашчилар мукофотининг лауреатларига, Ленин ва Давлат мукофотларининг лауреатларига тақдим этиладиган медалларга ҳам лавр япроғининг рамзи туширилгандир.

**Зайтун.** Ушбу дарахт Ўрта дengiz ҳавзасидаги мамлакатларда ўсади, ҳам мева, ҳам мой беради. Худди сарви бир неча йил давомида ям-яшил гуркираб ўсиб тураверадиган шу дарахт ҳар доим ёшлиқ, узоқ умр кўришлик рамзи ҳисобланади. Қадимда унинг новдаларидан тўқилган чамбар физкультура ва спорт ғолиблари ва олимпиада чемпионлари бўйиниларга тақдим қўйилган. 1980 йили Москвада бўлиб ўтган 12-олимпиада ғолибларига берилган медалларда ҳам зайду шоҳчасининг рамзи бор.

**Нақш олма.** Олманинг бу нави жуда чиройли, қипқизил бўлиб нафис, хушбўй ҳиди ҳам бор. Ўзбекистоннинг барча областларида айниқса Фарғона водийсида боғларда кўп етиширилади. Эрта пишади ва асосан десерт мева сифатида истеъмол қилинади.

Ана шу олма қадимда муҳаббат рамзи ҳисобланган: севишганлар бир-бирларига гул тақдим этганлари каби нақш олма ҳам тақдим этганлар ёки бир-бирларига қараб олма отганлар. Йигит ва қиз ўртасида олма отиш одати революцияга қадар Хоразмда мавжуд бўлганлигини ёзуви ва олим Жуманиёз Шарипов ўзининг «Хоразм» романida тасвирлаб берган. Шунингдек, бу одат Фарғона водийсида ҳам бўлган: севган қиз йигита олма отади, йигит ҳам қизга олма отади, бу билан улар бир-бирларига бўлган самимий муҳаббатларини изҳор қиладилар.

**Помидор.** Бу неъматнинг тарихи ва қачондан буён истеъмол этилиши, ўзбек пазандачилигига қачон кириб

келганлигини ушбу китобнинг тегишли жойида айтиб ўтдик. Помидорнинг ошпазлигимизда жуда кенг қўллалийши, мустақил ва ёрдамчи масаллиқ вазифасини ўтаси, юзлаб таомларга қўшилишини ҳамма ҳам билади.

Қизиги шундаки, бу неъмат ҳам бир вақтлар муҳаббат рамзи ҳисобланган. Қип-қизил, оловдай товланивчи помидор XIX аср бошларида Қrimдagi Boғchasaroy шаҳрининг гулхоналарида манзарали ўсимлик бамисоли гул каби тувакларда ўстирилган. Ёшлар эса чўғдек мевасини узиб олиб, ўз севгилиларига тақдим этишган. Ўша кезларда Қrimda уни помидор эмас, балки «муҳаббат олмаси» деб аташган, лекин таомларга ишлатишмаган.

**Сельдрей.** Барглари қайчи-қайчи, худди кашнич баргини эслатадиган, бироқ кашничдан каттароқ ва баландроқ ўсадиган бу ошкўк лағмон қайласи ва шўрваларга солиб пиширилади, салатларнинг юзи безатилади.

Қадимда эса Миср ва Юнонистонда сельдрей барглари билан спортда, илм-маърифатда ва мушоираларда ғолиб чиққан кишиларнинг юзи безатилган, бошларига сельдрей чамбарлари тақишиган. Сельдрейни муқаддас деб билган юон ва риммилар унинг рамзини ганчга ўиб иморатларнинг пештоқига ва устунларнинг плястрларига ёпиширилганлар. Архитектурадаги сельдрей баргининг кунгурадор қолипи бошқа мамлакатлардаги ганчкорлар томонида ҳам қўлланган.

**Пиёз.** Овқатга гўшт солиб пиширинг-у, аммо пиёз солманг—бемаза бўлади. Пиёзнинг ажойиб хусусиятлари ва тарихи тўғрисида китобимизнинг тегишли ерларида айтиб ўтдик. Пиёзнинг гўзаллик ва ботирлик рамзи ҳақида икки оғиз сўз. Пиёзнинг асли ватани Тяншань тогларидир, бироқ баъзи олимлар пиёз Мисрдан келиб чиққан дейишади. Бундай фикр хато бўлса ҳам ҳар ҳолда қадимги Мисрда пиёзни гўзаллик рамзи ва муқаддас масаллиқ деб ҳисоблашган. Миср дехқонлари (паллаҳлар) нинг кўзига пиёз бамисоли ой бўлиб кўринар экан. Уни «ерда битган ой» деб аташган ва кўзига яхши, чиройли, иффатли одам бўлиб кўринган кишига бир бош пиёз тақдим этишар экан. Тўхтантаг ўзбекларда ҳам шундай нақл бор-ку! «Топган гул келтиур, топмаган бир бош пиёз...» Маъноси: меҳмонга борганда совғасиз келган кишига нисбатан «мезбонни хуш кўриб хонадонига қадам ранжида қилди» дегани бўлади.

Урта асрларда Германия ва Швейцарияда пиёзни жангда жонбозлик кўрсатган рицарларнинг бўйнига ҳудди медальон каби осиб қўйилган. «Пиёз куни» қаҳрамонлик байрами ҳисобланган. Немисларда ҳанузгача давом этиб келаётган цвибултаг (цибул — пиёз, таг — кун) бундан далолат беради. Тарихдан маълумки швейцарияликлар эрамизнинг 640-йилида сакслар устидан ғалаба қозонадилар, шу ғалабани ҳануз ҳам ишонладилар. Ҳар йили 1 мартда эркаклар бош кийимларига пиёз қадаб кўчага чиқадилар, чунки пиёз қаҳрамонлик рамзи-да.

**Сабзи.** Палов ошимизнинг жони бўлган сабзини қадими Африкада тилланинг рамзи деб ҳисоблагандар. Эртакларда айтилишича: «Ўрмонларда афсонавий бўйи бир қарич одамлар — гномлар яшар эмиш. Кимда ким сабзини тиллага айлантироқчи бўлса кечқурун пиширилган сабзини ўрмонга олиб бориб қўйсин. Пишган сабзи гномларнинг энг севимли таоми ҳисобланган. Майда одамчалар уни ҳузур қилиб ейишиб эвазига тилла қолдирив кетишиади. Эрталаб бориб сабзи солинган идишдаги тиллани олиб келавериш мумкин. Эмиш». То ўрта асрларгача шу эртакка ишонувчилар бўлган. Улар сабзини пишириб ўрмонга олиб бориб қўйганлар, лекин афсус эвазига ҳеч қандай тилла қайтариб олмаганлар. Шундай бўлса-да кўп халқларда сабзининг сариқлигини тиллага нисбат қилиш сақланиб қолган. Мисол учун ўзбек халқининг «Ер остида олтин қозиқ» топишмоғи ҳам сабзини билдиради.

**Петрушка.** Ушбу ошкўни ҳам ҳаммамиз биламиз — соябонгулдошлар оиласига мансуб кўкат ўсимлигидир. У таомларимизни хушхўр, хушбўй қилишда, витаминларга бойитишида, салатлар тайёрлашда, помидор ва бодринг тузлашда ишлатилади. Бироқ, қадимда бу ошкў мусибат ёки масхарабозлик рамзи бўлган.

Эрамиздан илгариги даврларда кимсаси вафот этган ёки бирон бошқа сабабдан асаблари изтиробга келган мисрлик ва юнонлик петрушкадан чамбар ясаб бошига кийиб кўчага чиқсан, шу билан бошқаларга ўзининг ғамнок эканлигини англашган. Кейинчалик бу одат Европага ҳам тарқалган. Лекин бу ерда у масхарабозлик рамзи ҳисобланган.

Рус халқи маталлари орасида: «никакой петрушки» деган ибора бор. Маъноси: баъзи қитмир одамга бирон ишни бажариш топширилганда шу ибора айтилиб,

ишкан чиқарилмасин, деган фикр англатилади. Сўнгра рус халқ қўғирчоқ театрда масхарабозликда бош ролни бажарувчи қўғирчоқ қаҳрамоннинг номи ҳам Петрушка эканлиги шу фикрга бир далолат бўлади.

**Укроп.** Барглари майдада чачала, худди бурган бартини эслатадиган бу ўсимлик ҳам соябонгулдошлар оиласидан. Ёш, майдада 10—15 сантиметр танаси ва барглари таомларни хушхўр ва хушхўр қилишда, ўсиб бир метрдан ортган танаси, барги ва гул, соябонлари эса сабзавотларни тузлашда ишлатилади.

Укропнинг асли ўзбекча номи шивит деб аталади. Хоразмда шивитни эзиб сувига қорилган хамирдан лағмоннинг бир тури бўлган «шивит оши» тайёрланади. Самарқандда эса қирқилган шивитга чакки (сузма, қатиқ) аралаштирилиб, узоқ муддат ачитиб хушхўр ва ҳазми таом тамадди «Чивот» тайёрланади. Шивитни чопиб қуюқ ва суюқ таомлар юзига соламиз ҳамда салатларнинг юзини безаймиз. Аммо қадим замонларда шивит уят рамзи ҳисобланган. Масалан, бирон одамнинг ножӯя иш қилганлиги билиниб қолса, унинг юзига шивит барглари ёпиштирилиб, аҳоли ўртасида сазойи қилинган. Тилимизда сақланиб қолган «юзи шивит бўлди» деган ибора ҳам «роса уятга қолди» деган маънони англатади. Яна «шивир-шивир гаплашди» деган ибора ҳам бор, аслида «шивит-шивит гаплашди» дир. Маъноси бир-бирининг қулоғига уят калима айтишиди, дегани бўлади.

**Лавлаги.** Бу сабзвот қизил ва оқ—икки хил бўлиб, қизилча (лавлаги) шўрваларга солиб пиширилади, винегрет тайёрланади, оқи эса шакарнинг хом ашёси—қанд лавлагидир. Худди мана шу ажойиб неъмат қадимги Эронда бевафолик, жудолик ва жанжал рамзи ҳисобланган. Қўйди-чиқди бўлмоқчи эр ёки хотин уйининг тўрига бир неча ёввойи лавлаги олиб келиб ташлаган. Маъноси: энди бизни ҳеч ким ярашира олмайди, деган бўлган. Жанжаллашиб қолган қўни-қўшини ёки муҳолифнинг хонадонига бир бош лавлаги ташлаб кетиши жуда қаттиқ ҳақоратга тенг ҳисобланган.

Шуниси қизиқки, бу одат Шимолда—англо-саксларда ҳам бўлган экан. Масалан, бирон йигит бирон қизга хуштор бўлади-ю, уйланмоқни кўзлаб совчи юборади, уларнинг одатича йигитнинг ўзи келиб, ота-онасидан қизнинг «қўлини сўрайди». Ҳар иккала томон ўртасидаги келишиш ёки келишмаганликни гап-сўз би-

лан эмас, дастурхон устига қўйилган таом ҳал қиласи, чунончи бизда совчилар келтирган патир нон бўлажак қудалар хонадонида ўртада ушатилса, демак бу розилик аломати, ушатилмаса, майл йўқлигини билдиргани каби англо-саксларда дастурхонга малинадан пиширилган кисель келтирилса, демак иш битадиган, ҳамма рози — тўйга ҳаракат қиласи мумкин, деган маънони англатган. Энди, борди-ю, дастурхонга қайнатилган қизил лавлагини келтириб қўйишса — иш тамом, йигит индамадиган жуфтакни ростлайверсин, акс ҳолда уни туртиб-суртиб кузатиб қўювчилар ҳам тайёр турган бўлади.

Ўзбек тилидаги «роса лавлагиси чиқди» деган ибора тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш керак, чунки бунинг маъноси ҳам «юзи қизарди, уятга қолди» деган фикрини англатади.

**Маккажўхори.** Ушбу дон ўсимлигининг думбил сўталаридан олиб чўғда қовуриб есангиз ҳам, сувда қайнатсангиз ҳам лаззатлидир. Думбил донларини пичоқда қириб, сутга солиб қайнатилса, қаймоқ мазали суюқош ҳосил бўлади. Макканинг етилган ва қуритилган донидан парҳез масаллиқ — маний крупаси тайёrlанади, унидан қирилган ошқовоқ қўшиб зогора тўғраган пиёз қўшиб патрак деб аталувчи нонлар ёпиш усули ўзбек пазандалигида қадимдан маълум.

Маккажўхорининг ватани Мексика бўлиб, бу неъмат таҳминан тўрт аср муқаддам Европага келтирилиб экилган. Ўрта Осиёга эса «Макка шаҳрига ҳажга боргандар олиб келган»— деган ривоят ҳам юради. Бу тўғрими ё нотўғрими аниқ билмаймиз. Ҳар ҳолда номининг маккажўхори эканлигига ишора қилиб шундай дейишса керак.

Марказий ва Жанубий Америкада яшаган қадимги майя, ацтек ва инк қабилалари учун маккажўхори асосий озуқа бўлиб, уларнинг ҳаёти ва фаровонлиги ана шу доннинг ҳосилига боғлиқ эди. Табиат инжиликларини енгишга ожиз бўлган ўша қабилалар маккани ҳимоя қиласидиган, ҳосилини кўпайтирадиган Синтеал номли худо тўғрисида афсона тўқийидилар ва унга сифинадилар. Маккажўхори ўсимлигини эса одамнинг — ёш йигит ёки қиз рамзи деб билганлар. Испан ёзувчиси Логфелло америкалик ҳиндилар орасида юриб, то ҳанузгача куйланни келаётган «Гайавата қўшиғи»ни ёзиб олган. Унда маккажўхори Мондамиин исмли йигит образида куйланади. Мазмуни бундай:

«Бошида ҳилпираб турган тож патлари бор, сочлари майнин тилла ранг, либоси ям-яшил э, Мондамиин, Мондамиин!

Барваста қомати даламиз кўрки, ёзи билан сенга ёғилиб таъзим қиласиз, эй муқаддас маис (маис-жўхори). Мондамиин, Мондамиин!

Гайавата сени шундай атайди, инсоннинг асл дўстисан ўзинг, куз келганда қаҳрабо донинг сариқ тобланар, уни бўйнимизга маржон қиласиз, эй азиз, Мондамиин, Мондамиин!

Қадимда ўзбек дехқонлари баъзи жойларда маккани «Жўхори полвон»— эркак киши рамзи деб ҳисоблашган, баъзи жойларда эса қомати келишган, бола қуҷоқлаган, бошида тожи бор аёл образида тасаввур этишган. Ҳануз ҳам биз маккани «дала маликаси» деган эпитет билан атаймиз, донини эса қаҳрабо «дон» деймиз.

Гуруч. Паловни гуручсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу неъмат Ўрта Осиёдагина эмас, жаҳоннинг энг катта қитъаси, дунё аҳолисининг энг кўп қисми яшайдиган Осиё ҳалқларининг асосий овқати ҳисобланади. Гуручнинг ватани Хитой, Ҳинди-Хитой ва Ҳиндистон ҳисобланади.

Гап рамзий масаллиқлар устида борар экан, гуручга тенг келадигани йўқ. Ҳиндистонда гуруч тўқчилик рамзи ҳисобланади. Никоҳдан сўнг келинчак яланг оёқлари билан гуруч уюмини кечиб ўтади. ва гуруч худоси — Деви Сиринга сифинади. Шундай қилинса, гўё оила ўз бола-чақалари билан доим тўқ яшайдиган бўлармиш.

Японияда ҳам гуруч маъмурчилик ва узоқ умр кўриш рамзи ҳисобланади. Шу сабабли янги уйлангандарга гуруч унидан махсус ёпилган нон едиришиб, будда худосига сифинтиришади. Шундай қилинса, гўё келин-куёв маъмурчиликда узоқ умр кўриб яшашар эмиш.

Ява оролларининг аҳолиси учун ҳам гуруч тўқчилик рамзидир. Бунда янги туғилган чақалоқса она кўкрагини эмизмасдан туриб, илоҳий овқат ҳисобланган қайнатма туручдан бир чимдим ютқизишади. Шундай қилинса, гўё бола то умрининг охиригача ҳеч оч қолмай яшар эмиш.

Тайланд тилида «пада» сўзи «шоли» ва «шоли» экиладиган дала» (шолипоя) маъносида келар экан.

Вьетнамда гуруч марварид рамзидир. Улар: «Марварид денгизда бўлади, аммо экин майдонини сувга кўл-

латиб меҳнат қўлсанг марварид ўсаверади,— деган нақлни кўп айтишади.

Қизиги шундаки, ўзбекларда ҳам гуруч қадимда ана шундай рамзий масаллиқ бўлган. Тилимизда сақланган «марварид дон» деган эпитет гуручни англатади. Деҳқонлар бир-бирларига яхши ният билан:

— Уйингиз гуручга тўлсин!— деб хитоб қилганлар. Бу ҳол гуручнинг тўқчилик рамзи эканлигини англатган.

Янги уйланганда палов ош дамлаш одати ҳам тўқчилик рамзи эканини билдиради, қолаверса, «тўй» сўзининг маъноси «тўймоқ» ни билдиради. Балки палов энг тўқ тутар таом бўлганлигидан ҳам шундайдир.

**Сут-қатиқ.** Сутнинг таркибини ўрганган олимлар уни инсон қонига тенг деган хулосага келганлар. Сут тўйимили озуқа, энг яхши шифо неъматидир. Сутни узоқроқ сақлашнинг энг қадимги усули қатиқ ивitiшdir. Бунда сутдаи зарур моддалар яхши сақланиб қолади.

Сут-қатиқ Ер куррасининг турли жойларида яшайдиган ҳалқларда меҳмондўстлик рамзи ҳисобланади.

Оман мамлакатининг Дафар шаҳри аҳолиси ўртасида шундай одат бор: азиз меҳмонни кутиб олаётган мезбонлар меҳмон яқин келганда уни даврага олиб, ҳар бири уч мартадан ўпишади, сўнг назокат билан бир коса тuya сути узатишади. Меҳмон сутдан танаввул этгач, ҳамма хурсанд бўлади ва меҳмондорчилик кўнгилли ўтишига ишонч ҳосил қилишади. Монголияда азиз меҳмон келиши билан унга бир коса тuya, бия, қўй, эчки ёки сигир сути тутиб мулоzимат қилишади. Ана шундан кейин уни тўкин дастурхонга таклиф этишади. Дастурхонда албатта бия сутининг қатиги — қимиз ёки тuya сутининг қатиги — қимрон бўлади.

Бу одат Қозоғистонда ҳам бор: меҳмон дастурхонининг кўрки қимиз ва қимрон ҳисобланади. Қозоқ миллий пазандалигига қимизнинг 9 хили тайёрланади.

Меҳмон дастурхонига атаб тайёрланадиган сут-қатиқ таомларининг хили эса 50 дан ортиқ.

Кения республикасида меҳмондўстлик рамзи қатиқ ҳисобланади. Бирон-бир кимсаси сафардан қайтаётган бўлса ёки бошқа жойдан меҳмон келишини кутаётгандарига вокзалдами, аэропортдами, дарҳол қатиқ ичиришади.

Келган меҳмонга қатиқ ичирии одати, бизда Намангандан аҳолиси ўртасида қадимдан урф.

Хўш, нима учун турли жойларда сут-қатиқ меҳмондўстлик рамзи? Бу саволга ҳали ҳеч ким жавоб берган эмас. Эҳтимол бунга сутнинг шифобахш неъмат эканлиги сабабдир. Балки унинг оқ ранги шунга ундарки, кўп ҳалқларда оқ ранг яхшилик, баҳт-саодат, хотиржамлик рамзи ҳисобланади, қора ранг эса бунинг акси. Меҳмонга «Оқ йўл» тилаганда ҳам сут ранги кўзда тутилади ва мижозий маънода сафар бехатар бўлишligини англатади.

Яна эҳтимол, меҳмонга сут ичириш орқали қадрдон, бир онадан туғилган ака-ука, опа-сингилдек бўлдик, деган маъно англатилади. Ҳар ҳолда сут-қатиқ кўп ҳалқларда меҳмондўстлик рамзи ҳисобланади.

**Калла гўшти, тўш ва жигар.** Қозоқ ва қирғиз ҳалқларидаги қўй сўйилса каллани бутун пишириб меҳмонлар орасида ёши ва мартабаси улуғ, оқсоқол киши дастурхонига ҳурмат рамзи сифатида қўйилади. Қозоқ пазандалигига буни «бас табақ», яъни пеш дастурхон деб юритилади ёки «сий табақ», яъни сийлов дастурхони деб атайдилар. Бунда калла гўшти, биқин бўлиши шарт. Тўйларда «келин табақ»деб аталувчи дастурхон ҳам бўлиб, асосий масаллиғи севгининг рамзи пиширилган тўш ва юракдан иборат бўлади. «Қиз табақ» дастурхонида эса буйрак ҳамда қақажонликнинг рамзи сифатида пиширилган тил қўйилади. «Қудаларнинг табаги» га эса қариндош бўлганликнинг рамзи сифатида жигар, тез-тез келиб турсинлар маъносига пайчоқлар ва қайнатилган иликли сон гўшти тортилади.

Ўзбек, тоҷик, туркман, қирғиз ва қозоқларда «жигар»— «жигарим» (қозоқча: бовур, яъни бағир маъносига), «жигар бағир», «жигарчилик» иборалари. Қариндошликини, бир түққанликни, ака-укаликини билдириши ҳам жигар — қариндошлик рамзи эканлигидан далолат беради.

Қозоқ ҳалқ анъаналаридаги қудалар дастурхонига иликли сон, калла-почча ва жигар тузаш ўзбекларда ҳам бўлган ва ҳозирда онда-сонда амалга оширилади. Бироқ куёвнавкарлар дастурхонига тўй кунин төмон — қайнота, қайнона, қўйнинг тўшини пишириб келтирилиши севгига ва қариндош бўлганлик рамзи сифатида қилинади. Қизиги шундаки, калла гўшти оила бошлиғи, кекса ёки қария кишини ҳурмат қилиш рамзи эканлиги фақат биздагина эмас, Польшада ҳам бор экан. Лекин бунда дастурхонга қўй калласи ўрнига

балиқнинг боши тортилар экан. Ёзувчи Леопольд Комперт ўз ҳикояларининг бирида ушбу детални келтиради: «Үй бекаси Дебрахоним катта лаганда пиширилган балиқ келтириб дастурхонга қўйди. Ёш Робинер таомга қўл чўзган эди, хоним унинг олдидағи ликопчани олиб карп бошини солди-да, оила бошлиғи отанинг қаршисига қўйди. Карп балиғининг калласи қадимий полякларда кексалар ҳурматининг рамзи ҳисобланган ва уни дастурхон атрофида тўпланганлар орасида ёнг ҳурматлиси ва ёши улуғи танаввул этиши жоиз бўлган». Ўзбек, қозоқ, қирғиз ва тожикларда куёв дастурхонига тўш қўйиш одатига ўхшаш таомил испанларда ҳам бор экан, фарқи шундаки, қўйнинг тўши ўрнига ғайна ва қайнона ўз кўёв боласига ҳўрзининг тўшини пишириб юборар эканлар. Бу одат ҳам қариндош бўлганликни билдирад экан.

**Тухум.** Араблар овқатланишида тухум асосий масаллиқлардан биридир. Шу билан бирга товуқ тухуми куч-қувват рамзи ҳам ҳисобланади. Силласи қуриган киши бир неча дона тухумни пишириб, арчиб шайхга олиб келади. Диндор тухумга турли оятларни битиб беради, шундай тухумни еган киши дарҳол куч-қувватга тўллар эмиш.

Бошқа бир одатга кўра, хотини ўлган эркак бир йилгача уйланимаслиги керак, агар у олдинроқ уйланиб қўйса ўлган хотиннинг синглиси ёки бирор аёл қариндоши қабристонга бориб, товуқ тухумини кўмар экан. Шундай қилинса, гўё уялганидан марҳуманинг кўзлари чаноғидан чиқмай ётар эмиш.

Қадимда ўзбеклар, тожикларда тухум ували-жували бўлишлик рамзи ҳисобланган. Келиннинг онаси тўй куни куёвнавкарлар дастурхонига тухум пишириб келтириши ана шу рамздан нисиона. Тожикларда янги фарзанд кўрган оиласга яқин кишилари тухум пишириб бориб қутлайдилар.

**Юрак.** Юқорида кўриб ўтганимиздек қўй ва сигир юраги Ўрта Осиё чорвадор халқарида севги рамзи ҳисобланган. Бедуинларда отнинг юрагини пишириб еган одам «қаҳрамон бўлади» деган тушунча бор, аксинча қуш, айниқса майда илвасинларнинг юрагини ейишга улар салбий қарайдилар. Барча араб кўчманчилари орасида қуш юраги қўрқоқлик ва журъатсизлик рамзи ҳисобланар экан. Қўрқоқ, ҳадиксировчи одамга қаратади: «Қуш юрагини еганимисан!?", «Хе, чумчук юрак!»— дейишар экан.

Бизда: «Чумчуқ пир этса, юрагинг шиф этади» ёки «Юраги отдай» деган ибораларнинг айтилишига ҳам бир сабаб бўлса керак, албатта.

### Масаллиқ «пуллар»

Металл танга-чақалар ва қофоз пуллар зарб этилгунга қадар турли мамлакатларда бозор-ӯчар, олди сотди ишлари овқатларга солинадиган масаллиқлар воситаси билан амалга оширилган. Буни биз тарихий китоблардан, археологик қазилмалардан, сайёҳларнинг эсадликларидан, ҳалқ оғзаки ижодидан ҳамда тилимизда сақланган атама ва иборалардан билиб оламиз. Модайирбошлаш, сотиш ва харид қилишда ҳар жойда ҳар хил масаллиқлар фақат баҳо эталонигина эмас, ҳатто оғирлик ўлчови сифатида ҳам қўлланилган. Мисол учун Абу Али ибн Сино. Абу Райхон Беруний ва бошқа ўрта осиёлик олимларнинг асарларида дори-дармонларни қалоқловчи ўлчов сифатида данак (ўрик данаги), жавза (ёнгоқ), бавза (бодом), шиъара (арпа дони), нуқот (нўхат), боқилло (ловия), аруза (гуруч) каби масаллиқлар қадоқ тош вазифасини ўтаганлигини билиб оламиз. Бироқ масаллиқларнинг пул вазифасини ўтаганлиги тўғрисида анчагина материаллар бор, пазандалик ишқибозлари учун бу маълумотлар ҳам қизиқарли бўлиши мумкин.

**Балиқ «пуллар».** Археолог олимлар қадимти Новгород шаҳрининг тарихини ўрганиш мақсадида қазув ишлари олиб бораётганларида қайнин дарахтининг пўстложига ёзилган аллақандай хатларни топиб оладилар. Топилма XIII асрга оид бўлиб ўша даврда қофоз ва металл пуллар муомалага киритилган бўлишига қарамай қадимги удумга кўра бозорларда нарх-навони белгиловчи этalon сифатида лосось балиғидан фойдаланилган экан. Балиқ «пул» тез айнийдиган бўлгани учун, айниқса ёз пайтларида, бозорга бориб, шўр балиқ бериб, хоҳлаган нарсани харид қилиш мумкин бўлган. Исландияда ҳам хўжаликнинг асосий тармоғи балиқчилик ҳисобланади. Қадим даврларда балиқ овининг машақатли эканлиги масаллиқнинг қадрини ошириб юборган. Шу сабабли бу мамлакатда ўртача катталиктаги треска балиғи «пул» бирлиги вазифасини ўтаган.

**Мурч «пуллар»** Ўрта асрларда Цейлон, Ява оролларига ва Ҳиндистон мамлакатига қатнаб юрган савдо-гарларни «пул қопи» деб эмас, балки «мурч қопи» деб

атаганлар. Чунки ўша кезларда мурч тилла каби қадрли бўлган ва бир қоп мурчга эга бўлган киши бой ҳисбланган. Мурч дони бозорларда танга вазифасини ўтаган бўлиб, кимга нима керак бўлса мурчдан санаб бериб, олиб кетаверган. Мурч «пуллар» қадимда Перу ва Боливияда ҳам амалда бўлганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Мурчининг бу қадар қадрланишининг сабаби бу неъмат таомларга лаззат ато қилувчи зираворгина эмас, балки терлатувчи, овқат ҳазмини тезлатувчи ва ҳар хил микробларга қирон келтирувчи дори ҳамдир.

**Какао «пул».** Мексикада то XVI асргача ловия ҳамда какао дони «пул» вазифасини ўтаган. Бунинг сабаби: ловия тўқуттар оқсил манбаи ҳамда буйрак касалига доридир. Какао эса қон айланишини яхшилади, уйқуни очади, бош оғригини қолдиради ва кишига қандайдир куч-қувват бағишлайди.

**Хурмо «пул».** Бир вақтлар араб саҳроларида кўчманчилар учун пул вазифасини хурмо меваси ўтаган. Сувсиз саҳроларда ўсадиган бирдан-бир мева ҳам шу бўлганлигидан унинг қадри баланд бўлган.

**Чой «пул».** Монголияда ўрта асрларда бир бўлак тахта чойга битта қўй ёки эчки, ёхуд 2 та тери ё битта кигиз алмаштириш мумкин бўлган. Бу ҳолни Марко Поло ўз саёҳатномасида қайд қилиб ўтади.

**Туз «пуллар».** Улуғ рус олимни М. В. Ломоносов асарларида туз тўғрисида қизиқарли фактлар айтиб ўтилади. Шулардан бири: Эфиопияда муштдай-муштдай тўрт бўлак тузга битта қулни алмаштириш мумкинлиги айтилади. Бу воқеа олим яшаган XVIII асрнинг ўрталарида тўғри келади. Тузнинг пул вазифасини ўтаганлигини академик А. Е. Ферсман ҳам тасдиқлайди. Унинг ёзишича Африка қитъясининг туз танқис жойларида бир ҳовуч тузга бир ҳовуч тилла алмаштириш мумкин бўлган, яъни бу воқеа бундан бир аср муқаддам содир бўлган. Ўша кезларда Африкага борган саёҳатчиларнинг ўтишича, туз пул вазифасини ўташи билан бирга туздан пул ясалганлиги тўғрисида ҳам ёзишади. Яъни тузнинг катта кристалларидан эни 5, узунлиги эса 65 сантиметр, оғирлиги 640 грамм келадиган тахтакач қирқиб олиб тўртга бўлинадиган қилиб тайёрланар экан. Мана шундай туз «пуллар» бозорларда харид вазифасини ўтаган, кимга нима керак бўлса бутунлигича ёки бир бўлагини «кирт» этказиб синдириб бериб, олиб кетаверар эканлар. Марко Поло XIII асрда туз «пуллар»нинг қан-

дай тайёрланишларини Хитойга бориб ўз кўзи билат кўрган. Танга тайёрлаш учун сувли идишга туз солиб эрита берар эканлар, намакоб жуда қуйилиб туз эримайдиган бўлганда оловга қўйиб қайнатилар экан. У қайнаб, қуйилиб бамисоли ҳамир ҳолатига келганда, ёнғоқдай-ёнғоқдай зувалачалар ясаб устига император муҳрини босиб, ясси дискалар ҳосил қилинар, сўнгра буларни обдан қизитилган гиштлар юзасига териб маҳсус ўчоқларда қовурилган. Шундан сўнг бу туз «пуллар» худди металдан тангалардай жиринглайдиган ва синмайдиган бўлар экан.

**Қаттиқ нон «пул».** Аляскани кашф қилиш даврида у ерга борган саёҳатчиларнинг маълумотларига қараганда бозордаги олди-сотди муомаласида пул вазифасини қаттиқ нон ўтаетганлигини кўриб ҳайрон қолишади. Но маълум катталиқда қилиб кесилиб, печқада қуритилиб сухари қилинар эканда, бунга ҳоҳлаган нарсани алмаштириб ола берар эканлар.

**Пишлоқ «пул».** Масаллиқ «пуллар» фақат ўтмишдагина эмас, бизнинг асримизда ҳам мавжуддир. Масалаи, Бутан мамлакатида. Бу Ҳимолай тогларининг шарқида жойлашган кичкина қироллик бўлиб, бозорларида пишлоқ пул вазифасини ўтайди. Эндиликда маҳаллий тикчунг деб аталувчи металл тангалар ва Ҳинд руپияси жорий этилган бўлишига қарамай, олди-сотди ишларида маълум катталиқда кесилган пишлоққа ҳам нарса харид қилиш мумкин ёки қофоз пулнинг қайтимиға сотувчи бир бўлак пишлоқ берса, харидор рози бўлиб кетаверади.

**Гуруч, буғдой, майиз, қуртоб, нон «пуллар».** Яна ўрта асрларга қайтамиз, бу энди Ўрта Осиё, хусусан қадимий Ўзбекистонга тааллукли. Маълумки илгари бу ўлкада босқинчиликлар ва ўзаро урушлар кўп бўлиб турган, хон ва сultonлар тез-тез янгиланиб турган. Мана шу воқеалар пул курсининг пастлаб ёки юқорилаб кетишига сабаб бўлган. Шу сабабли баъзи чекка қишлоқ бозорларида пул эталони вазифасини гуруч, буғдой, майиз каби масаллиқлар ўтаган. Мисол учун бирор бирордан зарб қилинган пулдан қарз олди дейлик, бунда томонлар шу пайтда бозорда гуруч ёки майизнинг баҳоси неча пул эканлигини аниқ билиб келишиб олганлар. Яъни қарз берилган пайтда 1 қадоқ гуруч 2 танга, 1 қадоқ майиз эса 1 танга дейлик. Берилган қарз 100 танга бўлса, бунга 50 қадоқ гуруч ёки 100 қадоқ майиз харид қилиш мумкин. Энди маълум вақт ўтиб пулнинг курси ўзгариб қолади ва 1 қадоқ гуруч 10 тангага чиқиб кетади. Бинобарин, қарз-

дөр судхўрга гуруч ёки майизнинг шу пайтдаги баҳоси қанча бўлса ўшанча пул қайтаришга мажбур бўлган, яъни 500 танга. Гуруч ва майиз тортиб бериб бошқа нарсалар олиш ҳам урф бўлган, чунончи 2 қадоқ гуруч ёки 4 қадоқ майизга 1 қадоқ гўшт каби. Ёки тарозининг бир галласига майиз, бир палласига эса буғдой солиб алмаштирилган. Ёинки бирор бирордан буғдой қарз олган бўлса, танга пул ёки майиз бериб қарзидан халос бўлган. Тилимизда ҳануз ҳам «Майиздек қилиб санаб бердимку!», деган ибора юради. Буни қарз берган айтса: «сен мендан қарздорсан» дегани бўлади, энди агар қарздор айтса: «сен билан ора очиқ, қарзни тўллаганман» деган маънени англатади.

Яна «Қуртобдек санадик» деган ибора ҳам бор. Бунинг маъноси бир вақтлар сузмадан ёнғоқ катталигида қилиб юмалатиб офтобда қуртилган қуртоблар ҳам майда чақа вазифасини ўтаганлигидан бир далолатdir. Чунончи баққолдан бирон нарса харид қилинса, зарб қилинган пулга сотилган, аммо кўпинча қайтимиға баққоллар танга-чақа ўрнига бир неча дона қуртоб бериб харидорни рози қилишган. Қизиқ, бу ҳолни Бутандаги қайтимиға пишлоқ бериш одати билан солиштириб кўринг.

Революцияга қадар Ўзбекистон қишлоқларида натуран хўжалик ҳукм сурган. Шунда одамлар ўзига керакли масаллиқни бошқа бирон масаллиққа айирбошлишган. Масалан, 10 дона анжирни 50 дона бодрингга, 1 бош узумни 1 дона нонга ва ҳ. к. Дарвоҷе қадимги Ўзбекистоннинг бъязи жойларида мардикорнинг иш ҳақига нон билан тўлов берилганлиги ҳам маълум. Ишнинг оғиренгиллигига қараб 1 донадан 10 донагача нон берилишига келишиб олинган. Бу одат йўқолиб кетган бўлса ҳам тилимизда «нон топиш» ибораси ҳануз ҳам сақланиб келади; «Бу бола нонини топадиган бўлиб қолди» (вояга етиб қўлидан бирон иш келадиган бўлганлигини англатади). «Нони доим бутун» (кишининг ҳунарга эга эканлигини англатади).

«Уйга битта ҳам нон олиб келмайди» (дангаса, ишламасдан санқиб юради, деган маънода). Ушбу иборалар ноннинг меҳнатга тўлов вазифасини ўтаганлигидан келиб чиққанлигидан ва нон асосий овқат, азиз неъмат эканлигидан далолат беради. Фақат нонгина эмас, буғдой ҳам тўлов вазифасини ўтаганлигини этнографияга оид асарлардан билиб оламиз. Масалан, кулоллар бозорга коса, лаган, кўза, хум-каби идишларни олиб бориб пулга ҳам

сөттар ва буғдойга ҳам алмаштирганлар. Эталони идишнинг сиғими ҳисобланган. Қимга қандай идиш керак бўлса (косами, хумми) ўшани буғдойга тўлдириб тўккан, дон кулолники, идиш эса харидорники бўлиб қолган.

Одамлар ўз меҳнат маҳсулотларини, шу жумладан масаллиқларни қиймат сифатида бир-бири билан айирбошлиш ёки таққослаб иш кўришларининг сабаби нимада экан? Ушбу саволимизга ҳам марксизм илмида жавоб бор. Буюк К. Маркс ўзининг «Капитал» асарида бундай дейди: «Кишилар айирбошлиш чоғида ўзларининг турли маҳсулотларини қиймат сифатида бир-бирига тенглаштиришлари билан ўзларининг турли хилдаги меҳнатларини киши меҳнати сифатида бир-бирига кенглаштирган бўладилар. Улар буни англамасалар ҳам, лекин шундай қиласидилар<sup>1</sup>.

Демак, нарсанинг баҳоси меҳнат билан ўлчаниб, қиймати эса икки шахс ўртасидаги ҳар бирининг ўзига зарур бўлган маҳсулотлар пардасига ўралган муносабатдан иборат бўлар экан. Бинобарин, турли даврларда ва турли ҳалқларда масаллиқлардан пул сифатида фойдаланиш ана шу К. Маркс кашф этган қонуният таъсирида содир бўлганлиги ана энди биз учун равшандир.

### Одамлар номи билан аталган таомлар

Пазандаликда жойларнинг номига қўйилган таомлар жуда кўп, мисол учун москвача пирог, киевча котлет, сибирча чучвара, кавказча кабоб, фарғонача палов, тошкентча норин ва ҳ. к. Агар чет мамлакатларни оладиган бўлсак, мамлакат, шаҳар номлари билан аталадиган овқатлар мингларча. Бизни қизиқтиргани одамлар номи билан аталадиган таомлардир. Сиз «бифштекс», «бифстрагонов», «Сандвичи», «Қатерина печенъеси», «России салати», «Мика Чорба», «Шодибеги палови» каби таомлар номини эшигтан ва танаввул қилган бўлишингиз мумкин, лекин нега бундай аталган деб ўйлаб кўрмаган-сиз албатта. Буни ҳам билиб қўйган яхши. Одамлар номи билан аталишининг асосан икки принципи бор, биринчидан айни таомни тайёрлаган пазанда бошқалариникидан кескин фарқ қиласидиган янги ёки оригинал таом ижод қиласиди. Иккинчидан эса бир тасодиф туфайли таом бинор кимсанинг номи билан аталадиган бўлиб қолади.

<sup>1</sup> К. Маркс. Қапитал, 1-том. «Ўзбекистон» нашриёти, 1983 й. 82-бет.

**Бифштекс**, «биф» дегани инглиз тилида мол гўшти ни англатади. «Штекс», бу немис пазандасининг исми. Штексга қадар ҳеч ким бундай таом тайёрламаган. У мол гўштининг талиқ қисмидан қалинлигини 2—2,5 см келадиган шапалоқдай бўлак кесиб олиб тўқмоқлаб юмaloқ ёки тухумсимон шаклга келтиради, юзига туз ва зираворлар сепиб сариёғда қовуради. Хўранданинг буюртма беришига қараб уч хил усулда қовуради. 1) чала қорилган бифштекс — 7 минут. 2) Ўртacha қовурилган бифштекс — 10 минут. 3) Тўла қовурилган бифштекс — 12 минут.

**Бифстрогонов.** Ўтган асрда москвалик машхур пазандалардан бири Строгонов ижод қилган таом. У мол гўштининг сон қисмидан қалинлиги 2 см келадиган парчалар кесиб олади-да тўқмоқлаб нафислигини 5—7 мм га келтиради. Сўнгра гўшт бўлакларини кўндалангига қараб сомонча усулда, бамисоли норинга тўғрагандек қилиб тўғрайди. Бунинг юзига туз ва зираворлар сепиб сариёғда қовуради ва қаймоқли сардак билан димлайди. Ён бошига каврак қилиб қовурилган картошкадан гарнир қилиб беради.

**Катерина печенъеси.** Магазинларга киргандай печенъе харид қилганда кўрган бўлишнинг керак. Юрак нусха қилиб ясалганлари ҳам бўлади. Бу ўтган асрда яшаган польшалик нонвой Жозеф ижодига мансубдир. Унинг Катерина исмли маъшуқаси бўлиб фалакнинг гардишидан булар қовуша олмайдилар, шунда йигит юрак нусха печенъе ижод этиб, унга Катеринанинг номини беради.

**России салати.** Шу китобнинг «Пазандалик равнақига ажиб қисса қўшган кишилар» номли бобида айтиб ўтилганидек, ушбу салат италиялик композитор Rossini ижодига мансуб бўлиб, «Турне де России» деб аталади.

**Мика чорба ёки аласа чорба.** Бу тўғрида ҳам ўша бобда муттасил ёзилган, яъни бу югославиялик математика профессори Мика Алас ижод этган балиқ шўрвадир.

**Шодибеки палови.** Революцияга қадар Андижон шаҳрининг Тупроқхона маҳалласида истиқомат қилувчи Шодибек пазанда ижод этган паловдир. Тупроқхона маҳалласи азалдан ўзига хос ошпазлар яшайдиган жой бўлган. Улар доим бир-бирлари билан таом тайёрлашда мусобақалашиб туришган, натижада таомларнинг оригинал хиллари ижод этилган.

**Маълумки,** паловга сабзи ҳамма вақт сомонча усулда тўғралади. Шодибек пазанда сабзини кубик, яъни «нў-

хотча» қилиб тўғраб палов дамлайди ва бу ошга нўхат ва беҳи ҳам солади. Пазандаликнинг қоидасига кўра одатда пишириладиган масаллиқларнинг барчаси бир-бирига монанд қилиб тўғралиши керак. Шунга амал қилган Шодибек паловида сабзи ҳам, нўхат ҳам, беҳи ҳам бир хил қатталикда ва ранги ҳам сариқ бир-бирига монанд бўлиб, бу ош жуда чиройли кўринишга ва ажиб лаззатга эга бўлади.

**Сандвичи.** Сандвич ҳам одамнинг исми, лекин у ижодкор ошпаз эмас, қиморбоз бўлган. Париж қаҳвахоналарининг бирида эрталабдан то ярим кечагача қиморбозликка муккасидан кетган бу кимса ўтакетган зиқна, бирорвга бир тийинни ҳам ўтказмайдиган, ҳатто овқатланганда ҳам бошқаларга ҳеч илтифот қилмайдиган қизғанчиқ бўлган экан.

Бир куни карта ўйнаб ўтириб, гўшт еяётса бошқа қиморбозлар унинг таомидан тотиб кўришибди. Сандвич каттағавго кўтарибди. Эртасига у гўшт эмас, қуруқ ноннинг ўзини ебди, индинига ҳам, ҳар куни уч маҳал ошпаз унга икки бўлак нон келтириб берар экан. Қуруқ ноннинг ўзи билан қандай тирикчилик қилаётганини сирини ҳеч ким англай олмабди. Қунлардан бирида ўша ошпаз «Сандвичи, Сандвичи!» — деб қичқириб, бир хил таом сотаётганини ҳамма эшишибди. Бориб қараашса, икки бўлак нафис кесилган нон орасига олинган зираворлар сепиб пиширилган гўштдан иборат таом экан. Шунда ошпаз айтган: «Буни менга Сандвич ўргатди. У иккита картанинг орасига пулни қистириб менга ишора берганда, мен унга икка бўлак нон орасига гўшти қистириб олиб келиб берар эдим».

Бундай таом ҳозир ҳам бор. Буфетларга киргандай пишган тухум, ёки сосиска, ё гўшт, ёхуд котлетни хамирга ўраб пиширилган овқатни кўргандирсиз, ўшанинг номи сандвичdir. Пирожки, сомсалар шундан сўнг ижол этилган.

**Кайзер қўймоғи.** Германия императори Фриц Иосиф Кайзер бир куни ўрмонда ов қилиб юриб адашиб қолади. Юриб елиб ўрмон четига чиққанда ўрмончининг кубасига дуч келади. Очликдан силласи қуриган Кайзер кулбага кира солиб:

— Егулик ниманг бор? — деб сўрайди.

Ўрмончининг хотини қўймоқ пишириб, тўғрамчилаб энди болаларининг олдига қўйиб турган экан.

— Мана бундан бошқа ҳеч нарса йў!, — дейди-да, Кайзерга узатади.

Оч қолган ҳукмдор ҳузур қилиб ейди ва эртасига саройдагиларга ўрмончиникида антиқа таом еганини айтиб мақтанади. Ўрмончи аёлинин саройга чақиритириб келадилар ва ўша овқатдан тайёрлашни буюрадилар. Аёл кўпгина қўймоқ пиширади ва қирол менга нишхўрд берган эканда, деб ўйламасин учун барча бутун қўймоқларни бурдалаб-бурдалаб дастурхонга тортади. Шу-шу бўлади, ҳануз ҳам немисларда дастурхонга бутун эмас, тўғралган қўймоқ тортадилар ва буни улар «Қайзер қўймоги» деб атайдилар.

Мана уни тайёрлаш усули: Сут, тухум, шакар ва ун қўшиб суюқ хамир қилинади. Товада ёғни доғлаб устидан хамирни қўйиб остки томони қизаргунча қовурилади, сўнг ағдариб иккинчи томони ҳам қизартирилади. Кейин иккита вилка ёрдамида қўймоқ бурда-бурда қилиниб қусур-қусур бўлгунча қовурилади.

### Келин танлашга восита бўлган таомлар

**Палов ош.** Маълумки, ҳар бир халқда ота-онани, қариндош-уругни, ёру биродарни, ҳамкасларни, уйига меҳмон бўлиб келган азиз одамларни сийлайдиган шаррафли ва анъанавий таомлари бўлади. Бизда ана шундай таом палов ош ҳисобланади. Палов тайёрлаш технологияси ва рецептни бўйича энг мураккаб таомдир. Агар бўлажак келин ушбу таомни тайёрлашни билар экан, демак 20—25 хил таомни бемалол тайёрлай олади, деган хulosha чиқади. Илгари совчи бўлиб келганларга атаб дамланадиган паловни бўлажак келинчак пиширган, тоқи совчилар бу қизнинг расомадли, чақон, пазанда эканлигини ҳисобга олсинлар.

**Блин.** Рус халқида қадимда келин танлашга восита бўлган таом блин ҳисобланган. Тухум чақиб ийланган суюқ хамирдан товада нафис ва тўғарак шаклда пишириладиган ушбу чалпак қўёшнинг рамзи ҳисобланган. Христианликдан анча илгари кишилар қўёшга сажда қиласидиган байрамларида, айниқса ёшлар тўпланишиб блинхўрлик меҳмондорчиликлари уюстирилган. Мана шу издиҳом қаллиқ танлашга ҳам восита бўлган.

**Боршч.** Украинарда энг шарафли таом бу боршч ҳисобланади. Энди бўлажак келин нечоғли гўзал бўлмасин, унинг боршчни қандай тайёрлай билиши ҳам ҳисобга олинган.

Келган совчиларга боршчни бўлажак келинчак пи-

ширган. Бу таомни кўпни кўрган одамларга мазур қилиш учун қиз уқувли, расамадли, пазанда бўлиши зарурдир.

**Чой.** Маълумки, Ҳиндистонда жуда қадим замонлардан бўён чой ўстириб келинади. Ҳинд чойлари ҳануз ҳам жаҳонга машҳурлигининг гувоҳимиз. Ҳиндулар чойни муқаддас неъмат деб биладилар, унга атаб ривоятлар, ҳикоятлар, шеърлар тўқилган. Ҳинд мутафаккири, шонри ва давлат арбоби Рабиндрнат Тагор чарчаб, асабийлашиб турганда рафиқаси дамлаб берган чойни ичиб туриб илҳоми жўшиб кетади-да, чойни улуғлаб шеър ёзди. Бу шеър ушбу китобдаги «Чой— қувватга бой» номли мақолада келтирилган.

Чой ҳиндулар учун ичимликкина эмас, овқат ҳамдир. Бир пиёла чойдаги қувват бир бурда нонга тенг эканлиги ҳисоблаб чиқилган. Яна чойга улар сут, қаймоқ, ёғ, асал ва бошқа масаллиқлар қўшиб дамлайдиларки, бундай чой дарҳақиқат ичимлик эмас, таомга айланади.

Чой дамлашнинг Ҳиндистонда ўнларча усули бўлиб, Деҳлида ўзгача, Калькуттада бошқача, Мадрасда бўлакча, қўйингки ҳар бир вилоятнинг ўзига хос чой дамлаш қоидалари бор. Ана энди бўлажак келинчакка чой дамлаш қоидаларини билиш шарт қилиб қўйилади.

**Вермишель шўрва.** Италияда макарон, вермишелдан тайёрланадиган таомлар энг шарафли таомлар ҳисобланади. Ушбу масаллиқларнинг ўнларча навлари бўлиб, юзларча таомлар пиширилади, қизларни оиласда ёки маҳсус мактабда вермишель ва макарон таомлари тайёрлашга ўргатишади ва гувоҳномалар беришади. Ана энди никоҳга борганларида қиз ўз гувоҳномасини кўрсатиши шарт. Агар бундай гувоҳнома бўлмаса никоҳдан ўтказилмайди.

**Қимиз.** Қимизни барча қадимий чорвадор халқлар: қозоқлар, қирғизлар, туркманлар ва бошқаларда аёллар ҳам, эркаклар ҳам тайёрлайверади. Монголларда эса бияни соғиб қимиз ивitiши асосан аёллар иши, айниқса турмушга чиқадиган қизлар қимиз тайёрлашни билиб олмоқлари зарур бўлган.

**Маккажўхори таомлари.** Шимолий ва Жанубий Америка қитъаларининг қадимий ёдгорликларини қолдириб кетган ацтек ва майя қабилаларида бўлажак уй бекаси маис (маккажўхори) дан ўнлаб таом тайёрлашни ўрганиб олмоги шарт бўлган.

**Олмали рулет.** Австралияда келинни студеал номли таомни тайёрлай билишларига қараб танлар эканлар. Бу олма солиб тайёрланадиган рулет бўлиб, унинг хами-

ри шундай қорилиши ва ёйилиши зарурки, ранги ва нағислиги Вена қизларининг танасига монанд бўлсин.

**Хурмо ҳолва.** Арабларда хурмо энг муҳим озиқалардан бири ҳисобланади. Дастурхонда доим янги, қоқи қилинган ёки пиширилган хурмо бўлиши шарт. Хурмони данагини олиб ташлаб янчиб, қовурилган ун ва бошқа масаллиқлар қўшиб ҳолва тайёрлайдилар. Бундай ҳолвани силада фақат аёллар тайёрлайдилар, шунинг учун турмушга чиқадиган қиз ўз онасига ва бошқа хотинларга хурмо ҳолва тайёрлаш бўйича имтиҳон топширади. Ун қўшиб тайёрланган хурмо ҳолва фақат физогина эмас, унинг арабларда анъанавий аҳамияти ҳам бор: келинчакни янги хонадонга кузатиб келаётган дугоналари қўлларида хурмо ва буғдой дони олиб келадилар ёки келинчак қадам ранжида қиласидиган хонадон дарвозаси ёнига кўзага тўлдирилган хурмо ёки хурмо ҳолва қўйиб кутиб оладилар. Ҳатто ётоғидаги кўрпа устига ҳам бир сиким буғдой сепиб, бир нечта хурмо ташлаб қўядилар. Нақл қилишларича мана шу одат келинчакка катта баҳт келтирап эмиш. Арабларнинг фикрича хурмодан 100 хил таом тайёрлашни билган уй бекаси энг яхши хотин ҳисобланар экан.

**Бетел.** Бетел овқат эмас, лекин таом ҳазмини енгилаштирадиган сақиҷ бўлиб, тропик мамлакатларда ёввойи ҳолда ўсуви қалампир барги, ёввойи чой, арека хурмосининг меваси, тамаки барги, турли зираворлар ва ниша ўчирилган оҳак қўшиб тайёрланади. Бетел чайнаб юрилса, 15 минут давомида киши кайфиятини яхшилайди, овқат тез ҳазмланади ва ошқозонда кислота кўп бўлса ҳам, оз бўлса ҳам нормал ҳолига келтиради. Бетелга қўшилган гиёҳларда алкалоидлар бўлиб, оҳак уларни рӯёбга чиқаради.

Бетел чайнаш Ҳиндистонда, Вьетнамда, Хитойда, Мелонезида ва барча Шарқий Осиё мамлакатларида урф.

Қизиги шундаки, бетел ҳам Ҳинди-Хитойда келин танлашга восита бўлар экан. Қиз бирон йигитга турмушга чиқмоқчи бўлса унга бетел совға этар экан, бу қизнинг розилик аломати бўлиб, тўйга тайёргарлик кўра бериш мумкин. Вьетнам фольклорида бетел қалампирни билан арека хурмоси бирлиги муҳаббат рамзи ҳисобланар экан. Ривоятларга қараганда чўғдай муҳаббатли икки ёш бир-бирига етишолмай ҳалок бўладилар. Йигит қабридан арека хурмоси униб чиқади; қиз қабридан эса бетел қалампирни ўсиб хурмога чирмашиб мевалари бир-


бирига етишади. Шундай қилиб бетел ҳам муҳаббат рамзи ва келин танлашга восита бўладиган неъматdir.

**Қўймоқ билан сардак.** Францияда келин бўлмиш қиз қўймоқ билан сардак тайёрлашни билиши шарт. Қўймоқ бу тухумни товага чақиб қовуриш. Юзаки қараганда жуда осон бир таом, лекин уни тайёрлаш ғоят масъулнитли: а) серёғ бўлмасин, б) товага чақилган тухум орасига ҳаво кириб пулфак бўлсин, в) сариғи ийланиб кетмасин, г) сира қўймасин, д) қақирмачоқ бўлиб кетмасин ва ҳ. к. Сардак пиширишга келганимизда, бу ҳам мураккаб «Францияда қанча одам бўлса, сардакнинг хили ҳам шунча» деган тушунча бор. Бинобарин қиз турмуш қуришдан олдин ўз рецепти ва технологияси асосида янги хил сардак ижод қила олса, энг яхши келин ҳисобланади.

**Мураббо ва морожний.** Австралия қитъасида тропик мевалар кўп ўсади. Шунинг учун бўлажак уй бекалари ўзларининг пазандалик маҳоратларига шакарни ҳамроҳ қилиб, анвойи мевалардан мурабболар ва морожнйлар тайёрлашни ўрганиб олишлари зарур.

Жаҳондаги турли ҳалқларнинг урф-одатларидан келтирилган ана шу мисоллар пазандаликнинг турмушни мустаҳкамлашда ғоят аҳамияти эканини кўрсатиб туриди. Уй бекаси пазанда бўлса у албатта покиза, чаққон, омилкор, расамадли, борида тежайдиган, йўғида йўндирадиган, үкувли ва меҳмондўст бўлади. Аёлнинг бундай хусусиятлари эркакнинг муҳаббатини янада кучайтиради. Пазанда бўлишлик оила аъзоларининг лаззатли овқатланиб, сиҳат-саломат юришларида ҳам аҳамияти каттадир.

Ана шунинг учун қизларнинг арзанда бўлмай, балки пазанда бўлиб тарбияланишлари уларнинг оилада баҳтили бўлишларига сабаб бўлади.



Ҳурматли китобхон! Мана китобни ўқиб ҳам бўлдингиз, эътибор бергандирсиз, баъзи сарлавҳалар остида ёзилганлар махсус ишланган илмий мақолаларга ўхшаб кетади, баъзилари — шунчаки хабар. Бир хил жойлари ҳикоя тахлит, бадиийликка яқинроқ, бошқа жойлари эса кичик бир лавҳа, холос.

Гап шундаки, ушбу китоб учун зарур фактларни автор узоқ йиллар тўплаб вақти ҳам, жойи ҳам турлича бўлган шароитларда ёзган.

Мазкур китобдан асосий мақсад жаҳон пазандалигида икир-чикир ё мураккаб томонлари борми, буларни баҳоли қудрат ўрганиб, шулар орасидан энг қизиқ фактлар, воқеалар, ҳодисалар, урф ва одатлар олиниб битта китобга жойлаш, ана шулар орқали сизга бир оз билим бериб, мароқ ҳам ато қилиш эди.

Бунга автор эриша олдими ёки йўқми, бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларингизни нашриётга ёзиб юборарсиз деган умиддамиз.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР

- Маркс К. Капитал. т. I, T., «Ўзбекистон» нашриёти, 1983 й.
- Маркс К. Экономические и философские рукописи 1844 года. Госполитиздат. М., 1956 год.
- Маркс К. Энгельс Ф. Танланган асарлар. II том. «Ўзбекистон» нашриёти, Т., 1959 й.
- Маркс К., Энгельс Ф. Уч томлик танланган асарлар. «Ўзбекистон» нашриёти, 1981 й.
- Энгельс Ф. Анти-Дюринг. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1983 йил.
- Энгельс Ф. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. Т., «Ўздавнашр», 1959 й.
- Энгельс Ф. Маймуннинг одамга айланишида меҳнатнинг роли. Уздавнашр, Т., 1956 й.
- Ленин В. И. Материализм ва эмпириокритицизм. Тўла асарлар тўплами, 18- том.
- «СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программаси ва уни амалга ошириш тадбирлари». Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1982 й.
- «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишининг асосий йўналишлари» тўғрисидаги КПСС Марказий Комитетининг қарори. «Совет Узбекистон», 1984 й. 5 январь
- Абу Али иби Сино. Тиб қонуплари, II китоб, УзССР ФАН нашриёти, 1956 й.
- Аль Джахиз. Китоб аль-бухана (книга о скupих), Изд-во «Наука», М., 1965 г.
- Альхасов А. Азербайжон ҳўраклари. Госиздат. Азерб. ССР. Б., 1954 й.
- Алексеев В. П. Становление человечества. Изд-во Политической литературы. М. 1984 г.
- Аминов С. А. Таомхон тоҷики Душанбе, Тоҷикистон давлат нашриёти, 1959 йил.
- Армянская кулинария. Госторгиздат, М., 1960 й.
- Ахматжанов Ю. А Татар ҳалық ашлары. Тат. китоб нашриёти, К., 1960 й.
- Бертельс Е. Э. Авиценна и персидская литература. Изд-во «Наука» М., 1960 год.
- Бинчурин Н. Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Изд. АНССР, Москва, 1958 й.
- Борубаев Т. Қыргыз даамы. «Киргизистан» нашриёти, Ф. 1984 й.
- Вамбери Г. История Бухары и Трансокеании. Издание Я. А. Исакова, С.-Петербург, 1873 г.
- Верзилин Н. Растения в жизни человека. Госдетиздат. Ленинград, 1954 й.
- «Вестник древней истории» № 1 за 1957 г.
- «Вестник древней истории» № 3 за 1948 г.
- Wur Kochen gut. Verlag für die Trau. Leipzig—Berlin, 1956 j.
- Васильев Ф. И. Двести пятьдесят блюд китайской кухни. М. Госторгиздат, 1959.
- Гиергиеvский М. И. и Шемякинский О. С.— Страви украинской кухни, изд-во «Технической литературы». Киев, 1956 г.
- Günther Linde, Heinz Knobloch. Dobrý chut. Bratislava, 1970 j.
- Гюктер Л. и Хайнс К. Приятного аппетита. Изд-во «Пищевая промышленность». М. 1973 г.
- Зайцев В. Б.— Рассказы о рисе. Изд-во «Колос» М. 1980 год.

- Ивашуря Л. И. Сут ва ҳаёт. «Узбекистон» нашриёти, Т., 1977 йил.  
 «Известия АН УзССР», 1955 г. № 2.
- Инайтуллах Қанбу. Бехаре донеш. Изд-во «Восточная литература», М., 1966 год.
- «История народов Узбекистана» т. I, Изд-во АНУзССР, 1950 год.  
 История народов Узбекистана, т. II, Изд-во АН УзССР, 1953 г.  
 История УзССР т. I. — Изд. АН УзССР, 1955 г.
- Иойриш Н. Г. Пчела и медицина. Изд-во «Медицина», Т., 1966 год.
- Калила ва Димна. Бадний адабиёт нашриёти, Т., 1966 йил.
- Қасиманов С. Қазақтың улттық тағамдары. «Қайнар» нашриёти, А. а. 1977 йил.
- Қобуснома. «Уқитувчи» нашриёти, Т., 1968 йил.
- Коллектив авторов. Этнография питания народов стран зарубежной Азии. М. Изд-во «Наука», 1981 г.
- Косвен М. О. Очерки истории первобытной культуры. Москва, «Госполитиздат», 1953 г.
- «Литературная газета» двухлетняя (1842—1844 гг.) подшивка. Фундаментальная библиотека Киевского Государственного Университета им. Т. Г. Шевченко.
- Мадьяр Э. Кулинарное искусство и венгерская кухня. Изд-во «Парония» Будапешт, 1955 г.
- Маҳмудов К. Узбек таомлари. Учичи тўлдирилган нашри, Тошкент, «Узбекистон» нашриёти, 1970 й.
- Маҳмудов К. Узбек овқатларида ишлатиладиган мева ва сабзавотлар. Бирлашган нашриёт. Т., 1958 й.
- Махмудов К. Узбекский плов. Изд-во «Узбекистан» Т., 1979 год.
- Маҳмудов К. Ноң журн. «Гулистон» № 5, 1967.
- Маҳмудов К. Пазанда — таом олими. «Фан ва турмуш» № 3, 1967 йил.
- Маҳмудов К. Пул ўрнига масаллиқ. «Фан ва турмуш» № 11, 1985 й.
- Мудрость веков. (Древняя таджикская медицина о сохранении здоровья). Изд-во «Ирфон» Д. 1981 год.
- «Новый мир». № 9, за 1956 год.
- Петровский К. С. Основы рационального питания. Изд-во «Знание», М., 1966 год.
- Покровский А. А. Беседы о питании. Изд-во «Экономика», М., 1964 г.
- Сандя Марин. Кулинарное искусство и Румынская кухня. Техиздат. Бухарест, 1958 г.
- Смирнова — Ракитина В. А. Абу Али ибн Сино қиссаси. Т., «Ёш гвардия» нашриёти, 1966 й.
- Сўз кўрки — мақол. «Ёш гвардия» нашриёти. Т., 1970 йил.
- Титюнник А. И., Новоженов Ю. М. Советская национальная и зарубежная кухня. Изд-во. «Высшая школа». М., 1977 год.
- Токаров С. П. Этнография народов СССР. Изд-во «Наука», М., 1958 год.
- Ҳасанов Х. Үрта Осиёлик географ сайдёхлар, Т., «Узбекистон» нашриёти, 1964 й.
- Ҳикматуллаев Х. Ибн Синонинг «Юрак дорилари» рисоласи. «Фан» нашриёти, Т., 1966 йил.
- Франке Г., Хаммер К. и Ханалът П. Плоды земли. Изд-во «Мир», М., 1979 год.
- Частный П. М. Национальные блюда казахстана. Госиздат КазССР, Алма-ата, 1962 год.
- Шилов П. И. и Яковлев Т. Н. Справочник по витаминам. Медгиз, М. 1960 год.
- Югославская кухня. Изд-во «Югославия», Белград, 1963 г.
- Юсуф Ҳос Хожиб. Қутадғу билик. «Фан» нашриёти, Т., 1971 йил.

## МУНДАРИЖА

### Муаллифдан

I. Пазандалик санъати . . . . .	7
Пазандалик таърифи . . . . .	7
Оловнинг кашф қилиниши . . . . .	9
Чорвачиликнинг келиб чиқиши . . . . .	11
Деҳқончиликнинг келиб чиқиши . . . . .	13
Қоида, усул ва сирлари кўп соҳа . . . . .	15
Арчиш қоидлари . . . . .	16
Тўғраш усуллари . . . . .	18
Пишириш сирлари . . . . .	32
II. Ноң, туз, палов ва чой тарихи . . . . .	25
Энг азиз ризқи-рўзимиз . . . . .	25
Дараҳтда битган ноңлар . . . . .	25
Буғдой ноңнинг кашф этилиши . . . . .	27
Ноң рамзи . . . . .	29
Бир татим тузу, юз оғиз сўз . . . . .	30
Туз номи билан боғлиқ шаҳарлар . . . . .	31
Туз — муқаддас . . . . .	32
Туз — дори . . . . .	33
Иссик олов, ёғлиқ палов . . . . .	34
Палов тарихи гуручдан бошлиланди . . . . .	36
Шолининг асли ватани қаёр? . . . . .	37
Палов ош — халқижоди . . . . .	40
«Палов ош» — этимологияси халқ афсонасида . . . . .	45
Чой — қуяватга бой . . . . .	48
Чой кимёси ва чой давоси . . . . .	49
Чой тарихи . . . . .	51
III. Масалликлар.., масаллиқлар... тарихлари таърифлари, таъсирлари . . . . .	56
Минг дардга даъво неъмат . . . . .	56
Зайтун ёғининг хосиятлари . . . . .	58
Қуёш куши . . . . .	59
«Ер олмас»нинг тарихи . . . . .	61
Помидор бизга қачон ва қаёқдан келди? . . . . .	63
Шолғомнинг шарофати . . . . .	65

Музқаймоқ тарихи ва таърифи . . . . .	67	Колумб пиширган ловия хўрак . . . . .	134
Илоҳий ичимлик нима? . . . . .	68	Ф. Аппер — консерва кашфиётчиси . . . . .	134
Қора ичимлик тарихи . . . . .	70	«Қўёш гули» мойини ижод қўлган шахс . . . . .	137
Авя, Айва, ҳайва . . . . .	72	Жан-жак Руссо салат ва нозик қўлларнинг қадрига етган . . . . .	139
Пиёз — етти дардга ниёз . . . . .	74	Композитор — пазандা . . . . .	140
Ошқовоқ — қишининг қовуни . . . . .	77	Кавказ кабобининг шуҳратини А. Дюма кўтарган . . . . .	141
Ҳидисиз саримсоқ . . . . .	79	Пазандалик — ҳажвия восита . . . . .	142
Паловнинг жони . . . . .	81	Жаҳон пазандалигининг академиги . . . . .	145
«...Бир туп турп турипти..» . . . . .	84	Жаҳон тарихи ва таърифи . . . . .	146
Сакхара, суххар, шакар, сахар . . . . .	86	Лавлагидан қанд олиш — К. Кирхов кашфиёти . . . . .	149
Сут ва унинг шифолиги . . . . .	87	Кефир ижодкори — Ирина хоним . . . . .	150
Қалампир ва мурч . . . . .	91	«Алифбе» печеньелар . . . . .	153
Сирканинг хисиятлари . . . . .	93	Мика! Сиз ўзи кимсиз? . . . . .	153
Зарчава . . . . .	95	Еленахоним хизматлари . . . . .	154
Қуб шаклидаги тарвузлар . . . . .	95	Сосиска ижодкорининг тақдирি . . . . .	156
Қовун тўғрисида эртаксимон ҳақиқат . . . . .	98	Замонамизининг энг ижодкор пазандаси . . . . .	157
Масаллиқлар имтиҳон топширади. . . . .	100	Пазандалик гроссемейстери . . . . .	160
<b>IV. Антиқа таомлар, лекин дид борасида баҳс этилмайди . . . . .</b>	<b>104</b>	<b>VII. Жаҳон пазандалигидан лавҳалар . . . . .</b>	<b>162</b>
Севимли таом деб . . . . .	104	Табиий қозонлар . . . . .	162
Палағда тухум ва тўнка замбуруғидан овқат . . . . .	107	Рамзий масаллиқлар . . . . .	165
«Ер билан осмон» . . . . .	108	Масаллиқ пуллар . . . . .	175
Қурбақачилик соҳалари . . . . .	109	Одамлар номи билан аталган таомлар . . . . .	179
Қовурилган калтакесаклар . . . . .	111	Келин ташлашга восита бўлган таомлар . . . . .	182
Таомнинг номи «бумиранг» . . . . .	112	Сўнгги сўз . . . . .	186
Лаган стадионидаги матадорлар (тореадорлар) . . . . .	113		
Товуқнинг чап оёғи . . . . .	113		
Шиллик қурт — ноёб таом . . . . .	114		
Балиқхўрлик . . . . .	115		
Қошигани ҳам еса бўлади . . . . .	115		
Пашшанинг ўлигими ёки кишишми? . . . . .	116		
Пиллапўчоқ тамаддиси . . . . .	117		
Овқатнинг лаззати пишлоқ билан . . . . .	117		
Шириниллик шайдолари . . . . .	118		
Қат-қат таом . . . . .	118		
Тўйдирмаса ҳам митти балиқ яхши . . . . .	119		
Сув қандаласи ҳам овқат . . . . .	120		
Тошбақа таом . . . . .	120		
Чигиткахўрлик . . . . .	121		
Хомлигича ея беришади . . . . .	122		
Ёвронхўрлар . . . . .	124		
Қалдирғоч уясидан шўрва . . . . .	125		
Утиния ҳам ювиб . . . . .	125		
Офтоби хон ва қалампир сомса . . . . .	126		
Қон ҳам овқат . . . . .	126		
Ит гўштининг шўрваси . . . . .	127		
Бадойў-у, бадхўр . . . . .	128		
Еб бўлмайдиган масаллиқ йўқ . . . . .	128		
<b>V. Пазандалик равиқига ҳисса қўшган кишилар . . . . .</b>	<b>130</b>		
Пифагор тамаддиси . . . . .	130		
Лармондан макарон келиб чиқишига Марко Поло сабабчи . . . . .	132		